www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

# МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕК

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ЎН ТЎҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,
Шоназар Шоабдураҳмонов, Иззат Султон,
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕК

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ИККИНЧИ ТОМ

ШЕЪРЛАР
1936—1968

ТОШКЕНТ—1975

www.ziyouz.com kutubxonasi

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:
*Наим* ҚАРИМОВ
*Ғаффор* МЎМИНОВ

Масъул муҳаррирлар:
*Ҳомил* ЁҚУБОВ
*Зарифа* САИДНОСИРОВА

А $\frac{70403-358}{355(06)-75}$ 98–75

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШЕЪРЛАР

1936—1968

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАҲОРДА

Гуллардан қадаҳ тутди янга оғочлар,
Май-шуъла оқар нафис пиёлалардан.
Нурларда чайқалуркан ям-яшил сочлар,
Шаффофлик мавжланади шаббодалардан.

Тошларнинг томирига югурди баҳор,
Қалб тошининг шеъридек гул унар тошдан,
Муздан бошпана қилган булоқлар чопар,
Сув эмас, бир ариқ нур оқар қуёшдан.

Ер қабарар кучини қилолмай ҳазм;
Боғчаларда баҳорнинг олтин уйқуси.
Серзавқ қурбақаларда эрта-кеч базм,
Чумоли елкасида мангу қайғуси.

Қўз ёшини дув тўкар оқ булут баъзан,
Баргларда, қиз сочида гавҳарлар порлар.
Теша-кетмонни ташлаб боғбонлар бирдан
Саданинг катта, кўмкўк зонтигин тутар.

Ел ялаб тугатмасдан қишнинг қирмочин,
Ишнинг чанги чиқади далада, қирда.
Уфқдан-уфққача чўзди қулочин
Колхознинг зап уюшқоқ қуввати бирга.

Тердан танга тўкарак оларди чақа,
Энди қазийди улар бахт олтинини,
Қиш қиличи ва очлик қилмас дағ-даға,
Йилда ўтди асрлар оралиғини.

Ҳаёт севинчи ювди меҳнат аччиғин,
Ҳар қалб тўлиб-тошади меҳнат ишқидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тузади қаҳрамонлар шимариб енгин
Коммуна баҳорини тердан, ҳисидан.

Гуллаган гилосларнинг шаффоф сояси,
Тепадан гул барглари эринчак, сокин —
Тўкиларди дафтарга... Шоир илҳоми
Мавжланар: илк баҳор нафаси яқин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПРОМЕТЕЙ[1]

Қалб эмас, бир денгизди — буюк севги, нур
Мавжланарди, тошарди руҳингдек қайноқ.
Манглайингнинг тошида куч, фикр, ғурур —
Ўйилганди, даврлар силолмас ҳеч чоғ.

Инсонликка муҳаббат машъаласини
Қудратли қўлларинг-ла қуёшдан юксак —
Кўтардинг, тангриларнинг ёқиб кинини,
Эркин бошинг билмади асло эгилмак!

Илк бошладинг самога қарши ўчакиш,
Жаҳон тунида чақдинг илк дафъа чақмоқ.
Жасорат алангаси эди бу ёниш,
Кўк ғазабдан силкинди, қақшади олчоқ.

Гавдангни ўраб олди темир илонлар,
Сен михландинг тоғларнинг қояларига...
Бўлолмади қалбингга тангри ҳукмдор,
Ортди яна ғазабинг қуёш ёвига.

Жигарингни юларди қартол тумшуғи,
Изтиробинг тимсолдир кураш, зафарга.
Иродангга тиз чўкди қисмат кўр кучи,
Абадиятга кирдинг ўт ранг саҳар-ла.

Эй, паҳлавон, исёнчи, эрксевар ботир!
Ер босган оёғингни тангри тахтига
Мардлик билан қўяроқ синдирдинг ахир,
Сирларни оча солдинг инсон бахтига.

---

[1] *Прометей,* юнон афсонасига кўра, худодан оловни олиб қочиб, инсонларга келтириб берган ва бунинг учун бош худо (Зевс) томонидан Кавказ тоғларига занжирбанд этилган. У худога қарши курашувчи, инсонпарвар, афсонавий қаҳрамондир. Бу — дунё адабиётида талай шоир ва адиблар томонидан кўрсатилган образдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғururинг қулликнинг мазаллатини,
Исканжасини отиб, керди қанотин.
Эзгувчи қора кучнинг бўлиб душмани,
Ақл ва ироданинг сургандинг отин.

Эй, буюк қалб, исёнкор, кучли нафасинг
Даврлар орасидан ўтди, яшади.
Қақшатди ҳақсизликнинг минглаб тожини
Тарих томирларидан оққан руҳ санинг!

Ердаги тангриларнинг қора қанотин
Ёндириб, наҳра очдинг нурга, баҳорга.
Биз азалги тунларнинг олтин сабоҳин
Ўтдик курашлардан сўнг, мирқиб баҳорга.

Замон океанининг ваҳший мавжлари
Оёқларинг остида ўрмалар хира.
Асл, улуғ бир виқор ила биз сари —
Келасан, ғуруллаган алангалар-ла!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Муштумга сиқилди аччиқ қин — ғазаб,
Ўлимнинг тишига урсанг... Уҳ, қани!
Сассиз қасирғаси ютади қамраб...
Жаҳонда тентирар чирик нафаси!

Бир хабар... Ўлимдан хунук бир хабар,
Қалбимга томади ях томчилари.
Жаҳон севгисидан эшсиз бир асар —
Горькийнинг тинибди қалбининг зарби...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОҚШОМ ЮЛДУЗИ

Чўққилар орқасидан,
Оқшом юлдузи, секин
Чиқиб, кўк ойнасидан
Сузасан гўзал, ёрқин.

Кўнглимга шивирлайсан
Илҳомнинг тили ила.
Лаҳзада шўх учаман
Ҳисларимнинг кафтида.

Кўзим сендан узилмас,
Сендан оқади фусун.
У билан олиб нафас,
Қоламан сенга мафтун.

Бешигимга боққансан
Барглар оралаб ўзинг.
Тумор каби таққансан
Кўксимга олтин кўзинг.

Опамнинг қўлларидан
Сачраб-сачраб қидирдим.
Сени кеч қўлларидан...
Кўрсам — қолармиш йиғим.

Варрагимни баҳорда
Яхши сайр этиш учун
Булутларнинг қоп-қора
Бахмалин тешдинг у кун.

Терак бутоқларига
Илинганда варрагим,
Кўз ёшим қатрасига
Кирдинг, юмаладинг жим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртак тинглаганимда
Бувимнинг оғзидан мен,
Учгандинг ҳисларим-ла,
Киприк орасидан сен!

Мактабим боғчасида
Бир ёз оқшоми сокин
Мен илҳом рўёсида
Тингларкан қалб садосин,

Кечди сатрларимдан
Сенинг сузгун нигоҳинг,
Тўнғич шеърларимда
Енди сеҳрли оҳинг!

Эндигина кеч кирган...
Бир кун мен ва гўзал қиз
Холисда учрашаркан,
Ич тўла ҳисларимиз.

Кўнгилларни уладинг
Бир олтин бўса каби.
Дудоқлардан сачрадинг,
Оташи ёқар ҳали...

Тошар табассуминг-ла,
Уҳ, қанча хотиралар.
Тасвирига тилимда
Ранг йўқдир зарра қадар!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен,
Табассуминг, қуёш, сўнар оҳиста.
Дала ва қирлардан тиниқлик учар,
Сувлар ойнасига шом қора суркар,
Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен.

Қуёш, олтининг чўккандай чўкар севинчим,
Синади ичимда умиднинг тоси;
Қалбимни йиртади унинг садоси.
Юпатмас на хаёл, севги рўёси,
Юрамен, оқшомга сингади изим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Шамол, бир эртак ўқи!
Ўзганда тоғ устидан.
Ичиб булоқ бошидан,
Шамол, бир эртак ўқи!

Арчалар шохидан туш!
Кўк ипакда қил жилва,
Сочларимда гивирла,
Кел, қалбимга шивирла!

Тоғлар рўёсини айт,
Юлдузлар саломин айт,
Шивирла ҳаёт сасин,
Севги дуосини айт.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Адабият ва умр
Сингари оқади сув.
Оқ сочларини уйқу
Силамас бунда бир қур.

Унинг мавжлари урса,
Гунг тошлар тилга кирар.
Ўзидан найин дилбар
Эркаланиб, қутурса.

Тоғдан шўх, шанлик сурар
Аллақайга совғаси.
Қуёшнинг олтин тоси
Кундузи унда сузар...

Олтин узуклар оқар
Ҳар куни ҳарир кўксида.
Жим-жим жимирлаш ила
Янги кунларга чопар.

Яшил ёқаларида
Кезамен кундуз, оқшом.
Ҳовучим қадаҳ ва жом,
Ичамен қона-қона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!
Кўк гулшани дурлар каби порлайди бу оқшом,
Ҳар тоғда-ю, қирда ётади нозли хуш ором,
Дунёдаги кўзлар аро шаҳлосини ёд эт!

Кўксимни эзар ҳажрида қалбимдаги туйғу,
Тепамда қуяр куйини булбул яна шўх, шан.
Гуллар қадаҳин кечки шамол аста тўкаркан,
Ёдимга тушар сен каби дилбар, гўзал орзу.

Ёлғиз кезамен шарқираган сув ёқасинда,
Ёдингни қучиб ўлтирамен тош каби сокин.
Олам қочади, сен кирасен қалбга шу чоғ тин,
Ширингина рўё каби оқшом қорасинда...

Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!
Овозини, шўх созини ҳам нозини ёд эт!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Тепага чиқамен, сойга тушамен,
Ё гаранг тошларга жим суянамен,
Ё булоқ бошида бир чўпон каби
Ясланиб, бир лаҳза ўйга толамен.

Жўшади булоқнинг кумуш ёшлари,
Ҳам мунгли, ҳам ширин жилдирашлар.
Буралиб кўкатлар ичидан чопар
Узилган марварид ярқирашлари.

Кундузнинг шанлиги ҳар ерда улфат,
Ҳар ерда гулларнинг саломи эсар.
Булутлар тепада қўнар бир муддат,
Шуълалар, кўлкалар бирга тентирар.

«Дунёда яшамоқ на гўзал!» — бир сас
Ҳаво олтинида жаранглаб учар.
Узоқ бир ўтовда патефон тинмас,
Орзулар сийнага сиғмасдан тошар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрамен, тошади севинчим,
Бу севинч қаердан — билмайман.
Кечанинг оғуши латиф, жим...
Юлдузлар чамани гуллаган.

Тошлар ҳам, қушлар ҳам ухлайди
Шамоллар учганда еп-енгил.
Ой нури мавжланиб титрайди,
Баргларга киради ширин тил.

Коинот севгиси гул каби
Қалбимда очилар, хаёл — ҳур.
Тўладир севинчнинг қадаҳи
Юлдузлар томчилар олтин нур...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Уни ким таржимон қилиб юборди?
Уни ким докладчи қилди? Мен ҳайрон.
Бир шўразор эмас эди-ку Чимён?
Иккиси зерикиб, доим ҳанграйди.

Жуволдизни қадаб, тоққа миниб чиқ!
Улар бошқа ишга эмасдир лойиқ...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида.
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,
Яноқларни тутиб олтин бўса-чун
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак..
Шамол инжуларни сепар чашмадак,
Бошида бир сават оқ юлдуз-чечак,
Нозик саломлари нақадар маъсум!

Тоғлар ҳавосининг ферузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИР КУНЛИК КЕЗИШДАН

Юрдим, ошдим тепалардан
Тошлардан, жардан...
Қандай зангин, рангдор, порлоқ,
Гўзалдир Ватан!

Чаманларнинг атри ила
Ҳавоси ювуқ.
Оққан сувми ёки инжа,
Чиройли қўшиқ?

Ҳар томонда тўп-тўп арча...
Бағрида уйқу.
Фил тошларни оналарча
Аллалайди у...

Кўлкасига узанаман,
Тўшак — майсадан.
Бу парилар юрти каби
Сирли бир маскан!

Яшил енги билан ҳафиф
Силайди арча.
Қуш бошимда ўқир латиф
Бир-икки парча...

Соясидан сузар жим-жим
Олтин халқалар...
Кирар олиш учун тиним
Шўх шабадалар.

Маъсумгина тикилади
Сузгун бўтакўз.
Кўзларидан ситилади
Томчи-томчи сўз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юрдим, бирдан қор нафаси
Ўпди манглайим...
Ёзда тансиқ қиш меваси...
Тинмас чапагим!

Кафтда тутиб ожиз қишни,
Эслайман шу он
Қаҳри ёрган бир идишни;
Қиш эди полвон.

Ўрмалайман тоғнинг метин,
Чақир танидан.
Шуъла, гул, сув, қор-ла рангин,
Ҳар ёқ музайян.

Илашади ҳар қадамга
Ваҳший бир хатар.
Ҳар нафасга офат тамға —
Урмоқчи бўлар.

Юксаламан... Бошимда зўр,
Барзанг қоялар...
Муаззам тош қўшиққа жўр
Дев чордоналар.

Бири солган оёқларин
Ўпқинга эпчил.
Бири истар: нақ ҳатласин
Ўпқиндан дадил...

Юксалганлар фазо сари
Ҳайбати ила.
Нақ тепадан тортган каби
Чўнг нафасига...

Чўкмиш қасирғалар каби
Чўққилар тип-тик.
Кўк ойнасин чил тешгали
Етмас бир энлик!

Юксалишнинг завқига мен
Тирмашиб маҳкам,
Тоғнинг қотган мавжларидан
Ошаман бардам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоғ ийиган кўкрагини
Тутар лабимга.
Меҳрларнинг энг майини
Сиғмас танимга.

Қирралардан қуёш акси
Сачрайди кескин.
Хил-хил чақнаб тошлар ранги
Ёнади секин...

Узоқликнинг чимилдиғи
Аста сирпанар.
Жимирлайди мовий чинни —
Кенг доиралар...

Чўккалайман, ичаман сув,
Шимаман равоч...
Чечакларда ҳафиф уйқу
Тошга қўйган тож...

Энаман... Тоғ оёғида
Оқшом қаршилар.
Кўрганларим рўёсида
Йўллар тортилар!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Олтин сепкилли қоп-қора кеча...
Қора илиқлик, хушбўй бир нафас —
Секин эсади. Ухлар қир, тепа;
Ариқда оқар нотинч, қора сас.

Гуллар тожини силайди уйқу,
Орзулари жўш урар кўнгилнинг.
Оғочликлардан келди бир «уҳу»;
Шамол шивирлар: келмас, узил минг!

Тугар ҳисларин қора бахмалга.
Юлдузлар жим-жим киприкдан томар.
Тун хушбўй, илиқ; нозли бир палла,
Тоғлар бошида юлдузлар чақнар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Юлдузларнинг рўёсини
Қидираман ҳар кеча.
Хаёлимнинг гўё қини
Бўш туради ҳамиша.

Сочимда оқ, дилда букун
Боликнинг туйғуси —
Жилдирайди билмам нечун
Ё хаёлнинг ўйини?

* *
*

Кўзларимни баҳорга
Очдим ҳаёт сасидан.
Чиқдим масъуд дунёга
Хаёлнинг хуружидан.

* *
*

Кўзларим кўзингга тушди ногаҳон,
Кўнглимда очилди янги бир жаҳон,
Кўзларнинг маъноси бундай бўлурмиш.
Шарҳини қай китоб қилажак баён?



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Бўш куним боғма-боғ кезамен:
Уюшган резавор боғбонлар.
Девор йўқ, «пўшт-пўшт» йўқ. Сезамен —
Иш билан овора жувонлар.

Қўлтиқда Пастернак ё Пушкин,
Ҳисларда учади дилгирлик.
Оёқлар ёзади чигилин,
Ел, қуёш беради тетиклик.

Беданинг кўк ранги мавжланар,
Олмалар қуйилиб гуллаган.
Экинзор, мевазор ва токзор,
Шоҳидай товланар шуъладан.

Ҳар боғча бир тўплам гул каби,
Ҳавоси чайқалган атирга.
Шийпонда ёш она алласи,
Ҳар нафас янги бир манзара.

Ётамен чўзилиб майсада,
Бошимда энг майин гул чодир.
Ер курра сиққандай бағримга,
Фикрлар бир онда тошадир:

Она ер нақадар меҳрибон?
Ҳаммани қалбида ухлатар.
Бир қўл-ла тўйдириб, яшнатар,
Бир қўл-ла ўтказар ўроқдан.

Мингларча бобомдан бир сукут
Қолгандир бағрида эҳтимол.
Қоп-қора уфқда бир булут
Сингари эрийди бемаҳал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўксидан унади баҳорлар,
Сайр этар гул осиб бўйнига.
Сеҳрни билмовчи сеҳргар
Янадан тортади қўйнига.

Ўйлаймен; келарки бир замон;
Суйишган икки ёш далага —
Чиқишар шаҳардан, ойнадан
Гуллардан эсирган ҳавога.

Дўндиқ қиз — фалсафа доктори,
Ёш йигит сайёра йўлида —
Инженер (техника ғурури!),
Юлдузлар тизгини қўлида.

Қувишар бир олтин қўнғизни
Иккиси қувониб боладай.
Кулишдан, севинчдан хинадай
Қизиллик силайди оқ юзни.

Ўтирар қўш мағиз сингари
Файласуф, инженер тепада.
Шеърдан, футболдан ва фанний —
Баҳслардан талашиб масала.

Дасталаб терилган кўп гуллар —
Қоқигул, чучмўма, бинафша.
Ким билан қанча кўз, кўнгиллар
Мазмунин тўпламиш шу даста?

Эҳтимол мен ҳам бор. Мени ҳам —
Ҳидлашар галма-гал икки ёш.
Ҳар баҳор белгисиз соғонам
Гул бўлиб очилса ва қуёш —

Силаса ёмонми? Ўйлаймен:
Юзимда титрама табассум.
Азалдан абадни бўйлаймен,
Гирдобмиш туғилиш ва ўлим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнглимда яшайди икки ёқимтой,
Иккала кўзимда кўзлари чақнар.
Тилим тили ила чиққан сўзимдай
Кўнглимда яшайди икки ёқимтой,
Меҳримда Ўн икки булоқдай қайнар.

Фикримга нур берар Омон ва Бекжон.
Соғинчим кўксимга сиғмаган каби.
Кўзлари — хаёлим бахтига макон.
Фикримнинг йўлдоши — Омон ва Бекжон,
Қалбим-ла тенг урар улар нашъаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дейдиларки, шеър — юлдуз киприги.
Балчиқ йўлни ёрит, деёлмас ҳеч ким.
Ҳаёт қорасида инжа нур ипи.

Дейдиларки, шеър — фақат қуш тили;
Маъносин туяди хассос кўнгиллар.
Ёки у кўр қалбнинг кўз ёш томчиси,
Тошларга томади ё тақар гуллар.

Дейдиларки, шеър ўз мантиқини
Юмшоқ уйқу чоғи олади тушдан.
Қон ва севинч берган ернинг ҳидини
Илҳомлар сўрмади пуч ғурур билан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Юлдузлар чаман-чаман,
Кўз қисади инжа-шан.
Тоғлар оғир уйқуда,
Шўхлик тошади сувда,
Булбул найи синмаган.

Кечанинг қора ипак —
Чодирин елпиб андак,
Шамол ўтади махмур.
Гулларни у қидирур,
Инларда йўқ бўш тўшак.

Оҳангдор сузар жаҳон
Абадиятга томон.
Оқади нашъа тип-тинч,
Сен-да қара, туй севинч,
Қўнмас кўнгилга туман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТОҒ САЙРИ

Ахтариб топганимда Ўн икки булоқ,
Қалбимда ўн икки шеър бирдан жўш урди.
Ҳаммаси шивирлайди сиздек шан, иноқ,
Кўксимга нақ ўн икки баҳор югурди.

Порлоқ ва шан ўн икки кўзнинг ишқида
Кўзларим хийла замон адашиб қолди.
Севинч қайнар, жилдирар соф кумушида,
Ўн икки қиз изидан хаёл йўл солди.

Нурлардан халқачалар оқар, жимирлар,
Тошларда синар майин табассумлари.
Олтин ипга чизилар жонли инжулар,
Бўсадан ҳам шириндир, ич, ютумлари!

Ўн икки пиёланинг ялтироқ мавжи
Тўқинган лабларимда қолар бир умр.
Кўзлари сени ўпган бирон йўловчи
Балки бир чоғ севгимни ҳикоя қилур!

Мен Иппокренани ҳам унутдим ҳозир,
Афсона томиридан оқаверсин у.
Шеърнинг ўн икки қалби бунда тошадир,
Илҳом қадаҳларининг чиройлиси шу.

Ҳар томчисида бутун қуёш бекинган,
Гуллар нафис бошларин эгмиш таъзимкор.
Баргларини варақлаб, шамол тинмасдан
Шивирлар чашмаларга... муҳаббат изҳор...

Чўмилган япроқларнинг сассиз чапаги —
Қўйнида қубба-қубба ёнғоқ юмалар.
Кўкнинг ферузасидан сирпаниб чопар
Ўн икки кўз қаъридан қувноқ нашъаси!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧИМЁНДА БИР КЕЧА

Бир лаҳзада тунни йиртароқ
Асабий чирпинар самода
Оташ илон сингари чақмоқ...
Қийдиради тоғларга ҳола.

Чиқади ҳайбатли қоялар
Олтин тожи ила кечадан...
Ёлғиз бир зум... яна шўнғишар
Қора бир гирдобга дафъатан.

Шамоллар ўзини унутган
Бўкиришар тош ғажигудай.
Бошига ўтовни кийиб, шан,
Истайди булутга сапчигай.

Оғочларда кучли ҳаяжон:
Бир-бирини қучоқлашароқ
Чайқалади бел букиб ҳар ён.
Учиб турар кетма-кет чақмоқ!

Кечани олароқ тоқимга
Савайди шиддатли бир ёмғир.
Томади Пушкинга, сочимга...
Ўтовим кўзидан суюқ нур —

Сингари томчилар пайдар-пай.
Коинот ҳидини фазодан
Келтирар булутнинг инжудай —
Кўз ёши... Буларни севаман.

Тепамда қалдироқ зардаси —
Ёрилгандай етти қат осмон.
Яшиннинг ялтироқ даҳшати
Ғазабин чақади ногиҳон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишлаймен, қалбимда ишқ, севинч
Ўн икки булоқдек жўшади.
Чироғим ҳормаса ишдан ҳеч,
Узилмас табиат ғалваси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГЎЗАЛ ЧИМЁН

Гўзал Чимён, хайр, хайр!
Юрдим қанча эркин, қувноқ,
Қандай севдим сени қалбан,
Кунлар кечди гўзал, нодир.

Кунлар порлоқ кулар ҳар чоғ,
Қалбга сепган ғунчалари —
Хотиралар чаманзори —
Сўлмас, тўкмас битта япроқ...

Етар эди нақ кўксимга
Келганимда чаман бўйи.
Капалаклар, қушлар тўйи
Ҳис қўшарди шўх ҳиссимга.

Ишладим-да, ичдим қимиз,
Сув бўйида ётиб ҳар кун.
Қалб иларди тотли бир ун,
Қушлар сайрар эди ҳушсиз...

Шошқин сувлар — суюқ инжу,
Оқар гўё жонли қўшиқ.
Куйлар ила ҳаво тўлиқ...
Ҳаёт саси ва севинчи!

Чимёнга мен чирмашдим зўр.
Қанча хатар, қанча фараҳ,
Гул ҳидладим, чайнадим ях,
Эндим, янги ҳисларим жўр.

Чўқиштирган қадаҳ каби
Шўх, шод, жаранг эди чоғлар,
Қувонтирди кўзни тоғлар...
На гўзал кўк доираси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узоқ, юксак тепаларда
Ва сиртларда соялар жим —
Тентиради, йўқди тиним,
Қуйиларди шуълаларга...

Волейболдан сўнг кезаркан,
Шамолларнинг сирли саси
Келар эди қир чамани —
Арча қўйни, тепа, жардан...

Дўланалар ичида ой
Кутиб турган бир ёр каби,
Қаршимда нур латофати
Ила чиқар эди мастдай...

Юрдим хаёл қанотида,
Юрагимда ҳислар жўшқин.
Салқин, нафис, ипак бир тун,
Жонли ранглар лавҳасида.

Кўркам, ҳайбат қоялардан
Жимжит оқар эди зар нур.
Оқ шуълалар мавжи зуҳур —
Этар эди узоқ қордан.

Нурда сузар оғочлар ҳам
Заррин барглар орасидан,
Маст булбуллар тўқир девон
(Бир девонки ҳар вақт бир кам!)

Сув ёқаси хуш, дарахтзор...
Етти катта намат қалпоқ,
Етти ўтов, етти чироқ...
Қандай дилбар ва фусункор...

Баъзи тунлар булут қаттиқ
Бўкирди-да, қуйди селлар.
Қутуради ваҳший еллар,
Учаёзди кўрпа-ёстиқ...

Завқ-ла қилдим мен томошо
Чақмоқларнинг илонини,
Оғочларнинг фарёдини. . .
Боқдим, қучдим тотли хулё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ишладим ўтовда жим.
Кўкнинг олтин ғунчалари —
Қулди, сўнди... Тонг шамоли
Келтиради уйқу, тиним..

Пушкин ила ўтов ичи
Ярқиради бутун кеча.
Тотдим унинг сева-сева
Нашъасини ва дардини.

Пушкин эди менга лутфан
Мангу порлоқ фикри ила
Шеърнинг эзгу оташига
Куч ва илҳом бағишлаган...

Айриламен, тоғ ва бўстон!
Хайр, Чимён, шеър ватани,
Пушкинчилар соз маскани!
Кўнглимдасен сен ҳар қачон...

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПУШКИН

Олтин мисраларга нақшланган фикр,
Қалбинг қуёшидан қуюлган туйғу —
Сўнмайди, эй шоир, ўтса юз аср,
Ҳайкалинг сингари чидамли, тунж у.

Тошларни чанг қилиб учирар замон,
Бир учқун йўқотмас шеъринг ёлқини.
Боғчанг бир баҳорга ҳамиша макон,
Севади ҳар кўнгил, ҳар хаёл уни!

Санъатнинг энг юксак чўққи тошидан
Оқди фикрларинг кенг доирага:
Оқ шуъла мавж урган тоғлар бошидан
Гувиллаб отилган соф бир шалола...

Эркин манбалардан эсди илҳоминг,
Ҳислар, кечинмалар тоза ва латиф,
Шўх нозлар, севинчлар куйлаган созинг
Ҳайқирар, чақирар, дам инграр ҳафиф...

Қайғунг ҳам нашъангдай, юлдуздай порлоқ,
Қалбинг оташидай иссиқ ва яқин,
Ёзги ёмғир каби кўз ёшинг қайноқ:
Ювиб, яшнатади қалблар гулшанин.

Ҳаёт, табиатнинг чексиз оҳанги,
Саноқсиз ранги-ла шеъринг ярқирар.
Ҳур, мағрур бошингда шон гулдастаси,
Нурига юлдузлар кўкдан суқланар.

Юксак амалларни этдингараннум,
Қўшиғинг ҳур кўнгил, эркнинг овози!
Ҳайқирдинг, титради кирли тож, зулм,
Итардинг кишансиз ҳур Русияни!



www.ziyouz.com kutubxonasi

У заррин кийимли разил ва олчоқ
Жаллодлар қон томган қўллари ила
Ҳар бир одимингга қўйдилар тузоқ,
Қалбинга санчдилар минг заҳар игна!

Санъат оташидан улар бегона
Кўзларин қоплаган фаҳшнинг дуди.
Сарой юз товланган бир қузғунхона,
Халқнинг кўз ёшлари — унинг ғурури!

Қувилдинг жанубнинг саҳроларига,
Эркин қўшиқларинг қуюлиб, тошди,
Янги гўзалликлар шеъринг торига
Нафис куйлар қуйди, куйинг тоғ ошди...

Кўзингда ёнаркан даҳо қуёши,
Қалбингда куларкан олтин бир баҳор,
Сени эзди қора даврнинг тоши,
Сен кетдинг қолдириб мангу чаманзор...

Нур тўла қадаҳинг ичаркан диллар,
Ҳислар ғунчалайди ва очилади!
Ёрқин илҳоминг-ла қайнар насллар,
Асрдан-асрга нур сочилади.

Ўқиркан, севгинг-ла ёнади кўзлар,
Дилларни тўлдирар баҳор нафаси,
Олтин манбалардан нурланган сўзлар —
Қуйма мисраларнинг жонли нашъаси.

Арктиканинг музи ва қуюқ туни,
Қорли саҳро, денгиз, бўз қир, яйловда,
Шаҳарлар тўлқини, тоғлар чўққиси,
Боғчалар диёри, ҳар ерда шуъла —

Сочади қуёшинг. Эй шоир, сурур —
Ила сени ўқир бу эркин Ватан.
Сен қанча тилларда сайрайсан мағрур,
Созинг юксалажак яна баланд, шан!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУРАШЧИ ИСПАНИЯ ХАЛҚИГА

Бомбалардан қишлоқлар, шаҳарлар олов,
Олов ва кул, зулм, қон — фашизм йўли.
Капиталнинг занжирсиз кўппаги бу ёв,
Сўндирар эркни, нурни унинг кир қўли.

Апельсин боғчаларда тутун ва заҳар,
У бўғади гулларни, ҳаёт сасини.
Бўғиқ бир ҳид-ла тўлиб ёришар саҳар;
Ёв халқ кўксига санчар қон панжасини!

Истайди у меҳнаткаш халққа очлик, ўқ,
Кишан, бўғов, зиндонлар... яна минг зулм!
Ишчи, сен бу илоннинг нақ бошига суқ,
Ёғдир дўл каби ўқни, бўшатма бир зум!

Унинг чиркин нафаси бўғар севинчни,
У йиртқич кезади қон, ёнғин ичида.
У овлайди ҳар ерда халқнинг эркини,
Маъсум кўз ёшлар қайнар унинг изида!

Эркни қўриқлаш учун, чиқди жабҳага
Ҳамма ёқдан йигитлар, қизлар, аёллар.
Окопда навқиронлар, оппоқ соқоллар,
Инсонлик шарафига кўкраклар — қалъа!

Эрксевар халқ кўтарди зўр пўлат муштум,
Пачақланар фашизм чўнг зарбасида.
Топтайди қаҳрамон халқ душманнинг машъум —
Қабрини-да Мадриднинг ёқаларида!

Ишчи, меҳнаткаш элнинг тошди ғазаби,
Бу ғазаб гирдобида ботади душман.
Гурлар дунёга янги тарихнинг саси,
Жангларда туғилажак ҳур, гўзал ватан!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиғмайди сийналарга енгиш ҳаваси,
Қаҳрамонларча ўлиш, мардларча енгиш!
«Юраклар тепар экан, олға интилиш!»—
Долореснинг қалбларга қонун-даъвати!

Генералларни қиринг, эй қаҳрамонлар,
Бу шарафли курашда сизда зафар, шон!
Енгилмас халқ қўшини, олов-бўронлар —
Орасида душманни ёқинг беомон!

Сиз-ла нафас олади илғор кишилик,
Ғалабангиз қалбларга қуяди имон.
Зафар байроғин тикиб, отланинг тетик,
Янги қуёш ва янги машъаллар томон!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАРБ ВА СУЛҲ

Қитъалар уфқида бошланди ёнғин,
Сабоҳи бўронли, қора тун каби.
Юлдузларни қирган қора бир оқим,
Ҳар ёқда қиличнинг ярқироқ дами.

Тинмас урушқоқ руҳ асрлар бўйи,
Бу руҳ — капиталнинг руҳи;
мильонлар —
Суяги устида бошланган тўйи.
(Семиргандир ичиб дарёча қонлар...)

* *
*

Уруш ва истило! Шу эди дардинг!
Ўлжалар қидирдинг ҳар қадамингда.
Халқларнинг бошида ёниб қиличинг,
Қизларнинг сочларин ювдинг қон ила!

Кўзинг қорачиғи бутун дунёни —
Сиғдирмоқчи бўлди. Қонли бир юриш —
Бошладинг. Ўлжалар олов-тўфони —
Ичида ҳирсларинг қилганди хуруж!

Қонлар гирдобига шўнғиб топасен
Тангринг — олтинларни; тўймас ҳамёнинг.
Ҳирснинг қозонига қалбинг соласен,
Қайнайди қоп-қора, мудҳиш имонинг!

Тарихинг тебратди уруш ва босқин,
Жаҳонни силкитдинг неча дафъалар.
Билмайсен виждоннинг жуғрофиясин,
Тузасен, бузасен минглаб қалъалар.

Қаерга урсанг-да кирли панжангни,
Қисасен — қолмайди унда қувват-жон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ваҳшат-ла мос қилдинг ҳийла-найрангни,
Ғаройиб бир махлуқ — исминг ўлармон!

Суяклар устида оч бўриларнинг
Ғажиши асрлар тугамас, ўсар.
Саноқсиз меҳнаткаш, қул, чўриларнинг
Кўксида йиртқичлар тўп-тўфанг сургар.

* *
*

Яшарди оила; иш-куч, бошпана...
Ўчоғида ҳаёт ёнарди сокин.
Мўлчилик, йўқчилик, қайғу ва нашъа
Гоҳ ундай, гоҳ бундай солар соясин.

Эзгу деб биларди меҳнат ишқини,
Ўз юртин, тупрогин суварди жондан.
Қинидан суғуриб занг қиличини,
Ўзгалар ўлкасин у топтамаган.

Мана, она тупроқ худудин душман —
Кечди, ўғриларнинг қонуни ила.
Ҳабаш тупроғидан ирғитиб вулқон,
Кирди «маданият қомуси» ила...

Қолди жўжалари билан бир она.
Эр кетди. Вояга етмаган ўғил.
Ҳатто чидамади мўйсафид бобо:
Қилич-қалқон эски... Фақат мард кўнгил!

Югурди ҳабашлар оч ва пиёда,
Тоғларнинг тошини, чўллар қумини —
Енгди товонлари... Худудга олға —
Югуришди, тинглаб эрк буйруғини!

Юз минглаб ҳабашнинг кўкси нақ қалъа
Олов-бўронларга, тўпларга қарши.
Темир тоғ танкларга урди пешона,
Қонлардан кечурди душманнинг марши!

Ватикан суфлаган бомбавозлардан
Қанчаси айланди ўлим сочароқ.
Мамлакат бўғилди заҳар-газлардан,
Энг маъсум кўзларни ирғитди сиртмоқ!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пулемёт ойларча пишқирди оташ,
Ғалвирдек тешилди Африка кўкси.
Қирди ва қирилди мардларча ҳабаш,
Қузғунларга емди кўзлар илиги!

Қоплади самони йиртқич бир гала,
Кўлкасидан унинг шаҳарлар қотди.
Эпкинидан безгак гуллаган дала,
Ярадор мардликни човут қақшатди.

Оташлар пишқирган энг ваҳший қуюн
Ўтди Африкадан бир бало каби.
Қолди қишлоқлардан бир аччиқ тутун:
Бу ҳабаш суяги, ҳабаш чайласи!

Дўл бўлиб ёғилди кўкдан бомбалар,
Бир дўлки, донаси — бутун жаҳаннам.
Нафасидан унинг ер-тош қовжирар,
Изидан унмайди қайта бир кўклам!

Мақсади: ўлканинг қўр тўла тоғи,
Баракали ерлар, дарё, ўрмони —
Барчаси-барчаси уники бўлсин.
Мана, иштаҳанинг чиркин илони!

* *
*

Қинига кирмайди ҳали қиличи,
Кул ва чўғ ичида мард Ҳабашистон.
Кўксига сиғмайди ғазаби, кини,
Билажак ёв кимдир: олчоқ у душман!

Ҳар қарич тупроғин тишлаб йиқилди,
Меҳрини, қонини оқизди ҳар он.
Фашизм ҳайқирар: ҳабаш енгилди!
Ҳабаш тарихида эса зафар, шон!

* *
*

Жаноб Муссолини қандай маданий!
Ҳабашга кекирди газ, оғу, заҳар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ип эшмас олдида разил қароқчи!
Ташлади бўйнига олов камандлар.

Қизларнинг кўзида қайнайди ёши,
Дилларни синдирди зўрликнинг тоши.
Қичқириқ, фарёдни кўрмайди асло:
Қонга ботиб кетган адолат боши!

Оғзингда кўпирар адолат, ҳуқуқ,
Фалсафий туманлар яратар фикринг.
Сучукдир сайраса аврагич тилинг,
Заҳар-ла, микроб-ла омборинг тўлиқ!

* *
*

Бу тарих билмади ҳақиқий битим,
Ҳар бир сулҳ елпиди янги бир ёнғин.
Кул ва чўл ичинда қиличга таслим —
Ўлкалар тотмишдир сулҳнинг азобин!

Тарихнинг бадани ҳар чоқ ярадор,
Силқитди қонларни изтироб ила.
Урушлар, битимлар фақат фожиа
Бахш этди халқларга, бермади баҳор.

Яна олов девнинг машъум нафаси,
Яна бурқсимоқда бўғувчи тутун.
Яна зирҳланмоқда кўк ферузаси,
Яна ҳаволарда найзалар — тўлқин!

* *
*

Севгига айланмиш мудофааси
Биринчи маршалдан кашшоф қизгача.
Қўллар ва кўнгиллар — унинг қалъаси.
Ёвқур йигитлар бор худудимизда!

Салоҳлар қуйилган иродамиздан,
Қушларимиз қоплар кўкни булутдай.
Бургутдай йигитлар учар шавқ билан,
Мамлакат севгиси — томирларда май!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўкда парвоз қилса лочинларимиз,
Ер силкиб чопганда отлар тўлқини,
Келгуси битимнинг улуғ мазмунин,
Мусиқасин туяр қалбимиз ёлғиз!

У чоғда халқларнинг қўллари тоғлар,
Денгиз, саҳроларни ошароқ баланд,
Мовий қоялари — урушлар, кишан —
Барчасин йиқароқ жипслашар... боғлар.

Томирлар, ҳисларнинг меҳр пўлати
Қалбларнинг тошига нақшланур битим.
Эрк-ла нафас олар инсонлар зоти,
Кўзлар кўзни ўпар, дер: «оғам-иним»!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЛЕНИН

Сузук кўзлар иҳотасига
Тарихлар бир саҳифа каби.
Бир қуёшнинг маҳобатича —
Даҳосининг қилдай шуъласи.
У кўзларнинг таърифи учун
Барча луғат, фикрлар юпун!

Эрк ва меҳнат, нур душманига
Чайқаларди ғазаби тинмай.
Иши, сўзи ёвлар сафида
Портлар эди худди бомбадай.
Ҳар қадамда у ҳадсиз сергак,
Локин туймас зарра қадар шак.

Ўртоқларга унда табассум
Қуёш каби, гул баҳор каби.
Қалбда ҳислар тошди беқўним,
Қалбда жаҳон ишқи ва ғами.
Тўлқинига қоялар ҳам мўрт.
Қалб шундай кенг, қуёш — бир гугурт!

Коинотдир бошнинг мазмуни,
Унда ёнар, қайнарди ҳар чоғ
Фикрларнинг ҳадсиз қуюни;
Сирлар тоши зарбидан пачоқ!
Бу бош — янги тарихнинг боши,
Тунни ёққан унинг зиёси!

Ленин — бу ном жаҳоннинг шони,
Тарихга куч ва янги нафас
Ҳам ҳаётнинг улуғ қуёши,
Дунё тинмас, нури ҳам тинмас.
Бу ном-ладир миллионлаб кўнгил,
Бу ном-ла бош кўтарди ҳар қул.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ленин номи денгизлар ошди,
Ошди тоғлар, саҳроларни ҳам.
Худудларни, уфқни босди —
Масофалар чекилди бир дам.
Инқилобий бўрон, қасирға
Билан кирди бу ном асрга.

Заводларнинг темир қўрғони,
Оч-яланғоч ишчи даҳалар.
Жаҳаннамдай маъданлар кони,
Қишлоқларда миллион кулбалар —
Барчасига бу ном муқаддас, —
Умид, имон ва эркин нафас.

Турли халқлар кўнгли, хаёли
Тўқиди шеър, эртак ва қўшиқ.
Ярқирайди Ленин сиймоси —
Олтин саҳар ўпган бир уфқ.
Қалбдан — шеър, тунж, ипак, мармарга
Кирди ёрқин ранг, шуълаларга...

Кўзлардаги нашъаларда — у,
Унинг руҳи — Ватан баҳори.
Ҳаёт ундан олди онг, туйғу,
Тирилди чўл ва қор диёри.
У бир қўшиқ дунё тургунча,
Янграр ҳар сўз — ўлмас бир ғунча!

Ленин бурди ер жаннатига —
Озод меҳнат гулбоғи сари.
Миллион кўзлар хаёлларида.
Енди диннинг қора сароби,
Ағдарилди мағрур самолар,
Яксон бўлди барча худолар.

Ленин фикри инқилоб, кураш —
Оташида тобланган қат-қат.
Унинг кучи беради чидаш
Оламшумул ишларга беҳад,
Ленин бўлди мазлумлар ёри,
Бутун битди уларнинг зори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўр кучларнинг ўйинларига
Қанча ботир тош каби чўкди.
Замонларнинг қуюнларида
Ленин иши энг баланд чўққи.
Бунда кулар қуёшли жаҳон,
Йиқа олмас ҳеч куч, ҳеч бўрон!

Оммаларнинг тўлқинини у
Юксалтириб Ҳималай каби,
Юракларга ёқиб ўт-туйғу,
Олиб борди курашлар сари!
Омма эди ўнг ва сўл қўли,
Қояларнинг у эди зўри.

Ҳодисанинг теран томири
Яққол эди Ленин фикрига.
Ҳар масала учи, охири
Бирлашарди унинг зеҳнида.
Ҳар чигилни қиларди «алиф»,
Унда ўйлар эди бир синф.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### СЕНИ КЎРДИЛАР

Халқнинг болалари, санъат гуллари
Сени олқишлади, суюкли раҳбар!
Номинг мафтун этган ҳур кўнгиллари
Шарқнинг саломини тақдим этдилар.

Ранго-ранг ва жонли бир даста каби
Ипакка чулғанган шўх қизлар қатор,
Азамат йигитлар — санъат нашъаси,
Ҳаёт қўшиғини қилдилар такрор.

Жаҳоннинг тонгига қуёш элтувчи —
Улуғ Ватан каби булар бахтиёр.
Доҳийнинг диққати ва табассуми
Очди қалбларида тоза бир баҳор.

Хоразм, Фарғона, Тошкент, Самарқанд
Йигит ва қизлари илҳоминг билан —
Ишларди ва сени куйларди баланд,
Куйлари ва меҳнат бирга тўқилган...

Бу қизлар ишингга куй тўқиганлар,
Бу қизлар чекканлар расминг гиламга,
Бу қизлар кўзингда бахт ўқиганлар,
Сени олқишлайди бутун қалб ила.

Қоп-қора кўзларнинг юлдузчалари
Сени кўрган онда порлади бирдан,
Шарқнинг саломини, муҳаббатини
Сенга бағишлади, партия, дилдан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИР БАХТ ТАРИХИ

Ёшлигимдан биламен
Гулбоғ сирини бироз.
Қўшни бўлиб турамен
Ёшлик кезимда ҳар ёз.

Бир оромгоҳ эди бу
Баззоз бойга ёз чоғи.
Қароллар меҳнатидан
Яшнар эди гул боғи.

Катта токзор, саф-қатор
Мевазорлар унда бор.
Илк баҳордан қоргача
Гилам йиғмас кенг гулзор.

Камбағалнинг бир бўйра
Экини қақраб — ҳазон.
Бу боғда сув қўшиғи
Тинмас эди ҳеч қачон...

Қуёш танга тўкмаган,
Гилам ёйиғлик супа,
Шамол бу ерда мастди,
Гулларни қуча-қуча...

Дарахтлар қучоғида
Кумушланарди ҳовуз.
Қизил олмалар сузар,
Чўмилар тунда юлдуз.

Бу ерда норинхўрлар
Баслашиб, хўб ошарди.
Ҳар қайсиси олдида
Бир тоғора бўшарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнг кекириб, пишиллаб,
Тўнка бойлар ётарди...
Пул, савдо, янги хотин
Суҳбатда авж топарди...

Ҳар жума бойваччалар
Келар узоқ-яқиндан —
Ўйнатиб жийрон отин,
Ит ўтмас сўл-соғидан...

Бошланарди зиёфат,
Қабоб бўлар қанча қўй.
Уюлар юзлаб қовун,
Емасанг ҳам барин сўй!

Авжга чиқар маст йиғин,
Шишаларда май тайёр.
Қиморнинг оловини
Қўзғар жинни Алиёр...

Қами бир кеча-кундуз
Тинмасди маст қийқириқ.
Ишратнинг гирдобида
Рўй берар турли қилиқ.

Бир ёзда неча базм,
Ноғора-чирмандалар.
Шовқин-сурон, машъала,
Қокиллар алангалар.

Гоҳо бирон иш билан
Кирардим ичкарига.
Тил тутилиб лол бўлиб.
Ўтмас эдим нарига.

Қиз, келинлар ипакка
Чулғанган бошдан-оёқ.
Кеккайган ва серсавлат
Жувонлар сузгун, қувноқ —

Товусдай йўрғаларди:
— Қайдан келдинг, Таппибой?
Ҳар гал мендан сўрарди
Катта келин Сарвиой...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар нима кулги, мазах,
Имлаб иш битиришар.
Оқсочларда тиним йўқ,
Кул, ис, ўтда елишар...

— Ҳой, Таппибой, қани бўл!
Бир-икки челак сувни
Сепиб юбор! Қарми? Ўл! —
Қичқирар катта буви.

— Таппибойга айтинглар,
Томдан тушириб ўтин,
Ёриб берсин! — минғирлар
Ошхонада бир хотин.

— Ойи, ойи, менга-чи
Тутиб берсин бир чумчуқ, —
Шилқимланиб ғинғиллар
Арзанда Комил-инжиқ,

— Таппи ўлгур, бефаҳм,
Анов толга ирғи, чиқ! —
Дер арзанда онаси. —
— Тез олиб туш бир чумчуқ!

Қани у Сарвиойлар?
Қани инжиқ бойвачча?
Битди гердайган бойлар,
Битди чиркин дабдаба!

Йиллар ўтди, мен яна
Ўсган еримга бордим.
Гулбоғда айландим хўб
Завққа тўлиб юрардим.

У энди колхоз боғи,
Аввалгидан минг обод.
Оғушида яйрайди
Кечаги қуллар озод.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғни Холмат ўртоғим
Қўриб, шунда яшаркан.
Дарахти, ишкомига
Кўп одам қарашаркан.

Саданинг соясида
Ёнбошладик. Табассум
Ва севинчдан қув тўла,
Лаганда олтин узум.

Холматда бола-чақа..
Анча-мунча... Иккиси —
Ҳовузда шўх чўмилар,
Чуғурчиқ қўрир қизи.

Яна бир шўх юмалоқ
Қувлаб юрар қўзини.
Дўстим Холмат ўтмишга
Кўчиради сўзини:

— Эсингдадир, эҳтимол
Бир қарич болаликдан
Пода боқдим, чиқмадим
Зорликдан ва чориқдан...

— Анов-чи, қуш қидириб
Биз тирмашган қайрағоч?!
— Нақ шу, — кулади Холмат,
Таниш ҳар жой, ҳар оғоч...

— Хотиним бригадир,
Ишлашади бир тўда,
Унинг зап участкаси,
Олтиндай иш колхозда.

Онамиз ва синглимиз
(Соч — супурги, қўл — косов),
Эрта ва кеч меҳнатда, —
Бойлар эди беаёв.

Энди бахтли, озод иш
Чеҳраларда табассум...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бойқишлар яйраб қолди
Кўрган эдик кўп зулм... —

Ҳам Холмат кўзларининг
Қуёшига ўтмишдан
Бир зум бир соя тушар
Кўзлар тинар кулишдан...

Тугамас эди суҳбат...
Сўнгра баланд шийпонда
Дўстим қўйди патефон,
Меҳнат, шодлик ҳар ёнда...

Боғнинг латофатига
Янги ранг ва илиқ нур
Қўшарди бу оила...
Гулбоғ гўзал, Холмат ҳур...

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШОИРНИНГ БОЛАЛИГИ

Ҳовлида бир туп олма,
Олма гуллаган оппоқ.
Ўрма сочларда лола:
Қўклам қизларга иноқ.

Ҳавода олтин уйқу
Бир зумда қанот йиғар:
Олма тагида қий-чув,
Анча қизлар тўп ўйнар.

Ёшлари эди ўн уч —
Ўн олти орасида.
Кўнгиллар келмаган дуч
Муҳаббат соясига.

Кўзларнинг гавҳарлари
Тўп-ла ҳамоҳанг ёнар.
Чўзилиб девор сари
Қўшни йигит мўралар...

Қизларнинг она боши
Сақич чайнар, қақилдоқ.
Бурилар юзи, қоши,
Ўйинда сезса чатоқ...

Мен ашаддий шўх бола,
Тўпни чаққон иламан.
Чўққайиб том бошига,
Пастга кўз-кўз қиламан.

Қарғашар, ялинишар...
Опам дер: «Ташла, жоним!»
Тўп қўлимда думалар,
Битар енгил армоним!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшикдан икки хотин
(Бири кампир, бири ёш)
Яширишиб мақсадин,
Қириб келади ёввош...

Қампирнинг шилпиқ кўзи
Қизларни саралайди,
Қайнайди ширин сўзи
Алла кимни сўрайди...

Ёш хотин, киприк сузук,
Айёр табассум ила
Ўйлайди: «Қайси тузук?»
Ва дейди кампирига:

— Оймўма қизлар экан,
Худойим ёрлақаса...
— Қошкиди, жоним билан... —
Қампир сўзи яримта.

Қизлар буралишади,
Қочишар кўлкадек жим.
Ўйноқ копток олади
Думалаб ерда тиним.

Дейман совчига томдан:
— Қелин керакми, хола?
Оқ кўйлакли — Асалхон,
Ану — опам Ойсара...

Шўхликнинг қайноғидан
Бирдан-бир феълим айнар:
Совчилар орқасидан
Қесакларим ғиз учар...

* *
*

Ёшим етти, куз фасли
Бир кун эрталаб онам
Кийдирди янги дўппи:
— Зеҳн қўй, ўқи, болам!

Рўмолда даста кулча,
Бобом кетарди олдин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен шод эдим, кўнгилда
Ҳавас, ҳислар қўзғалди.

Дўқиллатиб ҳассани,
Бобом кетарди олдин.
Чол шивирлар бир дуо,
Сезардим мен шодлигин.

Деди бир таниш киши:
Мулла бўл, баракалла!
Юрагим севиниши
Тошарди ҳар дақиқа...

Юз товушли бир қий-чув,
Ана, мактаб, кирамиз.
«Ассалом!» Сўнгра ўқув
Секинланар, шубҳасиз.

Мактаббачча ҳаммаси
Гўдак, муртли аралаш,
Катта бир уй: қоронғу,
Ис босган, чангли, захкаш.

Ўтиришар похолда,
Кўз шипда, бош чайқашар.
Урушқоқлари салга
Мушт кўрсатиб, дўқ қилар.

Тўрда қариган домла
(Катта салла, кичик бош).
Қурмиш эди чордона,
Оғир, сокин, ер қараш..

Домла кулди, хушовоз —
Гапирди қироат-ла:
— «Алифбе»си учун боз
Йўндирингиз як тахта!

Чўкка тушдим, қизардим,
Ура кетди юрагим.
Кўзларим жовдираган,
Домладан бет бурардим...

— Исми Муҳаммад Мусо,
Тақсир, эти сизники,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Устухони бизники, —
Бобом кетди ҳовлига,

Бир «тахтахон» болага
Бўлдим мен букун шерик.
Уч-тўрт ҳарфни домла —
Ўргатди. «Зеҳнинг тирик!» —

Деркан, севинчим ошди,
Тиз чўкдим мен похолга.
Бошладим дарс ёдлашни,
Қўшилдим мен қаторга.

Товшим барчадан ўзар,
Чайқадим бошни кўпроқ.
Қичқириб тушга қадар,
Ҳордим, бўғилди томоқ.

Лапанглаб домла турди,
Эшикка юрди мағрур.
Бир зум ҳамма қутурди,
Бошланди қий-чув, ур-сур.

Кўр қори, новча халфа
Босолмас тўполонни.
Ерга қоришди салла,
Туртинди, юмаланди.

Мен янги ва тортинчоқ.
Бошимдан икки бола
Сочди похол ва тупроқ,
Чидамадим бу ҳолга...

Бирин ўхшатиб урдим,
Кирдим шовқин-суронга.
Чанг ютдим ва қутурдим,
Қайнадик кир қозонда...

Эшикдан кирди домла,
Афти тириш ғазабдан...
Энтикди, ҳуркди ҳамма,
Юзлар бўздек оқарган...

«Китобхон» тахта ушлар,
«Қуръонхон»да — ҳафтияк



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айқаш-уйқаш чайқашар
Бошларни ҳамма бирдак

Олиб таёқни домла
Ура кетди шақ-шароқ...
Бирон бош, елка, орқа
Қутулмаганди шу чоғ...

Кўр қори халфамизга
Тушиб зарба бесаноқ,
Сўнг унинг елкасида
Тоб бермай синди таёқ.

Қўли билан деди: «Жим!—
Домламиз зарда ила. —
Сенларга қамчин лозим!
Қамчи пули... Эртага —

Келтиринг ўн тийиндан...»
Чувиллаб ўқиш яна
Бошланар ўз изидан,
Тебранар барча калла...

Томоғим қирди, шилди.
Тўрт ҳарф пешингача.
Қорним оч, кўз сиқилди.
Сабоқ маъносиз мунча.

Тонгдан то оқшомгача
Ҳар куни нуқул ёдлаш
Илмдан топмай зарра,
Кўнгиллар бўлурди тош.

Эсиз... о, эсиз умрим,
Уриндим бир неча йил.
Нур кўрмай — сиёҳ дилим,
Болалик бўлди чил-чил...

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИЛК ШЕЪР

Қалбга тушган эди бир нима,
Сезиларди ўзгача бир ҳол.
Бир тўлқин бор эди кўксида,
Қучоғидан айирмас хаёл.

Кўз очаркан чала уйқудан,
Гўзал, ширин, лекин сирли туш —
Сеҳр этарди; мавжли туйғудан
Қутулолмас, у гўё беҳуш.

Деразадан бир йирик юлдуз
Гўё имлар эди кўк сари...
Тонг. Қучса-да қий-чувли кундуз,
Битмас эди хаёл сафари.

Ўзга садо ва ўзга оҳанг
Билан тўла унинг атрофи.
Ҳислари ҳам зангин, ранго-ранг,
Кўзларида сирлар маъноси...

Қор ва шамол, қишнинг базмини
Кўрган эди оқшом майдонда.
Телба, совуқ гирдоб азмини
Кучайтирган, йўқди бир жон-да.

Турарди у... Кучли шамол, қор...
Гўё сезар севинч ва ором,
Гўё кутар у сирли бир ёр —
Шундай сирли кечарди айём...

Нашъа ва ғам — юрак тўлқини,
Ширин эди хаёл, изтироб,
Гўзалликлар қучмишди уни,
Кечинмалар худди ёш шароб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сокин кеча, Бетоб онаси,
Қалбида ҳис, фикрлар лим-лим.
Титрар, ёнар, надир чораси?
Хўрсинди жим ва йиғлади жим.

Қоғоз-қалам олди ногиҳон,
Сўзлар кўз ёш томчиси каби,
Гўё кеча бўлди чароғон,
Қофиянинг кулди чамани...

Завққа тўлиб у ёзди анча,
Қалб парчаси эди ҳар сатр.
Битди илк шеър — бу илк фарзандча,
Сўнг кўкси тинч, кулди ёш шоир!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАШРАБ

Сочлари потила, кўзлари хумор,
Кўзларда сачрайди қора, кучли нур.
Саратон қуёши, қиш изғирини
Ишламиш юзларнинг маъно, сирини...
Давлати — қалб шеъри ва эски танбур.

Кулоҳдан тошарди жингалак сочи,
Мағрур ва кўркамди ҳар качон боши.
Ташир ҳам қиш, ҳам ёз бир кўсқи пўстин
(Унда қолмагандир ямоқсиз ўрин),
Белида каттакон бир нос қовоғи...

Саҳроларни ошар бир шамол каби,
Кеча ҳам кундуздай тутмас пардани.
Оёқлари учун тиканлар майса,
Қумлар оғирлиги унга бир пайса...
Илҳоми ва сози ёлғиз ҳамдами.

Бир ҳовуч сув ютиб тоза чашмадан,
Ясланар тошларга, ёзилар бадан.
Осмонни бир томчи мовий ёш каби
Эритар кўзларнинг жонли оташи;
Тақир тошларда у кўрарди чаман.

Оёғи босмасдан шаҳар қопқасин,
Хабари тўлқиндек тарқарди, локин
Маҳалла, чойхона, такя ва гузар
Минутни соат деб йўлга кўз тутар.
Кўрмаган чизарди шоир сиймосин.

Ана шоир келар... Бир тўда бола —
Унинг орқасидан ажралмас соя.
Кўзлар акс этади, муҳаббат, мароқ,
Уни билиш қийин: гўё жуфти, тоқ
Асрлар кўрмаган ажиб девона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтин танга тутар қандайдир бир зот,
Пичинг ила кулиб, отар шоир бот.
Танга алла қайда жаранглар тошда,
Бундай шираларга қўнади пашша!
Усиз сеҳрлидир, рангиндир ҳаёт...

Тўхтаб у: «Гулхан сол!» — дейди бировга,
Ўзи кўп эпчилдир ўтин қаловга.
Оловни ҳам дудни севади шоир,
Кафтида чўғларни ўйнатар моҳир.
Қуёш жилвасини кўрар оловда.

Мана, чекада у тўлиқ завқ билан,
Каттакон чилимнинг тош тўпписидан
Бир қарич ўт учар, тутунлар — булут...
Қўллари ёқада, баъзи дер: «чулчут!»
Баҳс этар баъзилар шоир сиридан.

Чилим тугар, сўздан созга келар гал,
У қаттиқ чертарак ўқийди ғазал.
Жаранглар ҳавода баланд хуш овоз
Ҳаммаси табиий, унда йўқ пардоз,
Руҳларнинг қаърида ёқади машъал.

Туя миниб келган саҳройи қозоқ,
Косиб ҳам, бўзчи ҳам деҳқон ҳам шу чоғ.
Уни тинглайдилар сукут ичида,
Бошлар рақс этади куй таъсирида,
Сўзларнинг сеҳридан ким бўлар узоқ!

Беқарор девона билмайди қўним,
Кимхобдан аълодир унга жун тўқим.
Сўзи халқни қаттиқ кулдиради гоҳ,
Гоҳо у қалблардан уздиради оҳ;
Дарбадар кезади, ҳар гўша маълум.

Мантиқи тиғидан кесилар чигил,
Мударрис, муллалар — қошида разил,
Мағрур боши билмас асло эгилиш,
Ундан содир бўлган ҳар қилиқ, ҳар иш —
Топади энг чуқур, энг нодир далил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалбаки эътиқод, қалбаки ахлоқ —
Асрлар чириган, сасиган ботқоқ
Ҳеч қачон бўғмади унинг нафасин...
Оппоқ дасторларга тўкиб тувагин,
Исбот қила олар: нақ ундадир ҳақ.

Қочади ҳар ерда кошоналардан,
Шоҳ дўстлар чиркинроқ бегоналардан.
Ис босган кулбада топар ранг, зиё,
Хон қизи бўлолмас ишқига Лайло,
Қидирар қуёшни майхоналардан...

Булутдай кезса халқ ичидан шоир,
Хотираси қуёш каби қоладир.
Кўнгли кўтаргунча ҳар даргоҳ—гулшан,
Билинмас нашъаси, ғами нимадан.
Ҳаёти минг қуроқ бир афсонадир.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙИГИРМА ЁШЛИЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Йигирмада Октябрь ёши...
Эрлар-қизлар уйни тўлдириб
(Октябрнинг бари тенгдоши),
Гурунглашар эди ўлтириб.

Ҳаммаси соғ, ҳаммаси масъуд,
Ҳаммасида улуғ идеаллар.
Йўлларида йўқ туман ё дуд,
Уларда йўқ етим хаёллар.

Севинчларим тошади бирдан,
Замон гўзал ва ёшлар гулдай...
«Бу ҳаётнинг тарихин, — дейман, —
Сиз эшитинг, ҳикоя қилай!»

Йигирма йил бахт бизга жўра,
Йигирма йил қалбларга эш у.
Йигирма йил кўзларда шуъла,
У биз билан бўлажак мангу.

У Лениннинг гўзал фарзанди,
Йигирмага кирган баҳодир.
Қалблар унга муштоқ бўлганди,
Уни севар, унга фидодир.

У яратди Ватанни, бизни,
Зафарларга бир кўрик ясай!
Кўзлардаги севинч-денгизни
Қофияга қандай сиғдирай!?

Хаёлим, уч лочин сингари,
Тонг ёришган уфқларга уч.
Уч тарихлар чўққиси сари,
Қанотингга қўшиб тоза куч!


www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахт ва эркни бизга бахш этган
У кунларнинг нафасин уфур!
Овозаси азалга кетган
Улуғ кунлар тўлқинида юр!

Тараннум эт, шеърим, тоғ ошиб,
Қуйларинг-ла кўнгилларни ёқ.
Баҳор суви билан лим тошиб,
Тўлқинланган дарё каби оқ!

Миллион-миллион ишчи-деҳқон оч,
Хонавайрон эди, саргардон,
Қиш ўрмони каби яланғоч;
Халққа ўлим тўқирди замон:

«Хўжайинга тинмай меҳнат қил,
Тинмай ишла, ўлгунча ҳориб.
Роҳат кўрмай, ёшликдан эгил,
Тўкилавер сарғайиб-оғриб!»

Ишчиларнинг мард болалари
Жабҳаларда қон тўкарди мўл.
Окопларда чирирди бари,
Тўшалганди қон, оловдан йўл.

Тизга қадар қонларда кечиб,
Тиш қайрарди капитал-бўри.
Эт-суякдан олтинлар йиғиб, —
Увларди; халқ эди қул, чўри.

Халқ ғазаби кўтариб тўлқин,
Йиқилган тахт оёқларини —
Парчалашга юрди ўша кун,
Кўкка осиб байроқларини.

Кўчаларга чиқди ҳайқириб
Булут каби халқнинг ғазаби.
Чақмоқ тўла; кўкни титратиб,
Тунни ёқмоқ истар асабий...

Петроград бурқиб қайнарди,
Фикр, ҳислар — қизиган темир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Буюк ҳамла яқинлашарди,
Воқеанинг маъноси -- аср.

Тарих тўқир эди инқилоб —
Ҳаётнинг зўр ижод кучини.
Асрларга янги офтоб
Сочажакди жонбахш нурини.

Ленин — бу ном абадий байроқ,
Ленин — янги тарихнинг боши.
Ленин — ҳаёт китобида тоқ,
Минг қуёшдан нурли даҳоси!

У чақирди солиб ҳайқириқ,
Эрк учун ҳам ҳақиқат учун
Кураш сари! Бу зўр чақириқ —
Ўлмас садо, тарихга якун.

У титратди жаҳон уфқини,
Силкинганди ҳар кўҳна негиз.
У бузди зулм қонли тахтини,
Мазлум халқлар — жўшқин бир денгиз

Тошди денгиз ўз ғururидан,
Жонланганди азалги хаёл.
Кўзлар ёниб Ленин нуридан,
Қалбга кирди умид ва шамол.

Пролетар темир сафлари
Қадамидан гурлади шаҳар.
Қўшиқлари, ёлқин гаплари
Кескин жангдан берарди хабар.

Қуролланган ишчилар қайноқ;
Йиқилган тож; худо хўжайин —
Бари битсин! Ҳур қизил байроқ
Ҳилпиради бошларда ёлқин!

Кўкракда ўқ, қўлларда милтиқ,
Мард матрослар ташларди қадам.
Қонлар жўшар, онг, мақсад тиниқ,
Жангчи кунлар — халқ учун байрам!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фикрлар ҳам қонлар исёнкор;
Асрларнинг кишан, бўғови —
Узиларди чирик, бемадор;
Халқ биларди: ким унинг ёви!

Буюк Ленин — партия боши,
Қалби, ишқи ва нафасидан —
Гурлаб кетди исён оташи,
Ёйиларди зўр тўлқин билан.

Фикр, асаб алангаланган,
Минут сайин исён оташи
Ёйиларди зўр тўлқин билан,
Йўқдир бир куч уни тўсгали.

Қайнар эди Ленин қумғони
Пичанзорда, хатар гўшада.
Ҳал қиларди Ленин даҳоси
Бутун жаҳон ишин илк дафъа!

Бошланганда буюк қўзғолон,
Капиталга, жабрга ҳужум.
Ёрқин, бахтли ҳаётга томон!
Кир ҳаётга — зарба ва зухум!

Кўчаларда ва майдонларда
Пролетар берди қизғин жанг.
Эски дунё нақ шу онларда
Сўнг нафасни оларди аранг.

Большевиклар асаби маҳкам;
Партияда қанча ирода,
Кураш учун ғайрат ва чидам!
Қайноқ кучи ҳар дам зиёда.

Инқилобнинг ёниқ нафаси
Оширарди қалблар қайнашин.
Ишчиларнинг ўқ-найзалари
Ёрди туннинг қора қатламин.

Пролетарнинг чўнг зарбасидан
Қуён каби қочди юнкерлар.
Ёш синфнинг дағдағасидан
Саросима кечаги «шерлар».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нева туннинг қораси билан
Бирга оқар, мудҳиш қарарди.
Мавжларини кесиб бурқиган
Зўр кемалар илдам борарди.

Савар эди шонли «Аврора»
Гумбурлатиб Қишки саройни
Титроқ солди ерга, самога
Ишчи, матрос — ботир оғайни.

Аслзода буржуазия,
Министрлар ва генераллар
Қочишга жой тополмас сира.
Қайга оёқ қўйса чўғ босар...

Ағдарилди мудҳиш бир жаҳон.
Ағдарилди зулм қалъаси.
Ағдарилди чириган зиндон,
Кўтарилди халқнинг елкаси!

Қўлтиғига тиқиб бир халта,
Буржуй турар, қисиб елкасин
Қирқиб солган омонсиз болта
Унинг зийнат, роҳат ҳаётин.

Кечагина: «мен — қувват», дея
Қичқирарди, ғурури ҳадсиз.
Букун эса ўз пальтосида
Гўё эриб кетган у беиз.

Юрагида бўшлиқ гирдоби,
Фақат кўзда ёнарди заҳар.
Гўё ер, кўк, ҳатто худоси
Бир бўшликка жим юмаланар...

Ишчи халққа ҳақиқий байрам,
Иш ва кураш соҳаси чексиз.
Ғайрат, ҳиммат тошган чинакам,
Чин ҳаётга қуярди негиз.

Байроқлари, куйлари баланд,
Озодликни сақламоқ учун —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қилмас очлик, совуқни писанд.
Ботир эди ишчи халқ у кун.

Янчиқ бошин буржуазия
Тўрт томондан кўтарди тағин.
Генераллар истамас сира
Ҳаётга халқ бўлсин хўжайин!

Инқилобни олов халтага
Ўраб бўғмоқ истади душман.
Заводларга, ерга, далага
Қонли панжа урмоқ истаркан.

Меҳнаткаш халқ — буюк баҳодир
Жабҳаларга югурди яна.
Оч, яланғоч; мардликда нодир;
Қор, муз кечди. Душман найзада!

Бургут каби отларда учиб,
Жабҳалардан кечиб жабҳага,
Жанг куйларин қалблардан узиб,
Ўтга кирди мардлар ҳар дафъа.

Қор далалар, қум саҳроларни,
Бўрон каби чангин чиқариб —
Ўтган эрлар ёзди зафарни,
Ёв сафларин чақмоқдай ёриб.

Қизил қўшин — метин; ғазаби —
Қақшатарди душманни чуқур.
Ҳарб тарихи, назарияси
Қила олмас буни тасаввур.

Зирқиратиб генералларни
Қизил аскар қувди ҳар томон.
Ҳар жабҳада шонли зафарни
Қўлга олди мардча тўкиб қон.

Антантанинг дўқи, оқчаси,
Донғи кетган қўшини ожиз.
Халқ шиддати, халқ иродаси
Қаршисида ҳар куч чўкди тиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Партиянинг ва улуғ Ленин —
Даҳоси-ла уйғонган эллар
Қон-ла қурди ўз инқилобин,
Мана, юртда бахт ташир еллар.

Бу бахт ва эрк, қаҳрамон ёшлар,
Кўнгилларга солмиш офтобни!
Зафарларга сизларни бошлар,
Ҳар кун очинг янги бир бобни!

Сизникидир, эй азизларим!
Лим-лим нурга чўмилган ҳаёт!
Мен ҳам қалбим ва шеърларим —
Бағишладим, тақиб зар қанот!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУЁШ ҚЎШИҒИ

Қуёш, нуринг тўка бер мўл-кўл!
Баҳор, кетма бизнинг бошлардан.
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,
Чаман кулсин ҳатто тошлардан!

Ярқирай бер, қуёш — инқилоб!
Бошла янги зафарларга йўл.
Жаҳонларга қиламиз хитоб:
«Абадий бахт берди бизга қўл!»

Севинч тошган, садомиз баланд,
Кўкрак тўла ҳаёт ишқига.
Умид, орзу — баҳорги чаман,
Кечмакдамиз нур денгизига.

Тарихларнинг тун оғушини —
Ёриб, қуёш туғди инсонга.
Инсонларнинг қадим тушини
У кўрсатди рўй-рост жаҳонга!

Меҳнат озод ва қалблар озод,
Бахт, ғурурдан кўкраклар баланд.
Ижод, нашъа кундан-кун зиёд,
Йўқдир орзу булоғига банд!

Ҳаётнинг кар, хасис тошига
Югурди бир сўлим, ёш баҳор.
Муз эриди сувнинг бошида,
Ҳаёт кўрди нур тошқин диёр.

Кўзлардадир ёшлик учқуни,
Хўп ростлаган қаддини инсон.
Муҳтожликнинг золим қуюни
Қилмас энди уни саргардон.

Ижодга бой, тўлғин бир ҳаёт
Бизда очган чаман ёзини.
Фикр, хаёл ёйиб кенг қанот,
Юксалтирар ўз парвозини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учувчи бўл, врач, рассом бўл!
Бизда санъат, ҳикмат — ҳаммаси!
Қандай орзу сари чўзсанг қўл,
Муяссардир гули, меваси!

Эрк ва инсон сингари яшаш
Бизда бўлмиш қонун мазмуни.
Жаҳонларга элтамиз қуёш,
Яшнар бахтнинг ярқироқ куни...

Кишиликнинг минглардча йилдан
Бери тўқиб келган армони —
Тирилди минг гўзал ранг билан
Бекор кетмас ботирлар қони.

Жасоратга солинмас соя,
Фикр ёрқин ва қўллар пишиқ.
Наслимизга қўрқув бегона!
Ватан ишқи, бурч ҳисси тиниқ.

Кремлни қучиб, ўйноқлар
Волганинг шўх, тоза тўлқини.
Ҳаёт ва бахт учун қирғоқлар
Меҳнатимиз очар ҳар куни.

Ватанда кўк ферузасини
Тешган энг бой, юксак тоғлар бор,
Мирқиб эмар кун шуъласини,
Узум, анор тўккан боғлар бор.

Олтин бошоқ қир-далалари,
Қанча ўрмон, дарё ва денгиз.
Яшил гилам — кенг пахтазори —
Ранго-ранг бой мамлакат чексиз...

Яшар, қайнар қишлоқ, шаҳарлар
Яшаради мамлакат юзи.
Ҳар инсоннинг кўнглида кезар
Бахт ташувчи гўзал юлдузи.

Ишлаганга бахт, гул — қучоқда,
Ҳаётда ранг ва зие қуюқ.
Мамлакатнинг қизлари боғда
Куйлашади яйраб бир қўшиқ:



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Йўлдошимиз ою, офтоб,
Бахт очилмиш чаман-чаман,
Қучоқ-қучоқ гул ва китоб
Бағишлади гўзал Ватан...

Шодликларнинг ёш баҳори,
Совурамиз гулдан хирмон.
Шўх жаранглар ёшлик тори,
Бермаймиз ҳеч ёвга омон!

Улуғ Ленин авлодимиз,
У берди бахт, иш ва ҳуқуқ.
Унга куйлар тўқир ҳар қиз,
Куйга тўлсин, сўнгсиз уфқ!»

Фикр, истак, ғайрат ногиҳон
Оқа кетди тошиб қирғоқдан.
Кўтарилди гўёки тўғон,
Тўлиб чопар дарё йироқдан.

Қутулган халқ ишлар, яратар,
Халқ эркининг гўзал, мўл ёзи.
Ер, сув, қонун, давлат унга ёр,
Ҳар улуғ иш — унинг парвози.

Завод, фабрик юксалган мағрур,
Янги фикр, янги бахт, шуҳрат
Барқ уради. На гўзал сурур...
Фикрларда тошади ғайрат!

Бир кафт зўрда олтин тоғ, зийнат...
Халқ суягин ғажиган очлик.
Энди чангал сололмас офат,
Гўрга кирган очлик, муҳтожлик!

Юрт бахт берди ҳатто кўр, карга
Ҳар бир қарич ери, ҳар тоши
Арзир чуқур севги, лапарга,
Жаҳонда йўқ унинг одоши!

Муқаддасдир Ватан ҳавоси,
Унда янграр шўх, эркин қўшиқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тугатилди қуллик балоси
Турмушимиз бой тўкис, тўлиқ.

Заводларда йигитлар илғор,
Пўлат қуйиб, ҳаёт қуради.
Фабрикада қизлар ижодкор,
Озод меҳнат завқин суради.

Қўйнига бахт, эрк қучган кунлар
Китобида ҳеч йўқ қайтариқ.
Янги ҳис-ла туғар саҳарлар,
Кўзларда нур: мақсад, йўл аниқ.

Чегаралар — олов ва темир.
Найзаларнинг учида ёнар —
Тийрак кўзлар. Ёв юраги зир,
Чегарани арслонлар пойлар.

Бутун жаҳон тонги учун биз
Элтмоқдамиз буюк қуёшни.
Ҳар ёвуз куч чўкар, албат, тиз,
Қаршимизда эгажак бошни!

Ватан тўлди бахтга, зафарга,
Ҳар бир қарич ери, ҳар тоши
Арзир чуқур севги, лапарга,
Жаҳонда йўқ унинг тенгдоши.

Ярқирайвер, қуёш — инқилоб!
Бошла янги баҳорларга йўл.
Дунёларга қиламиз хитоб:
«Абадий бахт берди бизга қўл!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУЁШ ЙУЛИ

I

Ўзбекистон — пахта юрти, боғлар диёри,
Ўзбекистон — севинч, гуллар ўсган чаманзор.
Ўзбекистон — гўзал бир юрт, янги мазмуни
Янги зафар тоғларини ошар пурвиқор.

Ўзбекистон тарихига кирди бир қуёш,
Зулмат ўчди, юртни қучди олтин бир баҳор.
Асрлардан бери оққан бир дарё кўзёш
Тинди бутун — кўнгилларда битди оҳу зор.

Умр бўйи мол туёғин кўрмаган одам
Сигир-бузоқ, қўйлар билан оғили тўлган.
Унинг иши ва рўзғори энди мустаҳкам,
Ҳаётнинг зўр гирдобида чирпаниб бўлган...

Бахт қуёши узлиб ерга тушмади ўзи,
Ўзбекистон асрларнинг харобасида
Мардча ишлаб, терлар тўкиб, большевик кўзи
Большевикча кураш эли қуйди зарбида.

II

Нималарни кўрмади бу ўзбек ватани?
Қандай қонли, қандай қўрқинч кунлар кечирган?..
Очиб кўринг тарихидан бир саҳифани:
Халқ бошида фалак оғир тошлар синдирган.

Хонлар, беклар тепди, бўғди асрлар бўйи,
Молин талаб қонин сўриб, эздилар ҳар чоғ.
Евғонини тинч ичса у — бу эди тўйи,
Қашшоқ эди, topолмасди йиртиққа ямоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мулла-имом авраб еди; дин ўргимчаги —
Кўзларини ўраб олди; фикрига заҳар —
Томизганди асрларча диннинг илони,
Елкасида ўйнаб ўтди қонли қамчилар!

Қадри йўқди хотинларнинг бир товуқча ҳам,
«Сочи узун, ақли қисқа»— эр фалсафаси
Шариатнинг тамғасида ўйилган маҳкам...
Нисбий ҳуқуқ, бутун зулм — бу насибаси!

Оқ пошшонинг тўралари, полициялари
Мўйлов бураб, халқ кўксини босиб янчдилар.
Ҳақоратлар, шапалоқлар, ўқ-олов — бари
Ёғилганди; қимирласа — найза санчдилар.

Савдогарлар, мулкдорлар, аллоф-қаллоблар
Ҳар қадамда алдадилар, шилдилар тери.
У туғилди, тақдир битди ёлғиз азоблар,
Халқ насиби: меҳнат, тер ва бир қабр ери.

III

Бутун тарих бўйлаб оққан зулм тўфони
Йўлларига бу инқилоб чекди метин сад.
Парчаланди золимларнинг машъум қалъаси,
Эски дунё, олчоқ дунё қучди гўр-лаҳад.

Россиянинг ишчилари курашди ботир,
Ҳақни талаб этди қалблар, қиличлар дами!
Пролетар тўлқинлари бузди минг қаср,
Яшин чақди жабр кўрган синф ғазаби.

Дунёларни зир титратиб қизғин жангларда,
Янги ҳаёт сари очди ишчилар йўлни.
Очлик, кишан дунёсига бериб чўнг зарба,
Озод халқлар — оға-ини сиқдилар қўлни.

Асирликдан чин қутулди «халқлар турмаси»,
Елкасидан занжирларни улоқтирди у.
Унинг товши зир қақшатди бутун дунёни,
Тарих тоши узра ўйди зафарин мангу.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Зулм тоғин ағдаришга йўл солиб Ленин,
Энг буюк жанг, буюк ҳужум сари бошлади!
Қуёш каби миллионларнинг кураш байроғин
Кремлнинг чўққисига тикди абадий.

Меҳнаткаш эл қаддин ростлаб, қўлига олди —
Мамлакатни; қурди давлат ўз ватанида.
Курашларда жангга, ўққа ўзини солди,
Кўкрагини қалъа қилди ўз душманига.

Қорин бойлар, текинхўрлар чиркин дунёси
Кул-кул бўлди инқилобнинг чўнг зарбасидан.
Кор қилмади тўфанг ўқи, қарғиш-дуоси,
Минг ниқобда жилваланди, тинмади душман.

Лекин ўсди, маҳкамланди бу эркин Ватан,
Пўлат каби тобланилган метин партия.
Тарихдаги тўлқинларнинг чўққиси томон
Миллионларни етаклади зафар, ғалаба!

## IV

Бу инқилоб яксон қилди қуллик, зулматни,
Эски ҳаёт қатламларин қақшатди қаттиқ.
Ҳаётдан у кесди бутун кўҳна иллатни,
Узоқ тунлар тарихида тонг отди тансиқ.

Қишлоқда йўқ исқирт бойлар ва муштумзўрлар,
Далаларга эга колхоз, меҳнаткаш қўли.
Бизда топди ишни, бахтни ҳаттоки кўрлар,
Эркин иш-ла ўчирилди пешона шўри.

Асрлардан тошиб келган кўз ёшлар сели —
Тинган; халқнинг севинчлари кўзларда қайнар
Ҳаёт кўксин кемирмайди йўқсиллик ели,
Бир парча нон қайғусидан чекилмас оҳ-зор.

Далаларнинг ўчган энди оғир уйқуси,
Тракторлар гувиллайди, қазийди олтин.
Гул сингари очиладир ўлканинг юзи,
Қўллар, қалблар яшнатади пахта чаманин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўрилардек хор қилинган қизлар, аёллар
Заводларда, далаларда, дорилфунунда
Кетмон чопар, кўкда учар, идора қилар,
Фан-техника ва санъатда ошар ҳар кунда.

Кеча чўри, кеча чўпон, кеча чорикор
Бўлган инсон бугун довруғ солар жаҳонга.
Фанлар кўзи кўролмаган чўққига чопар,
Мўжизалар яратади шонли замона.

Хон қамчини баданларда чақин ёндирган,
Фақир, забун Хоразмнинг бахти очилди.
Тарихига илк дафъа кўклам югурган,
Музни ёриб, дарё каби қайнаб отилди.

Бухорои шариф деган зулмат қўрғони,
Аблаҳ хонлар, беклар, қора уламо
Панжасида зир қақшаган қуллар диёри
Самосида энди эркин ўйнайди зиё.

Фарғона бир гулга тўлган, гуллаган водий,
Ипак, момиқ, кумуш гуллар зумрад кўксида
Балқиб ётар; дилдан ўчмиш жаннатнинг ёди,
Эркин Ватан, обод Ватан бахт оғушида.

## V

Саводхонлар бизда бурун ғоят оз эди,
«Қишлоқилар» мактаб кўрмас, босарди бармоқ.
Мактабларда дин-афсона чайналар эди,
Мадрасада дарс айтарди кўкнори аҳмоқ!

Энди бутун Ўзбекистон — бир буюк мактаб,
Ўқир барча эр-аёллар, ўқир ёш-қари.
Илм, санъат чанқоқлигин қондирар ҳар лаб,
Айта берсанг адо бўлмас зафар дафтари.

Асрларнинг тунин ёқди маориф нури,
Ёш ва қари ўқир шавқ-ла қишлоқ-шаҳарда.
Кўнгилларга қуёш очган урфон машъали,
Гўзал, тоза мактабларнинг мўлдир унуми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фаннинг ўткир кўзлари-ла кўриб олисроқ,
Хаёлларга сиғмас уним берган қаҳрамон.
Азаматлар юрти мангу бахт учун ўчоқ,
Далалари, қишлоқлари-туташ бир бўстон.

Жин чироғлар юмди мангу хира кўзларин,
Ярқирайди бахтимиздек Ильич лампаси.
Радиодан гўзаллик ва ҳаёт сўзларин —
Тинглайдилар; ўқийдилар оқшом чоғлари.

Ўзбек халқи техниканинг сирига кирди,
Эгаллади машинанинг ишини пишиқ.
Беданани гудокларга у алмаштирди,
Машинанинг ишқи тушди қалбига иссиқ.

Самарқандда илм қайнар... Дорилфунунлар...
Фанни қамрар Улуғбекнинг набиралари.
Кетмон, гаврон, ўроқ тутган чориғ бўғинлар
Ясайди энг нозик, қийин тажрибаларни.

Кундан-кунга гуллар илм, санъат ҳаёти,
Биздан чиқди агрономлар ва инженерлар.
Врачлар бор-битди энди куф-суф балоси,
Ҳар соҳада етишмакда билимдон эрлар.

Завод-фабрик-тоғ гавдалар юксалди мағрур.
Янги фикр, янги одам, янги бахт, шуҳрат
Қуйилади ҳар дақиқа. На гўзал сурур!
Кўнгилларда, фикрларда тошади ғайрат.

Чирчиқ бўйлаб қурилишнинг янграр наъраси,
Қудратимиз қояларни чўкдиради тиз.
Тиз чўкдирдик ваҳший сувлар азаматини,
Жасур ишлар завқин сурган, сура олган биз!

Барпо қилдик Текстилни халқ ясансин, деб,
Фабрикалар, ишхоналар қурдик бир талай.
Кечагина бўз кийганлар ипак товланиб,
Атласларга қониққунча беланиб олгай!

## VI

Яшнамоқда чаман боғлар ва хиёбонлар,
Тиккаймоқда зўр бинолар — гўзал ва кўркам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қувонч ила, соғлиқ ила қайнар майдонлар,
Ишлаш, яшаш севгисини тотмоқда одам!

Тоғларимиз кўксин ёриб, хазинасини
Очиб олдик; курашларда тошни қилдик чанг.
Изга солдик ерларимиз ҳар қаричини,
Юртимизга ҳар кун бердик бошқача бир ранг.

Қурт тутамиз; ҳосилимиз йилдан-йил мўл-кўл,
Ҳаётимиз ипакланар ҳар йил рангба-ранг,
Орзуларни қопламайди бизда энди занг,
Қудратимиз қаршисида очилар ҳар йўл.

Дирдов ҳўкиз, омочга зор бўлган деҳқонлар
Колхозларда озод ва шод ҳайдар трактор.
Қувонч, меҳнат завқи билан кўп Тожихонлар
Куйлайдилар ёрқин, бахтли замонга доир.

Пахтакорлар ўзиб ўтди фанлар маррасин,
Рекордларнинг чўққисига минди ботирлар,
Биз ундирдик устодларнинг тажрибаларин,
Йилдан-йилга янги довон ошаётирлар.

Қуёшнинг нур ёмғирига чўмган боғчалар,
Узум, анжир, анорлари хил-хил товланган.
Бир сават гул каби гўзал энг шан боғчалар
Бизнинг меҳнат ила унган, чақнаб ясанган.

Қандай тўла, қандай тошқин кунлар мазмуни,
Ғайрат, умид, севинч ила терлаган кунлар.
Қаҳрамонлар буюк ишлар берар ҳар зуми,
Юксалади ҳар томондан мардларча унлар.

Ҳаёт энди аччиқ эмас. У қандай гўзал!
Баҳор завқи, қуёш нури ила чайқалган.
Озод меҳнат ва юксалиш, севги ва амал
Янги ҳаёт томирига шўх, ёш руҳ солган.

VII

Юртимизда барча халқлар жонажон улфат,
Адоватнинг қон томири бутун қирқилган.
Ҳар хил тилда юксалади бир қўшиқ фақат,
Коммунизм ишқи ила қалблар урар шан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш наслга қараб дейсан: «Йигитнинг гули!»
Оталарга боқиб, меҳр тошади дилдан.
Ҳаммаси ҳам инқилобнинг гўзал биллури,
Мардлар ила тўлиб ётар бизнинг ҳур Ватан!

Етишгандир бизда минглаб аскар, командир.
Халқнинг шонли ўғиллари, ботир қизлари
Юрт қуришга, шон олишга ҳар замон қодир.
Тупроғимиз ифлос қилмас ёвнинг излари.

Николайнинг қон ялаган генераллари
Пичоқни ҳам эп кўрмасди ўзбек йигитга.
Ярим-метр мўйловини бураб биз сари,
Кибр билан ҳисобларди бизни чиқитга.

Аскар бўлиш — йигитлар-чун мардлик, ифтихор,
Муқаддас бир туйғу, севги каби ёнадир.
Қалбларимиз чақириққа ҳар вақт интизор,
Азиз Ватан севгисида юз минглаб ботир.

Ўзбекистон — нишондорлар ва баҳодирлар,
Езувчилар диёрига айланган Ватан.
Ҳар бурчакда иш, куч қайнар, яшнар чўл-қирлар,
Коммунизм илк баҳори очган бир гулшан.

Салом сенга, эй большевик темир партия!
Инқилоблар ёнғинида тобланган, жаҳон —
Бўронларин, душманларин ботирлик ила
Босиб, енгиб қалдиратган буюк қаҳрамон!

Яратилган янги жаҳон руҳи, маэмуни
Бу — Ленинннинг кўзларининг бир учқунидир.
Қари тарих — бу умрнинг содда кунидир,
Келажакнинг баҳоридир ҳар табассуми.

Фикр самосидаги бу даҳо маёғи —
Абадият чексизлигин ёритган бир нур.
Буюк Ленин ўзи тиккан ҳаёт байроғи
Ленинизм байроғидек мустаҳкам, мағрур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА

Кишанлари синдирилган ҳур Ватан
Олтин билан ёзди улуғ зафарни.
Янги қонун очар заррин саҳарни,
Халққа баҳор очилар бу ғунчадан.
Қай диёрда бунчалик эрк, нур, чаман?

Ишга ҳуқуқ, фанга ҳуқуқ, кенг қонун
Кўнгилларга кирар гўзал лапардай.
Тарихда бу янги қуёш порлагай,
Қаҳрамонлар юртига мос тенг қонун,
Қай диёрда ҳаёт яшнар баҳордай?

Юрт отаси — Партиядан армуғон,
Бу — даҳоси гулшанидан гулдаста.
Кўзлар ёниб, севинч тошди сийнада,
Бахт ипаги мўл тўшалган ҳур замон.
Партия — бахт, эрк қуёши, бўл омон!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## САЙЛОВ

Замонларнинг қора қуюни —
Тўлқинларин титинг мукаммал.
Тарихларнинг қалин булути —
Орасидан ўтсангиз дангал, —

Тополмайсиз шундай кунни сиз!
Эски тарих буни тасаввур
Қила олган эмасди ҳаргиз.
Эртакка ҳам кирмаган бу нур.

Содда тилда «кун» деймиз буни,
Ҳақиқатда улуғ тарих бу.
Китобларга сиғмас мазмуни,
Асрларга бўлажак ўқув...

Бундай кунни кўрмаган қуёш,
Чексиз дафъа айланиб ер ҳам
Туғдирмаган унга бир тенгдош,
Даҳоси минг қуёшдан кўркам.

Улуғ ота — Партия бизга
Бахш этди, бу — унинг даҳоси.
Куч ва умид юрагимизга
Берар унинг ақл дарёси.

Юрт баҳори — офтобидан,
Чаманзорлар ундан ҳадядир.
Қувонч тўйлар — меҳнатимиздан,
Унга меҳр бениҳоядир.

Кўкка осиб янги қуёшлар,
Нурлантирар жаҳон кечасин.
Ҳар зафарга у бизни бошлар,
Эзиб шубҳа, ваҳм қоясин...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз кучига ишонган озод
Халқлар чиқар сайловга букун.
Кечагидан эрта бахт зиёд,
Кучаяди интилган тўлқин.

Ишда, жангда, курашда пишган
Мард ўртоқлар — халқ гавҳарлари
Сайланади зўр ишонч билан,
Бошда буюк халқ раҳбарлари!

Бу чин тенглик, чин эрк, чин сайлов!
Бунда йўқдир алдаш, алданиш,
Зар кучимас бу қалбдан олов,
Бу зафардан, ишқдан намойиш!

Жаҳоншумул ғалабаларга
Бошлагувчи бу қудрат тўлқин
Қўҳна дунё бошига зарба,
Саросима, қалдироқ, қуюн!

Наслларга бу куннинг саси
Етилажак гурлаб, албатта.
Қиражакдир букун нафаси
Шон-шуҳрат-ла абадиятга.

Курашларда туғилган мўл ёз,
Меваларин узар ҳур инсон.
Бу Ватанни қанча севсак оз!
Ҳар қаричи бизга бир жаҳон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАНАЛДА

Тепалардан ойнинг кумуши
Мўралайди қувноқ сайилга.
Кундузнинг шўх, азамат иши
Янграр эди қўшиқда, қилда...

«Дўст» тортади каналчи шовоз,
Ёғилади аскиялар ҳам.
Қўшиқлар кўп, юксалади соз.
Канал базми яшнайди кўркам.

Қайдан бир куй учди дафъатан,
Инсонми, йўқ, дунё ҳам тинди.
Юмалайди ой ҳам тепадан,
Кўнгиллар то ичдан силкинди!

Халқдек чуқур, халқдек маънодор,
Халқ сингари самимий, содда,
Қуёш каби ерга вафодор
Бир қўшиқки, у ҳар зум ёдда:
«Бахтимизга омон бўлгил, Ватаним!»

Ҳар оғизда янграйди бу сўз,
Ҳар дил тўлган меҳрига лим-лим.
Юлдузланар бу сўздан ҳар кўз,
Маъносидир ҳикмат ва билим.

Юракларда унинг машъали,
Кетмон баргдай қўлларда енгил,
Завқ берар лўм, шоир қалами,
Тош тепалар сачрайди чил-чил.

Ҳар каналчи қўлида ёнар
Кремлнинг улуғ қудрати.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Зарбасидан метин чарсиллар,
Ишнинг ошар сафоси, тоти!

Учқурғондан Конибодомга
Ҳатлар севинч ва иш тўлқини.
Осмон — фақат зангори жомча,
Сиғмас шовқин, сиғмас халқ куйи.

Кетмонлардан ҳавода чақмоқ,
Аравалар қанотлангандай.
Тош чақилар — ғалвирак ёнғоқ,
Бунда ҳар зум азиздир жондай.

Илҳомланиб, қувониб, ёниб,
Халқ сакрайди тоғдан, тўлқиндан.
Дарёларни тундан ағдариб,
Оқизади қайноқ, шан кундан.

Чопар Норин зўр сурон билан,
Гўё судрар чиққан тоғни ҳам.
Уролмади тарих бир кишан,
Биз панжага оламиз илдам:

Ленин берди халқнинг истагин
Илҳомининг эпкини билан.
Қийиқ дарё эрта ё индин
Гуриллайди янги соҳилдан.

Мавжларига халқ бўлур ҳоким,
Тақир саҳро кияр кўк бахмал.
Юртга қувонч элтади оқим;
Ойда минг йил чигаллари ҳал:
«Бахтимизга омон бўлгил, Ватаним!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАНАЛ БОШИДА

Бу ерлардан оқади мўл сув,
Йўқ, оқади асрлар бўйи
Халқ кўнглида мавжланган орзу,
Даштга оқар ҳаётнинг тўйи.

Бу ерлардан лим-лим сув оқар,
Қоқ ер анов қизнинг атласи —
Сингари шўх чаманлар очар,
Юракларга қўнар нашъаси.

Ҳар ариғи бир қишлоқ тузар,
Чўлда ўчоқ, олов ва алла.
Кўп болалар, йигит-қизчалар
Қирғоқларда ўйнар ҳар палла.

Шарқирайди далага сувлар...
Пахтакорнинг қувончини кўр.
Ернинг мудроқ очилар гуллар
Кун етарли нур берарми? — сўр.

Қўшиқ оқар Ватанга мангу
Қирғоқ бўйлаб бахтнинг тўлқини.
Уринг кетмон, тош, ер тутуни —
Кўкни тутсин, шарқирасин сув!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШОДИЁНА

Ватан ҳаётига сув худди қон каби,
Қонлар эмас, тириклик учун жон каби.
Эл қувончи, ер хусни сув билан чақнар,
Сув бўлмаса, кўнгилда ғам тўғон каби.

Ариқларда сув чопса гуллайди кўклам,
Кўк бахмалдай товланар, боғ-бўстонлар ҳам,
Даламизда юлдуздай пахталар чаман,
Мўллик-жўллик сув билан ташлайди қадам.

Лекин халқ чанқоқлиги бепоён бўлди,
Минг йиллардир сув катта дард, армон бўлди.
Сув ўрнига чўлларда халқ кўрди сароб,
Сув йўлида қора куч тоғ-довон бўлди.

Сувга чанг солган эди хонлар, хоқонлар,
Панжаларидан оқди ариқлаб қонлар.
Кўз ёши-ла зар оқди хазиналарга,
Тахтнинг зулми кучига манба: тўғонлар!

Сув бошида кент қуриб, кайф сурди ноён,
Базмидан чоғир қизлар узилмас бир он.
Зўравонлар дастидан сувга бўлиб зор,
Тархон ерини сурди минглаб қул-деҳқон.

Камбағалдан шилинди анча бемиқдор,
Сўнгги товуқни сотиб берди умидвор.
Лекин сув оқди бой, бек, эшон қовзига,
Камбағалнинг кўзида абри навбаҳор.

**Камбағалнинг кўнглини нолон қилди сув,**
**Умид-орзуларини вайрон қилди сув,**



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёз ишлади, тер қуйди ялонғоч, шоввоз,
Экин—жизғин, ҳирмон—бўш; сарсон қилди сув.

Уруғ-аймоқ бўғишди сув тепасида.
Сувми? Ҳеч ким тушунмас ўз шевасига:
Ғазаб — чақин; қилич — қон, анҳорларда сув
Тошди қирғоқларидан қон ича-ича.

Халқ: «Сув!» деди-да, чиқди Туя тортарга,
Ишлади кун тиғида, ёмғирда, қорда.
Очлик, совуқ ва минг бир жафога кўнди,
Қанча кўзни чўқиди бу чўлда қарға!

«Осмон узоқ, ер қаттиқ»,— дер халқ у замон,
Истарки, дарёларни эмсин биёбон.
Сув ағдаришга чиқди, қудрат етмади,
Суягин даштга тўкди — Ҳалим қаҳрамон!

Ўн саккиз йил бу ерда қолди бир ботир,
Кунларнинг ваҳимаси бир-бирдан оғир.
Кетмон уриб жанг қилди чўл билан танҳо,
Ёстиғи, тўшаги — тош, лекин дил нодир.

«Осий» қишлоқ, шаҳарни қон этди қамал,
Сув йўлига сад солди, ҳаёт поймол.
«Қатра сув!» деб инсонлар қиличга таслим,
Қамал ташналигини сўзлашга тил лол!

Ҳо-дарвеш саҳросида бўрон қутурди,
Гирдобига чирмади, минг жон супурди.
Қумликларда сафарлар бўлди зўр хатар,
Ҳар чўлда бало, ўлим сояси юрди.

Чингиз келди — қонлардан осмон қизарди,
Тинтув қилди, оналар қорнини ёрди.
Лекин фалокатларнинг авжи эди бу:
Яксон этилди бутун сув томирлари.

Илдизи қўпорилган дарахтми гуллар,
Қовжиради, йиқилди обод бир шаҳар.
Боғчалардан баҳорни қувиб чиқди куз,
Бир қиёмат даҳшати кезди сарбасар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўкка кўз тикиб эллар интизор ҳар кун,
Бир томчи ёмғир учун орзулар қуюн.
Қурғоқчилик!.. Диллардан гўё кўчар жон,
Деҳқоннинг, чорвачининг юраги — тутун!

Булутлар йиғламайди, халқ кўзи — булоқ,
Ёмғир! Ёмғир! Ёғин йўқ. Кўса-қир чанқоқ.
Мисдай қизиб ҳансирар кун ёнғинидан,
Экинлар қириндидай қақшоқ, қовжироқ.

Шунда соҳир-ядачи учар тепага,
Умид кулини куфлаб, бошланар яда.
Кўкни авраб ядачи чақирар ёғин —
Кўкда бир парча булут тикмас оқ капа!

Қурбон оқ теваларнинг кўзлари тутун,
Тизиллади кўкка қон — қайноқ ва гулгун.
Қўллар, кўзлар, юраклар кўкка сиғинди,
Муножотлар чўлларда суринди забун.

Халқ хаёли яратди кўп афсонани,
Тушларида очдирди баҳор чамани.
Навоийнинг бой, олтин илҳом наҳридан
Достонларга мавж урди сув фалсафаси.

Фарҳоднинг улуғ ишқи ёнгач кўзгуда,
Тоғни ёрди, тош чақди кирмай уйқуга.
Тўлқинлатиб анҳорни тоғлар бағридан,
Қуёши — Ширинига у борди сувда.

Фарҳоднинг зўр тешаси — қудрати, шони —
Халқнинг юрагидаги эзгу идеали.
Шириннинг боғчасида кумушланган ҳавз —
Халқ кўксида мавжланган хаёл гирдоби.

* *
*

Мардона суронлардан титради осмон,
Канал бўйлаб гулдуради енгилмас бўрон,
Зарбаларнинг бирида ернинг кукуни,
Тош тепаларни қумдай учирди кетмон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дош бермади тоғ, довон билагимизга,
Йигитнинг қалби, кучи ҳар кексамизда.
Йигитлар ғайратига ҳар қиз тонг қолди,
Мард йигитлар офарин ўқиди қизга.

Кўзлар, қўллар талашди бир сиқим тупроқ,
Ҳаво ёнди, баданлардан қайнади булоқ.
Чанқоқларга пиёлалар учди оққушдай,
Халқ ҳужумда қўшинимиз сингари иноқ.

Ота-ўғил ўзишда кўзлар ёнадир:
— Мен отангман, севаман, лекин бўл ҳозир!
— Оқ соқолинг толаси жонимдан азиз,
Лекин, дада, бу ишда йигитман! Кечир!..

Мана, йигитдай ишлар Умрзоқ ота,
Кетмонининг зарбидан ерлар ларзада.
Шодлик сиғмас кўксига, кекса бахтиёр,
Ишлайди гўзал ҳаёт тантанасига.

Сайраб қўшиқчи қизлар мақтайди уни,
Иш базмида яшарар ҳар лаҳза руҳи.
Умрининг кўкламига назар соларкан,
Зим-зиё кечалардай босар ўтмиши:

— Улуғ Норинни қазиш... бу эмасди дор,
Лекин дордан бадтарди,— эслар Умрзоқ.
«Бойқиш ота бўлмасин парча нонга зор»,
Деб таширди отага у ҳар кун ёвғон.

У кўрган: бек олдида озорсиз — чаён,
Қазувчилар бошида қамчини илон.
Хўрлик, хорлик, зорликда ишлаб эрта-кеч,
Ҳаммада тинка қурган, ҳамма нотавон.

Ҳар лаҳза қанча одам вабога ютум,
Ҳар кишининг кўзидан бақраяр ўлим.
Очлик, юпунлик, мараз — барчаси қайнар
Инсонлар унутганди надир табассум?



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юраклардан янгради қўшиқлар баланд,
Сайради куйига нўноқ бўлганлар чечан.
Ишдан узилмади куй, шодлик тўлқини,
Учқўрғон, Қонибодом — куй билан пайванд.

Ҳам ишладик, ҳам бунда олдик чин ором,
Созлар ҳавони тутди каналда мудом.
Чилдирмалар бака-банг, раққослар учди,
Кўркам базм, сайилла тушди ҳар оқшом.

Кумуш тўлқин сачратиб сузур болалар,
Чопиқларда куйлайди шоввоз оталар.
Янги тегирмон йиғар гала-гала қуш,
Янги фермаларда мой ясар оналар.

Мешдай елинин чайқаб лапанглар сигир,
Қўй-қўзилар маъраши билан тўла қир,
Ҳур Ватаннинг қудрати кундан-кун зиёд,
Табиатнинг бор кучи бўлажак асир!

Пахтазорлар чамбарин яна кенг ёяр,
Ўз экин-ҳамсояси билан товланар.
Ерларнинг қўл кучларин ағдаради сув
Қўсак — маржон, пахта — хирмон, тоққа тушган қор.

Очилди бизга бунда ҳар фаннинг боби,
Кўк чой билан ютилди газет маъноси.
Кетмон ва лўм тинганда, ишлади қалам,
Бу ажойиб мактабнинг Ленин устоди.

Қўзғолдик — ваҳший Норин кирди бўғовга,
Минг йиллар сакрар эди ўпқин яйловда.
Энди Қорадарёнинг тўлқинин суриб,
Ўз кучин қилгай ҳаёт тўйига совға.

Уча-уча қуш чарчар, бўйласа канал,
Дарахтларда дам олмай босолмас шамол.
Бахт оқар мавжларига мавж қўшиб, тошиб,
Қайси кўнгил очилмас гул каби хушҳол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулдор тўн кийиб яшнар тақир Ёз-ёвон,
Сувсоқ дала, адрлар сувга фаровон.
Янги қишлоқ, районлар Ватанга қутлуғ!
Гул, мева виставкаси — ҳар янги бўстон.

* *
*

Хоразм — энг эски бир тарихий диёр,
Алмисоқдан буёндир халқуми қақрар.
Томизғи каби хасис чиғриққа қарам,
Аму тўлқини билан у жангга тайёр.

Амирлар «базми жамшид» қурди: май, сафо.
Сув эмас қурт ва мараз ичди Бухоро,
Жаллод хондан, риштадан қутулган эли
Ичади қониб-қониб соғлом сув — зиё.

Мирзачўлнинг бепоён азамат тани —
Қуёшнинг парчасидай олов манбаи.
Сен буюрдинг меҳрибон, доно партия:
Қоплар чўлни бош-оёқ Сирнинг кавсари.

Сув кўпириб, ҳайқириб чопса, у маҳал —
Уфқдан-уфққача чўл кияр бахмал.
Ҳосилига етишмас миллионлаб қанор.
Ҳар кимнинг кўкрагида бир орзу-амал:

Мирзачўл «жаннат»ини албат сайр этиш,
Большевиклар истаса ҳал ҳар қандай иш.
Ҳар санъатнинг ҳикмати бизнинг Ватанда.
Партия, совет халқи учун йўл: енгиш!

Бошимизда порлайди Ленин қуёши,
У куч, зафар ва бахтнинг мангу адаши.
Жаҳон уфқларида янграр овози,
Унда тарих мазмуни, жаҳон қувнаши.

Партия, Ўзбекистон — гўзал бир боғчанг,
Эзилган кенг Шарқда у уражакдур бонг.
Ҳиндистоннинг ҳузнли самосига у
Ёяжакдир гўзал ва олтин нурли тонг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғчангдан баҳор ели Хуросонларга
Учиб кўкламдек кирар тутқун жонларга.
Эрк учун, баҳор учун кураш руҳини
Ўргатади жабрдан бағри қонларга.

Сен буюрсанг биз яктан баҳодир қўшин,
Чиқамиз сенинг учун, ҳур Ватан учун.
Фашистларнинг бошида биз ёвуз чақмоқ,
Сафларин ағдарамиз, биз пўлат қуюн!

Отлиқларимиз учар кўтариб сурон,
Жангда ўқдан, оловдан ясаймиз бўрон.
Эски дунё киндиги найзамиздадир,
Ёвга ўт бўлиб тушар бутун осмон.

Олинажак чўққилар ҳали бемиқдор,
Кучларимиз олови юракда ёнар.
Ҳар мушкулларни енгиб бажаражакмиз,
Чунки сен — партия бор, совет халқи бор!

Улуғ шон байроғимиз зафарга бошлар,
Жаҳонларга элтамиз янги қуёшлар.
Биздагидек оғайни бўлур барча халқ
Битар жабр тузуми, қонлар, талашлар!

О, партия, илҳоминг — қуёш хандаси,
Юракларда очади гуллар дастаси.
Бутун кўкракларни севгинг тўлдирган,
Қўшиқларда тошар бу муҳаббат саси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮРИШ

### I

Эҳтиёт юр, қуёш, самода,
Байроғимиз юксалган баланд.
Пўлат қушлар билмас масофа,
Қанотидан уфқлар пайванд.

Тош ғурурингг эзиб, тоғ, эгил,
Қалъа, дарё, йўллардан чекил.
Ер киндигин силкиб, баҳодир —
Қўшинимиз юриш қилди, бил!

Донг тўлқинин азалга сурган,
Тарихларнинг йўлини бурган
Улуғ кунлар яратди уни,
У қат-қат, зўр ёвларни урган.

Тарихдаги уч аждаҳони —
Капитални, тожни, худони
Ағдарган халқ қўшинидир бу!
Жаҳон бўйлаб учгандир шони!

Оналарнинг алласи ундан,
Қизларимиз хандаси ундан...
Қувонч тошар ерда, ҳавода,
Ўчоқда ўт нашъаси ундан.

Халқнинг кўзи, юрагидир у,
Эти, қони, суягидир у.
Қиличидан ярқирар жаҳон,
Узун тунлар тилагидир у.

Олқишлардан, гулдасталардан,
Қучоқлардан, ҳур бўсалардан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўл кечади енгилмас қўшин;
Сўзлар, куйлар олтин саҳардан!

Бўрон тоғда синдирар зарбин,
Денгиз жўшиб сўнг ётар ҳорғин.
Бизнинг қўшин ғайрати битмас:
Вазифаси қуёшдан ёрқин!

Тарих билмас чин сулҳни сира:,
Янги ёнғин, янги фожиа,
Янги офат берди ҳар битим;
Минг жанг — қарич ернинг ёдида!

2

Қишлоқлардан, зўр шаҳарлардан,
Бир уюм кул, бўғувчи тутун!
Ўлкаларни ўради қуюн,
Маст қутурган ажалда ўйин.

Куздан-кузга меҳмон қузғунлар,
Сел қуйгандек шарқирайди қон.
Суякларни қалаб юксалар,
Мудҳиш ваҳм — янги Тянь-Шань!

Ажал ҳураб кезди хоналар,
Телбаланиб қочди оналар.
Қолган бешик дардида ёнди,
Кафтда юлуқ қора толалар...

Инсон фикри ва хаёлидан,
Халқ меҳнати ва даҳосидан
Яратилган ҳайкаллар ёнди;
Кул ёғилди онг офтобидан.

Элнинг моли, жони хомталаш,
Иштаҳа оч жаҳонни қамраш!
Подалардай ҳайдалди инсон,
Қул бозори очди ҳар яраш.

Олов ва ҳирс бўрони билан,
Скелетлар сурони билан
Юриш қилди ютоқ капитал,
Изғиди кир ҳамёни билан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пулга чақди қалбни, виждонни,
Тўлқинлатди жаҳонда қонни.
Қилич, найза, чақмоғи билан
Қийди ерни, сувни, осмонни!

Тинч элларга у солди бўғов,
Искади у ҳар ерда бир ов.
Оч бўрилар қонли оғзидан
Суякларни қилади у дов!

У хурашдан билмади тиниш,
Ҳар хураши бир-бирдан мудҳиш.
Ер курраси издан чиққандай,
Ҳаёт эмас, ваҳмда жунбиш.

Жаҳаннамлар сургар жабҳага,
Ўлим, бало ясар тантана.
Илм-урфон, виждонлик, ҳақлик
Шўнғир қонли қора кечага!

Миллион-миллион халқ ўғилларин,
Ҳаёт кучи — кўркам гулларин
Қамраб кетди қора бўронлар;
Жаҳон бўйлаб сочди кулларин.

3

Сулҳ яратар совет қўшини,
Мангу яшар у сулҳ мазмуни.
Қитъаларга бир байроқ — қуёш,
Бахтда оқар жаҳоннинг куни.

Қанотланди мазлум қондошлар,
Булоқланди кўзлардан ёшлар.
Бу муқаддас севинч тўлқини
Томчисига ботар қуёшлар!

Қўшин юрди, юрт, кўча юрди,
Халққа шодлик-бўрон югурди.
Олға сурди бахт қирғоқларин,
Тун тоғини қуёш ўпирди.

Баҳор чоғи илк марта бирдан
Очилади дарича қирдан.
Ҳаёт сутин эмган шаббода
Гур оқади қучиб бир гулшан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЁВГА ЎЛИМ

Бош кўтарди разил олчоқ ёв,
Қонли йиртқич, заҳарли илон.
Биз тоғдек чўнг, ўмровли ва дов,
Ҳар ҳамламиз янчар, беомон.

Ҳар тўпимиз отар жаҳаннам,
Ўлим сепар пўлат бургутлар.
Енгиш ишқи дилларга қасам,
Кўк отидир бизга булутлар.

Қўшиқ каби қалбдан бир парча
Юртимизнинг ҳар гул, ҳар тоши.
Бу ишқ элтар жангда зафарга,
Ҳар бир кўкрак —Ватан қалқони.

Тарихларнинг ботир фарзанди —
Совет халқи пўлатдан қуюм,
Бўрон, ғазаб билан шайланди,
Зилзиладир унда ҳар ҳужум!

Гўзал ҳаёт, эрк жаллодига
Ҳақли жавоб — ўлим сиртмоғи.
Жаҳонда бахт, ҳаёт номига
Қонли изни ўчирмоқ чоғи!

Бос душманни, Қизил Армия,
Тоғ салмоғи билан эт яксон.
Найзани санч чақмоқ зарбида,
Бир ёвинг ҳам топмасин омон.

Партиямиз буюк байроқдор,
Йиртқичларни жаҳондан супур.
Абадий сулҳ айла барқарор,
Халқлар йўлин баҳорларга бур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЗАФАР БИЗНИКИ!

Ёв — тарихнинг қонли, кир доғи,
Ҳур фикрнинг, эркнинг қассоби
Ҳар учқунни қамраган зулмат,
Ажал билан офатлар кони!

Ишчи қонин ичиб қутурган,
Скелетлар билан базм қурган,
Ҳаёт учун мудҳиш газанда
У виждонга дангал тупурган!

Китобларни гулхан қилган — у
Олимларнинг пўстин шилган — у.
Милтиқ, тўпнинг даҳшат наърасин
Ўзи учун қўшиқ билган — у!

Эрмагидир ёнғин ва заҳар,
Бир йиғин кул — у босган шаҳар.
Ҳақ сўзлаган тортилар дорга —
Етти ёшдан етмишга қадар.

Кишан урар халқлар пойига,
Ўқ ёғдирар эллар додига,
Чўчқалардек янчиб киради,
Тинч ўлкалар чаманзорига.

Талон-торож — унинг ҳунари,
Энг паст ўғри қилмас у каби —
Қолдирмас у қоққанда қозиқ,
Тўйиш билмас унинг чангали.

У сўқибди бир «назария»,
Бундай пучак, ахмоқ бир нима
Тарихларда асло бўлмаган,
Ундан ҳуркар соғ ақл, мия.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўё улар «тоза қон» миллат,
Ҳамма халқлар устида фақат
Улар ҳоким бўлиши лозим
Ҳур элларни қул қилиш ният!

Энг қутурган ва саросима
Буржуйларнинг ит малайига —
Гитлерга кўп юнди тўкилган;
Хизмат қилар хўжайинига!

Яшнар экан ишчи ватани,
Гуллар экан бахтнинг чамани.
Зир қақшарди заҳар ютгандай
Одамхўрнинг манхус шайкаси.

Тўхта, жаллод, ким дединг бизни?
Бостирмаймиз юртга ёт изни!
Дунёда ҳеч бир қувват йўқки,
Большевикка чўкмасин тизни!

Адолат ва ҳақиқат бизда,
Мотор бизда, маҳорат бизда,
Даф этгали минг бир офатни
Мардлик бизда, жасорат бизда!

Партиянинг севгиси дилда,
Баданларни ўқ ғалвир қилса,
Бу ишқ билан юракнинг ўзи
Ажаб эмас ёвга отилса!

Отларимиз қонингда сузур,
Биз қазиймиз қабрингни чуқур.
Ишонамиз: ҳақиқат янграр,
Ишонамиз: тунни ёқар нур!

Бўғовингдан халқлар қутулар,
Европанинг юраги қувнар.
Бахт тимсоли — байроғимиздан
Янги-янги қуёшлар туғар!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙИГИТЛАРГА

Йигит марди жанг қилади майдонда,
Зирқиратиб, сен ёвни қув ҳарёнда.
Ёв қувишдир йигитларнинг ғурури,
Йигит руҳи яшнар қизғин суронда.

Йигит жангга қуюн каби югурар,
Қиличидан ёв бошлари тўкилар.
Яраланса эм бўлар жанг ҳавоси,
Наъра .олиб ўлимга ҳам чанг урар.

Боболаринг қарич ёшда от минган,
Тиғларига жило берган чақиндан.
Оқ соқолин ҳилпиратиб жангларда
Ватанидан ёвни қувган, сўнг тинган.

Мард оталар авлодисан, баҳодир!
Арслон кучи билан тўлсин ҳар томир
Ўқ ёмғирин, ўлим дўлин ёғдириб,
Қўтир итлар галасини тоза қир!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАТАННИ СЕВ

*Фронтга кетувчи ўртоқларга*

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан яқин юрагимизга.

Ватан — бизнинг кўзимиз нури,
Бахтимиз шу, қувончимиз шу.
Севги, меҳнат, дилимиз дури,
Қимматларнинг қимматидир у.

Ватан улуғ онадир азиз,
Биз эмганмиз унинг қуёшин,
Меҳри билан тўлиб кўксимиз
Эркалаймиз, қучамиз бошин.

Бу Ватанда Ленин кўз очган,
Илк ҳақиқат сўзини жаҳон —
Уфқига у бу ердан сочган.
Илк гуллаган бунда эрк, бахт, шон.

Улуғ Ленин яратган боғи,
Қувнар унинг нурида ҳар гул,
Ҳар сийнада ёнар илҳоми,
Ишқи билан яшар ҳар кўнгил.

Кишиликнинг орзу-истаги
Юлдузланган Ватанда кўркам.
Бунда янги тарих юраги,
Кўзимиздек сақлаймиз ҳар дам.

Қуёшимиз табассумини
Қоплатмаймиз булутга асло.
Бир томчи сув, дона қумини,
Биз кўрмаймиз душманга раво!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юрт тупроғин кўзларингга сурт,
Фашист қайдан тумшуқ суқса, қир!
Ғазаб ўти билан ёқ, янч, ур!
Қон, жон, севги юртга фидодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОНА СЎЗИ

Жангга жўна, ўғлим, ёвни яксон этмай қайтма,
Қотилларни қиличинг-ла хун-қон этмай қайтма.
Ол байроқли қўшинларинг тантана қилмагунча,
Қаттиқ олиш! Ёвни роса талқон этмай қайтма.

Душман бизнинг уйимизни бузмоқчидир, лекин сен
Разилларнинг ниятини вайрон этмай қайтма.
Сен жангга бор, мен бу ерда юртга посбон бўламан,
Ўғриларга қора ерни макон этмай қайтма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОРАХАТ

Бехосдан узилган шода дур каби
Тўкилди умиднинг рангли барглари.
Осилди бир онда қўллар мадорсиз,
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Учди тупроқ, темир, учди бош-оёқ,
Ўпирилди ёвнинг тош-метин садди.
«Ура» ни чархлайди — ғазаб нақ қайроқ.
Тўсгали қай кучнинг етади ҳадди?!

Ваҳший фашист қонли тирноғин урар
Учраган ҳар дўнгга ва ҳар бир тошга.
Бутун томирида илон қутурар,
Тупурар суст юрган «ялқов» қуёшга.

Буклабки ташлаймиз фашистнинг қаддин,
Қонли ер қаърига олур жасадин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХАЙРЛАШУВ

Хурсанд турди уйқудан кампир,
Чунки кўрган эди яхши туш.
Йўлпашша ҳам учмоқда ҳозир,
Шамоллар, хуш, қушлар сайрар хуш!

Ажин босган юзда табассум —
Кампир аста чиқди қўрғондан.
Томорқада мевалар тўкин,
Ўзбекистон гул, мевага кон!

Ана, колхоз, ери бой, кўркам,
Пахтадан то буғдой, лавлаги,
Ҳар нарса бор: турупу шолғом...
Ҳосил бу йил кўп баракали!

Кампир севмас қуруқ томоша,
Қўли ҳар он қидиради иш.
Мана, ўтоқ бошлар у танҳо,
Кампир билмас чарчаш, толиқиш.

Кўп иш қилди ҳаш-паш дегунча,
Яллиғ урар қуёш нақ хумдон.
Ишга тушди қизлар — гул-ғунча,
Лекин кампир бўш келмас ҳамон.

Терлаб-пишиб ишларкан, ногоҳ
Қичқирди бир бола: «Ҳой, буви,
Аҳмад акам келди!» Кампир оҳ —
Чекди бирдан, шошиб югурди.

Юмаланиб қўрғончасига
Етганини сезмади кампир...
Ўғил турар эди ҳовлида,
Аскарларча бақувват, оғир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошда шапка, устида шинель,
Юзи жиддий соғлом, қорамтир.
Меҳр билан қучоқлар она
Ва ўпади юзи, кўзидан.

Суюнади, энтикади у,
Чалғиб кетар ҳар дам сўзидан.
«Нури дийдам, ўнгимми, тушим?»
Ўғил дейди: «Она, қулоқ сол!

Лагерларда битди ўқишим,
Вокзалдан мен гўёки шамол —
Бўлиб учдим, сени кўргали;
Вақтим зиқдир, унда ўртоқлар —

Кутишмоқда шу тобда мени.
Кўрдим сени, бас, дилим сақлар!
Жангга кетдим, она, яхши қол!»
Қўл очиб дер кампир шу замон:

«Оқ сутим-ла сен топдинг камол,
Қўлинг тоғни қилгудек талқон.
Йигитларга ярашгудек иш —
Қилиб қайт сен! Ўт кеч, сув кеч, бор!

Мендан асло тортмагил ташвиш,
Бор, дадангнинг руҳи бўлсин ёр!»
Ўғил дейди: «Ватан, халқ учун
Уч оламан ўхшатиб ёвдан.

Юртга фидо қон ва жон бутун!
Йигит қайтмас ўқдан, оловдан!»
Ёшга тўлди кампирнинг кўзи,
Қўлин очиб қилади дуо.

Чўғдай ёнар эди ҳар сўзи,
Йигит кетди кўнгли мусаффо,
Қадамлари тетик ва шаҳдам,
Хурсанд қолди ундан она ҳам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Уруш! Олов, ўлим бўрони!
Кул ва қонга ботар шаҳарлар.
Ернинг суви, қони, ўрмони
Қора даҳшат ичра зир қақшар.

Кўз ёшлари бириктирилса,
Қилар эди кемалар жавлон.
Диллар ғами ногоҳ ситилса,
Янги бир тун кўрарди жаҳон...

Узилмакда ҳаётнинг ипи,
Қулоч ёяр уфққа қабр.
Офатнинг ўқ чеки, таърифи,
Дақиқаси гўё бир аср!

Аммо умид — қалбларда қуёш
«Зафар бизнинг!» дейди қари-ёш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИЗНИНГ БАЙРОҚ

Сенга ўшқирмоқда қора дуд-бўрон,
Тўплар жаҳаннами билан ёв ҳурар.
Лекин ҳар фарзандинг аямас тан-жон,
Сен-чун кўкракдан тоғ, қалъа қурар.

Барча ҳақиқатлар сенда тажассум.
Ўзинг бағишладинг қари жаҳонга
Янги сўз, янги бир жонли табассум,
Умидларга қанот, мўллик хирмонга...

Қуёшдек улуғвор, баланд ва порлоқ
Сени кўтарган қўл қудратли, жасур.
Ленин қўлидир бу, у билмас титроқ,
Байроқ! Сен сочурсен минг наслга нур!

Интизор кўзларга туғилдинг, қуёш,
Ҳаёт саҳросида гуллатдинг баҳор.
Булутларга етди юксалган ҳур бош,
Сен меҳрибон она, бахтимизга ёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЕР

Қўксимдаги севинч шунча зўр,
Думалаймен майсада танҳо.
Гоҳ тентираб кетамен узоқ,
Ерни қучиб ўпамен гоҳо.

Қир, тепалар, адирлар чаман,
Кўклам ёйган ҳар ерда гилам.
Олтинланган хуш ёқар ҳаво,
Шўх, маст шамол тинмайди бир дам.

Турналарнинг қоп-қора ипи
Жилпоқланиб кўкда сўнар жим.
От кишнаши ҳусн далага,
Гувиллайди сойда сув лим-лим.

Танҳо кезиб, мирқиб думалаб,
Соғинч билан ерни ўпамен.
Деймен: кўп соз меҳрли она,
Қучоғингга бир кун қайтамен...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

## БОЛАЛАРИМГА

Бўлсайди юрагим бир денгиз,
Сиғмасди шунда ҳам муҳаббат.
Илҳомим юлдузи, нашъамсиз,
Қалбимни эритган сиз фақат.

Сиз — умрим кўклами, гулшани,
Сиз — ҳаёт чиройи мен учун.
Тонг чоғи югурган нур каби
Ювасиз қайғумни сиз ҳар кун.

Қуёшни қучоқлаб зар булоқ
Тоғларда шўх, эркин оқади.
Сиз билан кунларим шод, қайноқ,
Ҳаётнинг тошлоғин босади...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Олмалар тарам-тарам,
Боғларнинг ҳусни тўлган.
Чаман рангга бой, кўркам,
Ёлғиз нимадир бўлган...

Кўзлар жилваси ўзга.
Қўшиқларнинг шўхи оз.
Бир «уҳ» кирар ҳар сўзга
Ҳорғин, ғалати бу ёз!

Уфқларнинг бети қон,
Йиллар ташир дард, ҳижрон...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГОРЬКИЙ

Рус еридек азамат инсон,
Онг, виждонни ёритган зиё,
Қадамига ер кичик, осмон —
Мағрур боши учун тор гўё.

Улуғ халққа яраша фарзанд,
Юрагида халқ ишқи, ғами.
Эркка, нурга чақирди баланд,
Бу манбадан эмди гулшани.

Бутун умри бир қарич ёшдан,
Нафрат этди ҳар жабркорга,
Элин маҳрум этиб қуёшдан,
Ҳаётин дуд қилган ғаддорга.

Зархўр, қонхўр ҳар муттаҳамни
Савамоқдан толмади бир он.
Айлантириб гурзи қаламни,
Илон бошин янчди беомон.

Оламаро қилиб шармисор,
Фашизмни дорга осган у.
Горький ўлмас! Чин сўзга сардор,
Жангда, ишда биз билан мангу.

Бугун унинг ғазаби ёмон,
Сўзи ўқдан, тиғдан ҳам ўткир.
Қаҳрамонлар билан ёнма-ён,
Жабҳа бўйлаб душманни урур;

Баҳор ва ишқ, ҳақиқат ва ҳақ
Куйчиси биз билан ҳамқадам.
У севган халқ, у севган тупроқ
Енгар, албат! Ҳур яшар одам!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*       *
*

Сендадир кўзларим, сендадир кўнгил,
Узоқларга ҳасрат билан боқамен.
На қуёш, на баҳор, на гулшанда гул
Юракни юпатмас — мен соғинамен.

Сени соғинамен, руҳда йўқ қарор.
Ошиб кел тоғ, довон! Бу қадар ҳижрон!
Дардим бор, гулим бор, қўшиқларим бор...
Сен йўқсен! Наҳотки бу мангу армон?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ҳаёт қаъри ларзада...
Асабий, тунд шамоллар.
Бетоқатдир хаёллар,
Тонгги сўз — кеч сафсата...

Булутларнинг алвони —
Бўриларга байроқдир.
Кураш — курашмоқ ҳақдир!
Жўшар ҳаёт гирдоби...

Кураш, ҳақлик бизники,
Мангу зафар бизники!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чашма бошида ўтир, ол ором,
Қонли бир ҳузн ила кирди оқшом.
Барча йўллар хира, мудрар ҳорғин...
Чашма бошида ўтир, қуй тўла жом.

Устма-уст қуй менга, сув эмас, аммо
Аччиқ, ўткир май эрур дилга даво.
Йўл узоқ, бизни кутар дард ва ҳижрон,
Бир ютум май каби ўтсин айём...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ёр кетди, кўзим булоғи қолди,
Сийнамда тирик фироқи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг
Ёшликда кўпайган оқи қолди...

Ҳар лаҳза дилу хаёл паришон,
Бир хўрсинишимда дардлар уммон.
Юлдуз каби тунда ярқирар жон,
Тундек сочи иштиёқи қолди...



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Сенинг қувончинг» шеърининг қўлёзма нусхаси. *Шоирнинг шахсий архивидан.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЕНИНГ ҚУВОНЧИНГ

Мудроқ ва жим кирмакдадир шом,
Уфқларда олов гуллар бор.
Биқирлайди декчада таом,
Чўққайибди она бемадор...

Сўриларда ёнар шамалоқ
Чиллакининг қизил ёқути...
Нимагадир ташна ва қумсоқ
Еллар изғир юқори, қуйи...

Ўтиради она маҳзун, лол,
Оқ сочининг ҳар толасида.
Беш ўғлини соғинган хаёл
Булутланган кўз қорасида.

Беш азамат кетди бирма-бир,
Олими ҳам, кетмончиси ҳам.
Бари йигит, ўмровли, ботир,
Қўмсар она, қўмсар дам — бадам.

Ҳар бирининг товши қулоқда,
Урар юзга илиқ нафаси.
Туйилади гўё узоқда
Ҳар бирининг оёқ шарпаси.

Ҳовлиқади юраги бир зум,
Тўнғичидан оқсади хабар.
Тунги тушнинг маъноси машъум,
Тошган қалбин бир «уҳ»га йиғар.

Рўмол учин ечар у секин,
Кенжасидан учган сўнгги хат...
Кўзлари-ла ўпаркан майин,
Булоқланар қайноқ муҳаббат...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна қамраб хаёл учирур,
Ўт сўнар жим, таоми — қирмоч
Қўланка нур ва рангни ютур,
Она сузар кўзларин қийғоч.

Боғ четида беш терак — адил
Чайқалади жонли, шўх, иноқ...
Ўпиб, силаб учларин енгил,
Олтин юлдуз ёнади чақноқ.

Она кўнгли ўксиди яна,
Намли кўзда беш терак — юлдуз...
Қуйма дардга, дадил бўл, она!
Юртни қучур шод, хандон кундуз!

Ботирлар-ла сен эт ифтихор,
Кўксингдан сут, кўзларингдан нур,
Қалбингдан меҳр эмганлар, мурдор —
Ёвни қора қон қилиб урур!

Қора булут тараліб, бирдан
Қуёш кулса, яшарур жаҳон.
Ҳар заррада ҳаёт балқир шан,
Элу юртинг яшнар у замон

Ҳаволарни тўлдирар қўшиқ,
Ўпишлардан тансиқ лаззат ҳам.
Ҳаяжондан, шавқдан тил дудуқ,
Ер кулади ташласанг қадам.

Еллар изғиб хонаба-хона
Оналардан суюнчи тилар.
Чала қолур ҳисоб тахтада:
Ўқувчилар уйларга учар.

Шундай зўр кун келар ва яқин!
Беш ботиринг қучасен тўйиб.
Жангда пишган пешоналарин
Ҳорғин қўл-ла силайсен суйиб.

Қалбларга бир қуёш киргандек,
Юзда, кўзда нур тошар у чоғ.
Яшнаб қолар абадий кундек —
Бошингда ҳур, муаззам байроқ!.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Тун. Шамоллар кезар бетиним
Гоҳ ишкомда, гоҳ деразада.
Чўмилади бир тўп юлдуз жим
Жилдираган бир ариқчада...

Суқтой кучук изғийди танҳо —
Суяк тишлаб сакрар пахсадан.
Нурланади бир четда само:
Ой — ўртада синган зар лаган.

Ўтиради шоир айвонда,
Хаёллари тушларда сарсон.
Қайғуради ўтган ҳар онга,
Оқар дарё — оқади замон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Отамнинг қабрими мана шу дўмбоқ?
Қалбимни ағдарди совуқ бир бўрон.
Улуғ ҳақиқатмиш бир йиғин тупроқ!
Ваҳмидан қочибди узоққа осмон...

Югурук отларда бир қарич ёшдан
Тоғлар, чўллар ошган бир одам бугун
Шу нуқтада қотган — фарқи йўқ тошдан!
Ҳаракат ва замон бундами тугун?

Бир қора ханда бор — ўшқирар доим,
Қуёшга ҳам отган кўлкасини у.
Дуд бўлиб бурқиди кўзлардан оҳим.
Фикрлар забун, лол, тўнгди ҳис-туйғу.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Уйғонгач умрнинг илк баҳори,
Соз бўлди кўнглим самимий ёри.

Ҳамшира каби яқин ва дилбар,
Тонг юлдузидек умидга ундар.

Соз билмади ҳеч маҳал аразни,
Нурлатди юракни жонли базми.

Ул қўрқмади дуч келса тиканзор,
Офатли бўрон, қутурса сел — қор...

Гар эсга қаддимни чўнг машаққат,
Бир онда учирди мисли ул пат.

Қишларни баҳор айлаган ул,
Ундирди боғимда хилма-хил гул.

Гулларнинг туси бағир қонимдан,
Маст нози севгининг тонгидан.

Мен у билан айладим тараннум,
Ҳар сўзда қуёш қилур табассум.

Дилларда чаман очар бу сўзлар,
Соф ҳис билан яшнамасми кўзлар?

Нур, ҳаққа чақирди халқни созим,
Халқимникидир сўзим — овозим!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Салом, эй ой,
Мунгли эски дўст!
Боқ, тагимда яна
Ўша тақир пўст.
Ўша шамшод асо,
Ўша қамиш най...
Фақат ўзга ҳижрон,
Ўзга жон ва май.
Мажҳул саҳродамен,
Ой, бўл пир ва эш,
Ғояга эришсин
Бу сўнгги дарвиш!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИЧКИНА ҲОДИСА

Бир ёз куни, кучга кирган саратон чоғи
Зўр майдонга дов капалак сайрга тушди.
Қанотларнинг ранги майин — Беҳзод бўёғи...
Ҳансиради бир зумда у, тани буришди.

Асфальтда гул барги каби куйди қанотлар,
Кукрар бензин, ароқ ва тер, ҳаво дуд-тўзон.
Халқ дувури елни силкиб учган пўлатлар
Радионинг суронлари... айланар майдон!

Капалакнинг хотирида жонланди бу зум
Дарёларнинг ёйдоқланган кумуш тўлқини.
Тоғларнинг қор салласидан ўчган табассум,
Чаманларда қуёш базми, нурлар ўйини...

Ситилганди дарддан кўзлар қора соққаси
Парвоз учун интилди у — бемажол, забун.
Моторларнинг суръатидан маст куйик нафас,
Ногоҳ ютди, ҳатто ундан қолмади кукун!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Умрим бор мафтунмен мангу чиройга,
Куйлаймен созимда унинг сирини.
Онамнинг қўлида талпиниб ойга,
Қўлларим чўзаркан туйидим сеҳрини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Олтин чақнар увалар,
Илдам учинг, саболар.
Шивиллангиз севгимни,
Қайда бўлса у баҳор.

Балки тортар тарозу,
Ё қудуқдан сув олар.
Ё хирмонда тоғ каби
Уйиб пахта босар у.

Қайда бўлмасин дилдор,
Хаёлчан кўзлари бор...
Кўнгли куз қуёшидек
Илиқ, майин, беғубор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Бир ютум май билан дўстнинг суҳбати
Шу дамда қалбимнинг ширин нияти!..



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Кuз ёмғири, қуй, қуй муттасил!
Деразам черт, кел, чал мунгли соз!
Бир ялт этиб ўтди-кетди ёз...
Қувончларга ҳаётмиш бахил.

Коинотнинг кўз ёши — ёмғир,
Чал, мунгли соз, дардлаш бу оқшом.
Нафасингдан дил тортди ором,
Томчилар-ла пешонамга ур, —

Ловуллайди унда жаҳаннам,
Шаҳарларнинг ёнғини унда.
Халқлар ғами, дарди якунда,
Бор томчингни қуй, ёмғир, шу дам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Қуёшнинг майин зар мўйнасин
Ёпиниб куз илиқ уйқуда.
Сув ташлаб лойқа, шўх суръатин
Ипакдай товланар кўзгуда.

Кезамен жимгина боғчада,
Бошимга тўкилур япроқлар.
Ёзги ранг мавжлари ўчса-да,
Гулзорни кўзларим қучоқлар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САЛОМ ДЕБ ҚОЛДИЛАР

Қиличдай йигитлар, ботир оғалар,
Эй, ўзбек халқининг жасур авлоди!
«Салом!» деб қолдилар оқ соч оналар.
Сиздадир эрта-кеч бобойлар ёди.

«Салом!» деб қолдилар гўзал боғчалар,
Булбуллар тинмаган гулзор, майса ҳам.
Сизнинг меҳнат билан обод далалар
Дейди: ёвни қувсин йигитлар илдам!

«Салом!» деб қолдилар қоматдор қизлар,
Ерларки, сочлари тақимга тушган.
Диллари, кўзлари, сизларни излар
Йўқлар тонг елидан, кўкдаги қушдан.

Лекин ҳаммасининг бир орзуси бор,
Разил ёвни қувмоқ ва илдам енгмоқ.
«Салом!» деб қолдилар ота-она, ёр,
Зафар-ла қучишсин йигит-келинчак!

Қувингиз фашистни, ботир оғалар,
Кўзларга сурмадир Ватан тупроғи.
«Салом!» деб қолдилар оқ соч оналар,
Сиздадир эрта-кеч бобойлар ёди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖУМАНИЁЗ ХУДОЙБЕРГАНОВГА

Довюрак йигитсан, ҳамлада арслон,
Кўксингда қайнайди юртга муҳаббат.
Хато кетмас сенинг ўқинг ҳеч қачон,
Ҳар куни фашистнинг қонин тўк, қулат!

Халқинг, Хоразминг кутади зафар,
Мижжа қоқмай ишлаб, ясайди қурол.
Сенга илҳом берсин ботир боболар,
Йигит, қаҳрамон бўл, ёвни янч, ўч ол!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙИГИТНИНГ ЙИГИТИ

Сувдан кечди жангчилар инοқ,
Паналаниб кетишди узоқ.

Буйруқ шундай: душман гуруҳин
Янчиб, қириб ташламоқ бутун...

Мана, яқин... Лекин разил ёв
Очди бирдан даҳшатли олов.

Пулемётнинг ўқи ёмғирдай,
Турар эди олға силжитмай.

Шунда йигит тўлди ғазабга,
Кўз ташлади ўнгга ва чапга.

Қонда эди бир неча ўртоқ:
Рус, украин, белорус, қозоқ.

Йигит олға интилди шу дам,
Кўкси билан судралди илдам.

Яқин қолгач, тўплаб кучини,
Гранатадан икки-учини —

Отди яқин келган ёв томон,
Дили қасос истар беомон.

Қўлидаги автомат шахдам,
Ишлаб кетди — ўти жаҳаннам.

Ёв бошида чақмоқ сингари,
Оловланди унинг ғазаби.

Ўнлаб фашист беланди қонга,
Қолганлари қочди ҳар ёнга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарчиғай чанг солгач, жўжалар
Тўзғигандек тўзди муртадлар.

Лекин ёвнинг пулемёти бор,
Ўт очишни қиларди такрор.

Шунда йигит гранатани
Улоқтирди пулемёт сари.

У жим бўлди, йигит югурди,
Пулемётни душманга бурди.

Қочаётган қўрқоқ немислар
Сўрар эди сичқондан инлар.

Йўл очилди атака учун,
Етиб келиб орқадан бутун —

Ўртоқлари, қувдилар ёвни,
Аямасдан очиб оловни.

Лекин душман куч йиғиб яна,
Қўлдан кетган маррани қайта —

Олмоқ учун бошлади ҳужум,
Ўқ, миналар тинмади бир зум.

Чидам билан жангчиларимиз
Курашдилар, сафлари тиғиз.

Жанг қизиган чоғда ногаҳон
Командирга ўқ тегди, шу он —

У йиқилди. Жангчилар хафа,
«Ким йўл бошлар?» дер эди ҳамма.

Ҳалиги дов йигит шу замон
Қичқириб дер: «Бўлманг паришон, —

Мен командир бўламан сизга.
Етишайлик ғалабамизга.

Жондан азиз Советлар ери,
Иш кўрсатар эрларнинг эри.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен командир, юринг орқамдан!» —
Деб югурди олдинга томон.

Жангчиларда ғайрат ва сабот,
Гўё улар топдилар қанот.

Йўл бошлади янги командир
Содда йигит, ҳалиги ботир.

Отилдилар олға арслонлар,
Ёв жасади билан майдонлар —

Тўлди. Лекин зарра йўқ омон,
Аямасдан урдилар ёмон.

Қочди яна ёв тумтарақай,
Дзот, блиндаж бузилди талай.

Қувди бизнинг жангчилар узоқ,
Ёв қонидан ер бўлди ботқоқ.

У йигит ким? Ким у паҳлавон?
Қай элатдан шундай мард ўғлон?

Ўзбек ўғли, ўзбек Тешабой
Фарғоналик ўткир қарчиғай.

У Ватаннинг ёш қаҳрамони,
Ўзбек халқи фарзанди, жони.

Унинг номи юртда янграйди,
Суратига кўзлар тўймайди.

Ҳар кўнгилда унга муҳаббат,
Тарихларда у қолур абад.

Йигитларнинг удир қаймоғи,
Ёвни урган ғазаб чақмоғи.

Қўрқув билмас полвон Тешабой,
Шонлар сенга, арслон Тешабой.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЁВГА ОТ СОЛСАМ ЭДИ

*Тешабой Одиловга*

Ёвни қирган қўлларингни бўйнима солсам эди,
Мард кўнглингни мен ширин куйлар билан олсам эди.
Гоҳ ипак сочимнинг атри билан аста маст этиб,
Гоҳ мақтаб мардлигингни торимда мен чалсам эди.

Қаҳрамонлар, қаҳрамон-эй, шоддир сендан эл, Ватан.
Сен зафар бирла қайтган кун йўлингда турсам эди.
Чайқалур сийнамда ишинг, орзу айларман яна
Жанглар аро ёнингда мен ёвга от солсам эди.

Тешабой, ёдинг билан дил беқарордир, найлайин,
Колхозимнинг боғида булбул бўлибми сайрайин.
То умр бор тоза жўшқин сенга ваъдам бор менинг,
Мен зафар куни ёнингда бир нафас қолсам эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Навқирон ёр, сенга доим талпинадир бу кўнгил,
Қошки бир қучсам сени, деб армон қиладир бу
кўнгил.
Мавжланур сийнамда ҳар шом ишқ билан кучли
соғинч,
Хатларингни кўзга суртиб, сўнг тинадир бу кўнгил.

Навқирон ёр, мен билурман хўп соғингансан мени,
Бир нафас ёнида бўлсам, дея айтарсан мен каби.
Лекин, эй ёр, ташла бу ўйни, қабул қилмам сени,
Ёвни ур, янч, енг! Буни чин ишқ деб биладур бу
кўнгил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИЗ ОРЗУСИ

(Лапар)

Йигит:

Сочинг тушмиш тақимга,
Силатасан, айт, кимга?

Қиз:

Ким немисни кўп қирар,
У қора сочим силар.

Йигит:

Юзингнинг тоза гули
Қимларга эгилгуси?

Қиз:

Қай йигит мерган бўлса,
Унга тутаман бўса.

Йигит:

Лабинг қизил гилосдай,
Ким ундан ичар шўх май?

Қиз:

Ким олға босса доим,
Қидирар уни лабим.

Йигит:

Самбит гулдай қаддинг бор,
Кимга чирмашмакка зор?

Қиз:

Кимга юрт жондан азиз,
Қучоқлар уни ҳар қиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙЎЛ

Тун.. Ҳорғин йўл кетган қора уйқуга,
Унинг тош кўксини хўп эзган кундуз.
Қанча ғазаб, хаёл, умид, йиғи, мунг
Қанча ажиб ҳирслар унда берган юз!

Неча бор қуш каби учган гўдаклар,
Ҳассага суянган бу йўлда бир кун.
Неча асрларнинг сочи оқарган,
Тўйлар, тобутлардан кўрган кўп тўлқин.

Бу йўлда кўп гадо сўнг сурган тулпор,
Кўп давлатманд чақа тилаган ахир.
Узоқмас, қайдадир тубсиз бир жар бор,
Ҳаёт дарёлари оқар муттасил...

Йўл тош қотиб ухлар.. .Қари гавдаси
Метин қадаҳлар-ла қопланган туташ.
Тезда эшик ғарчлар, кўприк гумбурлар,
Йўлга ағдарилар тўлқин ва қуёш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЗЕБО

Соғ бўлгил, қаҳрамон, шифо топ, Зебо!
Келтирдик биз сенга халқнинг саломин.
Сенга севги, ҳурмат ҳар кўнгилда жо,
Қабул эт дўстларинг қизғин каломин.

Сен улуғ Ватаннинг қизисан донгдор,
Мардона жангларинг тилларда достон,
Сен билан халқимиз қилур ифтихор,
Номинг кўкракларни кўтарур ҳар он.

Шум қадамин босгач юртимизга ёв,
Юрагинг қоплади нафрат бўрони.
Ботирлар сафида ёғдирдинг олов,
Қўлингда шон олди совет қуроли.

Довюрак йигитдай жанг қилдинг мудом,
Ўқингдан йиқилди ифлос гавдалар.
Тарих зар варағин безагувчи ном
Сенинг ҳам номингдир — юлдуздай порлар.

Оталар кўз ёши, қизлар номуси,
Гўдаклар қони-чун душманни урдинг.
Чўчитмади сени ўтлар қуюни,
Лениннинг номи-ла олға югурдинг.

Совет қизи, жанглар яловбардори,
Сенгадир ҳурматлар, сенгадир шонлар.
Меҳринг-ла лим тўлди ўзбек диёри,
Изингдан боражак минглаб арслонлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Кўзларингнинг шаҳлоси бало экан-ку,
Ез туни нозга тўлган само экан-ку.
Мен бу кўзлар сеҳрини писанд қилмабман,
Қараганлар эсидан жудо экан-ку!

Айт, ичингда ёнарми ишқ офтоби,
Нур барқ урган юзларинг юзларнинг софи?
Бу қадни офат дедим, энди билсам у
Шаббодани маст қилган раъно экан-ку.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОФАРИН

*Саидохун Сатторовга*

Автоматинг қўлингда шахдам,
Асл йигит, довюрак, ботир!
Юрагингда юрт ишқи ҳардам,
Шонли ишга сени чақирар!

Сен узган ўқ адашмас асло,
«Овинг» кундан-кун баракали.
Ёғдиравер душманга бало,
Бургут йигит, ўзбек мергани.

Мард ўғилдан Ватан миннатдор,
Элга бўлур ишларинг достон.
Ёвларингга сендан дунё тор,
«Раҳмат!» десин отанг боғбон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АҲДУ ПАЙМОН УЗИЛМАС

«Хайр!» деб кўзингдан ўпдим, дилбар ёр,
Сўрадим: «Сўзингда бўлурми қарор».
Дедингки: «Қаҳрамон бўлсанг, вафодор,
Кўзларим йўлингда ҳар вақт интизор!»

Сўзларинг ҳали ҳам қулоғимдадир,
Бўсангнинг лаззати думоғимдадир.
Тупроқни душмандан пок этмоқ учун
Жанг қилсам хаёлинг нақ ёнимдадир.

Зафар-ла қайтаман қошингга бир кун,
Сен пешвоз чиқасан —юзларинг гулгун.
Кўкрагимда Олтин Юлдуз чақнайди,
Ўпаман, қучаман, юраклар жўшқин.

Тугайди фироқлар, битади ҳижрон,
Ҳар уйда тўй, ҳар юз қуёшдай хандон.
Қалбимиз, шодликка тўлар лиммо-лим,
Бизни, юртни қучур сўлим бир замон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АВТОМАТ

Қўлга олсам, кўксим керар автомат,
Юрагимга ғайрат берар автомат.
Гала-гала ёвлар чиқса қаршимдан,
Қонга белаб, ерга терар автомат.

Кеча-кундуз яқин йўлдош-қадрдон,
Офатлардан сақлаб қолган кўп замон.
Бу бўлса бас, мен кечаман сел, бўрон,
Ёвга ўлим, бало сепар автомат.

Автоматим — кўздек азиз қуролим,
Мен ҳужумга борганда ўт-бўроним.
То Берлинга элтгуси бу қанотим,
Юрагимдай шаҳдам тепар автомат.

Ёвни қувиб Украинадан ўтаман,
Оға-ини, сингилларни ўпаман,
Белорусни банддан озод этаман,
Мен билан кўп ерлар кезар автомат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎНГГИ ТОМЧИГА ҚАДАР

Москвадир бизнинг юрак, шон,
Удир бизнинг эрк, ғурур, имон.
Унда бизнинг партия — сардор,
Унда Ленин мақбараси бор.
Юлдузлари мизғимай порлар.
У зулматни енгган қаҳрамон!

Яна унга қилмоқда ҳужум
Қонли зулмат, заҳарли аждар.
Бу — тарихда энг машъум хабар!
Юртимизнинг эзгу кўксида,
Москванинг бўсағасида
Қонда сузиб душман ҳурар шум,
Йўқ, биз учун афзалдир ўлим!

Ниятига ёв етмас асло,
Минг қат зирҳ кийса-да ҳатто!
Совет халқи — қаҳрамон қўшин,
Қаҳрамон рус, кекса, ўспирин,
Қардош халқлар сара ботири
Кўрсатади кучнинг зарбини,
Бу — Ватанда янграган садо!

Майли, оқсин сўнгги томчи қон...
Биз душманга ҳар вақт беомон.
Вулқон отар ҳар уй, истеҳком,
Ғазабимиз олов ва қўлом.
Ёв янчилар, ундан қолмас ном.
Ватан кучи ортар онба-он,
Имонимиз — халққа қўмондон!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАҲРАМОНЛАР

Абадиян қолажакдир ёрқин номингиз,
Наслларнинг юрагида севги, шонингиз.

Овозангиз янграб кетди бутун жаҳонга.
Умид, орзу бахш этади ҳар эзик жонга.

Кишанланган халқлар сиздан тилайди мадад,
Мардлигингиз сийналарни қабартар беҳад.

Рус халқининг ўтдан, ўқдан, ўлимдан қўрқмас —
Уғиллари, салом! Ҳеч куч сизга келмас бас!
Ўзбек, қозоқ, гуржи, арман, украинликлар
Рус оғага сафдош — мардча жангга интилар.

Қаҳрамонлар!
Кўксингизда Октябрнинг буюк қуёши.

Сизга даҳшат эмас ёнғин, ўт бўронлари,
Ерни, кўкни зир титратган тўп вулқонлари.

Ҳар зарбага бермоқдасиз ўн ва юз зарба.
Душман боши, суягидан ҳар одим — тепа.

Сиз арслондай сапчиганда чексиз майдонда,
Қоришади душман тутун, олов ва қонга.

Ёв танклари уюм-уюм темир-терсакдир,
Ёв манглайин чаққан қоя — сизнинг кўкракдир!

Сиз қуюндай кўтарилгач ҳар вақт самога,
Душманларни ўлим — бало қуршар ҳавода.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қузғунларнинг қанотидан бурқийди гулхан,
Фарқи йўқдир ерга шўнғиб бир тўда кулдан.

Кўз тикаркан душман бизнинг қирғоқлар сари,
Гирдобларнинг мозорига чўкар карвони,

Ҳавомиз ҳам, еримиз ҳам, денгизимиз ҳам
Ғазаблидир душман учун — бари мустаҳкам.

Қаҳрамонлар! Кўрсатдингиз Ватан қудратин,
Кўрсатдингиз ҳақиқатнинг ўлмас шавкатин.

Ҳали яна кўрсатурсиз совет кучини;
Фашист тотди кучимизнинг ёлғиз учини.

Кўрсатурсиз, қаҳрамонлик шундай бизга хос,
Мардлигингиз номингизга ҳар кун бўлсин мос.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЛЕНИН ШАҲРИГА

Дилларга сен яқин, пайванд жон каби
Эй Ленин номини ташиган шаҳар!
Ленинниг муаззам ёрқин сиймоси
Сенинг юрагингда абадий яшар!

Сен илк кўтаргансан байроғимизни,
Омон ўтказгансан олов-бўрондан.
Мунаввар қилгансан яноғимизни,
Тақдиримиз кулди сендаги бонгдан.

Севги, дўст, қардошлик туганмас булоқ,
Туйғулар-ла боғлиқ сенга ҳар кўнгил.
Ироданг темири енгажак мутлоқ
Бало тоғин янчмоқ сен-чунмас мушкул!

Бўсағангда қонли қора тўлқинлар
Қутуриб пишқирди панжа солгали.
Ёнғин, бало, бомба, ваҳм, муз кунлар...
Ожизлар оёқдан сени чалгали.

Муаззам қоядек сокин ва мағрур
Турдинг тиш қайраркан ҳар кун зўр офат.
Урдинг, урмоқдасан, чексиз кин-ла ур,
Душман кир қонига ғарқ бўлсин абад.

Ўзбек қуёшидек қизғин ва сернур
Салом юборамиз сенга, баҳодир.
Дўстмиз ва қардошмиз сенга биз ғамхўр,
Курашинг, мардлигинг мислсиз нодир.

Сенинг ишқинг, ишинг, ёдинг-ла ҳар он
Дил тўла, сен бизга илҳом манбаи.
Олтин боғларимиз гули, меваси
Қалбимиз, ишқимиз сенга, қаҳрамон!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Жонон, сендан дилим, жоним айлансин,
Шеърим билан ҳур ҳаёлим айлансин,
Қайда бўлмай, ёнимдасен соямдек,
Эсим, ҳушим сендан доим айлансин.

Узоқлардан келдим сени ахтариб,
Майли юрай саҳроларда мен ҳориб,
Сени дерман ҳар кун тонгда уйғониб,
Қишлоғингда ел чопарим айлансин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

У ўзбекнинг асл боласи,
Жангларда шон, шараф олади.
Фахрланар ота-онаси,
Уни севар халқи, Ватани.

Ботир йигит, немисларни қир,
Ўлигидан тепалар яса.
Кун бермагил ёвларга ҳеч бир,
Яқин қолди улуғ ғалаба.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

*Икром Тошматовга*

Ботир йигит, она сутин оқладинг,
Қасамни дилингда маҳкам сақладинг.
Хато кетмас ўқинг билан, эй мерган,
Немиснинг бошини хўп мажақладинг.

Сени унутмайди асло давронлар,
Шаънингга ёзилур олтин достонлар.
Зафар куни қайтсанг, кўзингдан ўпиб,
Йўлингга гул сепар гўзал жононлар.

Оқ сут берган онанг Норпош опани
Умрбод хурматлар Совет Ватани.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрагим душманга қаттиқдир тошдан,
Бир кўзда Ватану бир кўзимда сан.
Жанг сурони тингач, қушдек мизғисам —
Ўқлар пора этган шинелимда нам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИЗСИЗ ҚИШЛОҚ

Бу ерда яшарди бутун бир қишлоқ...
Болалар шовқини, гармонь навоси.
Сигирлар маъраши, тўй, меҳнат — иноқ,
Кичик деразада гулларнинг нози.

Эртакка борарди бу ерда аср:
Туғилар, бўй етар... сўнг бўлиб кекса,
Қут ёзиб, сўнг дерди оламга: «Хайр!»
Ўрмон каби ўсган қанча жамоа...

Қани, ҳаёт, қани куйи, сурури?
Қани зўр қишлоқдан синиқ бир парча?!
Кўксимни тортқилар дарднинг омбири,
Ўйларкан пешонам темир чамбарда.

Тиккайган нарса йўқ, қор босиб ётар,
Хандон кунин қўмсаб йиғлайди шамол.
Бу ерлардан ўтмиш фашист-балогар,
Шум оёғин мангу қилажакмиз шол!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Эрта билан чиқдим инимдан
Ҳар ўпирган, ис босган қишлоқ.
Кўзи ўйиқ ҳар деразадан
Шиғиллар дил — туйгандек пичоқ.

Яширмас қор бинти ярани.
Дарддан қотган қўлсиз дарахтлар.
Аскар юрар — вазмин қадами,
Ушаладн олмосдай яхлар.

Қулдирлаган сингари қорин...
Ногоҳ уфқ «гув» этди бир чоғ.
Мен қонимда ўлчадим зарбин.
Дейдиларки: «Фронт... Ҳув узоқ!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖАНГЧИ ХАТИДАН

Жонгинам, Норбиби, мен эсон-омон,
Кийим-бош хўп қалин, егулик расо.
Қўлимда мерганлик милтиғи ҳамон,
Овга ошиқаман оқаргач само.

Чакки эмас менинг бу ҳафта овим,
Урдим тўққизини, жами — эллик бир!
Тулкидан баттарди кечаги овим,
Кўзлаётиб уни, бериб қўйдим сир.

Мени урмоққа кўп уринди фриц,
Қолмади қилмаган ҳийла-найранги.
Заҳарханда қилдим: «Ҳой, думингни қис!
Кўрсатган ҳунаринг мен учун янги!»

Пойлашдик тиш қайраб беш соат қадар,
Сал-пал беэҳтиёт бўл-чи, иш тамом!
Йўқ, ёв бўлолмади менга баравар —
Чидамда, ҳийлада мен устун мудом.

Гезарган тумшуғи кўринди қорда,
Мен босдим тепкини, фашист — қора қон.
Кўрсанг, шу палланинг хўп завқи бор-да!
Суюнчдан танингда ярқирайди жон...

Хатинг олганимга бир кам ўттиз кун,
Ёд бўлди, ўқийман такрор ва такрор.
Ҳар сўзинг, ҳар сафар бошқа бир гулгун —
Қалбимга очади рангба-ранг гулзор...

Дилбарим, ёзганинг барчаси гўзал:
Бригаданг эмиш ҳосилда олдин.
Пахтанг — менга иссиқ, душманга — ажал,
Сафарбар эт ернинг бутун қувватин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тракторчи бўлмиш синглим Зебиой,
Хирмонда иш берган энамга раҳмат.
Тегирмон ҳайдабди энгкайган бобой —
Табаррук соқолин ўпаман беҳад.

Хушхабар ҳам кўпдир бизнинг қаторда,
Қувон: ўтган куни уканг Аҳмаджон
Украинли йигит билан саҳарда
«Тил» тутиб келишди — офицер, йўғон.

Ишлангиз ёш-қари, иш ғалабадир,
Қўллар бўш турмасин бир нафас, бир зум.
Ҳужумни кутамиз биз ҳам бесабр,
Бу юртда фашистга бир йўл бор: ўлим!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖАНГЧИ ЭЛАТИМ ОЛДИДА

Гўё чирсиллайди совуқдан ҳаво,
Титраб қалин қорга суқилибди тун.
Жануб тунларидек ўрмонлар қора,
Ортида жанг дами сочар ўт-қуюн.

Пулемётда турар жангчи жим, вазмин,
Узоқ осиёлик ўзбек ўғлони.
У пойлар душманни мижжа қоқмайин,
Ҳар он тайёр унда ўқлар тўфони.

Кўзлари қаърида ётар қора кин
Бўронни яширган бир само каби.
Хароба, маъсум қон, дор, таҳқир, ёнғин,
Офат учун чексиз унинг ғазаби.

Буюк Россиянинг далаларида,
Тошқинларда сузди, ботқоққа кирди.
Ўлим неча-неча тортди пойидан!
У дадил, менсимай душманни қирди.

Ерда бахт гуллатган меҳнатни, сувни,
Сахий қуёшини сақлайди ботир.
Халқларни жипс этган меҳри — туйғуни
Сақлайди душмандан, у бунга қодир!

Зафар! Бу сўз унга қуролдек яқин,
Муқаддас ҳавоси, олтин тупроғи.
Рус билан ёнма-ён ташлар қадамин,
Бошда ҳилпиратиб зафар байроғин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Узилибди кўприкнинг бели,
Ўрга гўё шўнғиб кетар йўл.
Қесилган қош — қовус темири.
Мангу лаънат, бузғунчи шум қўл!

Пастда ётар паровоз пачоқ,
Ғазабидан униққан каби.
Ўзим боққан қора арғумоқ
Гўё ўлмиш, юракда дарди.

Қўмирланган тахта, темиртак,
Булар эмиш собиқ вагонлар!
Ҳар ёқ чуқур улкан ҳовуздак.
Нафратдан ях кесилар қондан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Қорли йўллар, уҳ, узун
Бу йилларнинг дардидек...
Увиллайди оқ қуюн,
Аччиғи билмайди чек!

Бу йўллардан юрди ёв.
Зилзиладек ўтди у.
Ҳаёт куюнди — косов,
Қон сизувчи йўллар бу.

Чекилди ёв пойтахтдан —
Бошсиз, қўлсиз, оёқсиз...
Кафани қордан, яхдан...
Қиш, найза, хўб иноқсиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Аскар юрар бу йўлдан,
Тўплар судралар гумбур.
Автомат жасур қўлда
Юракда ўт, бош мағрур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### ЖАНГЧИНИНГ ЮРАГИ

Қайнар эди энг даҳшатли жанг,
Чигирткадек ўқлар ҳавода.
Ўт уфирар югуриб кўп танк,
Ҳужум этар аскар пиёда.

Мана, борор кичик жуссали,
Бола юзли ёқимтой аскар.
Қаҳрли, дов йигитлар каби
Жангда у мард, дадил ҳар сафар.

Неча кундир уйқу йўқ бир дам,
Лекин кўзда чақнар ўт тиниқ.
Бўз тайлоқдек ташлайди қадам,
Қўлда маҳкам жонажон милтиқ.

Неча-неча душман танкини
Дудга кўмиб айлаган мажоқ.
Қанча-қанча душман қонини
Найза санчиб, сачратди узоқ.

Ҳозир борар жасур ва енгил,
Евни қувиб қанотланган у.
Юзида ис, ўқ тешган шинель,
Отар, ётар, ҳаракати қув...

Югураркан қишлоққа, уни
Ёқаладн ажал лаҳзада:
Кўтарилди қор, ер уюми,
Снаряддан тани дабдала.

Оёқ учди, қўл учди ҳар ён,
Юрак — парча эт учган эди.
Лекин юрак оқизиб ол қон,
Ёнбошига тушаркан, деди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мен ўсган ер, о гўзал Ватан,
Ўпирибди танингни бало,
Оғридими? Ўзим ўпаман!...»
Қорга, лойга юрак бўлди жо...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖАНГЧИ ОРЗУСИ

Кокилингни, дилбарим, кўзимга бир суртсам эди,
Ҳам дутору най билан ёнингда ўлтирсам эди.
Ғунча лабларни очиб, сен шўх лапарни куйласанг,
Мен бошимни тебратиб, кўзингга телмурсам эди.

Дилбарим, бу орзу-чун қонлар тўкиб жанг этаман,
Қайда душман бўлса мен шунда яшиндек етаман,
Қўлда милтиқдир мудом, қон кечаман, сув кечаман,
Ёвни енгиб ел каби қошингга югурсам эди.

Жон каби кўнглимдасан, ҳар ерда йўлдошсан ўзинг,
Енгамиз, тез енгамиз! Йўлларда кутсин шўх кўзинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖАСУР ЙИГИТЛАРГА

Бутун Ватан миннатдордир бу ўғлонлардан,
Душманларга кўкрак керган навқиронлардан,
Мардliklари қўшиқларда янграйди мудом,
Дилбар қизлар кўнгил узмас паҳлавонлардан.

Сизга Ватан қурол берди ёвни ургали,
Далалардан, бўстонлардан қўймай сургали.
Тўплар, танклар тоб беролмас чидаб тургали,
Ҳар тўсиқни ағдарасиз кечиб жонлардан.

Кўксингизда ёлғиз Ватан муҳаббати бор,
Сиз боссангиз илгарига ер-кўк ларзадор.
Дилларингиз ёвга нафрат билан беқарор,
Зафар билан сизлар қайтинг бу майдонлардан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚЎРКАМ ТОЛ

Толга у қараб қолди,
Юрагига тўлди ғам.
Хира-тиниқ ойдинда
Кўзларини ҳеч узмас.
Хотира ҳушни олди:
Барглари қуюқ, кўркам —
Тол дарди бор дилида;
Буни асло унутмас.

Мангу унутмайди у
Қуюқ тол новдалари
Остида тонг пайтида
Хайрлашган бир дамни...
«Ёв жаҳаннам қурди-ку,
Гўзалим, ўч олови
Борми дил нафратида
Партизан қиз бўлгали?»

Айрилдилар далада,
У минди отга шу он.
Ёлғиз оёқ йўлларда
Қиз кетди ўрмон томон.

Ҳалқумга дард тиқилар!
Кўпинча тунда бирдан
Хотиралар дув босиб,
Манглайин эзар, сиқар.
Офатли йилда ботир
Бўлди қиз — қадди барно.
Ёрдамини аямас
Қасосчиларга асло.
Ёғин тинмас тунлари —
Қутурар бўрон, чақмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизни уч тўлқинлари
Олиб юради уйғоқ.

Оқшом кўприк буздилар;
Тонгда штаб тору мор.
Қизнинг отрядин бир тун
Қуршаб олди қузғунлар.
Азоблайди бермай тин.
Бу чидам, бундай сабот,
Ўчни қайдан олгандинг?!
Даладан-далага бот
Тарқалди қизнинг донги.

Бир оқшом ним қоронғу
Йигит чиқди ўрмондан.
Тол ўсган тепада у
Тўхтади, гўё жондан
Ажралгандек қақшади.
Эгилган шоҳда ёлғиз,
Даҳшатли рўё каби
Осилиб турар кўр қиз.

Тошга айланди шу дам,
Кўкракни тешар мих — ғам
Қалбига тўлди ғазаб.
Деди: — Олмай қасосим
Тинмайман! — дарддан титраб.

Ўрмонга кетди у жим...
Лекин тепада кўркам
У зилол қуюқ толни —
Парчинланган хаёлни
Йигит унутмас бир дам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОМБАРДИМОН ВАҚТИДА

Қалам тутган қўлим қоғоз бетида,
Фақат қўлга тушар чироғнинг нури.
Кўлкада китоблар ва хариталар
Бошимда фикрлар бўрон ғувури.

Тўсатдан сезаман душман шу онда
Ташлайди бомбани; у бало каби,
Шиғиллаб, ғизиллаб тушар осмондан,
Қўлим, қалам, девор кул бўлар бари.

Йўқ, бомба бас келмас, қалбинг топ-тоза,
Ҳали айтилмаган қўшиқларга бой.
Бескид тоғин, конин сендай ким севар?
Улардан ким сендек қўшиқ тўқигай?

Сен минглаб чақримлар Ватандан узоқ;
Боқ: титрар шаҳарлар ва мамлакатлар.
Тингла, қонли аср безгакдек титроқ,
Ўз асринг-ла дардлаш ва куйчиси бўл.

Юртинг, ўз уйингга қайтарсан бир кун,
Кўклам майсасида оларсан ором,
Кўкда сузар нурли, момиқ булутлар,
Тингларсан қушларнинг куйин ҳар оқшом.

Бутун кўрганларинг даҳшатли бир туш,
Безгак рўёсидек ўтгай у замон.
Нозик бинафшанинг бўйидан сархуш,
Дерсан: Сен гўзалсан, лабларинг хандон.

Эй майса, эй само, бунча гўзалсан?
Бунча гўзалсиз, тоғ, дарё, ўрмонлар?..
Ер, денгиз гўзалдир, қитъалар гўзал,
Бу гўзал жаҳонга тасаддуқ жонлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Болалик чоғимда қараганимдек,
Гулзордан қуёшга қарайман серзавқ.
Қуёшдек, ўрмондек ва бинафшадек
Соф инсон ҳақида ўйлайман узоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Майда қор учар қалин
Дала қор, йўллар ҳам қор...
Ногоҳ тўхтайман ҳорғин —
Яна бир дўмбоқ — мозор.

Танҳо юлдуз тахтадан.
Қонда чўмилган каби —
Қизил у. Жим қоламан,
Чидар кимнинг юраги!

Бунда ётар командир —
Лейтенант ё капитан...
Балки баланд унвондир,
Рус, ўзбек, қозоқ, туркман.

Балки бола-чақали,
Балки тойдай шўх, думбул?
Не бўлмасин лақаби,
Ватанга содиқ ўғил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Йиғи келмайди сира,
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг яхидек
Лабимда қотибди сўз...

Қошлар, киприклар қирон —
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон...

Қуйган уйларда увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХАЙР, ДЎСТИМ

Ҳайр, дўстим, жангчи қадрдон,
Дилим тўла меҳринг элтаман.
Содда аскар, сўзинг бир уммон,
Илҳом унда очади елкан.

Мен кетаман Осиё сари,
Дўстлар учун мингларча чақрим —
Икки қошнинг ораси каби,
Узилмайди сендан ҳаёлим.

Сен дуб каби маҳкам ва пишиқ,
Найза каби ёвга беомон.
Қадамингдан темир-тош синиқ,
Сен ажални енгар қаҳрамон.

Сийнанг мағрур қалъа сингари,
Ёв бўйнида қўлинг болтадир.
«Ура!» билан боссанг илгари,
Тоғ қуласа ажаб эмасдир.

Ёв қилмоқчи уйингни вайрон,
Дорда арқон отанг оқ сочи.
Кўкинг тутди қанотли чаён,
Ўқдан чўтир даланг чиройи.

Рус ериdek дил серматонат,
Ўрмонларнинг илдизи каби
Чуқур сенда юртга муҳаббат,
Қасосингда қуюн ғазаби.

Менман деган ёвларни урган
Боболаринг тарихда мудом.
Бу жангда қон ичиб қутурган
Ўғрилардан сен қолдирма ном!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДАВЛАТ НАШИДАСИ

Энг улуғ мамлакатнинг биз ҳур одами,
Меҳнат ва ижод бизнинг бахту ифтихор.
Эркимиз ёвин енгмак — виждон қасами,
Қуёш байроғимиздир, ҳақ-адолат ёр!

Н а қ а р о т:

Шонли Ватан, қудратли давлатимиз бор,
Будир улуғ Лениннинг буюк асари.
Доҳиймизнинг ишига биз садоқаткор,
Машъалларин элтамиз асрлар сари.

Тўп юлдуздек халқлармиз, аҳил, қадрдон,
Қудратли дарахтлармиз — илдизимиз бир.
Қўпоролмас жаҳонда ҳеч куч, ҳеч бўрон.
Шодлик, кураш, дўстлик-ла диллар пайванддир.

Н а қ а р о т.

Муқаддас, азиз Ватан, дилларда ёдинг,
Сен мавжли дарёсен, сен бахт кўзгуси,
Абадиятга олтин тарихни ёздинг,
Ватан, сенда башарнинг умид-орзуси.

Н а қ а р о т:

Шонли Ватан, қудратли давлатимиз бор,
Будир улуғ Лениннинг буюк асари.
Доҳиймизнинг ишига биз садоқаткор,
Машъалларин элтамиз асрлар сари.



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Ватан қасидаси» («Ўзбекистон давлат гимни») шеърининг қоралама нусхаси. *Шоирнинг шахсий архивидан.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАТАН

Улуғ жанглар фарзандидир бу Ватан,
Ҳар қаричи — қалбимиздан бир улуш.
Бизга тутди меҳр олтин косадан,
Бир гулига минг қалб истар қон тўкиш.

Ватан элтар бахт, қуёшни саҳарга,
Бутун жаҳон кўрар тонгни, баҳорни.
Ҳар бир тоши арзир ишққа, лапарга,
Бизнинг Ватан каби нурли юрт борми?

Бу диёрда асло гуллар сўлмайди,
Уфқимизда бахт юлдузи сўнмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАТАН ҚАСИДАСИ

Яша, эй Ватан, зафарларга бор,
Яша ва юксал, муқаддас байроқ!
Бахтимиз ўзинг билан барқарор,
Яша, эй Ватан, камол топ ҳар чоғ!

Нақарот:

Ватанимиз — улуғ, шонли иттифоқ,
Содиқ бир қалъаси Ўзбекистондир.
Оғамиз рус халқи билан у ҳар чоғ
Яшашда, курашда бир тан, бир жондир.

Октябрь қутқарди қулликдан бизни,
Қуёш бўлди Ленин ўзбек халқига.
Баҳордек гуллатиб Ватанимизни,
Зафардан-зафарга элтди партия

Нақарот.

Тарихлар яратган ботир бир халқмиз,
Тер тўкиб, биз қурдик янги, ҳур Ватан.
Ҳар гули, ҳар тоши жонлардан азиз,
Беомон янчамиз бош суқса душман.

Нақарот.

Яша, Ўзбекистон, эй озод Ватан,
Шонли боболарнинг азиз тупроғи!
Бошласин зафарга сени зафардан
Озодлик байроғи — совет байроғи!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нақарот:

Ватанимиз — улуғ, шонли иттифоқ,
Содиқ бир қалъаси Ўзбекистондир.
Оғамиз рус халқи билан у ҳар чоғ
Яшашда, курашда бир тан, бир жондир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Зерикишдан зерикдим жуда,
Жулдур Қарши — дилгирлик кони.
Зерикамен ҳатто уйқуда,
Бу ернинг бир кундузи — шоми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Кулфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи,
Соядек йўлингда ҳамқадам.
Сояни қамрар тун сиёҳи —
Сенга бергувси ўлим дам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Пахса деворларнинг харобалари
Тевалар сингари чўкибди ҳарён.
Уйлар — парча ғиштсиз, тупроқ кўмаси;
Йўлларни ўраган бўғувчи тўзон!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Паст-баланд, беўхшов хоналар қатор,
Эчки, эшак, сигир оғилда иноқ.
Диринглар ҳовлида ўйинбоз бузоқ,
Кўркам хўроз кезар жиддий, димоғдор.

«Қақилдоқ хонимлар» жўжаларга бош —
Олтинланган гўнгда тинмайди сурон...
Омбор атрофида мушук саргардон,
Пахмоқ ит эшикда ухлайди юввош.

Мана, уй бекаси тугади ўғир,
Танга маржон, мунчоқ, ранг-баранг безак
Қуйлаги ямоқдан худди қуроқдак,
Меҳнатсиз кундузни кўрмас бир умр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Сочларининг чангига боқма,
Кўйлагининг рангига боқма,
Қизча минган яғир эшакнинг
Қулоқ йиртар «ҳанги»га боқма.

Кўзларининг соф нурига боқ,
Севгининг маст дарёсида оқ!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Боболарим отлар сурган чексиз дашт бу,
Кўзларимга гул кўринар янтоқлари...
Маст айлади елларининг қучоқлари,
Сополлардан дарс олувчи саргузашт бу...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЛЕНИНГРАД

Тарих бизга сўйлар ҳикоя:
Беҳад кўрган шаҳарлар қамал.
Ойлаб, йиллаб қонли кир соя
Нурни тўсган мисли дев шамол.

Жанглар бўлган, қонлар пишқирган,
Суронлардан ер-кўк ларзада.
Қалъаларни ғазаб кемирган
Ё айланган ғазаб қалъага!

Қуршалганлар кўп дафъа ёвга,
Сийналарни қилишган қалқон;
Эрки учун кириб оловга,
Отилишган ўлимга ҳар он.

Лекин тарих билмаган ҳали
Бир шаҳардек улуғ қаҳрамон.
Ленинград — бу совет шаҳри
Абадиян қолар унда шон.

Қойил қолар унга асрлар,
Ҳурмат билан ёдлар минг насл.
Афсоналар, достонлар, шеърлар
Куйлар уни мангу, муттасил.

Сўйла: «Нима қилди бу шаҳар?»
Қошкиди сўз зўр бомба каби
Портлагувчи салмоқдор бўлса,
Ё кўз ёши, ё гул сингари —

Нафис, нозик, маънодор бўлса;
Ё сўз савр булути бўлиб,
Мисраларда солса ҳайқириқ;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ё дарёдек тўлқинга тўлиб,—
Жўшса қалблар — титраган қайиқ!

Ленинград — тарихнинг шони.
Эгил, тарих, эгил, ай шавкат,
Боқ, қурранинг янги жаҳони!
Қайда, кимда бу онг, бу қудрат?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОКТЯБРЬ

Минг йиллик занжирни синдирган,
Минг йиллик кўз ёшни тиндирган,
Дунёнинг дўзахин емирган,
Тарихнинг кундузи Октябрь!

Сен бизга ҳам қуёш, ҳам баҳор,
Сен она, сен бизнинг бахтга ёр,
Ҳаётда сен билан қиммат бор,
Меҳнат ҳур, бошлар ҳур, қалб — шоир!

Кўп қонлар тўкканмиз сен учун,
Қатраси бебаҳо, эзгу хун,
Яна жанг қилмоқда шу бугун
Сени деб миллионлаб баҳодир!

Гитлерчи газанда галаси
Қалбингга суқмоқчи найзани,
Улардан суяклар тепаси —
Қолажак; душманга бу тақдир!

Сендан куч, ўт олур, дил ҳар чоғ,
Сен ишқсан, сен жонсан, сен байроқ,
Абадий яшайсан, эй нур, ҳақ,
Арслонлар ёвингни агдарир!

Бошингда ҳайқирган кўп бўрон,
Ёндирган яшинлар кўп илон,
Азамат тоғ каби сен бир он
Титрашни билмадинг, эй ботир!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Нима деса десин одамлар,
Ит ҳуради — ўтади карвон!
Виждон билан қимматдир дамлар,
Ҳар вақт эшдир қалбимга виждон!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Соқий, кел тут менга лим-лим пиёла,
Борур жойим энди мудом майхона.
Қуёш, қани, сочсин дилга учқунлар,
Гуноҳларим Муҳаммадга ҳавола!..

Соқий, кел тут пиёлангни, сипқирай,
Мен телбага хуш киргизсин эски май.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЙША ХОЛА

Аёллар кўп бизнинг қишлоқда:
Ниҳоллар бор, тиши йўқлар бор.
Диллари жим ёнар фироқда —
Бари элга, юртга вафодор.

Ойша холам бошқача лекин,
Улуғсифат, ҳатто тунд чоллар —
Тинглайдилар унинг кенгашин.
«Доно ача» дейди аёллар.

Уч жангчига она у кампир,
Оқ сочининг ҳар толасида
Жилваланар ўғилларга меҳр.
Мудом бир ўй кўз қорасида...

Аммо кампир тўкмас қатра ёш
Ҳар ўғилни узатган замон.
Ватан ишқи бамисли қуёш
Қари танга бахш этди куч, қон.

Набиралар билан далага
Кетади у жиддий, пурвиқор.
Ярашади кетмон елкага,
Ҳар бир ишда пишиқ соҳибкор.

Гоҳ этагин қисиб липпага,
Яланг оёқ ҳайдаб келар сув.
Олтин мавжли буғдой арпага
Ўроқ чархлаб гоҳо кирар у.

Қовжиратар уни косовдай
Саратоннинг улкан хумдони.
Ажинлари нақ ўр новидай
Тер қуяди чопиқ замони.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуёшдан илк турар ўриндан,
Қушлар билан уяга қайтар.
Гоҳ ҳаловат истамай, тундан —
Тонггача у хирмон кўтарар.

Йўлга ҳар он интизор юрак.
Қора хатдан сиқилса бирдан,
Ким бўлмасин — аёл ё эркак —
Унга «хола» сўзи кўк қирдан —

Эсган елдек бахш этар шифо,
Сийналардан булутни ҳайдар.
Унинг ўзи жонли бир даво!
Иш, курашга дилни шаҳд айлар.

Ойша хола ичаркан қасам,
Юзларини ёқди ёш қайноқ.
Бели бу йил онт каби маҳкам,
Онт сўзлари ёдида ҳар чоғ.

Ҳозирдан у кўрар пахтани:
Қор босган тоғ каби хирмонлар...
Тера-тера тамом эт қани!
Оқ булутдай елар карвонлар.

Бу йилги иш — синов, зўр довон,
Бу онт, бу шон, бу жанг, бу зафар
Оғир... гоҳо босар ҳаяжон,
Лекин мард эл онтни бажарар.

Ойша хола ишда муттасил,
Қари гавда қайроқдай пишиқ.
Олтин кузда хўрсинар енгил —
Зафар куни қучоқлар илиқ...

Ойша хола ўзи дер: «Сим қоқ!
Улуғ Ватан ва юрт қошида.
Ботир халқнинг букун юзи оқ!..»
Порлар эзгу нур кўз ёшида...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЗОД БЎЛГАН ШАҲАРДА

Байроғимиз порлар самода,
Бу — қудратнинг, бахтнинг тимсоли.
Янграйди ҳур қўшиқ ҳавода,
Юракларнинг тугади зори.

Кўтарилди эгилган бошлар,
Яна кирди кўзларга юлдуз.
Узоқ, оғир тундан қардошлар
Чиқиб қучди ёрқин, шод кундуз.

Дорзор бўлган зўр майдонларда
Ўйнар қувонч ва бахт шамоли.
Беланмайди энди қонларда
Она сочи, бобо соқоли.

Қизлар ҳусни энди қуёшда
Баҳордаги чамандай кўркам.
Қонли қўл-ла ғижимлаб тошга
Отмас уни фашист муттаҳам.

Қочади ёв — оғзи, бурни қон.
Қутулолмас бизнинг найзадан!
Қадамини қирқамиз ҳар он,
Қорли саҳро — поёнсиз кафан.

Ёвни бос, ур, жангчи қаҳрамон,
Муқаддас кин, эй ўч бўрони!
Ғарбга югур! Ёвга йўқ омон,
Сенда эллар тилак-армони!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАҲРАМОНЛАР ҲАҚИДА
(қўшиқ)

Уч, қўшиқ, уч олтин ҳавода,
Қуёшда шўх чўмилиб, мавж ур.
Тоғлардан ош худди шаббода,
Боғларда ич сипқириб бода,
Чашма ўпиб, Амуга югур!

Яшил мавжли кенг далалар бор
Денгиз каби кўк қучоғида.
Пахталардан водий оқ гулзор —
Ҳар кўсакда парча-парча қор...
Йўқ, оқ ёмби — ҳар чаноғида.

Водий эли бахтиёр, ботир
Гўдагидан чолига қадар.
Не-не улуғ ишларга қодир,
Яратишда мўъжизакор эр,
Ҳар азмида ёр унга зафар.

Қўшиқ, очил чаманда ёрқин,
Жийдазорда лабларни ёндир.
Хирмонларнинг кўтар нашъасин,
Болаларнинг беза дафтарин,
Қаҳрамонлар юрагига кир.

Анов беш қиз куйманар иноқ —
Юртга суюк дала ботирлар.
Қуёш, елдан юзлар пўрсилдоқ,
Чўғ куйдирмас — қўлларда қадоқ.
Табассум — нур дарёга ўхшар.

Ватанга ёв солганда чангал,
Тупроқларни қизлар ағдарди.
Мушкуллик-ла жанг қилди жадал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаналларда олдинда ҳар гал
Жажжи қўллар тошларни ёрди.

Кунлар ўтди ишда муттасил —
Юлдузлардек тунларда бедор.
Жанг ва шон-ла кечди ҳар фасл.
Кулганда ҳам ғамли эди дил:
Қайда ота, оға ёки ёр?

Қир-далани қизлар ағдарди.
Қиз —темирчи, ўроқчи, чўпон...
Ёзда куйди, қишда муз ёрди,
Ўсма, дутор унутилганди.
Ватан ишқи — томирларда қон!

Букун қизлар боши осмондир,
Ҳижронларнинг кўчди булути.
Юлдузларга кўзлар макондир,
Зафарлар-ла дил ёнма-ёндир.
Шаҳидларга севги сукути!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШОН БАЙРАМИ

Шойидек шилдироқ макка пояда
Ўтирар жим қотиб бир гала гўдак.
Иш аро мўйлабдор «Чўлоқ амаки»
Мислсиз жанглардан сўзлайди эртак...

Уфқдан-уфққа етган далалар —
Ухламас; пахталар хирмонда — булут.
Қуёш қўшиқларнинг мавжида сузар,
Қуй, ижод билан халқ кутади ҳайит.

Бу байрам — тарихнинг ёрқин кундузи.
Кундузни сақладик тикиб жону тан.
Қора бўронлардан сақладик уни,
У ҳаёт нур кони — куч эмар Ватан.

Қалбдаги ўт билан душманни отдик,
Волгадан Одерга буткул кечиб қон.
Октябрь! Тенглашар сўз борми яна:
Башар қўш қуёши унда намоён!

Қудрат, ижод билан руҳланган айём.
Шаҳарлар, кўприклар қуриб улуғ халқ,
Зафар қадаҳларин сипқиради том.
Байроқлар сўзлайди асрларга доңг...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АМУ БЎЙЛАРИДА

Дўстим, бу ерларнинг тарихи узоқ...
Ҳатто тошларнинг ҳам тили соқовдир.
Амуда толмайди қудратли тўлқин,
Чунки у ҳаётга мангу гаравдир.

Бир чоғ қирғоқларни бўяр эди қон,
Бир қатра сув учун халқди интизор.
Бугун қўшиқлардан қирғоқлар хандон,
Сув ҳам қўшиқ каби бахтга бўлди ёр.

Қорақалпоқ элин гўзали — Аму
Кумуш ойнасига доғ солмасин ғам.
Эл бахти Амудек мавжлансин мангу,
Қумли саҳроларга гул ёйсин кўклам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СУВ

Ўрта Осиёда кўп биёбон чўл.
Даштларга қарасанг, эртакдагидай.
Тонг отар, кун ботар — адо бўлмас йўл
Ва ловиллаб ёнар дўзахдагидай.

Тевалар йўл босар қадамба-қадам,
Карвон мусиқаси мунгли, саҳройи.
Бир қошиқ сувга зор — йиқилар одам,
Чиқар ташналикдан тевалар жони!

Шамол эрмак қилар қумларни аста,
Қум тепалар ясар, ҳисобсиз бархон.
Дўзах каби қумда ел пиша-пиша
Кўкка кўтарилар, жизғиллар осмон.

«Гармсел» деб буни атаймиз, қара,
Балодан ҳам бадтар яшил олам-чун!
У ўтган жойидан қоп-қора яра —
Ташлайди, деҳқонлар умиди сўлғин!

Асрлар орасин боғловчи бир мум
Ернинг қаъридадир — битмас бу китоб.
Қай обод ерларни босиб кетди қум,
Ўрта Осиёнинг тарихи — қум, об...

Йиғлади Навоий халқ тақдири-чун,
Ишқидай муқаддас сув қазди Фарҳод.
Махтумқули сув дер, Бердах бағри хун —
Сувсизлик дастидан айлади фарёд.

Октябрь ташлади чанқовликка бас,
Дарё-дарё келди даламизга сув.
Бош Туркман каналин қурмоққа ҳавас
Қайнайди. Халқ кафил: илк ишимиз бу!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Унутажак Аму эски ўйинин,
Зилолий сувларнинг оқиши гўзал.
Ўзбойдан оқади юлдузлар секин,
Ҳосилдор заминлар кенг боғлар тузар.

Туркман ери обод Каспийга қадар,
Қорақалпоқ дашти бўлур олтиндай.
Ҳаммасида пахта, барида боғлар,
Барида ўрмонлар яшил булутдай!..



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАИСА

Жийдазор ёнади кумуш тутунда,
Ҳаво хумдон каби нафасга урар.
Гўзал сочлар учин йиғиб тугунда,
Раиса даладан-далага юрар...

Гилам дўппи узра сочлари чамбар,
Этиги ғарчиллар чилла қоридек.
Енглар шимарилган тонгдан то саҳар,
Сўзида сабот бор эл қароридек.

Ватанни босганда бало ноғиҳон,
Эрни узатди у — дилдан учди ёз.
Уч кун сўнг — раиса... Кўнглида гумон:
Наҳотки аёллар ичра у шоввоз!

Қор кечиб, муз ялаб канал қазди у,
Ёзнинг кўрасида ёнди суяги.
Ишда оромиди қултум лойқа сув,
Киприк юмганида — севги эртаги...

Баъзан елади у қашқа йўрғада,
Йўллардан кўчади чанг қуюнлари,
Қамчилаб от солар жарга, ўрга-да,
Чўчитмас дарёнинг оч тўлқинлари.

Қатра рўзғори бор: тоғда йилқилар,
Қирларни қоплаган буғдой олтини.
Пахтазор бир бутун водийни бийлар,
Ундадир чўл қуми, тоғлар салқини.

Трактор, комбайндан тақага қадар —
Бошида неларнинг дағдағаси бор:
Қишлоқда ҳар уйда не сир, не хатар —
Баридан ҳар онда бўлсин хабардор!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чолу кампирларга қиздек меҳрибон,
Ҳижронли қизларнинг тушин таъбирлар.
Қишлоқда бир куни вадаванг сурон:
Отадек етимлар тўйини қилар...

Соат тақмаса-да иши соатдай,
Ҳар ерда ҳозир у: гоҳ шод, гоҳ дағал
(Ялқовга хушомад — бир хиёнатдай).
Қўшиқ, ўйин берсин меҳнатга зарҳал!

Олтин тонгдек кулди шонли зафар ҳам,
Юракларда баҳор гуллади беҳад.
Лекин Раисанинг кўзларида нам:
Хат олди — қишлоқда сўнгги «қора хат».

Хароба Берлинда унинг шунқори
Сталинграддан ёв сурган ботир —
Қурбон бўлмиш... Қайда қолди мозори!
Кўзлари булоқдай қайнаса арзир...

Мана, куз... Баргларнинг учди кўк қони,
Терим мавжидадир раиса тун-кун.
Руҳин қучоқламиш зафар айёми,
Юрагида янги туйгулар қуюн.

Хирмонлар қор босган тепалар каби,
Пахта карвонлари елар булутдай.
Ҳаводан қуйилар куйлар нашъаси,
Раиса ўзини сезар бургутдай.

Кураш ва яратиш ишқида яшар,
Лекин юрагидан гоҳ узилар «уҳ»...
Шунда ишга шўнғир ё от эгарлар
Ва қамчи ўйнатиб, тоғ сари дер: «чуҳ»!



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 1947

## ШАРҚДАН ҒАРБГА

Мана, Лондон....
Қуюқ тумани...
Гайд парки...
Банкларнинг қора,
Чўнг ҳайбати...
Кўприклар ёйи...
Кўча, майдонлари гирдоби...
Машиналар ғуж, пода-пода... —
Тош ва темир қасирғаси бу,
Шотланд аскар юбкасидан ёт
Ва ғалати анъаналар ҳам,
Сўз бозори (парламенти бу!),
Яна қанча қилиқ ва ҳашам —
Билан Лондон очилди — машҳур,
Қаҳрли, тунд, сернам, такаббур...

2

Манчестердан чиқамен...
Кўча...
Асфальт... Туман... Шувуллар ёмғир.
Чироқлар оз, кўзлари хира.
(Зўр муаммо ҳозирча кўмир!)
Қоялардай бинолар қат-қат.
Қандайдир бир тош королни жим
Ювар ёмғир...
Банклар ва беҳад —
Конторалар, бутхона, илм —
Ўчоқлари, музей ва ғорлар —
Маҳалласи туташ ҳамсоя.
Ҳорғин мудрар хўмрайган шаҳар,
Чала қурсоқ, туши хойила.



www.ziyouz.com kutubxonasi




Ойбек (ўнгдан иккинчи) СССР Олий Совети депутатлари билан биргаликда Қарл Маркс қабрига гулчамбар қўймоқда. Лондон, 1947 йил. *Шоирнинг шахсий архивидан.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## 3

О, ким у? Ким?
Муйишда ёлғиз
Турар ва жим шарпа сингари
Қора кийган гердайган, семиз,
Дев қиёфа,
Тириш манглайи.
Кўз олдимдан ўчмайди бир он
Бу башара:
Бўри жағ, ғирром.
Кўзларининг доғларида қон
Фарқ қилмас не ҳалол, не ҳаром...
У ким? Лондон руҳи бу шарпа!
Қаён боқма айни башара!
Кўрдим уни натурал турда..
Бўй қориндан хафа-ю, қорин —
Бўйдан хафа!
Сигара бурма —
Тутун отар лабда дам сайин...

Собиқ вазир шундай бақалоқ.
Зўр буқага тенг бўлмоқ учун
Ўзин пуфлаб шиширган ахмоқ
Қурбақага ўхшайди бутун.

Черчилль! —
Ҳазил эмас, калон ном:
Капиталнинг у бош малайи,
Қора кучлар бошида имом.
У ҳақиқат, нур, эрк душмани!
Селобали кўзларига боқ,
Қалбининг дудланур кўмири.

Янги уруш жаҳаннамини
Ёқмоқ учун шоввоз кочегар.
Енг шимариб туфлаб кафтини,
Қора кучга қаддини эгар.
Унга тинчмас на ҳаёт, на гўр,
Уйқу оғир «темир парда»дай.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШОҲИМАРДОН

Грузовиклар қора қўнғиздай
Тирмаб ошар тепа, довон, сой.
Шамол чаман ичра чўмилган,
Шундай хушбахт, шундай ёқимтой.

Бирин-кетин ўтар қишлоқлар,
Қўкаламзор, кумуш ирмоқлар...
Қўлга илсанг бир даста гулдай
Юракда зўр орзу ўйноқлар.

Зумрад барглар исирға каби
Енгил титрар,куйдир эрмаги.
Уҳ, тераклар мунча гўзал, шан,
Табиатнинг ажиб эртаги.

Нурда чўмар оғочлар гавжум,
Оғушида сайраб бетиним,
Маст булбуллар тўқийди девон.
Гуллар тинглаб тебранар жим-жим.

Қўкка устун бўлмоқчи каби
Қўтарилган тоғларнинг қадди.
Ҳар ёқда зўр барзанг қоялар
Осилгандир фазолар сари!

Мавжланади қуёшнинг чанги,
Хил-хил ёнар тошларнинг ранги.
Севинч олтин ғунчасин очар,
Ҳар нафасда манзара янги.

Шоҳимардон!.. Тоғлар, қоялар
Зумда учди кўздан бор диёр.
Бу муаззам ҳусн оғуши
Ичра қолди юксак бир мозор!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туш, эй шамол кўк арчалардан,
Сирпаниб уч ойна, муз, қордан.
Кел, шивирла хотиралардан,
Бунда янграб узилган тордан!

Санъат руҳи, илҳом қамиши,
Шеър қалбининг кўркам ёниши
Парчаланди қайси бир тошда?
Тоб берибди қайси тош ичи?!.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИДА

Бу мавзу бир абадий илҳом...
Бу оламнинг шон, ифтихори.
Қуёш яшар ишқида мудом.
Тарих қалбин сўнмас мадори.

Ленин ётар, кўзлари юмуқ,
Тун билмаган қуёш сингари.
Ҳаётимиз у билан тўлиқ,
Сиймосида йўқ ўлим гарди.

Юз асарлик қора куч қўлин
Қайирган қўл энди кўксида,
Большевиклар улуғ сардори
Зафарларнинг кўчгандир йўлин.

Мавзолейда, Қизил Майдонда
Ётар сокин. Бутун мамлакат,
Бутун халқлар юрагида у,
Қуршар уни буюк муҳаббат.

Буюкларнинг энг буюги у,
Бир киприги, ё бир қараши
Маъносин қай тил қилар баён?
Шундай чексиз фикр даласи...

Тарихлару ҳаёт, коинот
Қонунлари бошида равшан.
Бари қурол унга: болға ҳам
Ўроқ бўлсин бахтиёр пайванд.

Ленин шундай содда, суюмли,
Ғурури ҳам халқона гўзал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Деҳқон тинглаб, бола эркалаб,
Асрларнинг ишин қилган ҳал.

Исми баҳор сингари келди
Кўк титратган қалдироқларда.
Халқ уйига кирди қуёшдай,
Шуълалари ол шафақларда...

Дарчаларни очар кўкламга,
Болаларни мактабга ундар.
Эрк-чун жангга, янги рўзғор-чун
Катталарни курашга йўллар...

Синфларнинг кураш олови
Нева бўйлаб гирдобланаркан,
Янги тўлқин олди Аму ҳам
Жаҳон очган қўл ҳамласидан.

Босириқдай тундан Шарқни у
Етаклади ҳаётга кушод.
Шарқ кўксидан кўҳна аламлар
Қатқалоғин отди умрбод.

Миноралар тош қотди — соқов,
Кўк саробин кемирган кўзлар —
Ер ҳикмати, ишқи, чиройи,
Қувончи-ла лиммо-лим тўлар.

Ернинг ўғли жаҳон ташвиши
Билан яшнаб курашди мудом:
Ер юзида бутун асрлар
Ишкалини қилсин саранжом!

Қитъаларнинг уфқларида
Номи учар — кўклам муждаси.
Бу ном билан умидга тўлар
Миллион-миллион қуллар ҳужраси.

Қондан, тердан семирган барча
Жаҳонгирлар, бўрилар учун
Ленин сўзи бало, ҳалокат!
Жаллодларни тортмоқда ўпқин.



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Мавзолей олдида» шеърининг қўлёзма нусхаси. *Шоирнинг шахсий архивидан.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иши, сўзи ўлмас! Эрк, ҳаёт —
Илдизидир улар жаҳонда.
Капитални зир қақшатувчи
Зафарга ёр байроқ майдонда.

Янги мавжлар берур муттасил,
Унинг қалби ҳаётимизда.
Янги жаҳон маҳракидир у.
Ҳар зафарнинг у байроғида.

Ленин ақлин улуғ партия
Кучин этган юрагида жо.
Халқимизнинг қўлида байроқ,
Баланд, баланд, баланд доимо!..



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПУШКИН

Шеър қуёши дерлар — эмас беҳуда,
Сўзлари дилларни қуёшлантирар.
Қуёшдек баланду тантидир жуда,
Нафасидан мудом ёш кўклам эсар.

Улуғ рус қалбини эркин таранну́м
Этди созида у дадил ижодкор.
Қудратли сасидан титради тахт, зулм,
Шоир нур, ақлга, ҳақиқатга ёр.

Бу куйчини куйлар улуғ Ватаннинг
Барча халқи севиб барча тилларда.
Унинг чечаклари барча чаманнинг
Ҳуснини бойитар эркин элларда.

Кўм-кўк Фарғонанинг далаларида,
Тошкент боғларида куйлари — лапар.
Қадим Самарқанднинг болалари-да
Пушкинни қўлтиқлаб мактабга чопар.

Шўх Амударёнинг соҳилида ҳам
Хоразм қизларига ёддир бу қўшиқ.
Нева бўйларида туғилган кўркам —
Шеърдан бугун ўзбек юраги тўлиқ.

Қўшиқларимиз бир, дилларимиз бир,
Дарёларимиз бир, оқса-да ҳар ён.
Пушкин тўйи ўзбекнинг ҳам тўйидир.
Эй, халқлар дўстлиги, мангу бўл омон!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

Куйлаганди беш аср бурун
Халқни, ҳақни, ишқни бу инсон.
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун —
Дарди билан тепарди ҳар он.

Улуғ Ватан кўксида шоир
Бугун қаддин кўтарди баланд:
Абадий тош либосидадир,
Қўлда китоб, кўзлари ўйчан.

— Ассалом, Навоий! — дейди ёш авлод,
Олқишлайди халқни бахтиёр.
— Шоир, арзир қилсанг ифтихор,
Сўзинг янграр, кўнгилларда ёд.

Сен юксалдинг улуғ замонда,
Руставели, Низомий, Пушкин,
Шевченколар тирик Ватанда,
Қара, ҳаёт қандай шод, эркин...

Сўзларингни севар рус, қозоқ,
Туркман, латиш, грузин, арман.
Бари совет ерида иноқ,
Бошларида бир байроқ улкан.

Кел, Навоий, халқ билан бирга
Гимн айтайлик шу Ватанга биз:
«Умринг, нуринг минглаб асрга
Етсин, Ватан — мангу фахримиз!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАРАЧИДА

Тингладим мен бу диёр овозини,
Халқ дилидан янграган ҳур созини.
Кўп баланд тоғлар ошиб эсган шамол
Қўзғатур ёш туйғулар дарёсини.

Тингуси бу қайнаган кўзларда ёш,
Эрк учун мазлум олар қўлларга тош.
Қоп-қоронғу, қип-яланғоч кулбалар
Нурга тўлғай халқ учун кулса қуёш.

Тингладим мен эртанинг овозини,
Бу диёр узра баҳорнинг созини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОРЗУ

Келдим тоғлар ошиб Покистон сари,
Кўнглимда лиммо-лим эрк, нур лапари.
Бу азим диёрнинг самоларида
Куйларим авж олсин ол байроқ каби.

Йиртқич тирноғидан бўлиб кўкси қон,
Асрлар бу ўлка кўтарди фиғон.
Таоми юндидай, кийими лунги,
Яшади олтин ер ҳайдаган инсон.

Тарих карвонларин кўрган бу диёр,
Кўрсин энди янги шамол ва баҳор.
Азалдан букилган азим халқ қадди
Юксалсин қуёшга гўё ёш чинор.

О, менинг юртимдан эсган ҳур шамол,
Соғинган дилларни айлагин хушҳол!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЛУҒ ДОҲИЙГА

Сиз бердингиз халқимга бахт, шон,
Китоб, ер-сув, байроқ ва бўстон.

Неча аср қул, қашшоқ эдик,
Номи ҳам йўқ ва тарқоқ эдик.

«Осмон узоқ, ер қаттиқ», жаҳон —
Бизга эди қоронғу зиндон.

Мана, ўзбек чиқиб баҳорга,
Қулоч ёйди олтин диёрга.

Парвоз қилар бургутдай баланд
Мағрур ошар зўр чўққилардан.

Барча совет халқлари каби
Мардлик билан тўла юраги.

Рўзғори кун сайин фаровон,
Эркин меҳнат баракага кон.

Чўлларимиз ёйди гул-гилам,
Бир-биридан гўзал ва кўркам.

Туздик обод шаҳарлар янги,
Қишлоқларда шаҳар оҳанги.

Пахтазорлар аро хилма-хил
Машиналар ишлар муттасил.

Ўлкамизнинг узоқ ва яқин
Ҳар ерида чироғлар ёрқин.

Ютуқларга ҳар қанча сўз оз,
Достон ёзсанг, йиллаб куйлар соз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрсатдингиз ғамхўрлик чексиз,
Лим-лим оқди элга меҳрингиз.

Ҳар зафарга Сиз бўлдингиз бош,
Ҳар юришда илҳомбахш йўлдош.

Ўзбекистон — Коммунаобод
Сиз этгансиз бу боғни ижод.

Буюк доҳий, қилгансиз барпо
Гўзал Ватан, ажойиб дунё.

Бу — гўзаллик, бахт, эрк маскани,
Мислсиз бой унинг чамани.

Бунда халқлар қардош, қадрдон,
Жангда, ишда бир тану бир жон.

Меҳрингиздан гуллайди бари,
Сиз элтасиз зафарлар сари.

Сиз офтобдек халқларга дилбанд,
Офтоб каби юрт билан пайванд.

Қаердаки ҳали қуллик бор,
Унда мазлум Сиздан умидвор.

Ҳам ўнгида, ҳам тушида — Сиз,
Унинг суйган қўшиғида Сиз.

Номингизни эшитган ҳамон
Юлдузланар кўзлари шу он.

Улар Сизда кўрар ҳақиқат,
Қуёш каби юксак адолат.

Кишиликнинг умид тоғи — Сиз,
Жаҳон тонги, бахт байроғи —Сиз.

Шараф Сизга, халқлар сардори,
Ҳаёт, дўстлик, эрк ижодкори!



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ойбек Қора денгиз бўйларида. Сочи, 1950 йил. *Шоирнинг шахсий архивидан.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 1950

## ДЕНГИЗ БЎЙИДА ХАЁЛЛАРИМ

### 1

*Зарифага*

Кўз олдимда ўша денгиз ва қирғоқ...
Ўша сувлар гоҳ қайнар, гоҳ шивирлар.
Ўша қушлар тўлқинларни қучароқ
Парвоз қилар, уфқларга интилар.

Ёдингдами, ўтирардик балконда
Зар соч ёйиб қуёш сувга шўнғиркан.
Нақ ўшандай тўлқин заррин алвонга
Буркигандай илк юлдузлар тоза шан...

О, ўтибди қанча замон, кўз юмсам,
Сочларимга оралабди қанча оқ!
Лекин менинг юрагимда ҳозир ҳам
Сенинг севгинг аввалгидан тўлароқ...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДЕНГИЗ БЎЙИДА ХАЁЛЛАРИМ

### 2

*Гулрангга*

Денгизга йўл бурамен,
Қирғоқ бўйлаб юрамен,
Сенга хил-хил тош териб,
Мудом хаёл сурамен:

Улуғбекнинг отаси,
Навоийнинг онаси
Тош ўйнашган. Сополак —
Қадимгининг мероси...

Қизим бор — кўнглимда ёз,
Куйлайди қўлимда соз.
Денгизни, қуёшни ҳам,
Унга бағишласам оз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДЕНГИЗ БУЙИДА ХАЁЛЛАРИМ

### 3

*Суюнга*

Ой денгизга шўнғиди,
Бир пастдан сўнг балқиди.
Олтин қайиқ энди у,
Ялт-ялт ёнди ўйноқ сув.

Қайиқни тутиш учун
Сувга отилди Суюн.
Тўлқинларда чирпинди,
Қайиқни тутди, минди.

Тонг шойиси ярқироқ —
Бошда ҳилпирар байроқ.
Ўроқ-болғаси олтин.
Камалак каби ёрқин.

Мана, қайиқни Суюн —
Ҳайдади. Денгиз, бўйсун!
«Кураш ва зафар томон
Кетдим!»— деди Суюнжон.

Сувлар қайнаб кўпирди,
Гувуллади, бўкирди.
Тўлқинлар кесиб дадил,
Қайиқ югурди енгил.

## ҲАҚГЎЙЛАР

Тер, ис ва мой бу ерда сасир,
Наборшиклар терар ҳарф, кун ёпиқ.
Ҳароратдан бошлар айланади гир,
Машиналар пастда вағиллар қаттиқ.

Мумтоз ҳарф терар; ёнар, чидамас,
На қилсин, бор унинг бошқа маъноси.
Халқининг олдида бурчи оз эмас —
Тинчлик курашчиси, эзгу ғояси.

Уламо дер: «Ислом ери — Покистон!
Тинчликни бергуси худо, пайғамбар,
Ўзга тадбирларни ахтарур шайтон!»
Мумтоз ҳарф терар, ғазаби қайнар.

Жабрдан, зулмдан бағри бўлган хун.
Мумтоз қаршидаги дўстига имлар.
Кўз югуртиб у дер: «Хафасен нечук?»
Мумтоз дер: «Худони пешво қилар».

Заминдор, савдогар, камбағал, қашшоқ —
Худонинг ҳикмати!
«Гумондор — кофир!»
Қўлида қоғози, товуши титроқ,
Мумтоз ўйланур, ўйлари оғир.

Индамас дўсти ёш: жингалак сочи,
Мўйлови қоп-қора, бахмалдай, қийиқ,
Туйғун кўзларининг қуюқ киприги
Манглайи ақлли, юзлари очиқ.

Мумтоз дўстларига ҳорғин қарайди,
Дўстлари қилишди икки кафтни бир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишини тугатиб, у кийинади.
Шиппаги эски, куйлак ямоқдир.

Ташкилот мажлиси бор. Мумтоз шошар,
Кўчада кетади жасур ва илдам.
Кенг елка, бағирдош, зўр қулоч ташлар,
Сочлари жингалак, бош баланд ҳар дам.

Бойлару заминдор, уламо маъмур,
Учраса қилмайди уларни писанд.
У халқни улуғлар, халққа ўғилдир,
Халқ ғами этмишдир унинг онгин банд.

Душмани кучлидир — инглиз малъун,
Икки аср қондан у ясади зар.
Бойлиги соврилиб, олов, кул, тутан —
Бўлмасдан қолдими бир қишлоқ, шаҳар?!

Ҳиндистон ерининг ост-усти — бари
Инглизнинг бўлган, бойга боқар бой.
Уларга шерик бой, заминдор аҳли,
Золимлар золимни хафа қилмагай.

Халқи оч-яланғоч, ҳаммаси мазлум,
Уларга дарахтлар бошпана ёлғиз.
Солгандир ваҳима кўзларга ўлим,
Бир тишлам нонгадир муҳтож ҳар оғиз.

Мумтознинг ғурури қалбдан нашъаси,
Халқнинг келгусига инончи чуқур.
Инонур халқнинг улуғ ҳамласи,
Кун келур — халқи бахт байрамин тузур!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПОКИСТОН ПАЙТАХТИ

Чигирткалар булути қалин —
Кўкда, ерда очкўз ва мечкай.
Байроқларнинг ярим ойларин
Мудроқ босган, ранги безгакдай.

Чигирткалар қайнар, ҳаво дим.
Кўчаларнинг бети қавжироқ.
Тротуарлар чўзилар чақирим —
Гадойларга ўриндиқ, ётоқ.

Товланади расталар ранг-ранг
Минг қичқирсин ёт рекламалар.
Оч ва жулдур оломон гаранг,
Очлик сепар шўх витриналар.

Бармоқ қадар шакар қамиши
Ва бир чайнам «чапати» учун
Қон ютади ҳар оддий киши
Қон сўради савдогар малъум!

Карачида май ичмоқ тақиқ,
Нонни эплаб топади қувлар.
Одамлар — от; қора, қилтириқ
Оёқлар-ла педикап ҳайдар.

Бир-биридан даҳшатли, ваҳм
Манзаралар очади шаҳар.
Англиянинг қонли, бераҳм
Панжасидан ҳаётга заҳар.

Хари бўйин икки инглиз
Педикапда қўнқаяр, мана.
Хўжайинлар! Минишар, фарқсиз —
Уларга от, одам, машина!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаволар дим. Бир-биридан фарқсиз:
Инглизлар, чигиртка, тўзон!
Кенг кўчада сиз учратасиз
Шамдай сўнган ва куйган инсон!

Дадил қадам ташлайди, бироқ
Майдон сари ишчилар саф-саф.
Жонли гулдан болға ва ўроқ
Қўлларида ёнади порлаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПОКИСТОНЛИ АЁЛГА

Хурмо оғочлари кўланкасида
Ва қуёш селида шарпа сингари,
Юрган ким ўралиб оқ пардасига?
Ҳеч сўрма, уларнинг чексиздир дарди!

Совет Ватанидан Покистон сари
Мен келдим ошароқ тоғлар, дарёлар,
Бу ерларда кўрдим; аёллар бари —
Тутқундир; бадбахтдир мазлум оналар.

Чўрисиз! Қишанлар қаватма-қават,
Турмуш манзарангиз бир-бирдан ваҳм.
На мактаб, на қонун ва на муҳаббат!
Осмон ҳам сизларга қаттиқ бераҳим.

Ундан тўққизингиз ҳаёти қора,
На бордир бошпана, кийимдан нишон.
Лоақал қорнингиз тўйиб ошаса...
Ҳаётда буларми шундай бир замон?

Болалик фаслида эрга тегасиз,
Буни лозим топар эски анъана!
Болалик чоғида бола кўрасиз,
Кўпингиз ўласиз, кўпингиз хаста.

Сизнинг меҳнатингиз — кори машаққат,
Тирноқ-ла ер ҳайдаб, экасиз экин.
Юртингизни босган Лондон — фалокат,
Олтинга тўймайди, санайди олтин!

Лекин Англия шаҳарларида
Яшайди олтиндор — эр ёки аёл.
Мушуклар, кучуклар боқар бағрида,
Сиз каби элларга муштуми яққол...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Зулмдан додлайди, тугул қўзғолон.
У қулдорлар тўпга сизни тутарлар:
«— Яхшиликни билмас! Итлар тўқсоғон!»
Шулар сизга хўжа, эй бечоралар!

Сизнинг бошингизда бало тугуни,
Аёлдан гадойлар чексиздир-чексиз.
Барининг кўзида ўлим тутуни,
Кўзларим кўр эмас, кўради, афсус!

Дардингиз буюкдир, чуқурдир, ҳайҳот,
Куйлайсиз, йиғлайсиз қизиганда ғам.
Бўлсайди адиба: сизнинг бу ҳаёт,
Тақдирдан сўзласа, ёнар қоғоз ҳам.

Қурсин эски жаҳон, эски пўртана —
Хотинлар бошида тинмас, айланар.
Худо ва капитал, эски анъана
Бирлашиб сизларни ҳужумга тутар.

Бўғилиб самумнинг дудли мавжида,
Кутасиз: оҳ, баҳор шабадалари,
Тезгина келсанг-чи, ғамлар авжида,
Ўртади дўзахнинг алангалари.

Биз эски жаҳонни қилдик тор-мор,
Бизда эзилганлар кўтарди қаддин.
Бахт гулин очдилар аёлга баҳор,
Оддий ўзбек қизи озоддир, эркин.

Бахтли у — бошида ярқирар юлдуз,
У ҳуқуқ, ҳурматга эрдай сазовор.
У ўқир — оламда қандай ҳаёт туз!
Санъат ва техника сўзлар не сир бор.

Истаса, чалишса — юксак поғона,
Тобора авждадир давлат сараси.
Академик қилар уни замона
Ва оддий ишларда буюк ҳурмати.

Гигант заводларда, олтин далада
Совет аёллари ғайрат қилади,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Унум кўпроқ бўлсин — шу тилак дилда,
Бир-биридан қолишмай босар илгари.

Қўша-қўша бахтлар бағишлар Ватан,
Ботирона меҳнат қилар ҳар аёл.
Бахт келар Ватаннинг қудрат-кучидан!
Янги зафарларга аёллар қортол.

Менинг Ватанимдир тоғлар орқаси,
Қоммунизм нурин тўсолмас тоғлар.
Боқингиз, аёллар, умид шуъласин
Кремль юлдузи сизга бағишлар.

Турмуш қонунларин ўзгартиш керак,
Покистон аёли, яқиндир баҳор.
Қуёш яркирайди, қалб тўла истак,
Совет аёлидай бўлинг бахтиёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУҲОЖИРЛАР ЛАГЕРИ

Қарачининг бўсағасида
Гигант лагерь — латтадан, ҳасдан.
Оч ва касал минглаб оила
Тупроқ ялаб ётар ғам билан.
Лагерь кўкин қоплаган қалин
Бўғувчи чанг. Тутун булутдай.
Бало очиб қора қучоғин
Лагерь аҳлин қамрайди ютдай.
— Икки юз минг!
— Йўқ, ортиқроқ бор...
Шивирлашар ҳамроҳларимиз.

О, барчаси парча нонга зор,
Кўпларининг тани латтасиз.
Иш ахтара-ахтара сабри
Эркакларнинг бўлибди тамом.
Қандай қилиб ишсизлар шаҳри
Иш беради? Эртадан то шом:
— Бахшиш, бахшиш!— дея болалар
Чор атрофда дайдиб юришар.
Орқасида ота-боболар
Дуо ўқиб, мунгли туришар.

— Ота,— дедим катта оила
Бошлиғига қараб дард билан:—
Қаердансиз? Шунча жон ила...
— Йўллар олис... Ҳов, Калькуттадан.
Беш ўғилнинг оилалари.
Бирови бор... тўрттаси гўрда.
Дарахт эдик, о, новдалари
Қолди энди бўрондан зўрға...
Чайласини очган эди чол,
Икки хотин чўзилишган жим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар озғин, ипдай бемажол;
— Келинчак ва суюкли қизим!
Чол ўлмоқда қўшни чодирда,
Дуо ўқир ё қарғиш айтар.
Оиласи чизиб доира,
Бир декчада умочни кутар.
Ўлим қайнар бутун лагерда,
Сассиқ, бўғиқ тутун ва тўзон.
На бир врач, на бир ҳамшира
Лагерь оғир, ўлиш жўн, осон!

Мана, улкан ва тақир майдон,
Латта-путта, ҳашак чодирлар.
Ҳисоби йўқ, барида инсон
Ғуж-ғуж қайнар.
Бу — муҳожирлар!
Оналарнинг кўкраги қуруқ,
Чақалоқлар бир ховуч суяк.
Йигитлар нақ чўпдай қурушуқ
Ёшу қари қўрқинч шарпадак.

Қуръондаги жаҳаннамдан ҳам
Даҳшатлидир бу ерда азоб.
Бахтлиларга кўрсатар ёрдам —
Фақат ўлим!.. Ўлим беҳисоб.
Чумолидай қимирлар одам,
Чумолича йўқдир қиммати.
Ҳар бирининг қаддига тоғ ҳам
Чўкди, мана, унинг қисмати!
Қайси гуноҳ учун бу тақдир?
Шлём кийган таловчи, маккор —
Инглизлар найрангидандир,

Улар йўли қон ҳам зумлкор;
Ҳинд халқлари асрий жабрдан
Қутулиш-чун денгиздай сербар —
Чайқалганда аёвсиз, бирдан,
Қулдорларни зўр ваҳм босар.
Лондон сезар қора кун яқин,
Зир қақшайди бандит черчиллар.
Империя тожига ёнғин,
Таловчилар итдай ириллар.
Қилич, тўпдан ҳинд қўрқмас, бироқ —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Писанд қилмас ўлимни эрк-чун
Хўжайинлар эски ва синоқ
Қуролига суянар бутун.
Миллион-миллион ҳинд ва мусулмон,
Қора бўрон қувган сингари
Кўчадилар рўбару томон.
Қон ва кўзёш — ўтган йўллари.
Олтин санар Лондонда бойлар,
Карачининг заминдорлари
Хонимларга сарой ясарлар.

Тупроқ чайнар лагерда халқи!
Карачининг бўсағасида
Чўккан лагерь! Бу — фожиадан
Бир манзара!
Ҳинд қитъасида
Оз эмасдир бу манзарадан!
Жаноб лордлар, қонкўз бўрилар,
Бундан ортиқ борми жиноят?!
Ишонамиз, ҳисоб сўралар,
Ҳинд уфқида порлар ҳақиқат!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1955

### МАКСИМ РИЛЬСКИЙГА

Севамен кўп сени бир шоир каби,
Юксалсин шоирнинг куйлари баланд!
Сен шеър бобида бошоқлар зари,
Украина ила барчамиз хурсанд!

Олтмишга кирибсан — ҳурмат, ифтихор!
Лекин бир булоқдай созланар илҳом.
Кўп йиллар умр кўр шод ва бахтиёр,
Шеъринг Днепрдай мўл оқсин мудом!

Қояларга юксал, доимо ғайрат,
Доимо баҳорлар бўлсин йўлдошинг!
Совет халқи дейди: «Яша ва раҳмат!»
Чаманлар яратсин ҳосилдор ёшинг!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙЎЛЧИ ҚЎШИҒИ, I

Дарё каби ҳаёт оқар, билмам, қаерга...
Йўллар узоқ, йўллар оғир, толеим пастдир.
Бахт излаб, орзу тўла кўнглим сургайди,
Кеча-кундуз юрадирман, толеим пастдир...

Чарх уради осмонда тўда қалдирғоч,
Қалдирғочлар йўли яқин менинг йўлимдан...
Бу жаҳонда бор эканми бахт-саодат?..
Қушлар бахти баланд экан киши бахтидан.

Соғинурман меҳрибоним онам, синглимни,
Кўзда ёши, дилда ғами — ташладим кетдим.
Соғинурман ўйнаб ўсган дўсти-ёримни,
Толе ўлгур забун экан — ташладим кетдим.

Йўлларимда дарё тошқин, йўллар машаққат,
Юким — қайғу, оч яланғоч, хор бўлдим ўзим.
Йўллар узоқ, йўллар оғир, эзди кўп кулфат.
Тунда юлдуз, кундуз қуёш — бахт излаганим...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙУЛЧИ ҚЎШИГИ, II

Тераклар, кумуш терак, шамол ўтса оралаб,
Япроқларинг шивирлар, қўшиқларни саралаб.

Барглари кумуш терак, дардим кўп, армоним кўп,
Меним оҳимни эшит, ошиқдирман, ғамим кўп.

Ой олдида бир юлдуз донадуро-донадир,
Юракда муҳаббатим машъал каби ёнадир.

Бўйи тол, кўзи хумор, лола яноқ ёрим бор,
Ҳар боқиши бир гулдир, гўзал, дилбар ёрим бор.

Тераклар, дардим тингланг, ёр унда, мен мунда зор,
Етолмай, қовушолмай, иккаламиз интизор.
Ёрим анҳор бўйида йиғлар мисли мажнунтол,
Дардини куйлар бирга оқар сув, эсган шамол.

Етсам гўзал ёримга, ўпай нозик қўлидан,
Ҳасратим, армоним кўп, қучай нозик белидан.

Эй терак, кумуш терак, бошингдан эсган шамол.
Топиб ўпсин ёримни, кутар мисли мажнун тол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### ГУЛНОР ВА ЙЎЛЧИ ЛАПАРИ

Й ў л ч и:

Ҳасратга тўлдим, кўрмай ёримни,
Қушлар, сиз тингланг, айтай зоримни.
Унутганми ёр, телмуриб қолдим,
Қушлар жўр бўлинг, тингланг торимни.

Г у л н о р:

Бир кафт хокадай ўртанур юрак,
Қулга айланур орзу ва тилак.
Бахт йўқму бизга, қани адолат?
Ғамда ёнурман, золимдир фалак.

Й ў л ч и:

Хаёлимда сиз, йиғламанг, жоним,
Юракда ишқим машъалдир, ёрим.
Пок муҳаббатим ёлғиз бахтимдир,
Сўйланг ишқингиз чинданми, жоним.

Г у л н о р:

Кеча ва кундуз ўйлаганим сиз,
Ўргилай сиздан, суяман ҳадсиз.
Ишқим ва кўнглим бари сизники,
Қачон етамиз бахтга иккимиз?

Б и р г а:

Юракда ўчмас машъал ишқимиз,
Топамиз бахтни, албат, иккимиз.
Кўнглимиз мангу бирлашган бизнинг,
Порлайди бир кун бахт қуёшимиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МЕҲНАТКАШЛАР ҚЎШИҒИ

Азоб тортган, жабр кўрган
Меҳнат халқи, қўзғалингиз.
Қуёш йўли, эрк йўлини
Излаб, дўстлар, йўл олингиз.

Нақарот:

Занжирларни, бўғовларни отамиз,
Золимларни чақмоқ бўлиб ёқамиз.
Эй ёронлар, қўзғалингиз, эрк йўли —
Бизникидир қуёш йўли, шон йўли.

Жабр-зулм — йўлдошимиз.
Бойга, бекка қул — бошимиз.
Қон ва кўзёш — нон-ошимиз,
Етар, дўстлар, қўзғалингиз.

Нақарот:

Занжирларни, бўғовларни отамиз,
Золимларни чақмоқ бўлиб ёқамиз.
Эй ёронлар, қўзғалингиз, эрк йўли
Бизникидир қуёш йўли, шон йўли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЁР-ЁР

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, дилбар қайда, ёр-ёр,
Дилбар ёрнинг фироқи бу кўнгилда, ёр-ёр,
Ёр-ёр десам, жон ёрим келурмикан, ёр-ёр,
Юракдан ҳижрон ғами кетурмукан, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, девонаман, ёр-ёр,
Ишқ ўтида ўртанган парвонаман, ёр-ёр.
Ишқ дардига дўстларим, даво бўлмас, ёр-ёр,
Айта берсам қўшиғим, адо бўлмас, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, дилбар қайда, ёр-ёр,
Ёри жоним бир кўрсам, жоним фидо, ёр-ёр.
Ошиқдирман, жонимни шайдо қилай, ёр-ёр,
Жоним, дилим бу йўлда, адо қилай, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, қурбон ўзим, ёр-ёр,
Телмуради ёр йўлига икки кўзим, ёр-ёр.
Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси олтиндан уй сеники, ёр-ёр.

Йигитларнинг сараси, қиз сеники, ёр-ёр,
Ҳангомадор гулхона уй сеники, ёр-ёр.
Тоғда тойлар кишнайди: «от бўлдим» деб, ёр-ёр,
Қиз болалар йиғлайди: «ёт бўлдим» деб, ёр-ёр.

Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси олтиндан уй сеники, ёр-ёр.
Келинчакни сўрсангиз ўзи ёшдир, ёр-ёр,
Ширин сўз, ўрта бўйлик, қалам қошдир, ёр-ёр.

Сўз сўзлаган тиллари шакардайин, ёр-ёр,
Учқунланган кўзлари гавҳардайин, ёр-ёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оппоқ садаф тишлари дурдонадир, ёр-ёр,
Орқасида йигитлар девонадир, ёр-ёр.

Йиғлама, қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси олтиндан уй сеники, ёр-ёр.
Биринг — марвад, биринг — маржон тизимисиз, ёр-ёр,
Биринг — гавҳар, биринг — ёқут, қўшилибсиз, ёр-ёр.

Биринг—қуёш, биринг ойдир, ёр бўлингиз, ёр-ёр,
Биринг — булбул, биринг — тўти, айрилмангиз, ёр-ёр.
Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Ҳангомадор гулхона уй сеники, ёр-ёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУХТОР АВЕЗОВГА

Мухтор оғой, дўстим, сенга саломим!
Қутлуғ бўлсин зўр байраминг, ижодинг!
Олтмиш дафъа айланибсен қуёшдан,
Қуёш каби серҳосилдир ҳаётинг.

Зулмат ютган қозоқ халқи кўкидан
Чақмоқ каби ёриб ўтди мард Обой.
Халқ ҳасратин, халқ орзусин ташиди
Шоирликда, оқилликда зўр бобой.

Сен яратдинг улуғ Обой достонин,
Янграб кетди дунё бўйлаб халқларга.
Севиб ўқир қирғиз, ўзбек, рус — барча,
Нур ва қўшиқ сендан оқар қалбларга.

Минг дафъалар айлана бер қуёшдан,
Қуёш каби мангу бўлсин илҳоминг!
Совет эли узра машъал, нур каби,
Тўла дарё каби оқсин ижодинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Ҳастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб —
Ой менга ҳамқадам — сокин юрамен,
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур, менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Тун... Жимлик... Ўтирурмен сокин,
Юлдузлар бошимда айланур.
Юварди кўнгилнинг ғуборин
Қирғоқсиз осмондан келган нур.

Сомон йўлларида мен сарсон,
Олтин охур, оқ бўз от қани?..
Етти қароқчи ва сулув чўлпон —
Ёдимда бувимнинг эртаги.

Айланур юлдузлар саноқсиз,
Сайлида хаёлга толамен.
Ҳаётда муаммо ҳисобсиз,
Ўйланиб ҳайратда қоламен.

Не сир бор юлдузлар негзида?
Ўйлаймен: борлиқнинг ўзи шу.
Юрамен сирларнинг изида,
Ўйларим, ҳисларим қоронғу.

Тўсатдан хўрозлар қичқирар,
Сатрга қофия жуфтлаймен.
Оҳиста сўнмакда юлдузлар...
Олмагул чодирда ухлаймен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Дарахтлар олтиндир, янграр фироқлар,
Қуюлур япроқлар, йиғлар япроқлар.
Оёқлар остида япроқлар ҳазон —
Ўзгармас фалсафа, ҳисобсиз замон...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎРТА ДЕНГИЗДА

Денгиз чуқур, қирғоқсиз, кетсиз.
Гўё дўзах — жаҳаннам дейсиз.
Қуёш қалқар — олов тўгарак,
Кезар кема, қуёшга иноқ...
Булутларки, нақ атлас ёнар,
Осмон тубсиз, худудсиз, зангор...
Тўлқин саси куйми, шеърми?
Ўйлайманки, ҳақиқат шуми?!
Тўлқинлар ва гирдоблар тинмас,
Асабийдир тубда гулдурос.
Бирдан босар тоғдай пўртана,
Ваҳминг келар қарсиллаганда.
Тунлар зулмат, қоп-қора ўпқон,
Тубсиз денгиз ютаман, дейди.
Онда-сонда юлдузлар хира,
Гўё осмон ҳам ютилганди.
Ҳайбатли, тунд, туташ булутлар,
Бирдан шамол қамчиларида.
Совуқ ёмғир қуяр савалаб
(Денгиз бўлса қовоғи солиқ.)
Бирдан қуёш чиқар ярқираб,
Кема сузар сирғалиб нурда...
Шунда денгиз шоҳидай майин,
Ғир-ғир шамол, ёқимли қуёш.
Ҳаво тотли, ҳаво мусаффо,
Сувлар сокин, мисоли кўз ёш.
Кема учар, менда ҳислар мўл,
Мен сеҳрли хаёллар банди —
Совет ўғли, Ватаним — юлдуз!
Йўлда халқлар — янги ва янги...



www.ziyouz.com kutubxonasi

**БАЙРУТ**

Дўконлар қалашган, ари инидай,
Қай томон қарасанг — зийнат буюмлар —
Чит, шоҳи ва бахмал шипга етади,
Уюм-уюм, афсус, қани харидор?

— Қани, марҳамат!..— йўл тўсар дўкондор,
Қўймайди ёпишиб, хира пашшадай.
Сени гаранг қилган растадан зўрға
Бош олиб чиқолсанг, шу катта ўлжа.

Авом қашшоқ, хароб, оёқлар яланг,
Пайғамбарникидай, кисса қуп-қуруқ.
Тентираб юради бўшқурсоқ, беиш
Қани завод-фабрик? Насиба юлуқ...

Мевалар хилма-хил, ажви ғарқ пишган:
Банан, манго, хурмо, узум ва ноклар.
Нарх-наво осмонда, халқ қўли калта,
Айниқса болалар... кўзлари ёнар...

Шарқ уйғонди, араб халқлари қуёш,
Озодлик, адолат сари интилар.
Зангинлар, хоинлар найранг-хийлалар,
Дину ислом билан халқни заҳарлар.

Муқаддас оятлар, қуръон, пайғамбар —
Сўзи-ла боёнлар халқни алдади.
Азалдан руҳоний мутаассиблар
Қаноат, итоат ўргатиб келди.

О, араб, зўр мудҳиш зулматда қолдинг,
Хурофотга ботдинг, сен мунча хўрсан?
Тарихий дабдабанг, шон-шуҳрат қани?
Қани учқур отлар? Эшакка зорсан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

О, араб, қамчинлар бераҳим ҳаёт,
Инглиз сиртмоғи — бўйнинг зийнати.
Француз олчоқлар, турклар зулмати...
Мана, Америка — мудҳиш ҳалокат!

Қўтар бир пўртана, куч-қудрат халқда.
Етар асирлик, эй тақдири машъум!
Асл Шарқ юраги сен эдинг, араб!
Шавкатли тарихинг йиғлайди юм-юм..



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ойбек қаламкаш дўстлари билан биргаликда. 1959 йил. *Шоирнинг шахсий архивидан.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Қаптарлар, о, каптарлар!
Зангори осмон...
Учасиз юксакларга.
Қанотларда атласлар...
Рақсда ҳамон
Кетасиз узоқларга...

Узоқларда тоғ тизма,
Рўмоли — туман;
Оппоқ қордан оқ дурра.
Чақнайди шуълаларда
Марваридсимон.
Қордаги ҳар бир зарра.

Қоялар тик ва мудҳиш
Тиралган кўкка...
Жаҳаннам пастда — ўпқин.
Ваҳмадор ҳам ёз, ҳам қиш,
Боқмангиз унга,
Эшитилар узоқ тўлқин...

Сўкилар қор кўрпалар,
Қатор қавиғи
Сапчийди қояларга.
Ирмоқлар, о, ирмоқлар...
Қорнинг совуғи
Уради нафасларга.
Кезар қуёш осмонда,
Сокин, муҳташам.
Улуғдир тантанаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мағрур бошлар баҳорда
Ҳар йил зўр байрам.
Ажойиб анъанаси.

Булутлар, оқ булутлар
Аста сирғалар.
Атласга беланибди.
Булутлардан чиқалар
Қатор турналар,
Маржондай уланибди.

Майин эсар шамоллар,
Баҳордан хўп маст.
Томларда варраклар —
Учиришар болалар,
Қизларда ҳам гашт —
Олча гулдан зираклар.

Деразамдан хуш анқир
Гулларнинг бўйи;
Шафтолида гул-ғунча.
Қуёш селида балқир
Баҳорнинг тўйи...
Қани, очинг май хумча!

Кезаман ёппа-ёлғиз.
Бошимда хаёл.
Юраман, юмшоқ майса.
Қайдадир хушбўй ялпиз,
Гулда мажнунтол,
Тебранур новда аста...

Ҳисларим мўл, ҳисларим —
Шуъладай ёниқ:
Юрамен узоқларга...
Далада кўп дўстларим.
Бошланди чопиқ.
Завқ тўлди юракларга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЎКЛАМ ҲИСЛАРИ

Шамоллар эсади майин ва юмшоқ,
Тоғларнинг тумани кўмкўк, нақ шоҳи.
Чашмалар қуйилур — жаранг шарқироқ...
Шу онлар йўқолур юрагим оҳи.

Арча оғочлари гўё шуълада,
Қўшиқлар, лапарлар янграр самода.
Кўкламнинг ҳавоси, ҳусни бошқача,
Юрамен — хаёлим, фикрим шеърда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЭЙ ЛЕНИН ВАТАНИ!

Гўзал қўшиқлардан тўқилган ҳаво,
Баҳорнинг қўйнига ўралган Ватан.
Тер, қуёш, ишқ билан кўкарган дала,
Гулларида Ленин яшаган чаман.

Очиб берди Ленин қуёшли йўлни,
Эркин, обод Ватан бахт оғушида.
Меҳнат ишқи безар барча кўнгилни,
Бахт куйи янграйди эл товушида.

Ватанда қолмайди чўл ва саҳролар,
Бахтга тўлган, қийғос гуллаган водий.
Қирғоқлардан тошиб оқар дарёлар,
Қалблардан ҳеч ўчмас Лениннинг ёди.

Ленин фикри, ақли — даҳо чўққиси,
Мангу яшар, ёнар жаҳонда машъал!
Сен келтирдинг халққа шодлик қўшиғин,
Эй Ленин байроғи, абадий юксал!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХАЛҚ ҚАЛБИДА

Ленин фикри инқилоб, кураш
Оташида тобланган пўлат.
Унинг фикри оламда қуёш,
Дарё-дарё нур тўкар беҳад.

Чайқалган зўр дарё мавжи — у,
Ишчи, деҳқон ҳар он қошида.
Кураш, тўлқин, ёнғин — иши бу,
Ер курраси унинг бошида.

Исми кўҳна жаҳон устида
Булутларни йиртган бир яшин.
Ҳақсизларнинг ҳар қарашида
Ёди ёқар умид оташин.

Халқ қалбида юрибди тирик,
Меҳнат — бахтда яратиб бирлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Қамровчи тўлқин бор, қамровчи гирдоб...
Азамат тоғлар ҳам, куйлаган барг ҳам —
Унинг дами сари айлайди шитоб,
Ҳар нимада мавж бор — мавж тинмас бир дам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Оғир ер бағирлаб сузган булутга
Тўсатдан чақмоқдан найза санчилар.
Мен ҳам чақмоқ каби тез чопдим уйга,
Кўчага кирганда ёмғир қамчилар.

Томоша қиламен кичик балконда,
Ёмғир кўп шиддатли, асабий ёғар.
Дарахтлар чайқалур, бошлари ерда,
Гувиллар даҳшатли, мавҳум шамоллар.

Сўнгра мен зерикиб шеър ёзамен,
Ёки мутолаа ютади мени.
Фазога булутлар оша учамен,
Хаёллар кетма-кет, рангли ва янги.

Ёғади мўл ёмғир, ерларда кўпик,
Тункани тозалаб ювади сув, сел.
Мушугим хурракда, кўзлари сузук,
Чироқни ўчирдим — тотли уйқу, кел!

Уйғониб қарасам, қуёш ярқирар,
Ҳовлига тушамен кийиб тўнимни.
Зангори осмон ҳам тиниқ, беғубор,
Мусичалар ғув-ғув дер, силкиб бўйнини.

Тентираб юрамен далани кезиб,
Толамен хаёлга, чўпчак — орзулар,
Ёзамен шеърлар хомаки чизиб,
Баҳорнинг келини — олтин варақлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ҳижронинг алами қалбимни ёқди,
Юрамен девона, юрамен ҳушсиз.
Ёшлигим мисоли юлдуздай оқди,
Гўзалим, бир лаҳза келгил, иккимиз —

Қезайлик далада (хаёллар жўшқин),
Дарахтлар остида иккимиз ёлғиз.
Ишкомлар ичида (кўнгилда тўлқин)
Юрак май, ишқдан маст иккимиз, эй қиз!

Севгилим, шийпонда иккимиз танҳо,
Қуёшда учади мезонлар майин.
Тоғларда булутлар хўмрайган гўё,
Иккимиз суҳбатда гоҳ шод, гоҳ ҳазин.

Гўзалим, оппоғим, жононим, бир кел.
Мен фақир кутамен, о, бир келиб кет.
Ўргилай, бир зумда келсанг мисли ел,
Кутамен йўлингда, мени хурсанд эт,



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Қалбдан севги тошди, фироқ, ғам-алам...
Юрамен, дайдиймен, парча чўғ қалбда.
Муҳаббат дардида Мажнун мендан кам,
Гўзалим келмади, ёнамен дардда.

Гўзалим бир келди, кетди нур каби,
Кўнглим ва кўзларим қолди изида.
Қўлида «Фузулий» — севган китоби,
Оқ шойи кўйлакда, тўлқин кўксида.

Кўзлари маънодор, ҳислари ёниқ,
Кулгиси самимий, ўйлари чуқур.
Сўзи, қилиқлари ёқимли, аниқ,
Ялиндим: ҳужрамда озгина ўтир.

«Ташаккур, мен кетдим»,— қолди табассум...
Ёримнинг кетидан шамолдай чопдим.
Қайгадир йўқ бўлди, йиғладим юм-юм...
Эй, гўзал, йўлингда, ишқингда ёндим...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ўтирасен ёлғиз, япроқлар тушар,
Булутлар кезади осмонда кўркам.
Паришон чеҳрангда хаёллар учар,
Билмаймен, неларни ўйлайсен, эркам?

Мунча ҳам ярашган оқ шоҳи куйлак,
Қошларингга қараб тўймаймен — ҳилол.
Юзинг ёлқинидан ўртанур юрак,
Кўзларингда кўрдим ақл, ҳис, хаёл.

Олий мактабларда риёзиётдан
Дарс беради содда, ақлли бу қиз.
Усули гўзалдир, пишиқ олмосдан,
Шогирдлар қалбида ёқади юлдуз.

Қўшнимиз ёнма-ён, соғиниб ҳар кез —
Чиқамен ўтирар қиз тутиб қалам.
Куламен: «Чарчашни билмайсен, юр тез,
Кезайлик, ёшлик ҳам баҳордай кўркам.

Жуда ҳам сердиққат бу риёзиёт,
Аммо шеър бошқа, шеър қалбдан келур!»
«Бу ҳам қалб ва фикр меваси, фақат
Мангудир,— дейди қиз,— коинот шудир!»

Музокара давом этади узоқ,
Фалсафа, тарихдан атомга қадар.
Гапирар қиз дадил, мантиқи булоқ,
Далили, жавоби ўткир, нақ гавҳар.

Кеч бўлди, уфқда ёнди шуълалар,
Иккимиз қўзғалдик, дарёни бўйлаб.
Узоқда отларни ювар болалар,
Қиз аста боради — нимадир ўйлаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Севамен юракдан, севамен чиндан.
Қиз севар, билмадим, ғурури қўймас!
Билмадим, севгани бошқадир мендан,
Ишқим, муҳаббатим ўзингсан, холос!

Оқшом тепаларда, жарларда юрдик,
Ой секин орқадан юрар изма-из.
Дам суҳбат, дам сукут ҳузурин сурдик,
Ўйлаймен: шу онда борлиқ — ёлғиз биз.

Соатга қарар қиз: «Кетамиз, иш кўп.
Дипломни ёқлаймен, борасизми, а?»
Суюниб мен деймен: «...Жоним билан, хўп».
Ёзамен бир шеър, дўндириб сизга...»

Қиз ва мен гаплашиб кетамиз аста,
Ичимда тўқиймен шеър ранг-баранг.
Эшикка етганда кулиб қиз: «Яна
Чиқингиз, хайр....», дер, мулойим оҳанг..,

Ҳовлида юрамен, қофия излаб,
Дарахтлар ичида аста кезамен.
Юлдузларга, ойга қараймен «уҳ»лаб,
Шеърлар қуйилур, равон ёзамен.

Севгилим хаёли банд этган кўнгил,
Оқаргунча саҳар тинмай юрамен.
Гўзалим шу онда не билан машғул?
Қуёшни қаршилаб, қизга шошамен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУЗДА

Кетамен тентираб танҳо йўлларда,
Дарахтлар гўёки машъалдек ёниқ.
Куз кўркам яшнайди хил-хил рангларда.

Шафтоли барглари ёнар олтиндай,
Ўрикда қирмизи ёқут шуълалар.
Шуълаларнинг рақси баргда, новдада.

Сувлар оқар секин, шишадай тиниқ,
Осмон чўкиб олган сувларга гўё.
Ҳавога тўймаймен, нафаси илиқ...

О, азим чинорлар, нақадар кўркам,
Тўхтаймен ўйланиб: «Олтинланибди,
Умри асрлардир, илдизи маҳкам...»

Қисқарди кунлар ҳам, учади мезон,
«Алвидо», деб қушлар бошлади сафар.
Япроқлар тўкилур... йиғлайди хазон...

Олмалар яноғи қип-қизил ёқут,
Арава, машина ташир шаҳарга.
Советлар элида мўл, барака, қут!

Токларда ранг-баранг тотли узумлар
Тилларни ёради бол каби ширин:
Хушбўй май ичгандай гўё туюлар.

Юрамен хаёлда, ўтар кундузи,
Дарахтлар туради ёниқ машъалдай.
Кечқурун йўлимда оқшом юлдузи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЕРИМЧИЛАРГА

Келинлар далада юрар; оқ булут —
Қанорлар бошида; терлар қуюлур.
Теримчи ўртоқлар, этагингни тут!
Чаноқларда пахта тошиб тўкилур.

Қизлар чиқар тонгда далага шошиб,
Кўлкалар гўзалдир саҳар — ойдинда.
Сўзларда ҳазил ва аския тошиб,
Қўшиқлар янграйди шўх-шўх оҳангда.

Қизлар — Ватан гули. Партия ва халқ —
Севгисига содиқ, ажойиб қизлар.
Улуғ меҳнатларнинг шавқига зап ғарқ,
О, ҳаётимизда чўлпон юлдузлар.

Япроқлар олтинранг, дарахтлар — машъал,
Ариқда югурар тоза, пок сувлар.
Олисда ҳайбатли тоғлар зўр, дангал,
Кўк мовий туманда; эсар шамоллар.

Маҳоратли эрлар, шимариб билак,
Астойдил ишлангиз, туйингиз зафар.
Пахта — халқ ғурури, энг эзгу тилак,
Қолмасин чаноқда тола бир нафар.

Куз гўзал, қуёш мўл, қуёш бебаҳо,
Эй ёшлар, тиришинг, сизнинг ғалаба.
Офтоб ёқимли, булутлар гоҳо
Томчилар қуяди, ўтмасин палла.

Кенг дала, ҳаво-нур, сузади мезон,
Қўшиқлар авжида, ёшлар қийқирар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоферлар ҳайдайди пунктга карвон,
Аравалар учар, отлар пишқирар.

Узоқ-узоқларга жўнайди қушлар,
Далада чақнайди пахталар асл.
Дастурхонда тўла ширин мевалар,
Сахийдир ва бойдир бизда куз фасл.

Куз фаслимиз шундай, терим-тўй ўзи,
Далалар — оқ момиқ, хирмон — хазина.
Азамат колхозлар, «ғалаба» сўзи
Эзгудир қалбларда, ёнар ҳамиша.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИСТАМБУЛ

Истамбул — бу Шарқнинг шаҳридир, кўҳна —
Бинолар асрлар изидан чўтир.
Миноралар — кўкка қадалган найза,
Мачитлар — тантана, санъати чуқур.

Йўллар тор, кўчалар исқирт ва ифлос,
Шоҳлар саройига очдилар эшик.
Халқнинг кўз ёшлари — марварид, олмос,
Жавоҳир қадалган олтиндан бешик.

Халқ юпун, қурсоғи ҳам кўнгли хароб,
Боёнлар юради олифта, мағрур.
Тимларда ўтирар дўкондор жаноб;
Олтин! Кўз қамашар. Деҳқонлар — жулдур.

Исқирт чопонларда елкалар қисиқ,
Истамбул, Истамбул, ғурбат макони!
Ёшликда «Истамбул — ажойиб, қизиқ —
Шаҳар,— деб ўйлардим,— урфоннинг кони».

Тасаввур этардим: шаҳар муҳташам,
Буюк бинолари кўкка чирмашган.
Хиёбон, жаннатлар, боғларки шинам,
Афсус, булар фақат хаёлим экан.

Турк улуси, халқи, мунча эзилдинг?
Фақирлик, ғариблик ошган ҳаддидан.
Ҳақиқий курашга энди киришдинг,
Узилур кишанлар бир-бир бандидан.

Боёнлар мушукдай қочар чор тараф,
Давлат, ҳокимият сеники, ишон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишчи, курашлар зўр, деҳқонга бўл саф!
Кўксингда ёнгуси юлдуздан нишон.

Ҳаво кўк, манзара гўзал, дилнаво,
Денгиз товланади ичиб қуёшни.
Тўлқин қўшиғига тўлгандир фазо,
Сарвлар осмонда йўқотган бошни.

Кўринар узоқдан балиқчи кема,
Дардана бўйлари олтин, ёқутранг.
Лекин Истамбулни гул манзил дема,
Чанг, чирик бир шаҳар, босган қайғу, занг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИШ

Қиш кечалари узундан-узоқ,
Ўйлаймен: кечалар сокин ва соқов.
Заҳматлар, шодликлар доим қуварок,
Бир-бирин ўтади тунлар бесанов.

Мутолааларга оғир чўмамен,
Гоҳида зерикиб, эртак ёзамен.
Гоҳо турли газет-журнал титамен,
Гоҳо жиндай-жиндай мудраб оламен.

Соатга қараймен — пича силжибди,
Лекин қиш қаттиқдир, теразада ях.
Совуқдан оёқ ва қўл увишибди.
Ёпишамен печга — илиққина, ах!

Ташлаймен печкага саржин бир талай,
Ҳисларим, ўйларим ичра толамен.
Чирсиллар ўтинлар ёлқин машъалдай;
Элатлар, қавмлар... улфатлашамен...

Ҳовлига чиқамен; оппоқ қор уюм,
Увуллар бўридай аччиқ шамоллар.
Лекин хаёл ўлгур билмайди тиним...
Ҳар ерда милтирар ҳолсиз чироқлар.

Юрамен ҳовлида, изғирин ва қор,
Трамвай овози, машина... гудок...
Ой гўё мушукдай аста қалтирар,
Қайдандир учади узоқ бир қўшиқ...

Ойдинда булутдай сузар кўлкалар,
Тандирлар, ўчоқлар — ҳаммаси қорда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оғочлар қор босган, қорда супалар,
Юлдузлар чақнайди тубсиз осмонда.

Хонага қочамен. Ҳув-ҳув, совуқдим,
Иссиқ оромбахшдир, жоннинг роҳати.
Соатга қараймен, китоб эрмагим...
Шамоллар увуллар ит урган каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИЛ ТЎЛА СЕВГИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯМ!

Бугун Кремлда улуғ қурултой,
Юлдузлар туғилур ҳаётимизга.
Лениннинг ғояси дилдан олган жой,
Қирамиз шон билан Коммунизмга.

Яратдик қудратли бир ҳамла билан —
Мамлакат; кўрингиз, бўйи-эни йўқ.
Индустрия гигант, саноат ўсган,
Заводлар, фабриклар... Барча кўнгил тўқ.

Курашлар, тўлқинлар, буюк ҳамлалар,
Тер ва куч, ақлимиз ҳар ишга қодир.
Ишчи синф яратди янги зафарлар,
Офарин, кўп яша, синф баҳодир!

Кўмир конларида иш-меҳнат қайноқ,
Маъдан ер қаъридан чиқар юзага.
Дарё-дарё нефтлар оқар шарқироқ,
Табиат бўйсунган, чўккан тиззага.

Электр оқади, электр дарё,
Чақнаган чироқлар ҳар ёқда юлдуз.
Атомнинг тилсимин емирдик — зиё!
Конлару шахталар чароғон — кундуз!

Илмнинг чўққиси самога борар,
Ойга, юлдузгадир олган йўлимиз.
Фикримиз чақмоқдай олмосни ёрар.
Бахтимиз қуёшдай, гулдир қўлимиз.

Еримиз бебаҳо, бой ва унумдор,
Буғдойларки, бизда далалар олтин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уфқдан-уфққа кетган экинзор,
Меҳнатда эркинмиз, бахтимиз бутун.

Қадлари самога кетган жўхори
Қуёшнинг нурини зарралаб терган.
Доналар дурдандир, япроқлар шойи,
Инсоннинг муҳаббат-меҳрини эмган.

Далада юрасен, машина чарчар,
Уфқдан-уфққа ёйилган пахта.
Ёпирай, ҳайронмен, меҳнат тўккан зар,
Чанқайди оқ момиқ, зап асл пахта.

Қизлару йигитлар чаққон, бетиним,
Теримчи машина тинмайди бир он.
— Пахтангиз мунча кўп, қўли гул иним!
Ваъдангиз жойида, бўлингиз омон.

Сулувдир, кўп сулув, о, Ўзбекистон!
Қуёш мўл, манзара ёнар лоларанг.
Асалдай мевалар тўкин боғистон,
Шаҳарлар, қишлоқлар атлас — ранг-баранг.

Меҳнат ҳам завқ берур бизга нақ қўшиқ,
Коммунизм куйи янграр ҳар дилда.
Йўлларда гул тўла, кўнгиллар тўлиқ,
Достони куйланур ишқ-ла ҳар тилда.

Партиям, дил тўла сенга севгимиз.
Ечиб ташладинг кўп мушкул ва чигил.
Софдиллик, одиллик — эзгу бурчимиз,
Улуғ достонингдан будир бир шингил.

Юксалур осмонга метин қоядай,
Қудрати булоқдай азим партиям.
Меҳрга лиммо-лим ғамхўр онадай,
Одилу ҳақиқат — йўлинг, партиям!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУЗ

Япроқлар олтинранг, шуъладай ёнар,
Тушади япроқлар ҳолсиз, паришон.
Булутлар хўмрайган, бетинч шамоллар,
Тушади қалтираб япроқлар — хазон...

Тоғларга тушди қор, водийда қуёш!
Боғларда боғбонлар кўмадилар ток...
Меҳнатнинг завқида барча қари, ёш,
Мўл ҳаддан ташқари олма, анор, нок.

Олтин куз, шафақдай гўзал куз, бой куз,
Шафтоли, анжирлар тўкин ва тўкин.
Қовунлар асалдир, тобоқ-тобоқ суз,
Қолхозлар ташийди мевалар кун-тун.

Қуёшимиз юрар кўркам ва ёрқин,
Атласдир, бахмалдир унинг йўллари.
Сувлар оқар ҳорғин, шамоллар ҳорғин.
Ҳаётимиз оқар тинмай бахт сари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИРИНЧИ ТАБРИК

Пахтакор дўстларим, ғалаба қутлуғ!
Тўкдингиз уч миллион пахта хирмонга.
Ғайратга лим тўла дилингиз ўтлуғ,
Ишингиз туташди тонгдан оқшомга.

Ёмғирни ва қорни қилмасдан писанд,
Меҳнатнинг завқини тотдингиз, қизлар!
Ватан дер: «Офарин»! Халқингиз хурсанд,
Кўнгилда, кўзларда тўла юлдузлар.

Азамат дўстларим, маррангиз яқин,
Юраклар орзуси — берган аҳдингиз.
Зафар сизникидир — бир ҳамла тағин!
Қуёшдай мунаввар сизнинг бахтингиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

### ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Яна кўклам! Гуллар-да дарахтлар гўзал,
Кўкламлар бирсидан-бириси афзал...

Бир кўклам халқларга қуёш туширмиш:
Ақлнинг, меҳрнинг чин мужассами —
Қуёш қалбли Ленин баҳор келтирмиш.
Мазлумлардан кўчмиш асрлар ғами.

Даҳшатли тўлқинлар, зўр қасирғалар,
Бўронларда кечди Ленин ҳаёти.
Бас келмади унга ёв қобирғалар,
Синди, даф бўлди золимлар зоти.

Христиан, ислом...— динлар ҳаммаси
Емрилди, тутундай таралди гўё.
Тождорлар, боёнлар...— қузғун қалъаси
Йиқилди, чайқалди — остин-уст дунё.

Ленин фикри — чақмоқ, даҳоси, ишқи
Сатрларга сиғмас — тошқин бир дарё.
Йўлимиз машъали — Ленинниг йўли,
Абадий гул фаслин бахш этди даҳо!

Кунларнинг ҳар тонги бир зафар ташир,
Юлдузга инсоннинг ақли чирмашир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДЎСТЛИГИМИЗ МАНГУ

Кенг сийнамга зўр қувончим сиғмайди,
Азиз дўстлар, кўрганимда юртингиз.
Бахт супрасин қуёш асло йиғмайди,
Осмондаги Сомон йўли — йўлингиз.

Қозоқ халқи, ўзбек халқи ўтмишда
Бойдан, бекдан бирга тортди жафони.
Совет юрти аъзосимиз, сақлаймиз —
Юракларда мангу дўстлик, вафони.

Қуёш ўпган тоғларингиз севамен,
Ҳаёт қўнган қирларингиз севамен.
Ўланингиз, достонингиз севамен,
Азиз дўстлар, соф қалбингиз севамен.

Қирларингиз олтин бошоқ конидир,
Металл, кўмир хазинангиз битмайди.
Ижодингиз — мангу булоқ, қайнасин,
Уфқингиздан бахт қуёши кетмайди.

Ўланингиз қирлар ошар; халқингиз —
Қониб ичган шеъриятнинг булоғин.
Чўққиларга чиқар санъат, фанингиз,
Қозоқ халқи топди бахтнинг қулоғин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ёр келди — атрофга ёйилди ҳола;
О нечук, донишманд, сўзга бой булбул,
Кўзлар—нур, қош—қалам, соч—бўйра, нақ тун?
Кўнгиллар ёришди, шодлик — шалола!

«Кичкина ҳужрамга,— дедим,— марҳамат!»
Кулди: «Йўқ. Ёз фасли супадир сўлим».
Таъзим ила қизга тутамен оқ гул,
Гул сингари тоза унда табассум...

Севгилим сўзласа, фикрлар тошқин,
Мантиқда олмосдай услуби ўткир.
Дилрабо сўзлари, кўзлари қалбим —
Танбурин сеҳркор, жўшқин куйлатур...

«Бутун борлиғимни, бутун жаҳонни,
Тўлатган баҳорнинг ўзи сен»,— дейман.
Ишқ девоналиги шундай бўлурму:
«Ундан гўзалроқ ҳеч ким йўқдир»,— дейман.

Жовондан суғурди Пушкин жилдини,
«Хайр» деди майин — йўқ бўлди зумда.
Ортидан югурдим... Еллар қучоғи —
Қаршилади ёлғиз.
Топмадим бир из.

Жононим, ишқинг-ку — ўзингга аён —
Олов қуюнидай сийнамни ёқди.
Юрамен, телбамен, шафқатсиз ҳижрон.
Кўздан ёш изламанг — қалбимдан оқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уфқларда ранг кўп, қонлар ундан кўп,
Бошимда булутлар карвони — жафо.
Юракни олароқ кетди, излаймен —
Ҳақиқат сингари эзгудир вафо...

Ой чиқар баркашдай, мен ишқдан телба,
Эшигимда кутар тонг ва бўш кулба...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Тарих сўқмоқлари изимдан чўтир,
Ҳар бир хок шивирлар: «Бир ларза ўтир...»
«Қушлар тили» пири — юракда тилак,
Излаймен марварид — қўлимда элак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Қуюлганди оқшом, йўлларда сукут,
Япроқлар шивирлар: «Ҳижронни унут!»

Узоқдан учади бир қўшиқ — ҳазин,
Тутунлар кезади ҳавода майин.

Ой ботарди қийшиқ... Менда ҳаяжон
Ёрнинг эшигига келганда ҳамон.

Ёрим бор, оҳ, қалбда бордир қуёшим,
Ҳар кун шу кўчага оғади бошим.

Иккимиз ҳам шодмиз, иккимиз дилбанд,
Боғламишдир соф ишқ — сирли бир каманд.

О, қадаҳлар биллур, ичамиз шароб,
Учқун тўла кўзлар — сеҳрли сароб.

Гўёки кезамен юлдузлар аро,
Қошлар имосидан беҳуш доимо...

Гўзал қиз ўлтирур, қўлда палитур,
Бу кўз, бу қошларни қай рассом чизур?..

Иккимиз кезамиз боғда ҳар оқшом,
Қалбимда яшайди севгили рассом.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Қирларда лолалар гўёки машъал,
Кутамен ҳар баҳор сизни, лолалар!
Кўзлар изингизда ҳар баҳор, ҳар гал,
Ёдингиз кўнгилда, тинмас нолалар...

Юрамен қидириб — изимда қуёш,
Тоғлар оқ булутдай — боқсам — уфқда,
Терамен лолалар — қизил қон, оташ,
Акси нақ шафақдай оппоқ булутда.

Лолалар қўйнимда... Бошимда кумуш...
Лолалар — бир гулхан, чақнайди ёлқин;
Сеҳрларга тўла гўё бу бир туш.
Ёрим, кел, ташвишни қўй, кўклам — тошқин...



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Дарахтлар ортидан қалқди ой махмур —
Ҳамдарддир; кутамен боғларда оқшом.
Шийпонда биргамиз: ёр, май ва танбур —
Барчаси кўкламда меним ошином...

Оқшом... Интизормиз... Ёр олди наво...
Ҳаво, сут омухта, уфқлар — кимхоб.
Кўнгилда булоғи — севги ва вафо...
О, ёр, айни чоғи, қуй шароб-гулоб.

Сайрни суюрмиз сеҳрли оқшом,
Кезармиз далалар, бу бахт — ҳақиқат.
Дарёда тўлқинлар, ёр, сенда ором...
Гул сели — улфат чоғ мангу муҳаббат.

Гўзалим, кел олтин баҳордир — жонон:
Баҳор ҳам сен каби келмишдир гулгун.
Кўнглингни куйга сол, сен тутиб камон,
Мен ишқнинг, куйларнинг Мажнуни, мафтун...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖАРОҲАТНИ КЕСМАК СОҒЛИК КЕЛТИРАР

Сўрдилар:
— Келинг сиз бир ҳажв қилинг,
Дедимки:
— Ажаб гап, бу касбим эмас.
Кулдилар:
— Йўқса сиз бир мушт кўтаринг.
Ёмон бор — виждонсиз, қаллоб, ҳалолмас!

Дедим:
— Хўп, парчалай қабоҳатларни,
Кўрингиз: менда бор икки зарбдор мушт.
Мен яна терайин найза сўзларни,
Кўп хурсанд бўлурсиз, гап келолмас бас.

Чунончи, савдогар — эски дард, яра,
Тирнайди кўнгилни, тинчитмас бугун.
Бор судхўр, чайқовчи, текинхўр — кана,
Чуқурсой — наҳотки ешилмас тугун!

Чайқалур лиқ тўла чайқовчилар-ла;
Чуқурсой — қутурган лойқа бир денгиз.
У ифлос ин кисса овловчиларга;
Чуқурсой — шаҳримнинг кўксига бигиз.

Кўтариб юришар камзил, шим-чорвор...
Эссиз ироқи ёки дўппи «Чуст»,
«Тўқсон беш», қора мурч, турли доривор...
Янчиб юборсанг ташлаб бир дев мушт!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўконлар шилинар, токчалар қуруқ,
Моллар Чуқурсойга оқиб келади.
Запчастми, пиёла ёки бир шуруп,
Қўлма-қўл ўтиб нарх ошиб келади.

Судхўрларки, ҳаром пулга бўлган қул,
Чайқовчи бир оғу, унда бузуқ қон!
Новлардан оққандай унга оқар пул,
Эвазига ундан оқади виждон.

Кўзлар бесаранжом, эски дард — «моя»!
Қўйнини қабартган қақир-қуқури,
Санғиб юради у — ўтмишдан соя!
Чуқурсойни кўрсин елкам чуқури!

Юлдузлар оламин кемалар кезар,
Лекин хунук қолдиқ ҳануз кўндаланг.
Жароҳатни кесмак соғлиқ келтирар,
Дўстларим, наштарни, муштни аяманг!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Тош экан бошим,
Ҳеч ёрилмади —
Ёғилди минг тош.

Қалам ҳамдардим,
Бир сирқимади
Кўздан қатра ёш.

Гар қолдим нонсиз
Ва бош паноҳсиз,—
Дарз кетмади қалб.

Кўнглимда ҳақиқат
Бир он сўнмади
Гуё зўр қуёш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

*    *
*

Қел, булбул, сайра,
Фиғон қил, куйла.
Биз эски дўстмиз,
Боғимда яйра.

Меҳнат аҳлига
Қуйларинг — алла.
Сенга ғанимат
Шу олтин палла.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Келди яна баҳор —
Ажойиб, сеҳркор.
Кўп нафис гунафша
Яратибди боғдор.

Гунафша, гунафша,
Берасен кўп нашъа,
Суюниб йиғамен
Дасталаб гулдаста.

Мўъжиза ҳеч битмас,
Айланиш тугамас.
Кўнгилга нур, севинч
Бағишлар, аямас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Йиғлаб ўтдим тағин эшигингдан, ёр,
Бир кўрмакка, рассом қиз, эдим интизор.

Ўтирибсенми танҳо, тутиб палитур,
Балки ниҳонли бармоқ сайратур танбур...

Маҳаллангда оёқлар тентираб қолди,
Қовжираб дилда ишқим армони қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Юлдузлар

Мен сизга, юлдузлар, интизордирмен,
Ҳар оқшом кутамен соғиниб сизни.
Сўйла, Олтин қозиқ, биласен сирни,
Ҳой, оқшом юлдузи, ўргат сеҳрни.

Суфрангиз четини ит тортганини
Бувимдан эшитиб йиғладим, куйдим.
Сомон йўлларида кўп дафъа юрдим,
Суҳбатда сиз билан ширин ўй сурдим.

Мен сизга эски дўст, ошнодирмен,
Ҳар өқшом, юлдузлар, интизордирмен...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЁМҒИР

Осмонга ёпирилган қора булутлар,
Даҳшат-ла қуюлур қамчилаб ёмғир.
Ялт этиб ўчади олов қиличлар,
Борлиқ қалдирайди — ҳайбатли ур-сур.

Айвонда сукутда ўтирурмен жим,
Қасирға чақмоқлар гўё қошимда.
Фикрлар, ўйларим билмайди тиним,
Уланиб оқади дарё бошимда.

Ўйларга толамен, ёнади бағрим:
Онамни кўрамен хаёлим ичра.
Дерди: «Шафқати кенг, буюкдир тангрим...»
Марҳума бувим-чи жойнамоз узра —

Ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди: «Жим ўтир, болам,
Оби раҳмат, дерлар, буғдойга даво!»
Ўйлардим — мунчалик сир тўла олам?
Булутлар ичидан излардим худо.

Хотира селида аста оқамен,
Вақт ҳам йўқолур ўтмиш қилса банд.
Ярқираб кетибди қуёш, боқамен —
Осмонда камалак, бунга-да дил банд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Баҳор келди — кумушранг кимхоб,
Дарахтлар оппоқ гулда — машъал.
Бол терилур гул қадаҳлардан,
Гул фасли — баҳор фасли... офтоб...

Гул фасли, нур фасли чақнайди,
Янграр қўшиқ ҳавода, кўкда.
Қирлар гулгун, лолаларга ғарқ,
Лолалардан гилам кўк ўтда.

Парча булут тўкилиб кетди:
Дув қуйилди марварид ёмғир.
«Бўри туғди», чақнайди кулгу,
Яланг оёқ болаларга ҳузур.

Боғ-қирлардан чопар шийпонга,
«Бўри туғди» — кулиб катталар.
Зум ўтмасдан тинади ёмғир,
Ачинади чопқир болалар.

Ариқларда сойлардан тошқин,
Дарахтларда гуллардан тошқин.
Баҳор келди, гул фасли келди,
Кўнгилларда севинчлар тошқин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Гўзал хулқ гавҳардир, асло бўлмас хор.
Ҳаёт илдизида ундан бир нур бор.
Ҳақиқат ва ахлоқ яқин туғишган,
Ўғлим, ўйла, умр ўтмасин бекор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*　*
*

Табиат тилсимин туби йўқ, беҳад,
Ўғлим, илм ўрган, емрилур ҳар сад.
О, умр калтадир, нақ қуш уйқуси,
Ҳақиқат дастурин, топ, қолсин зар хат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*    *
*

Ёримнинг қора кўз — офтоби бордир,
Ишқ дарди бошимга битган балодир.
Шоирлар: «маҳбуб, май», деса кулардим,
Меним ҳам дил энди банд, мубталодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ўтирур супада, қўлида китоб,
Хаёли кенг дарё, ёрим — офтоб...
— Оламнинг сири,— дер,— илм, маърифат.
— Танбур, май — коинот!—қилдим мен хитоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

О, кўнгил, чексиздир, туби йўқ жаҳон,
Сирлар ва тилсимлар конидир осмон.
Нимадир оламнинг сир фалсафаси?
Эй, кўнгил, сен ҳал эт! Мушкулим ҳамон!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Сирли йўллар босиб, кезамен осмон,
Ўйлаймен, ўйлаймен, сира билмаймен...
Осмонга сепилган олтиндан сомон,
Ҳақиқат нимадир, ўйлаймен ҳамон..



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кечқурун ёр келди. Боғ яшнар гўзал,
Супада ёзди у латиф бир ғазал.
Мен дедим, шоира, тасвири нақ май!
Бошланди улфатлик, қалқди ой — машъал!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ёшлик бир ғунчадир, йўлдоши — севги,
Юракда ёлқини сақланса мангу,
Вафо дерлар буни, азизроқ не бор?
Қарилик ҳам ойдин, ишқимиз мангу...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тарих ва фалсафа чуқур, мураккаб,
Ҳаёт машъалидур ҳақиқат, чин гап.
Ижоднинг булоғи тинимсиз оқсин:
Минг сир бор тупроқда — олсангиз бир кафт.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳасратлар кўнгилдан кетган замонда
Табиат мудрайди, аллалар баҳор.
Кўклардан жимгина олтин нур ёғар,
Ҳар нарса улфатдир менга шу онда...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёрим кетди — менга эш ишқим фироқи қолди,
Ёнғинда буткул бағрим ўртанди, ҳоки қолди.

Ёрим келди — ғам кетди, ҳижрон ҳасрати кетди,
Чаманзор гулшанида гўзаллик боқий қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Оқшом... Келди илҳом, қўлда гул жонон,
Кўзларда нур, сочда гавҳар ҳаяжон.
Мен ёлғиздим сокин ҳужрада,
Қуюлди шеър, май — келди бир жаҳон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Донолар ўтдилар — сафари узоқ,
Қуёшдай ботдилар — манзили тупроқ.
Кетамиз бизлар ҳам навбатма-навбат,
Майли майдан қуйинг, дўстларим, кўпроқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Фикр нақ чақмоқдай, олмосдай ўткир.
Инсон умри ўтди кўрмай қатра нур.
Дард-алам чўкканди қалбларга чуқур,
Ҳақиқатга етиб, касб этдик ғурур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёмонлардан зинҳор, дўстим ҳазар қил!
Фирибгар ошнолар зимдан тўсар йўл.
Ҳақиқатни севмас виждонсиз, бахил;
Куйганмен улардан: ёғдирган тош-дўл.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дўстим, ўй ўйла, эринма, ҳис қил,
Хаёллар денгизи мисли хазина.
Ҳақиқат дурига тўладир чин дил,
Ижод эт, чекинма, ихтиро изла.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Илм дарёси чуқурдир, чуқур,
Ҳақиқат чашмаси, манбаи шудир.
Умрнинг ҳосили, гавҳари, дури —
Фикрдир; ўқи илм — берур дилга нур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фан гавҳари, дейсиз, гўё тоғ, қоя,
Табиатда сир кўп — дарё ва дарё.
Туби йўқ оламдир — илм-маърифати,
Меҳнат қил, жафо кўр, изла нур-зиё.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Фалак айланурди... Ҳамиша суръат...
Халқ жабр тошида чекурди зулмат.
Ленин қуёш каби келди оламга,
Қуюлди шалола — нур ва ҳақиқат.

Октябрь... Инқилоб... Қалқди офтоб,
Боёнлар мушукдек қочди тумтароқ.
Ишчилар — бир синф, жанглар беҳисоб,
Ҳаётга нур сочди дунё — ярқироқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Хаёл дарёсига чўмиб кетаман,
Фикрлар, ўйларим — бошимда чаман.
Илм, фан олмоси ўткир дер олим,
Сирларини топ-да, ёндиргин гулхан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

*    *
*

Ҳақиқат яратди тартиб ва қонун,
Ҳикмат офтоби гўё бир ёлқин.
Катта фалсафанинг илдизи қани?
Топилса бўлурди офтоб — тошқин...



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Само қоп-қоронғи, қародир осмон,
Сомон йўли чексиз... Юлдузлар — мезон.
Ҳақиқат нимадир? Топмаймен сира,
Айландим, айландим минг дафъа жаҳон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Маҳбубам келди, қомати ниҳол,
Либоси мовий гўёки зилол.
Узилмас бир он тотли хуш суҳбат,
Қамон куйлари... Тун, биз ва ҳилол...

Оппоқ тонг отди, ҳайҳот, бу умр —
Ўтди бир дарё ё бир тутам нур...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,
Тошлар ҳам йиғлайди — сир тўла осмон.
Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!
Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлғон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ақлнинг хонаси тўла шуъла, нур,
Фикрлар ва ҳислар тубсиз бир чуқур.
Ҳақиқатни излаб асрлар аро
Чарчамас дарбадар, хаёл чирмашур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОЙЧЕЧАК

Бугун болаларнинг шодлиги тошқин,
Ерни туртиб чиқмиш тонгда бойчечак.
Табассумдан мовий осмонда тўлқин,
Оламга юз очган нафис бойчечак.

Тупроққа тирабди ниҳол оёғин,
Баҳорнинг шу гўзал илк чечаги шан.
Ғурур-ла офтобга тутиб яноғин,
Шивирлар бойчечак достон ишқидан.

Сукутда юрамен, кўнглимда баҳор,
Баҳорни куйлайди тансиқ бойчечак.
Тасвири — ҳақиқат, севгига у ёр,
Кўкламдан нашида, учқун бойчечак.

Тандир бошидаги кампирнинг бирдан
Бурушиқ юзлари ёришиб кетди.
«Омонлик, сомонлик!»— дер ихлос билан,
Суюнар: у тағин баҳорга етди.

«Тангрим кўрсатсин-да яна баҳорни»,—
Тандирдан нон узиб, шивирлар бойқиш,
Юрамен айланиб шўх болаларни,
Чеҳралар мамнундир, тошади олқиш!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ағдарсам тарихни — асрлар қат-қат,
Асрлар ортидан эшитдим нола.
Инсоннинг кўргани зулм ва ҳасрат,
Қуёшнинг нуридан қани бир тола?!

Гар боссам йиғлайди тупроқ — Жўржоний —
Ўртанган гулхандан бир кафт кул экан.
Қиличдан қуйилган Улуғбек қони
Юлдузлар кўз ёшига қоришган...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Сербўёқ ва серранг кузни севамен,
Ҳар япроқ рангида коинот зуҳур.
Ҳар йили мен унинг янги ошиғи,
Қуйлаймен, куйлаймен мадҳин бир умр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Гуллар баргига кирган шуълалар
Хилма-хил бўёқни ижод этади.
Йиғламас узилган ҳазин япроқлар
Келгуси бўғинга ҳаёт элтади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАБИАТ ТЎРТЛИКЛАРИ

Табиат! Севамен бутун тўрт фаслинг,
Шодликка тўламен гупулласа қор.
Дўлнинг ҳам ўзгача бир нашъаси бор...
Баҳор гўзаллиги дилга мангу ёр...

Қўркига тўймаймен — уфқда қуёш
Булутлар юзига қирмизи бўёқ
Суркаб ўтганида қоладирман маст,
Изида хаёлга толурмен узоқ...

Бир яшил япроқнинг, бир нафис гулнинг
Рангида қувонур кўрган ҳар кимса.
Наҳотки қуёшдан топган бир зарра
Нурнингми тилсими, санъати шунча?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШОИРА

*Анна Ахматовани эслаб...*

Дим ва бўш хонанинг остонасидан
Қатта ойим секин чиқар улуғвор,
Сочларнинг шу кунлар кўпайган оқи...
Боқар кўз ойнакдан асл, илҳомкор...

Қуёш эриганми ўз иссиғидан?..
Зонтиги ҳавоий, юпқа ва енгил.
Гўё ниначининг қанотидан у,
Юзига қизғин чанг сепади сепкил...

Сувлар салқинликка ошиққан каби
Мудроқ тераказорга тинмай югурар.
Асфальтда кетма-кет туёқ товуши,
Отларни тер босган, оғзи кўпирар.

Йўлларда қурама тиллар, чеҳралар,
Нон оз, «Информбюро хабарлари» мўл.
Чанг ва терга ботиб аскарлар кечар,
Оналар қалбини савалайди дўл.

Жажжи қора қизлар элтар қатиқ, нон,
Анҳор бўйларида ҳижрон лапари...
Сквер — муаззам бир лаган-чаман,
Машиналар учар қўнғиз сингари.

Шоира юради хаёлчан, ёлғиз,
Қуёшни ютгандек — юзида ёлқин...
Кўзларим изида, эргашамен жим,
Хаёлдан, ҳислардан кўксимда тўлқин.

Шоира ошиқар кичик хонага,
Илҳом денгизининг йўқмиш қирғоғи.
Хиёбон четида тўхтаб ўйлаймен:
Қуйилур на гўзал шеър ирмоғи?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Гўзалим, ёр, булбул фиғон,
Дилга тилак тушди пинҳон.
Қадаҳ тутиб келса ёрим,
Юлдузларга тўлур шийпон...



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Лолалар гилам-гилам...
Қарвон-карвон булутдан —
Унда-бунда соялар.
Гул фасли... фасли кўклам.

Тоғлар муҳташам, узоқ...
Ясландим қир бағрида.
Арилар маст гуллардан;
Мен ҳам маст. Ишқим — булоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ёр кетди... Оҳ, ёлғиз яна шу оқшом,
Чақирдим — келмади, изи йўқ жонон.
Бир зумда йўқолди кўнгилдан ором,
Юлдузлар ўчдилар... Қолди кўп армон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*　　*
*

Самода сирғалур ошнам — мунгли ой,
Бизнинг бошимизда у-да ҳамсуҳбат.
Қоинот эртага битмайди... Кўкчой —
Хўплаймиз, кўнгилда ювилар ғурбат...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бухоронинг кўкраги кенг; алифдай узун—
Кўчаларда баҳор кезар, тўлдириб бутун.

Шаббодага эргашамен, этадурмен сайр,
Севинамен: бажарилмиш неча кори хайр.

Бухорода дўзах ясаб, ерни, осмонни
Қовжиратган қуёш бугун севиб инсонни —

Олтин қумлар кечиб келган сув билан амал
Қилибди-ку, яшнатибди ҳар ёқда бахмал.

Сичқон сиғмас тор кўчасин — тарихнинг изин,
Қозон салла йигитларин, чодирли қизин —

Тасаввурга келтирамен, куламен қаҳ-қаҳ
Янги бўғин бахти-чун деб, тутамен қадаҳ.

Кулмагайсиз, азиз дўстлар, бу эмас нозим,
Олтмиш ёшим елкада юк, йўқдир иложим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Кўзингда нур, ёрим. Қошларинг нози
Китобдан кўз узмас табассум ёзи.
Ҳақиқат илдизин топдингми шу он?
Сирларин очдими у қайсар мози?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Ҳақиқат машъали ёритмиш осмон,
Нур шалоласида чўмилур жаҳон!
Кўзларинг-да тошқин ишқ ва фиғон,
Гулшанингга қўнмиш янами ҳижрон?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Кўнгилда ишқ кўп,
Чайқалур эркин.
Хаёллар тўп-тўп,
Чўмамен секин.

Фикр бетиним,
Унда не сир бор?
Дил ожиз, етим...
Ўйлаймен бекор...

Қуёш ҳам ботди
Астагина жим.
Борлиқ мушкулди,
Мен бир мунажжим...

Осмондан туман
Кўнгилга қўнар,
Мен ғариб, сарсон,
Бир ёниб сўнар...

Юлдузлар хомуш,
Тўкадилар ёш —
Нақ хира фонус
Дилга чўкар тош.

Юрамен ҳорғин,
Чашма — ҳовчимда.
Нафаси салқин,
Қотди товшимда.

Қўлимда китоб,
Ҳар сатри ёлқин —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дунёга хитоб...
Фикрлар тошқин...

Тўхтаса фикр,
Мен ахир бир тош.
Эвоҳ, бу не сир?!
Ўйсиз — қовоқ, мош.

Тинса тафаккур —
Қалбда мангу қор.
Ожиз тасаввур:
Ҳануз кўп сир бор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Шуълалар қуюлур тоғдан шалола,
Қоялар ясланган — қадим, бурушиқ.
Булутдан соялар ўрмалар қирда,
Арчалар, бодомлар, гўзал, қоришиқ.

Туманлар оҳиста судралур пастга,
Шарқираб ях сувлар келур ўзандан.
Мен ширин булоқлар, чашмалардан маст,
Тинглаймен ғазаллар ҳаёт ишқидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Чол борурди отда — букчайган, ҳорғин,
Фикрлар, ҳислари гўё туманли.
Тоғликларда чўкмиш чексиз бир сукут,
Дейман: Йўлчи, қайга олибсан йўлни?»



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Оқшом қоронғиси сирли манзара,
Биргамен ёр билан. Осмон гўзал.
Юлдузларнинг нури — чексиз калава,
Чашмада олтиндан халқалар — машъал!

Иккимиз шу ерда. Бу нечук роҳат!
Гулларнинг хушбўйин сипқирар қонлар.
Кўнгиллар биргадир, сирли сукунат,
Ўйларим мисли йўқ... Ширин шу онлар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Йўқми бу фалакнинг қирғоғи, кети?
Мунча кўп дунёда муаммо, чигал!
Ажойиб қонундир қуёш маҳраки,
Асрлар тугуни қачон бўлгай ҳал?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ёз чоғи... Иссиқки, авжда саратон,
Ҳар нарса сукутда, қимир этмас япроқ.
Қуёшни ютибди, базиллар тупроқ,
Гўёки абадий сукунат ҳар чоқ.

Булоқдан ҳовучлаб сувни ичамен,
Ўйлаймен: шаҳарда гулобга навбат.
Қуёш оташида симобдир асфальт,
Бу сокин гўшада китобим улфат...

Узоқдан эшитилур кулги, аския —
Йигитлар ўроқда ўзишар... зафар...
Арпа бошоқлари, донлари — гавҳар,
Гўзал мавжларида учқунланур зар.

Оҳиста уфққа ясланди қуёш,
Болалар отларни ювгали сойга —
Чопдилар. Катталар оромбахш жойга —
Тўпланурлар. Навбат — танбур, кўк чойга.

Боғчалар устида сузади тутун,
Меҳнат-ла, зафар-ла тугади бу кун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Қалдироқ, яшин ва жалалардан сўнг
Қайдандир югуриб, таралур бебош.
Булутлар карвони қоялардай чўнг,
Суюниб, сачралиб чиқади қуёш.

Самонинг ярмига тушар камалак,
Нақадар ижодкор, серзавқ табиат!
Нашъа ва сурурга тўла бу фалак,
Не деган нарса бу — ҳасрат ва кулфат!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТЎРЛИ ЙИЛЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУНЛАР

Боқингиз: ҳозир куз... япроқлар — гала
Кийимдан кетмаган ҳали нафталин.
Эскича айтганда, бугун душанба,
Лекин ҳар минути йиллардан қалин!

Қуёш бир бўлса-да, ўзгача куни,
Улуғ тарих учун қилдик уни мос.
Бизнинг кун мазмунин буюк тўлқини
Астрономиянинг кунига сиғмас.

Ҳар дамда туғилар янги қаҳрамон,
Бешиги — фабрика, завод ва дала.
Албатта, барчаси эмас навқирон,
Унда қанча гўдак ва кўмшик хола.

Рақамлар сакрайди қучиб тонналар,
Рақамлар юксалар кўкка бенарвон.
Мамлакат ҳавосин қучмиш буюк шан,
Ҳар нафас олганда кўкрак қабарар...

Гадой халтасидек қашшоқ ва юпун
Саноқсиз кунларни кечирмишдик биз.
Ҳаёт зиндонига ҳатто бир учқун
Бағишламас эди кўҳна кунимиз...

Кунлар китобида ҳеч йўқ қайтариқ,
Ҳар куни очамиз янги бир бобни.
Ҳавода, денгизда, ерда йўл аниқ.
Кунлар ўз қўйнига солмиш офтобни!

Кўчада на байроқ ва на дўмбира,
Иш билан терлаган оддий совет кун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Байроққа, севинчга, саф-саф ишчига
Шаҳар лим-лим тўлган, боқсанг кечқурун!

Бу зафар оқшоми, пахта тўйи бу,
Рақамлар, зафарлар жўнар Московга.
Симларнинг устида ўйнади пойга.
Шу тунда севинчлар-да бермади уйқу.

Келганлар даланинг қаҳрамонлари,
Буларки увада «қишлоқи» эмас.
Ўлканинг энг тансиқ ҳур полвонлари,
Қўл сиқиб суҳбат-чун қайнайди ҳавас.

Юзлари ғурурли, кўзлар маъноли,
Ҳар бирида куннинг салобати бор.
Чўпонлар беқасам, шоҳи белбоғлар,
Этиклар ғарчиллар худди янги қор.

Янги бахт, янги ҳис, янги зафарлар
Тўқийди бизга хос давр кунлари.
Очилар ҳар куни янги саҳарлар,
Шеърга сиғмайди бой мазмунлари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИР ҚИЗ ҚУЙЛАЙДИ

Жангга кетди арслонтойим — севикли ёр,
Узи дилбар, сўзи ширин, дўст вафодор,
Жангга кетди, унда ёлғиз фикри ёдим,
Лекин йўқдир юрагимда зарра ғам, зор.

Ватан учун жонлар фидо бўлса арзир,
Ватан — она, оналарни севмоқ фарздир,
Арслонтойим жангда бўлсин ёвқур, ботир,
Сабо, кел, элт: ундан шундай армоним бор.

Яна айтгил қилиб турган ишимни ҳам,
Ўроқда ҳам, чопиқда ҳам қўлим илдам,
Ватан ишқи юрагимда сўнмас бир дам,
Сабо, тингла, қандай илиқ сўйлар дутор.

Қуёш билан мен чиқамен дарё сари,
Қўшиқ айтиб ишлашамиз ёшу қари,
Қанотлатар кўнгилларни эл зафари,
Сабо, ёрим зафар куни кўрсин дийдор!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАҲОР ЁМҒИРИ

Осмон эди боя беғубор.
Қайдан енгил булут ва ёмғир?
А, ҳазилни севади баҳор!
«Шовв» этади йирик-йирик дур...

«Ток очар»нинг нашъасидир бу.
Панага зир қувар ҳаммани
Боғлардан ва ишкомлардан у.
Ташвиши ҳам шириндир ани.

Олтинланар бир пасда ҳаво.
Қий-чув. Иш ранг денгизи симон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОДОБЛИ ТУРҒУН

Мактабидан келарди Турғун
Папка тўла китоб, дафтари.
Ер лой эди, йўли ҳам узун,
Лекин дадил босар илгари.

Жуда хурсанд борарди Турғун,
Чунки ёзув, ўқув, ҳисобдан
«Беш» баҳони олганди бугун.
Фикрин узмас у китобидан.

Турғун бирдан кўрди шу йўлда:
Мункиллаган бир чол борарди.
Бир қўлида ҳасса, бир қўлида
Тугуни бор — калавланарди.

Салом берди ҳам деди Турғун:
— Тугунни мен элтай, бобожон.
Чол қаради ва кулди бир зум:
— Кўтарасан? Қара, йўл ёмон.

Турғун кулиб гапирди шу дам:
Ешман, бобо, кучим қайнайди.
Оёқларим ҳамма вақт илдам,
Лойни, сувни писанд қилмайди.

Чол тутқизди тугунни шу чоғ,
Қўлтиқлади Турғунжон маҳкам.
Бир эшикда тўхтади бобо,
Тугунини олмасдан бурун
Қўлин очиб у қилди дуо:

— Яша, ўғлим, умр кўр узун.
Ибн Сино каби олим бўл,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отангга ҳам онангга раҳмат!
Шунда Турғун қовуштирди қўл:

— Хайр, бобо, арзимас хизмат.
Кейин чопди ўз уйи томон.
— Ўғлим, нега кеч қолдинг бугун?—
Деб сўради она меҳрибон.

Айтиб берди ўз ишин Турғун.
Қучиб, ўпиб сўзлади она:
— Ҳурмат қилгин ҳар бир кексани
Ёрдамингни ҳеч вақт аяма,
Шунда кўпроқ севаман сени.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қиш кечаси гувиллар шамол,
Далада қор, қуш инида қор.
Инграр оғриқ каби қари тол,
Ойналарни безар қиш — гулкор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АҲМАДЖОН БОҒБОН

Аҳмад ўзи бир қарич,
Ҳаммамизга у таниш.
Қилиғи, сўзи яхши,
Суйгани ўқиш ва иш.

Мактабдан келган замон
Олади жажжи кетмон.
Терлаб, пишиб ер чопар
Бизнинг кичкина боғбон.

Боғда олмаю анжир,
Токлар, ноклар хилма-хил.
Улар тагин юмшатиб,
Сув қуяр жилдир-жилдир.

Боғбонимиз гул экар,
Ҳар кун парвариш этар.
Гули очилган куни
Ўзи ҳам қувнаб кетар.

Ўртоғимиз Аҳмаджон
Ўқувда, ишда чаққон.
Қилиғи, сўзи яхши,
Қўли олтин, ёш боғбон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УТ ЁҚАРЛАРГА

Ўт ўйнама ва тиш қайрама,
Атомлар-ла сен дўқ айлама!
Қонсираган йиртқич галаси,
Нақ кечаги тарихга қара!

Тўлғонганда оловдан жаҳон,
Изларингда кўлланганда қон,
Европани то бошдан-оёқ
Қақшатганда қоп-қора бўрон —

Ким ажални қилди тору мор?!
Биз, ёлғиз биз бўлдик ҳалоскор.
Жангноманинг чин қаҳрамони
Совет халқи бўлди, бўл иқрор!

Дўстлар учун бу бахтдир ҳар чоғ!
Душманлар-чун бу мангу сабоқ!
Урушқоқлар билсинки, бугун
Совет мушти яна салмоқроқ!

Дўстлар сонсиз ҳар бир қитъада,
Сафлар қалин ҳар дақиқада.
Тинчлик учун, эрк учун ҳар он
Юраклари зўр алангада.

Кремлда ёнган юлдузлар
Юракларда очар кундузлар.
Бу юлдузлар кишилик тонги,
Эрк ва бахтдан муттасил сўзлар.

Тунга қарши қуёш зафардор,
Тинчлик ва эрк кучи зарбадор.
Капиталнинг заҳар дарахтин
Қўпармоққа юзлаб халқ тайёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин меҳнат қўшиғи-ла биз
Жуда бандмиз — ижод қиламиз.
Ўтбозликка кимки ўч бўлса,
Не қилишни биз хўб биламиз!

Қувват фақат эркда, виждонда,
Нафратимиз қайнаган онда
Зафарларга бошлар партия,
Қуёш тўйи бўлур жаҳонда!

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТУГАЛЛАНМАГАН АСАРЛАР ЭСКИЗЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФРОНТГА ЖЎНОВЧИЛАРГА

Ипга терилгандек гўё
Кўчаларда ниҳоллар.
Куз япроғи,
Мана, зенит тўпида,
Мана,
Жангчи шинелида жим қотар.
Жангчилар отар одим
Текис, сафба-саф.
Ўз уйини
Ҳам ўз юртини
Ҳимоя учун.
Бўлғуси қаҳрамонлар
Учун бўлсин бахт ёр,
Катта-кичик жангларда
Толе ёр бўлсин бутун.
Улар фронтга жўнар,
Улар кўп, бениҳоя.
Тилаймизки,
Жангнинг оғир йиллари
Улар учун бўлмагай
Унча оғир...
Тилаймиз бу эрларга
Метин куч-қувват,
Тилаймиз шерларга
Ирода, шиддат.
Ҳар қандайин зарбани
Синдиради зарбамиз.
Биз шундай ўғиллар-ла,
Албат, ёвни енгамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЛОЧИНЛАР

Қалтирар осмон қанотлардан
Сиз ҳужум айлаганда шум овга,
Бир жаҳаннам ёғар разил ёвга.
Сизга тоғ ҳам булут эгар гардон.

Синдиролмас саботингизни бўрон,
Сиз уфқдан-уфққа ҳатларкан.
Сизда ҳар вақт ғазаб-қаҳр авжи,
Зарбангиздан кукун — зирҳ мавжи.

Тепа танклар ва қалъалар яксон,
Ёв учун қалбингизда зилзила бор.
Қора қузғун гуруҳига кўк тор,
Урасиз ўққа,ўтга ўзни дадил.

Юрт кучи, халқ кучи билан тўла дил,
Сапчимак, қирмак — сизга эзгу шиор.
Доимо енгмоқ, доимо ҳаракат;
Кир, тутун, ўт ва кул бўлур калхат.

Йиқилур ерга у самолардан;
Гулдирайсиз енгиб фазолардан.
Сизга йўқ майдоннинг ваҳм тарафи,
Сиз — Ватаннинг иродаси, қаноти,
Сиз — арслон юракли, мард авлод.
Номингизни асрлар айлар ёд,
Ёвни кулдек тўкинг ҳаволардан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАРИХДАН САБОҚ ЁКИ ЖАЛОЛИДДИН

Қонда балқиб ботди қуёш... Тинди жанг...
Ҳавода қалин дуд. Қаҳрли дала...
Йиртилган кўксининг дардидан гаранг.
Тўмтоқ ўрмонларда ел хуркак, хафа...

Эрлар ўтдан чиқар пишиқ қайроқдай.
Қанча дўстни ютди ўлим қуюни!
Тирикларнинг руҳи мағрур — байроқдай,
Чўчитмас кунларнинг қонли тўлқини.

Узоқ қишлоқларда ёнғин қутурар,
Тутундан кўз юмди оқшом юлдузи.
Немис қадамида жаҳаннам юрар —
Қўрадек қораяр ҳаётнинг юзи.

Мана, ётар тепа... қаҳрли ва дов,
Танин снарядлар титган, ўпирган.
Бир ҳафтадир уни гурзилайди ёв,
Боши чиқмас лаҳза мудҳиш гумбурдан.

Ёғади муттасил олов ва металл,
Теваракдан хурар ғазабли душман.
Жанг, дуд булутига ўралиб дангал
Кўкрак керади у — ғурури баланд!

«Ютаман», деб тўплар пишқирса вулқон,
Бағрига тирмашса минглаб қароқлар,
Унинг ғазаби ҳам бўлур беомон:
Ёвни қилиб суяк, қон улоқтирар...

Қад ростлади содда Кенжабой, мана,
Тепанинг қалби бу — командир жангбоз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Манглай терисида совуқ шаббода
Қонли пўртанада кечмиш икки ёз!

Кўзлар олмос каби туннинг қоп-қора
Деворини кесиб, кўрди ичини.
Жимлик садолари унга барала,
Фонусдек равшанди макрнинг қини.

Таъзирини еган ёвдан йўқ нишон,
Разведкачилар ҳам келтирди хабар —
«Лекин ҳар вақт сизга шу бўлсин аён:
Масофа икки қош ораси қадар!»

Эҳтимол бу кеча қайнамас тепа:
Кундузи уч марта қулади душман —
Ўлим роса қирди, қолгани эса
Фарқсизди афанди қийнаган қушдан.

. . . . . . . .
. . . . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОКТЯБРЬ

Ўртоғимлан варрак учирган чоғлар
Муъжиз шамол каби эсдинг Лениндан.
Шу онда кўзимга кулди узоқлар,
Сени мен кўролдим бахтли боғимдан.

Ўчоқ ҳам, қўшиқ ҳам заҳматни отди,
Тер ҳам, пешона ҳам қилди ифтихор.
Йўлларимни бахтнинг қўли тузатди,
Фикр юрт боғидек очди чаманзор.

Қуёш ҳам халқларга сен билан келди...
Қўйингда жаҳоннинг кундузлари ҳам.
Қаҳримиз ёвингга мангу мозордир,
Октябрь, енгмак-чун ичганмиз қасам!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҒАРБГА, ЖАНГЧИЛАР!

Ҳилпирар байроғимиз Харьковда яна,
Кўксидан ғам-ғуссани отди қардошлар.
Қўшиқларимиз эркин янграр ҳавода,
Кўзларда яна нур, яна ҳур бошлар.

Харьков — Украинанинг гўзали — озод.
Совет ботирларининг темир қадами...
. . . . . . . . .
. . . . . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮРТ БОШИГА ТУШГАНДА АНДУҲ...

Қиш бағрида жунжир дала-қир,
Звено-ла иш бошлади чол.
«Юкли» келин, жажжи қиз, кампир.
Чақмоқдай тез бу «етти ботир»...

Елкаларда ташиб кўп девор
Енг шимариб, кўтариб шарвор,
Сув ҳайдади ва кетмон урди,
От ўйнатиб бу қари шунқор.

Хирмонларга ташиди қанор.
Колхозига уй-жойлар қурди.
. . . . . . . . .
. . . . . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қутурган йиртқичлар бўсағасида,
Қулоқда занжирсиз итлар ҳуради,
Қанча ифлослик бор улар сасида?
Тош битган карлар ҳам нафрат қилади!

Ёқиш, йиртиш, талон — ёвнинг иши бу.
Европани талаб тўймаган очкўз
Жабрда, қийноқда комил, уста, қув.
Малъун китобида қон пўскар ҳар сўз,

Кирди биқинига шундай маст бало —
Зирҳга ўралган мудҳиш жаҳаннам
Ўкириб заҳар-дуд тўлғанган вабо —
Ўлим боғичини сиқди дамба-дам.

Оғир кунлар келди... Оғир ҳам гапми!
Қалб темирдан бўлсин, баргдек титрар зир.
Тошни эзиб, кукун қилмаган гапми?
Оғир кунлар келди, ҳар они оғир...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Ярим кеча... Ўтирамен жим,
Уйқу қочган, дилим тўла зор,
Шувуллайди ёмғир бетиним.
Қўлда қалам, қаршимда у ёр.

Кўзларнинг шўх, эрка қилиғи
Уйқу каби қочади жим ...

. . . . . .
. . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАНКИСТЛАР МАРШИ

Бизнинг танклар ҳеч тўсиқни билмас,
Кўчирар йўлларида тоғ ётса.
Тўздирар ёв сафин қум-чангда,
Ўқ-олов селларин гумбурлатса!

Ботирлармиз, темирдан кўкрак, дил,
Ватан учун ҳамиша жангда дадил.

Қирамиз қанча бўлмасин ёвлар,
Босамиз тумшуқ тиқса қаёқдан.
Биз ҳужум айлаганда титрар ер,
Қаҳрамонлик талаб ҳар ўртоқдан.

Ботирлармиз, темирдан кўкрак, дил,
Ватан учун ҳамиша жангда дадил.

Танкларнинг пухтаси — совет танки,
Пишқирар ўт-бўронлар душманга.
Ватан ишқи кўнгилда мавж урар,
Бизда шонлар, зафарлар ҳар жангда.

Ботирлармиз, темирдан кўкрак, дил,
Ватан учун ҳамиша жангда дадил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АСИРАЛАР ҲАҚИДА

Қандайдир бир бекатда қоғиллади қарғалар.
Паровознинг тутуни жим қотибди ҳавода.
Мана, ҳозир кўп қизлар, сингиллар ва опалар
Жўнатилар узоққа, оғир жабру жафога.
Хароб уйда йиғлашиб, додлаб қолур болалар,
Гўзал оналарини элтарлар ғамхонага.

Бошларида посбонлар. Кумуш терак барглари —
Титрашар изтиробдан; қалбларда ғазаб қайноқ.
Қайрилиб боқмади у; дарахтзор ортидаги
Майсалар ўсган манзил жуда қайғули шу чоғ,
Унда вагонлар турур. Остонада бир дами
Она ҳушсиз йиқилди ҳасрати жўш урароқ.

Қуёш шўнғиди аста. Вагонлар ғилдиради.
Қоронғиликни ёрар жинни кўзлар чақчайиб.
Жарлар ортида ғойиб бўлур юрт адрлари,
Боғчалар, экинзорлар, ҳовуз, ўрмон мунглашиб.
Ҳайдаганди бир вақтлар татарлар пода каби
Занжирбанд асирларни узоқ ўлкалар сари.

Кунлар келур, битажак жаҳонда зулм ва офат.
Ер узра гўё машъал балқир ҳақ ва адолат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Ёлғизмен, ёлғизмен, шундай ёлғизмен,
Юлдузлар узоқдир, еллар бегона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЛАШКАРБОШИ

Яшар эди мамлакат тер, меҳнат тўлқинида,
Қуёшнинг қулочлари ожиз қучишга белин.
Бир ёқда олтин баҳор, бир ёқ қор қуюнида,
Бир енги поча-пўстин, бир енги-крепдешин.

Тоғларига кўк томи бўй ўлчашдан уялур,
Далалари кўксида бу тоғлар «ортиқ» каби.
Қизғин қумлар — океан, бўронларда чайқалур,
Дарёлари қудратли ўрмонлари сингари.

Бир Ватанки, қалбида Октябрь қудрати бор.
Байроқларидек мағрур одамлари бахт учун,
Шон учун, болға каби, ишда чидамли зарбкор.
Ҳаводан — қўшиқ мавжи ва гигантлардан — тутун...

Кўнглимиз тўқ бўлса-да бутун чегаралардан
Очиқ ҳавода бўрон нафасини туярдик.
Ҳалол луқмани кемтиб, қизлар воз кечиб зардан,
Майдонларнинг чўяндан деворини қуярдик.

Бир ёз куни Москва асфальтда чайқаларди,
Ҳар кўчасида жўшқин бир дарёнинг шовқини.
Кремль юлдузлари самони олтинларди,
Улуғ шаҳар қалбида янграрди жаҳон куни.

Самарқандда олимлар хоқон Курагон, Темир
Қабридан кўтарарди қадим тошларни секин.
Олматада оқинлар ўзишарди мажлисда,
Киевда ҳаёт, ижод Днепрдай кенг, эркин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кеч кирди. Юлдузларнинг сўнгги ширин кайфини
Уруш бузди, ногиҳон томганди майга заҳар...
Тонг отди... Қонли ваҳм... Қуёш... қалбини,
Зилзила, дуд ичинда уйғонди қанча шаҳар!

. . . . . . . .
. . . . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АФҒОНИСТОН ЭСКИЗЛАРИ

Орқада қолади қадимги Ҳайбар,
Афғон ўлкасидир бу кетган диёр.
Ёғоч караватча, кўк чой ва заҳар...
Мўйсафид... Застава... Паспортлар даркор.

Очилар кетма-кет йўллар, о, йўллар!
(Ўпқинлар, довонлар ошилганда, о!)
Кичкина автобус яланг ғувуллар,
Кўзларга кўринар кўчманчилар ҳов!

Эшаклар ортилган — идиш-оёқ, рўзғор!
Тиллари осилган кўппаклар хорғин.
Кичкина болалар, товуқ, хўрозлар,
Эшакда, туяда — мана, хумоюн!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЕЗИНДИЛАР

Ҳайбар тоғлар ошиб қарасанг,
Улкан водий! Ҳайратинг ортар!
Бу ҳинд, қадим шамоллар. Кўҳна...
Эй эски ер, салом!
Қўзғал, эй, етар!

. . . . . . . . .
. . . . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

*  *
*

Граф эдинг, сўзсиз, олдингда аммо —
Ғариблар, фақирлар топди бошпана.
Граф эдинг, сўзсиз, ер-сув беҳисоб,
Йиғладинг қайғирдинг, тортдинг изтироб.

Меҳнатни қадрлаб, сургадинг омоч,
Қалбингни кемирар — юртда деҳқон оч.
Узоқ умрингнинг ҳар дам, ҳар они —
Гавҳардир, фақирлар сен меҳрибони.

Изладинг ҳаётнинг ҳақиқатларин
Оламнинг машаққат, чигал ҳаётин,
Шубҳалар, одатлар занжирида банд
Кўтардинг вазмин, қилмадинг писанд.

Мураккаб даврда тошқин оқимлар —
Сургади, курашдинг, халқ меҳрибони,
Гавҳардир умрингнинг ҳар дам, ҳар они.
Нафратинг ўтида ёнди ҳокимлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳнат оташига тошқин қалбим,
Юрамен телбадек шаҳарда...



www.ziyouz.com kutubxonasi

*   *
*

Ёрим келди, май келди,
Кўзлари хумор келди.
Қўлда «фалсафа», жонон,
Билсанг у қалин туман.
Қадамда зулм, жабр.
Май ич, кетамиз... қабр...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУЗ КЎРИНИШЛАРИ

Осмон худди тиниқ кўз мовий,
Уфқ ёнар гўёки атлас.
Офтоб кезар — холамнинг тоси,
Иситса-чи елкамни бир пас!

Китоб қўлда, кезамен ёлғиз,
Сувлар кўмкўк, ўтлар қовжироқ.
Қуйилади япроқлар, эссиз,
Шамол ҳайдар, чекамен фироқ...

Қишнинг ғами, ташвиши — ғавғо,
Ўтин-кўмир дардисар тағин.
«Вақт бор» деб қилмаймен парво,
Ҳислар дилда — сўнмас бир ёлқин.

Хаёл узун, юрамен гўё
Соялар ва шарпалар изда.
Узоқларда булутлар — қоя,
О, оқшомлар кўрки юлдузда.

Қовун, тарвуз... Далада ур-сур,
Терим авжда. Оқ момиқ кўркам...
Машина-ю, арава гумбур,
Ўзбекистон — бой, шинам, ўлкам!



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВАРИАНТЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

*Асарлар-57* — Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик. Биринчи том. Шеърлар. Поэмалар. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1957. Редактор Миртемир.

*Асарлар-68* — Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Биринчи том. Шеърлар. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968. Редактор Миртемир.

*Йиллар* — Ойбек. Оловли йиллар. Шеърлар. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965. Редактор Зулфия.

*Куйлар* — Ойбек. Кўнгил куйлари. Шеърлар. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1966. Редактор Миртемир.

*Фронт* — Ойбек. Фронт бўйлаб. Кундалик дафтардан. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965. Редактор Т. Имомхўжаев.

*Шеърлар* — Ойбек. Шеърлар. (Ўзбек совет шоирлари кутубхонаси.) ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1955. Редактор Заҳиджон Обидов.

*Қуёш* — Ойбек. Қуёш қўшиғи. Шеърлар. Поэмалар. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1955. Редактор Миртемир.

### 1936

**Баҳорда** (7-бет).
*Гулистон, 1936, 3-сон:*

1—2 Гуллардан тутди қадаҳ яна оғочлар,
Шуъла шарбатдек оқар пиёлалардан.
4 Тиниқлик мавжланади шабадалардан
7—8 Ҳаво ойнаси порлар, сувлар шўх чопар.
Анҳор эмас, тўлиб нур оқар қуёшдан.
11—12 Маҳалла ҳовузида серзавқ бир базм,
Ишқ рўёсида жаранг қушлар қўшиғи...
13 Баргларда, қиз сочида бриллиант порлар.
16 Саданинг катта кўмкўк зонтигин тутар.
20 Колхознинг муташаккил қуввати бирга.
24 Йиллаб ўтди асрлар оралиғини.
30—32 Тепамда гул барглари эринчоқ, сокин
Тўкилади баргларга шоир илҳоми,
Мавжланади қуёш: баҳор нафаси яқин.

**Прометей** (9-бет).
*Қўлёзма:*

*Изоҳ*
3—4 У худога қарши курашувчи, инсонпарвар, фазилаткор, афсонавий қаҳрамондир.
*Қуёш. Асарлар-57. Асарлар-68:*
17 Жигарингни юларди бургут тумшуғи,



www.ziyouz.com kutubxonasi

19 Иродангга тиз чўкди қисман кўр кучи,
23 Мардлик билан қуйдинг-у синдирдинг ахир,
25—26 Ғурурнинг қулликнинг у оғир кишанин
Ва исканжасин отиб, керди қанотин
*Қуёш, Асарлар-57:*

*Изоҳ-1*

Прометей — эски грек афсонасига кўра, худодан оловни олиб,

**Оқшом юлдузи** (12-бет).
*Қоралама:*
1 Айни тоғ орқасидан
11—12 Тегаркан олтин нафас,
Эрийди қалбимда тун.
27—28 Кўзёш томчиларига
Кирдинг эриб-эриб жим.
40 (Оққанди сирли нозинг.)
*Қўлёзма:*
4 Сузасен инжа, ёрқин.
7 Лаҳзада учамен шан
18 Сачраяроқ қидирдим.
39—40 У тунғич шеърларимдан
Оқди сеҳрли оҳинг!
42 Бир кун мен ва гўзал қиз
*Қуёш, Асарлар-57, Шеърлар:*
8 Ҳисларимнинг капида
42 Бир кез мен ва гўзал қиз
*Қуёш, Асарлар-57, Шеърлар, Қуйлар, Асарлар-68:*
37 Кечди сатрларимда
43 Олисда учрашаркан,
*Куйлар, Асарлар-68:*
8 Ҳисларимнинг кифтида

**Шамол, бир эртак ўқи!..** (14-бет).
*Қўлёзма:*
1—4 Шамол, бир масал ўқи!
Ўзароқ тоғ устидан,
Ичиб булоқ бошиндан,
Шамол, бир масал ўқи!
6 Қил кўк ипакда жилва,
*Қуёш, Асарлар-57, Шеърлар:*
7—8 Сочларимда ғивилла
Кел, қалбимга шивилла!
11—12 Шивилла ҳаёт куйин,
Севги мақомини айт.

**«Абадият ва умр...»** (16-бет).
*Куйлар, Асарлар-68:*
6 Чўнг тошлар тилга кирар.
*Қуёш, Асарлар-57, Шеърлар, Куйлар, Асарлар-68:*
8 Эркаланиб кўпирса.
9 Тоғдан шўх шодлик сурар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**«Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!..»** (17-бет).
*Қўлёзма:*
3 Ҳар тоғда ва қирда ётар нозли бир ором,
14 Сен ул қизи савдосини, шўх нозини ёд эт!

**«Тепага чиқамен, сойга тушамен...»** (18-бет).
*Қоралама:*
7—8 Қибралиб яшиллик қўйнидан чопар,
Шўх, жонли, жилвадор ярқирашлари.
12 Ютиб шуълаларни кўлкалар энар.
*Қўлёзма:*
7 Қибралиб кўкатлар ичидан чопар,
16 Орзулар сийнага сиғмасдан қолар.
*Куйлар:*
1—2 Юксакка чиқаман, сойга тушаман,
Қар тошга суяниб ё жим қоламан.
3 Ё қулоқ бошида бир чўпон каби
12 Шуълалар, кўлкалар бирга кезишар

**«Юрамен, тошади севинчим...»** (19-бет).
*Қўлёзма:*
9—12 Юрамен, коинот севгиси
Қалбимда гул каби очилар.
Тўлади севинчнинг қадаҳи,
Юлдузлар соф олтин томчилар.

**Наъматак** (21-бет).
*Қоралама:*
7 Ваҳший тошларга-да у берар ҳусн,
7 *ва* 8 *мисралар ўртасида:*
Салкин қор нафаси, қуёш шуъласи,
17 *ва* 18 *мисралар ўртасида:*
Парилар сочидан тушган бир гажак,
*Қўлёзма:*
20 Қуёшга бир сават оқ гул тутиб шан!

**Бир кунлик кезишдан** (22-бет).
*Қоралама:*
4 Дилбардир Ватан!
10 Ачомлаб ётар
12 Ширин аллалар
13 Тин бағрига узанаман.
27 Қиз кўзидан ситилади
33 Кафтда тутиб майин қишни
36 Бу севар қурбон
63 Тоғнинг метин мавжларидан
65—66 Тоғ ийиган маммасини
Лабимга тутар
68 Кўксимда тошар
69—70 *ва* 75—76 *мисралар йўқ.*
71 Кечар назардан.
79 Соф гулларда хафиф уйқу
*Қўлёзма:*
52 Тегсиздан дадил
54 Чўнг ҳайбат ила.

24—207



www.ziyouz.com kutubxonasi

55 Нақ тепамдан тортган каби
66—67 Тоғ меҳрининг соф майини·
Ич шанлик ила
83 Кўрдикларим рўёсини
*Қуёш, Асарлар-57:*
3 Қандай улуғ, рангдор, порлоқ,
7 Оққан сувми ёки жаранг
13 Соясига узанаман,
15 Бу афсона юрти каби
21—24 *ва* 41—44 *мисралар йўқ.*
47 Баҳайбат тош қўшиққа жўр
57 Чўқмиш пўртаналар каби
*Қуёш, Асарлар-57, Куйлар, Асарлар-68:*
59 Кўк қоясин чил тешкали
*Куйлар, Асарлар-68:*
39 Шуъла, гул, сув, қор-ла зангин,
53 Осилганлар фазо сари
60 Етмас бир эллик!
65—68-*мисралар йўқ.*

**«Олтин сепкилли қоп-қора кеча...»** (25-бет).
*Қоралама:*
5 Гуллар тожларин силайди уйқу,
*Қўлёзма:*
7 Оғочликлардан келади «уҳу»,
*Асарлар-68:*
9 Тугар хисларин қора бахмалча.

**«Бўш куним боғма-боғ кезаман...»** (27-бет).
*Қўлёзма:*
1 Отдих кун боғма-боғ кезаман...
7 Оёқлар ечади чигилин...
*Асарлар-68:*
8 Ел, қуёш беради хўп тинчлик.
49 Дастлаб терилган кўп гуллар —

**«Кўнглимда яшайди икки ёқимтой...»** (29-бет).
*Қоралама:*
6 Фикримга ҳоладир — Омон ва Бекжон...
*Қўлёзма:*
6 Фикримнинг ҳоласи — Омон ва Бекжон...

**«Дейдиларки, шеър — юлдуз киприги...»** (30-бет).
*Қўлёзма, Асарлар-68:*
1 Дейдиларки шеър — юлдуз кирпиги...

**«Юлдузлар чаман-чаман»** (31-бет).
*Қўлёзма:*
8 Шамол учади махмур!
15 Битсин кўнгилда туман.

**Тоғ сайри** (32-бет).
*Қоралама:*
4 Кўксимга ҳам ўн икки баҳор югурди...
8 Ўн икки қиз қўйнига кўнгил қамалди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

12 Бўсадан-да ширindир, ич ютумлари!
19 Ўн икки қадаҳдан илҳом тошадир,
28 Бокир ўн икки қизнинг қайноқ нашъаси!
*Қўлёзма:*
7 Севинч қайнар, жилдирар соф кумушгина...
17 Мен Эпокринани унутдим ҳозир,
18 Дилбар ўн икки қизнинг қайноқ нашъаси!
*Қуёш, Асарлар-57:*
5—6 Порлоқ ва шўх ўн икки кўзнинг ишқида
Кўзларим хийли замон жовдираб қолди.
14 Тўқинишган лабларимда қолар бир умр.
24 Шивирлар чашмаларга... Бу — ишқдан изҳор.
*Қуёш, Асарлар-57, Куйлар, Асарлар-68:*
3 Ҳаммаси шивирлайди сиздек шўх, иноқ...
19 Ўн икки шеър қалби бунда тошадир,
*Асарлар-68:*
12 Бўсадан-да ширindир, ич, ютумлари!
17 Мен Эпокринани ҳам унутдим ҳозир,

**Чимёнда бир кеча** (33-бет).
*Қўлёзма:*
10 Бўкириб тошни ҳам гажгудай;
16 Гувуллайди мудҳиш Якнасоқ!..
29—31 *йўқ.*
*Қуёш, Асарлар-57:*
1—2 Тунни йиртиб бир дамда чақноқ,
Асабий питирлар самода.
11 Бошга ўтов кийиб у бирдан
14 Бир-бирига отишиб қучоқ,
17 Кечани тез олиб тақимга,
30 Қалбимда илҳомнинг нашъаси.
*Қуёш, Асарлар-57, Куйлар, Асарлар-68:*
25 Тепамда қалдироқ зарбаси,

**Гўзал Чимён** (35-бет).
*Қоралама:*
5 Кунлар кечди, кулар, лекин
8 Сўлмас йиллар қуйса ёғин.
21 Чимёнга ҳам чирмашдим зўр,
26—27 Шўх, шан, жаранг эди чоғлар,
Боғлаб олди кўзни тоғлар...
59 Қутурганди ваҳший еллар,
77 Айриламан, тоғлиқ бўстон!
*Қўлёзма:*
5 Кунлар кечди, кулар ҳар чоқ
12 Зериктирадими сира?
51 Етти дона хира чироқ...
71 Шеърнинг қудси оташи-ла
*Қуёш, Асарлар-57:*
4 Кунлар сенда гўзал, порлоқ.
13 Ишладим-у, ичдим қимиз
21—24 *ва* 49—52 *йўқ.*
63 Ёғочларнинг фиғонини...
70—72 Ярқирарди узун тунлар.
Тотдим унинг нашъа-дардин,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ечилди сирлар тугунлар.
*Қуйлар, Асарлар-57:*
4 Кунлар кечди гўзал, порлоқ
*Қуёш, Асарлар-57, Қуйлар, Асарлар-68:*
3 Қандай севдим сени қалбдан,
20 Ҳаёт куйи ва севинчи!
33—36 *йўқ.*
40 Ила чиқар нақ ўроқдай...
43 Салқин, нафис, ипак бутун
51 Маст булбуллар тутур девон,
57 Баъзи тунлар қаттиқ-қаттиқ,
61 Мен томоша қилдим хушҳол,
64 Боқдим, қучди тотли хаёл.
75 Шеърининг эзгу оташига!
79 Пушкинчилар соз макони!
*Асарлар-68:*
4 Кунлар кечди гўзал, порлоқ.

**Пушкин** (38-бет).
*Қоралама:*
4 Машъалининг ёлқини ёнажак мангу.
5 Боғчангда ҳамиша бир баҳор хандон,
9 Санъатнинг энг юксак иртифонидан
16 Ҳайқирар, юксалар, дам инграр ҳафиф...
18 Қалбинг оташи-ла иссиқ ва яқин
23—24 Ҳур, мағрур бошингда шуҳрат чаланги,
Нурига юлдузлар кўкда суқ қилар.
29—30 Заррин кийимларга ўралган олчоқ
Жаллод руҳли қон томган қўллари ила
42—43 Қалбингда куларкан олтин ғунчалар,
Ҳалок этди қора даврнинг тоши
47—48 Илҳоминг ипаги тарих пишитар,
Қалблардан қалбларга ўтар зиёси.
50 Дилларни маст этар баҳор нафаси.
*Қўлёзма:*
6 Айлади созида дадил, пурвиқор.
8 Нур, ақл, ҳақиқат учун шоир дўст-ёр.
10 Бор халқлари севиб, ўз тилида шан
12 Ҳуснини бойитар жонли ранг билан.
14 Тошкент боғларида куйлари янграр.
18 Хоразмли қизлар айтади лапар.
20 Шеърдан бугун ўзбек юраги гуллар.
24 Халқларимиз дўстлиги, мангу бўл омо
*Қуёш:*
60 Созинг юксалажак яна ҳам баланд!
*Қуёш, Асарлар-57:*
9 Санъатинг энг юксак чўққи тошидан
*Қўлёзма. Қуёш, Асарлар-57, Шеърлар, Асарлар-68:*
40 Нафис куйлар қуйди, сасинг тоғ ошди.

**Курашчи Испания халқига** (40-бет).
*Қоралама:*
9—10 Истайди у меҳнаткаш элга очлик, ўқ,
Кишан, занжир, зиндонлар... яна минг зулм!
21 Эрксевар халқ кўтарди бир пўлат муштум



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Совет адабиёти, 1937, 3-сон:*
6 Испан боғчалари тутун ва заҳар.

**Ҳарб ва сулҳ** (42-бет).
*Совет Ўзбекистони, 1971, 11 январь:*
12 Қизларнинг сочларин ювдинг қон билан!
23 Билмайсан виждонинг жуғрофиясин.

## 1937

**Ленин** (47-бет).
*Қўлёзма:*
20 Унда қайнар, қайнайди ҳар чоқ.
29 Бу номдадир миллионлаб кўнгил,
52 Тирилди чўл ва қор саҳроси.
57 Миллион кўзлар хаёлларни-да
*Қуёш, Асарлар-57, Куйлар, Асарлар-68:*
61—66 *тушиб қолган.*
*Куйлар:*
19—24 *тушиб қолган.*

**Сени кўрдилар** (50-бет).
*Қўлёзма:*
6 Ипакка чулғанган ёш, шўх қизчалар,
8 Ҳаёт севинчини қилдилар такрор.
16 Боғларда олмадек куйинг пишаркан.

**Бир бахт тарихи** (51-бет).
*Қўлёзма:*
2—4 Бу «Гулбоғ»нинг сири.
Қўшни эдим бир замон
Шу ерда ҳар ёз кези.
7—8 Хизматкорлар меҳнати
Билан жаннат эди боғ.
9—10 Катта токзор ва ҳар хил
Мевазорлар бунда бор.
18 Гилам солиғлик супа.
21 Оғочлар қучоғида
25—27 Баслашарак ошарди
Ҳар қайси ўз қорнига.
Бир тоғора тиқарди.
32 Ҳақида гаплашарди.
33—36 Ўйнатиб жийрон отни
Келар узоқ-яқиндан.
Бойваччалар ҳар жума
Ит ўтмас сўл-соғиндан.
40 Емасанг-да барин сўй.
41—42 Авжга чиқиб маст йиғин,
Шишаларда май тошар.
48 Чўмилишарди иссиқ.
51 Шовқин-сурон чароғон
55—56 Тил тутилиб бўларди
Ёш бошим саросима.



www.ziyouz.com kutubxonasi

60 Жувонлар сузилиброқ.
64 *йўқ.*
69—88 *йўқ.*
90 Ўша ерларга бердим.
91—92 «Гулбоғ»ни бир айланиб,
Завққа тўлди кўкрагим.
93—97 Аввалгидан минг обод,
У энди колхоз боғи.
Кечаги қуллар озод,
Оғушида яйрайди.
98—100 Қўриб, шунда яшармиш.
Дарахтда ишкомига
Севги билан қарармиш.
107—108 Ҳовузда шан чўмилар,
Қизи чуғурчуқ қўрар.
117 Ановими қуш қидириб,
121—124 — Хотини бригадирмиш,—
Ана унда бир тўда.
Хотиним участкаси.
Олтин-да колхозда иш».
125—140 *йўқ.*
142 Янги ранг ва янги нур.

**Шоирнинг болалиги** (56-бет).
*Қўлёзма:*
13 Кўзларнинг ёқутлари
61—62 Бир дастурхонда кулча
Бобом қўлтиққа олди.
67 Чол шивиллар дуони,
85 Тўрда қариган домла.
106—107 Тиз чўкдим мен похолга,
Болалар қаторига.
108 Ишим — дарсни ёдлашди.
136 Бошларни ҳамма титрак
156 Маъносиз такрор ила
*Қоралама:*
85 Бурчакда қари домла

**Илк шеър** (61-бет).
*Қўлёзма:*
36 Қофиянинг кулди чечаги.

**Машраб** (63-бет).
*Қўлёзма:*
1 Сочлари патила, кўзлари махмур,
5 Бойлиги — қалб шеъри ва эски танбур
15—16 Илҳоми, танбури — ёлғиз ҳамдами,
Бир ҳовуч ютароқ тоза чашмадан
25 Хаёлда қучароқ шоир сиймосин
57 Кимхобдан аълодир унда жун тўқим,
70 Исбот қила оларки, ундадир ҳақ.
78 Кўнгли кўтаргунча ҳар даргоҳ — ватан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигирма ёшлилар билан суҳбат (66-бет).
*Қўлёзма:*
1 Севинч тўла байрам оқшоми...
3—4 (Инқилобнинг бари тенгдоши)
Ўлтиради шўх гурунглашиб.
9—12 *йўқ.*
3—24 *йўқ.*
25—26 Хаёлим уч, бир қартол каби,
Тонг ёриган уфқларга уч.
30 У кунларнинг нафасини бур.
33 Тараннум эт, шеърим, юксалиб,
38 Хонавайрон, гадой, саргардон,
41 Хўжайинлар учун меҳнат қил,
44 Тўкилавер огриб, сарғайиб!
48 Уларга қон-оловдан бир йўл.
52 Увларди; халқ унга қул, чўри.
53—54 Халқ ғазаби тўлқинланароқ
Йиқилган тож оёқларини
55 Парчалашга тайёрди мутлақ,
58 Булут каби унинг ғазаби.
60 Ёқмоқ истар эди кечани.
73—75 У чақирди юксак сас билан
Эрклик учун, ҳақиқат учун
Кураш сари! Бу абадиян
79—81 У бузди зулм қонли кайфини,
Мазлум халқлар жўшқин бир денгиз
Қаби тошди ўз ғururидан.
89 Силоҳланган ишчилар қайноқ;
102—104 Қалби, ишқи, нафаси ила
Силоҳланган халқ қўзғолони
Тоша кетди зафар шавқила.
134 Қўшилароқ мудҳиш оқарди.
148 Кўтарилди халқнинг ҳур боши!
167—168 Очликни ҳам совуқни писанд
Қилмас эди ботир халқ у кун.
196 *дан сўнг:*
Немисларнинг мағрур, мукаммал
Полкларини бизнинг ёш қўшин
Тумтарақай қочирди дангал,
Полякларни супурди тўлқин.
197 Антантанинг тўпи, ақчаси,
205—212 *йўқ.*

*Қоралама:*
40 Заққум ютарди халқ ҳар ѳн
44 Тўкилабер сарғайган ғунча.
56 Юксалтириб байроқларини
64 Дақиқанинг маъноси — аср.
*Қуёш, Асарлар-57:*
105—108 *йўқ.*
125—128 *йўқ.*
150 Буржуй турар, чополмас ѳтин.
*Асарлар-68:*
89 Силоҳланган ишчилар қайноқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Қуёш қўшиғи** (74-бет).

*Қоралама:*

16 Рўй-рост қилиб кўрсатди бирдан.

*Қўлёзма:*

1—8 *йўқ.*

14 Ёриб қуёш туғилди қанча.

16 *дан сўнг:*

Йигирма йил биз билан Жўра,
Йигирма йил қалбларга эш у.
Йигирма йил кўзларда шуъла,
У биз билан бўлажак мангу.

У Лениннинг гўзал фарзанди,
Йигирмага кирган баҳодир.
Қалблар унга муштоқ бўлганди,
Уни севар, унга фидодир.

Сен яратдинг Ватанни, бизни,
Зафарларга бир кўрик ясай.
Ватандаги севинч-денгизни
Қофияга қандай сиғдирай?

17 Меҳнат озод, кўнгиллар озод,

24 Ҳаёт кўрди нурли дарёлар.

29 Ижодга бой зангин бир ҳаёт

30 Бизда очган чаманзорини.

31 Фикр, хаёл ва умидлар бот

33—34 Учувчи бўл, доктор, рассом бўл!
Ҳар санъатнинг бизда ҳикмати.

40 Қоплар олтин саҳарнинг нури...

40 *дан сўнг:*

Тарих кирди анча-мунчага,
Сиғдирмаган асло хаёли
На шундай бир Ватанни, на-да
Унинг ботир ёш авлодини.

Қари ернинг оқ бошига биз
Миндик, унда ол байроқ порлар.
Абадий муз саҳросига биз
Ҳаёт, ижод келтирдик, қайнар.

Кечаларнинг қора тўлқини,
Қорли бўрон ва қасирғалар,
Ваҳший тоғлар мағрур чўққиси,
Қалин булут, кўр табақалар...

41—44 *йўқ.*

45 Жасоратга солмади соя.

48 *дан сўнг:*

Учдик, енгиб масофаларни,
Одам, мотор, маҳорат бизда!
Туташтирдик биз қитъаларни,
Биз ҳоким ер, кўкда, денгизда!

51 Янги бахтга янги қирғоқлар

59—60 Поёнсиз кенг пахтазорлари
Ранго-ранг, бой мамлакат ҳадсиз...

63—64 Ҳар инсоннинг бошида кезар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахтдан дарак берган юлдузи.
66 Турмушда ранг ва зиё қуюқ.
67—68 Юртимизнинг қизлари боғда
Қуйлашади шундай бир қўшиқ!
78 У берди бахт, ишқ, ҳуқуқни...
80 Куйлар тутсин ҳар уфқни!»
81—92 *йўқ.*
102 Унда янграр шан, эркин қўшиқ.
103—104 Кўппакларнинг манхус ховлаши
Кира олмас, худудлар бўгиқ.
105—112 *йўқ.*
118 Элтадирмиз буюк қуёшни.
119—120 Ҳар ёвуз куч, ҳар қандай негиз
Тиз чўкажак, эгажак бошни!
128 Абадий бахт бизга берди қўл!
*Қуёш:*
9—12 *йўқ.*

**Қуёш йўли** (77-бет).
*Қўлёзма:*
20 *дан сўнг:*
Қонун, ҳуқуқ зўравонлар қамчини эди,
Асрларча ўзбек халқи хўп тепки еди.
71-*мисра* 72 *билан ўрин алмашган.*
• 122 Хаёлларга сиғмас уним берар қаҳрамон.
217 Фикр самосидаги бу даҳо қуёши
219 Буюк Ленин илҳом берган буюк йўлдоши

## 1937

**Конституция ҳақида** (84-бет).
*Қўлёзма:*
5 Қай диёрда бунча эрклик, нур, чаман?

**Сайлов** (85-бет).
*Қўлёзма:*
20 Берар унинг биргина номи.
28 *дан сўнг:*
Букун қанча севинч ва қўшиқ,
Қанча ғурур, қанча бахт тошар.
Донғимизга яна кўп уфқ
Очилади букун зиёдор...
48 Кайноқликлар абадиятга
*Қуёш, Асарлар-57, Асарлар-68:*
17 Улуғ ота — доҳиймиз бизга
*Қуёш, Асарлар-57:*
23 Қувонч тўйлар — юрт отасидан.

## 1939

**Каналда** (87-бет).
*Қўлёзма:*
3 Кундузнинг шан, азамат иши



www.ziyouz.com kutubxonasi

15 Қуёш каби ерга вафокор
22 Юракларда унинг машъали.
34 Сиғмас шовқин, сиғмас халқ куйи.
39 Исми билан қувониб, ёниб,
Оқизади қайноқ, шан кундан.
Доҳий берди халқнинг истагин
*Қўлёзма, Қизил Ўзбекистон, 1939, 21 авг.:*
20 Юлдузланар ёдидан ҳар кўз.
21 Сўзи халққа ҳикмат ва билим
25 *дан сўнг:*
Мана, бир чол — махлиё, ҳозир
Новдан отда, то каналгача
Йиллар тағин фикран ошадир.
Пичирлаб дер: «Устозим, яша!»

Кўзни қадаб, ҳижжалаган у.
Арслонтой ҳам қалин кўксида
Ҳиси тошиб дер: «Кўрмак — умр бу!»
27 Кремлнинг улуғ машъали
17, 54 «Бахтимизга омон бўлгил, устозим».
*Қизил Ўзбекистон, 1939, 21 авг.:*
3 Кундузининг зўр озод иши
17 *9-мисрадан сўнг, ундан кейин эса 18—21-сатрлар келган.*
22 Юксаларкан куйларда номи,
38 Исми билан қувониб, ёниб
46 Доҳий берди халқнинг истагин,
53 Ойда минг йил чигиллари ҳал
*Асарлар-57, Асарлар-68:*
33 Сиғмас шовқин ва шодлик уни
41 Оқизади қайноқ, шўх куйдан
46 Партия берди халқнинг истагин,

**Шодиёна** (90-бет).
*Қўлёзма:*
24 Қамбағалнинг кўзи абри навбаҳор.
25 Қамбағал кўнглини нолон қилди сув,
58 Боғчаларнинг баҳорида қувди куз.
119 *топилмади.*
125 *а*—132 *а* Кўклардан янграб турди қўшиқлар баланд,
Куйга нўноқ бўлганлар ҳам сайраб кетди шан.
Иш тўлқини, куй тўлқини, шодлик тўлқини
Канал бўйлаб оқди гўё уч дарё пайванд.
Меҳнатми? Йўқ, канал бизга гўзал бир ижод,
Еркин, жонли маъносидан диллар чуқур шод.
— Сен кимсан?— деб сўрайди Баҳодир ҳайрон.
— Мен ўғлингман, туғилдим, ўсдим,— дер йигит,
Бир кун келар қошига ўспирин Арслон,
Ота ўрнин олади ўғил шу ондан.
139-*мисра* 140 *билан ўрин алмашган.*
149—150 Биз қўзғалдик — ваҳший Норин кирди бўғовга,
Минг йиллардир сакрар тошлиқ, ўпқин яйловда.
153—154 Уча-уча қуш чарчайди бўйласа канал,
Дарахтларда дам олмасдан босолмас шамол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

156 *а* Нерин бундан шарқирайди ўйнатиб шағал.
157 Гул тўн кийиб яшнайди тақир Ёз-ёвон,
160 *а* Қаён боқсанг: гул, меваси мўл янги бўстон.
161 Хоразм — энг эски тарихий диёр,
162 *а* Асрлардан бери унинг халқуми қақрар.
166 Сув эмас, қурт, мараз ичди Бухоро.
181—182 Бошимизда порлайди даҳонг қуёши,
Сен куч, зафар ва бахтнинг мангу адаши.
184 Сенда тарих гули, жаҳон қувнаши.
185 Масъуд, ҳур Ўзбекистон — гўзал бир боғчанг,
187 Ҳиндистоннинг дардли самосига у
190-*мисрадан сўнг:*
Маршал Ворошиловнинг қўмондасида
Худудларни ошароқ, жаҳонгирларни —
Супурамиз, ҳайдаймиз ернинг қаърига!
199 Эски дунё киндагидан суқамиз найза,
200-*мисрадан сўнг:*
Ленин доҳийлигининг тушиб донлари
Юртда қуёшинг ила кўркам гуллади.
Қувноқ ҳаёт, бахтимиз ва биз ҳам ундан,
Бутун зафарларимиз — унинг меваси.
204 Сен бор, партия бор, совет халқи бор.
209 Улуғ устоз, илҳоминг — қуёш хандаси,
212-*мисрадан сўнг:*
Боғчамизда пишади ёқут олмалар,
Шундай тўқилар сенга куй — тароналар.
Мактабидан болалар келар сен билан,
Қизлар каштаси сендан чаман товланар.

Чоллар ғойибона очади қучоқ,
Кампирлар қўл ёзар... ҳислари булоқ.
Халқ асрар шакар қовун, олтин узумлар,
Сувга серб халқ сени кўришга чанқоқ.

Бир кел, муҳаббатимиз сенга поёндоз,
Буюк умринг ёзига қўшилсин минг ёз.
Коммунизмнинг олтин боғига бошла,
Жангда, зафарда номинг айласин парвоз.

**Юриш** (97-бет).
*Қўлёзма:*
24-*мисрадан сўнг:*
. . . . . . . .
Нафаридан тортиб маршали.
Ўйда ёнар Ленин қудрати,
Қўли гигант бахт мамлакати.
*Шарқ юлдузи, 1975, 1-сон:*
9—12 *тушиб қолган.*

## 1941

**Ёвга ўлим** (100-бет).
*Қўлёзма:*
2 Қонли йиртқич, қора бир илон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қўлёзма, Қуёш, Асарлар-57:*
4 Бизнинг ҳамла янчар беомон.
10 Бизга юртнинг гули ва тоши.
12 Ҳар бир кўкрак — Ватан қалъаси.
17 Маданият, эрк жаллодига
24 Душман ери, ҳавоси — майдон.

**Зафар бизники!** (101-бет).
*Қўлёзма:*
11 Милтиқ, тўпнинг мудҳиш садосин
29 Гўё улар соф, асл миллат,
32 Бор халқларни қул қилиш ният!
36 Хизмат қилар у бадалига!
45 Инсон бизда, ҳақиқат бизда,
47 Даф этгали минг бир балони

**Йигитларга** (103-бет).
6-*мисра* 8 *билан ўрин алмашган.*
6 Қадамида ёв бошлари тўкилар.
13 Чапаевлар авлодисан, баҳодир!
16 Қўтир итлар галасини расо қир!
*Қоралама:*
3 Ёв қувмоқдир йигитликнинг ғурури,
7 Ярасига эм қилар жанг ҳавоси,
11—12 Оқ соқолин ҳилпиратиб кўксида
Тоғ-чўл ошган, ёвни қувиб, сўнг тинган.
16 Фашист итлар галасини расо қир!
*Қўлёзма:*
1—2 Йигитликнинг ҳусни гуллар майдонда,
Зирқиратиб ёвни қувсанг ҳар ёнда.
*Қизил Ўзбекистон, 1941, 1 июль, Қуёш, Асарлар-57:*
1—2 Йигитларнинг ҳусни гуллар майдонда,
Зирқиратиб ёвни қувсанг ҳарёнда.

**Ватанни сев** (104-бет).
*Қўлёзма:*
25—28-*мисралар* 12-*мисрадан сўнг келган.*
23 Бунда янги тарих киндиги,
26 Олдиртмаймиз булутга асло.
*Қўлёзма, Қуёш, Асарлар-57, Асарлар-68:*
7 Севги, меҳнат, тилимиз дури
*Қуёш, Асарлар-57:*
27 Бир томчи сув, увоқ қумини,
17—20 *йўқ.*

**Она сўзи** (106-бет).
*Қўлёзма:*
8 Ўғриларга қаро ерни сен макон этмай қайтма!
*Фронт бўйлаб:*
3 Ол байроқли қўшинларнинг тантанасига қадар
6 Разилларнинг уйларин вайрон этмай қайтма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**«Учди тупроқ, темир, учди бош-оёқ...»** (108-бет).
*Қоралама:*
9—10 *йўқ.*

**1942**

**Хайрлашув** (109-бет).
*Қўлёзма:*
18 Қуёш кўпроқ қиздирди ҳар он.

**«Уруш! Олов, ўлим бўрони!..»** (111-бет).
*Қўлёзма:*
12 Дақиқаси чин ярим аср!
13—14 *йўқ.*

**Горький** (116-бет).
*Қўлёзма:*
5 Улуғ халққа ярашар фарзанд,
*Қуёш, Асарлар-57, Асарлар-68:*
1 Рус еридан азамат инсон
*Йиллар:*
1—2 Рус ерининг ўғли зўр инсон.
Онг, виждоннинг сўнмас машъали.
4 Боши учун эди тор каби.
5 Улуғ халққа муносиб фарзанд.
8 Бундан эмди руҳ, сўз чамани.
9 Бутун умр — бир қарич ёшдан.
22 Сўзи ўтдан, тиғдан ҳам ўткур.

**«Сендадир кўзларим, сендадир кўнгул...»** (117-бет).
*Асарлар-57:*
6 Ошиб кел тоғ, девон. Бу қадар ҳижрон!

**«Ҳаёт қаъри ларзада...»** (118-бет).
*Қўлёзма:*
7 Куч ва ёлғиз куч ҳақдир,
9—10 *йўқ.*

**Сенинг қузончинг** (122-бет).
*Қўлёзма:* •
25—28-*сатрлар* 36 *дан сўнг келган.*
31 Кўлка чизиқ ва рангни ютур.
44 Мактабларни зумда тиндирар.
*Қизил Ўзбекистон, 1942, 2 авг.:*
1 Терлаб-пишиб чўкди ёзги шом,
31 Шом чизиқлар, рангларни ютар,
45 Ёвуз булут тарқалиб, бирдан —
47 Ҳар заррада ҳаёт балқир шан,
56—57 Чала қолур ҳисоб доскада,
Уйга учар шўх мактаблилар.
60 Бошингда ҳур, муаззам байроқ!
*Асарлар-57:*
5 Сўриларда шундай шамалоқ
22 Тўнғичидан оқсайди хабар.
37 Она кўнгли ўксийди яна,



www.ziyouz.com kutubxonasi

39—40 Ҳаёт балқир ҳар бир заррадан,
Ватан шундай яшнар у замон.
52 Букилади ташласанг қадам.
60 Нозик қўл-ла силайсан суйиб.
63—64 Кунларингнинг ҳуснига чек йўқ —
Бошингда ҳур ва улуғ байроқ!
*Йиллар, Асарлар-68:*
16 Қўмсар она, дилин чайнар ғам.
25—32 *тушиб қолган.*
49—52 *тушиб қолган.*

**«Уйғонгач, умрнинг илк баҳори...»** (126-бет).
*Қўлёзма, Куйлар:*
12-*сатрдан сўнг:*
Гулларнинг туси бағир қонидан,
Маст нози севгининг тонгидан.
*Куйлар:*
10 Бир онда учирди — мисли улфат.

**Кичкина ҳодиса** (128-бет).
*Қоралама:*
4 Ҳансиради бир онда у — тани буришди.
10 Дарёларнинг пачақланган кумуш тўлқини,
15 Суръатдан паст моторларнинг куюк нафаси,

**«Олтин чақнар увалар...»** (130-бет).
*Қўлёзма:*
7 Ё эшак аравага
*Асарлар-68:*
7 Ё катта аравага

**«Бир ютум май билан дўстнинг суҳбати...»** (131-бет).
*Қўлёзма:*
1—2 Бир шиша май билан дўстнинг суҳбати
Бўлибди қалбимнинг ширин нияти.

**«Куз ёмғири, қуй, қуй муттасил!..»** (132-бет).
*Қоралама:*
4 Ҳаёт шундай: қувончга бахил.

**Салом деб қолдилар** (134-бет).
*Қўлёзма:*
2 Эй ўзбек халқининг бургут авлоди.
7—8 Меҳнатингиз билан ўсган далалар
Дедиким: «Янада ёрқин гулласам».
12 Кўзлари ҳар онда сизларни излар.
*Фронт:*
2 Эй ўзбек халқининг ботир авлоди.
4 Сизлардир эрта-кеч бобойлар ёди.
7 Меҳнатингиз билан ўсган далалар
11 Кўзлари ҳар онда сизларни излар
15 «Салом!» деб қолдилар ота-оналар,
20 Сизни дер мўйсафид азиз оталар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Жуманиёз Худойбергановга** (135-бет).
*Қўлёзма:*
1 Довюрак йигитсан, жангларда арслон,
4 Ҳар куни немиснинг қонин тўк, қулат!
8 Йигит, қаҳрамон бўл, ёвни янч, нишон ол!

**Йигитнинг йигити** (136-бет).
*Қўлёзма:*
26 Тўзғиндек тўзди немислар.
*Қўлёзма, Асарлар-57:*
1 Сувдан кечди жангчилар ўйноқ
7—8 Пулемётнинг ўқи, ёмғури
Силжитмасди олға ҳеч кимни
16 Гранатин икки, учини
17—18 Ирғитди-да кейин у жаҳл
Билан босди ёвни мард, дадил.
23 Ўнлаб немис беланди қонга
44 Курашдилар қаттиқ, омонсиз
48 Ҳов, ҳалиги йигит шу замон
63—64 Тўлди, лекин унга йўқ омон
Аямасдан урдилар ҳамон.
69—70 Йигит кимдир, ким у паҳлавон?
Қай халқдандир шундай мард ўғлон?
81—82 *тушиб қолган.*
*Йиллар, Асарлар-68:*
32 *тушиб қолган.*
**Ёвга от солсам эди** (139-бет).
*Қўлёзма. Фронт:*
1 Ёв қирган қўлларингни бўйнима солсам эди...
4 Гоҳ мақтаб мардлигинг торимда мен чолсам эди.
8 Жанглар аро ёнингда ёвга от солсам эди.
**«Навқирон ёр, сенга доим талпинадир бу кўнгил...»** (140-бет).
*Қўлёзма:*
8 Ёвни ур хам енг! Буни чин ишқ биладур бу кўнгил.
*Қўлёзма, Фронт:*
1—2 Навқирон ёр, сенга толпинадир бу кўнгил,
Қошки бир қучсам, деб армон қиладур бу кўнгил
6 Бир нафас ёнида бўлсам, деб айтарсан мен каби.
*Фронт:*
8 Ёвни ур, янч, енг! Буни чин ишқ биладур бу кўнгил

**Зебо** (143-бет).
*Қўлёзма:*
16 Сенинг номинг бўлур — юлдуздай порлар.
19 Чўчитмади сени олов қуюни,
21—24-*сатрлар* 17—20 *билан ўрин алмашган.*
*Қўлёзма, Фронт:*
6 Мардона ишларинг тилларда достон.
21 Ўзбек қизи, жанглар яловбардори,

**«Кўзларингнинг шаҳлоси бало экан-ку...»** (144-бет).
*Қоралама:*
1—8 Ўсма қўйма қошларингга, ёр,
Ўсмасиз ҳам у жон олар-ку.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўндиққина юзинг анор,
Йўқ, анормас, қизил гул у.
Қошлари қалам, дўст,
Кўзлари шаҳло.
Улар жонга битган
Нуқул бир бало...

**Офарин** (145-бет).
*Қоралама:*
5 У узган ўқ адашмас асло
7—8 Автоматдан ёғдирар бало
Ўзбек ўғли, ўзбек мергани.
10 Элга бўлур ишлари достон.
11 Немисларга ундан дунё тор.
*Қўлёзма:*
2 Кўзларингда халқнинг ғазаби.
3 Дилингдаги юрт ишқи ҳар дам
11—12 Ёвни қонга белаб, қонга қор,
«Раҳмат!» десин доҳий қўмондон.
*Фронт:*
11 Немисларга сендан дунё тор,

**Аҳду паймон бузилмас** (146-бет).
*Қўлёзма, Қуёш, Асарлар-57:*
3 Дедингки: «Қаҳрамон бўлсанг, йигитчам.
7—8 Тўкаман душманнинг қора қонини,
Жанг чоғи хаёлинг нақ ёнимдадир.
10 Қаршимга чиқасан юзларинг гулгун,
15 Дилбарим ичамиз, қадаҳлар лим-лим,
*Асарлар-68:*
1 «Хайр!» деб кўзингдан ўпдим, дилбар

**Автомат** (147-бет).
*Йиллар, Асарлар-68:*
5—7 Уруш сабаб, менга бўлди қадрдон,
Бахтли эдим уни билмаган замон.
Энди қўлда мен кечаман сув, бўрон,
9—12 *тушиб қолган.*
15—16 Бутун она юртни озод этаман,
Сўнг тарихда қолиб кетар автомат.

**Сўнгги томчига қадар** (148-бет).
*Қўлёзма:*
17—18 Москвани кекса-ўспирин,
Ўзбек, қозоқ, туркман ботири
27 Имонимиз — доҳий қўмондон!

**Қаҳрамонлар** (149-бет).
*Қўлёзма:*
21 Сиз бургутдай кўтарилгач ҳар вақт самога,
23 Кузгунларнинг қанотидан бурқади гулхан
32 (Фашист тотди кучимизнинг ёлғиз учини!)
33 Кўрсатурсиз, қаҳрамонлик ёлғиз бизга хос
34 *йўқ.*
*Йиллар, Асарлар-68:*
5 Қишанланган жонлар сиздан тилайди мадад,



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ленин шаҳрига** (151-бет).
*Қўлёзма:*
2 Ленининг номини ташиган шаҳар.
7—8 Улуғ тарихларга оёғимизни
Бостирдик, севамиз сени биз жондан.
9 Севги, дўстлик, қардошлик бундан ҳам чуқур,
12 Ироданг темири енгди ва енгур
16 Ожиз қолди сени чалгали.
20 Душман кирли қонига шўнгисин абад.
*Қўлёзма, Шонли Ленинград (1942):*
4 Сенинг юрагингда гуллар ва яшар.
12 Бало тоғларини, сен-чун йўқ мушкул.
23 Дўстдан, қардошдан ҳам ортиқ ғамхўр
28 Калбимиз, қонимиз сенга, қаҳрамон!
*Шонли Ленинград:*
1—3 Сен дилларга яқин, пайванд жон каби,
Ленининг номига муносиб шаҳар!
Ленининг муаззам улуғ сиймоси,
7—8 Улуғ тарих сари оёғимизни
Ўзинг бостиргансан, севамиз жондан.
9—11 Ишқ, дўстлик, қардошлик бундан ҳам чуқур,
Хислар билан боғлиқ сенга ҳар кўнгил,
Ироданг гурзиси енгди ҳам енгур
15—16 Ёнғин, бало, бомба, қаҳратон кунлар...
Ожиз қолди оёқдан сени чалгали.
19—20 Урдинг, урмоқдасен, яна қаттиқ ур,
Душман кир қонига белансин абад.
21—22-*сатрлар* 23—24 *билан ўрин алмашган.*

**1943**

**«У ўзбекнинг асл боласи...»** (153-бет).
*Қўлёзма:*
8 Яқин келди улуғ ғалаба.
*Фронт:*
4 Уни севар халқ, Ватани.

**Изсиз қишлоқ** (156-бет).
*Қўлёзма:*
3—4 Сигирлар маърашп, тўй, меҳнат — тароқ.
Кичик ойналарда гулларнинг нози.
5—6 Онанинг қўлидан ... асога
Канча чоллар деган оламга «хайр!»
9 Кани ҳаёт? Қани саси, сурури?
11—12 Ўйларкан пешонам темир чамбарда
Кўксимни тортқилар дарднинг омбури.
13 Тиккайган нарса йўқ, қор чўкиб ётар
15 Бу ерлардан ўчмиш немис — балогар
*Куёш, Асарлар-57:*
2 Болалар шовқини, гармонь овози.
4 Кичик ойналарда гулларнинг нози.
5—7 Эртакка етарди бу ерда аср.
Гўдак... бўй етур... сўнг — кўрибсиз кекса...
Қанча чоллар деган оламга: хайр!
9 Қани ҳаёт, қани ҳаёт сурури,



www.ziyouz.com kutubxonasi

11-*сатр* 12 *билан ўрин алмашган.*
14 Шум оёғин мангу қилажакмиз шол!

**Жангчи хатидан** (158-бет).
*Қўлёзма:*
2 Кийим-бош хўп қалин, емишим расо
18 Мен босдим тепкини: немис қора қон.
40 Бу юртда немисга бир йўл бор: ўлим!
*Йиллар, Асарлар-68:*
1—2 Жонгинам, Норбиби, юрибман омон,
Кийим-бош хўп қалин емишим расо.
5—20-*сатрлар тушиб қолган.*
33—35-*сатрлар тушиб қолган.*
40 Бу юртда душманга бир йўл бор: ўлим!

**Жангчи элатим олдида** (160-бет).
*Қоралама:*
3 Жануб қизларининг сочидай қора,
20 Сақлайди душмандан ҳам бунга қодир.
*Қўлёзма, Қоралама:*
13 У кечди қор ва муз далаларидан
16 Менсимай, дадил душманни қирди.
22 Бу соғлом ҳавоси, олтин самоси
23—24 Рус билан у босар Ғарбга қадамин,
Тугар бир қитъанинг ғам-изтироби.
*Қўлёзма, Қуёш, Асарлар-57:*
6 Узоқ Осиёли ўзбек боласи.
8 Ҳар он тайёр унда ўқлар жаласи.
*Қуёш, Асарлар-57:*
15 Ўлим неча-неча тортди пайидан!
22 Муқаддас ҳавоси, олтин офтоби.
24 Тугар бу Ватаннинг ғам-изтироби!

**«Аскар юрар бу йўлдан...»** (163-бет).
*Қўлёзма:*
1 Аскар югурар бу йўлдан,

**Жангчининг юраги** (164-бет).
*Қўлёзма:*
3—4 Ўт пишқирар югуриб кўп танк,
Ҳужум этар қизил пиёда.
15 Қанча-қанча немис қонини
28 Воронкага тушаркан, деди:
29 «Мен унган ер, о, гўзал Ватан!

**Жангчи орзуси** (166-бет).
*Қўлёзма, Ватан учун (1944):*
1—10 Кокилингни, дилбарим, кўзларга бир суртсам эди,
Ҳам дутору, соз билан ёнингда ўлтирсам эди.
Ғунча лабларни очиб, ҳам шўх қўшиқлар куйласанг,
Мен бошимни аста-аста бошингга бўрсам эди.

Дилбарим, бу орзулар-чун қон тўкиб жанг қиламан,
Қайда душман бўлса, шунда мен яшиндек етаман,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлда милтиқдир мудом, қор кечаман, муз кечаман,
Ёвни енгиб, ел каби ёнингда югурсам эди.

Жон каби кўнглимдасан, ҳар ерда йўлдошим ўзинг,
Енгамиз тез, янчамиз! Йўлларни кутсин шўх кўзинг.

**Жасур йигитларга** (167-бет).
*Қўлёзма:*
6 Далалардан, бўстонлардан ёвни сургали.
*Ватан учун (1944):*
1 Бутун Ватан миннатдордир сиз ўғлонлардан.
4 Дилбар қизлар умид ўзмас паҳлавонлардан.
6 Далалардан, бўстонлардан ёвни сургали,
7—8 Тўплар, танклар дош беролмас қарши тургали,
Ҳар тўсиқни агдарурсиз кечиб жонлардан.
10—12 Дилингиз ҳам ёвга нафрат билан барқарор,
Сиз боссангиз илгарига ер, кўк ларзадор,
Зафар билан омон қайтинг бу майдонлардан.

**Кўркам тол** (168-бет).
*Қўлёзма:*
5 Бир тепа ҳушини олди.
19—20 Қиз кетди ёлғиз оёқ
Йўллардан ўрмон сари.
21—24 Дард этар дилни яра.
Кўп вақт тунда ногиҳон
Хотиралар босароқ
Эзади пешонани.

**Бомбардимон вақтида** (170-бет).
*Қўлёзма:*
4 Бошида сезаман душман шу онда.
5-*мисра* 6 *билан ўрин алмашган.*
9 Йўқ, бомба дуч келмас. Қалбинг топ-тоза
23—24 Нозик бинафшани олиб дудоққа,
Айтарсан: «Сен мунча гўзалсан, хандон!»
27 Ер, денгиз гўзалдир, Оврупо гўзал,
30 Гулзордан қуёшга завқ-ла боқамен.
32 Соф инсонлар ҳақида хаёл сурамен.
*Қўлёзма, Асарлар-68:*
22 Безгак рўёсидек ўтган у замон.
*Асарлар-68:*
20 Тинглarsиз қушларнинг куйин ҳар оқшом.

**«Йиги келмайди сира...»** (173-бет).
*Асарлар-57:*
12 Ғазаб, ўт тўла қалбим.

**Хайр, дўстим!** (174-бет).
*Қўлёзма:*
5 Мен бораман Осиё сари
21 Рус еридек қалбинг зўр, бақват
24 Кининг бор қуюн ғазаби.
28 Ўғрилардан қолдирмайсан ном.
12 Ажални ҳам енгган қаҳрамон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

16 Йўлларингда тоғ ушаладир.
17 Гитлер қилди уйингни вайрон
*Асарлар-57:*
21 Рус ериде қалбинг зўр, буқуввват
*Йиллар, Асарлар-68:*
9 Сен чинордай маҳкам ва пишиқ.
14 Ев устига қўлинг болтадир.

**Давлат нашидаси (175-бет).**
*Қўлёзма:*
1—20 Энг улуғ мамлакатнинг биз ҳур одами,
Меҳнат ва ижод бизнинг бахту ифтихор.
Эркимиз ёвин енгмак виждон қасами,
Енгамиз! Қуёш байроқ ва ҳақиқат ёр!

Тўп юлдуздек халқлармиз, аҳил қадрдон,
Қудратли дарахтмизки, илдизимиз бир.
Қўпормас уни ҳеч куч, ҳеч қандай бўрон!
Кураш, шодлик қайғуда дил тўла меҳр.

Шонли Ватан, қудратли давлатимиз бор,
Бу Маркс—Ленининг улуғ асари
Биз доҳийлар ишига ҳар вақт вафокор,
Машъалларин элтамиз қуёш сингари.

Азиз, муқаддас Ватан-она, топ камол,
Қучоқла денгизларни, ерни, самони!
Абадиятга олтин тонг каби йўл сол,
Ватан, сенда башарнинг умид-армони.

Н а қ а р о т:

Шонли Ватан, қудратли давлатимиз бор,
Бу Маркс—Ленининг улуғ асари
Биз доҳийлар ишига ҳар вақт вафокор,
Машъалларин элтамиз қуёш сингари.
*Қоралама:*
3—4 Маҳв бўлур эркимизнинг барча душмани,
Қуёш байроғимиздир, ҳақ ва зафар ёр!
4-*мисрадан сўнг:*
(Бўронлар ора учар зафар отлари,
Қуёш байроғимиздир, ҳақ, адолат ёр!)
7—8 Қўпоролмас ҳеч қувват, ҳеч қандай бўрон,
Кураш, шодлик қайғуда севгимиз темир.
10—12 Меҳнат ҳокимияти тоғдек барқарор.
Бошимда икки доҳий дўстнинг машъали.
13—16 Азизсан муқаддассан, эй Ватан-она!
Юксал, куч денгизларни, ерни, самони.
Олтин тонг каби йўл сол абадиятга,
Ватан, сенда башарнинг умид-идеали.
*2-қоралама:*
12 Бошингда сўнмас икки доҳий машъали.
*Айрим мисралар, фикрлар:*

Тилларимиз бошқадир, дилларимиз бир,
Бир қудратли дарахтнинг бутоқларимиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирлашган дарёларнинг кучи бор бизда,

Қудратли дарахтмиз — илдизимиз бир.

Бир түп юлдуз сингари ҳамиша аҳил.

Қўлларимиз бирлашган темирдан маҳкам.

Ҳар бало, ҳар бир хавфни бу дўстлик бўғар.

Ҳеч куч қайира олмас дўстлик томирин.

Бу дўстлик қаршисида ҳар бир куч ожиз
(Бу дўстлик ҳар бир ёвуз кучни маҳв этар).

Илмнинг машъалини элтамиз баланд.

Қуёш байроғимиздир, илм-фан — машъал.

Жаҳоннинг ҳақиқати китобимизда
(Тарихнинг ҳақиқати китобимизда).

Энг улуғ мамлакатнинг ҳур одамимиз
(Энг улуғ мамлакатнинг биз ҳур одами).

Жаҳон тарихининг ҳалоскоримиз
(Жаҳон тақдирининг ҳалоскоримиз).

Бахтнинг, ҳақиқатнинг посбонимиз.

Қуёш байроғимиздир, ҳақиқатдир ёр.
Меҳнат ва ижод бизнинг шараф, ифтихор.

Тонгдек қуёшни тортар зафар отлари
(Тонгдек кундузга учар зафар отлари).
(Баҳоримизга учар зафар отлари).
(Иродамиз отлари учар зафарга).
(Зафар отлари учар олтин баҳорга).

Ҳар жангда, ҳар курашда зафар бизга ёр
(Қуёш байроғимиздир, ҳақ ва зафар ёр).

Эркимиз ёви мудом бўлур тор-мор.

Давлатимиз асоси темирдай маҳкам.
(Давлатимиз муаззам, темирдай маҳкам.)
(Ҳокимият биномиз темирдай маҳкам).

Ленин тузган бу давлат — муаззам ижод.

Бўронларни қаршилар тоғ каби вазмин.

Дилдан севамиз сени, эй Ватан-она.
(Ҳаммадан муқаддассан, эй Ватан-она.)
(Азизсан, муқаддассан, эй Ватан-она.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўғил-қизларинг сен-чун беради жон, қон.

Сийнамиз қалқон сенга тикилган хавф-балога.

Сен ҳайқир, денгизларга, ерга, самога:
(Сен ҳайқир, қуч денгизни, ерни, самони.)
(Ўс, юксал, қуч денгизни, ерни, самони).

Олтин тонг каби ёйил абадиятга.
(Олтин тонг каби йўл сол абадиятга.)

Китобинг ҳақиқатдир, машъалинг урфон.
*Йиллар, Асарлар-68:*
1—3 Энг улуғ мамлакатнинг бир ҳур одами,
Ҳалол меҳнат, озодлик бизнинг ифтихор.
Бахтимиз ёвин енгмоқ — виждон қасами,
5—8, 17—20-*мисралар фақат 8 дан сўнг келган.*
6 Будир улуғ Лениннинг улуғ асари
20-*мисрадан сўнг:*
Боғларингда ўчмасин бир лаҳза наво,
Бир доғни асло сенга кўрмаймиз раво.

**Ватан** (176-бет).
*Қўлёзма:*
1—2 Улуғ жанглар фарзандидир бу Ватан.
Ҳар қаричи қалбимиздан бир парча.
9—10 *йўқ.*
*Қоралама:*
4 Тарихлар-ла ўрнаги йўқ ёш чаман.
8 Бизнинг Ватан каби бир диёр борми?

**Ватан қасидаси** (178-бет).
*Қўлёзма:*
5 *а* Ватанимиз шонли, улуғ иттифоқ,
7 а Оғамиз рус халқи мададкор, иноқ,
10 Қуёш бўлди ўзбек халқига Ленин.
12 Зафарларга элтди доҳий Ленин.
12 *а* Улуғ зафарларга бошлар Ленин.
12 *б* Зафардан-зафарга элтди Ленин.
16 *а* Беомон янчамиз ташласа шум қадам душман.
*Айрим мисралар, фикрлар:*

Совет халқлари билан қардошдир мудом.
(Совет халқлари билан ҳамиша қардош).

Ўзбекистон яшайди озод, бахтиёр.

Қардош халқлар билан бир тан ва бир жон.

Улуғ совет ерининг ажралмас қисми.

Мангу яша, улуғ Совет Ватани.
(Яша, улуғ, қудратли Совет Союзи.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенда гулламоқда халқлар орзуси.
(Сенда гуллади, халқлар эрки, орзуси).

Совет халқлари иноқ, қардошдир мудом.

Улуғ рус халқи тузган маҳкам иттифоқ.

Совет халқлари мудом қардош ва иноқ.

Кўзимизни очди Ленин қуёши.
(Тунларни ёритди Ленин қуёши.)
(Олтин тонг бахш этди Ленин қуёши.)

Халққа юрагимиз мангу вафокор.
(Юрагимиз халққа содиқдир мудом.)

Юртга олтин тонг очди Ленин қуёши.
(Ёруғ бир тонг очди Ленин қуёши.)

**Ленинград** (186-бет).
*Ўзбекистон маданияти, 1965, 20 март:*
21 *тушиб қолган.*
22 Тасвирида сўз бомба каби
26 Ё сўз савур булути бўлиб,
29—33 *тушиб қолган.*
28-*мисрадан сўнг:*
Афсоналар, достон, шеърлар
Куйлар уни мангу, муттасил.
Ўчмас асло шони асрлар,
Ҳурмат билан ёдлар минг насл.

**Ойша хола** (191-бет).
*2-қўлёзма:*
2 Сарвқадлар, дол беллилар бор.
36 Ойша хола сўзи кўк қирдан —
44-*мисрадан сўнг:*
Кампир чиқар ... далага,
Босим ишлаб гоҳ ташлар назар.
Нурда ёнган кетмон галага...
Бирни мақтар ва бирни қаргар.
60 Порлар эзгу ишқ кўз ёшида.
*Йиллар, Асарлар-68:*
16 Қари танга бахт этди куч, қон.

**Озод бўлган шаҳарда** (193-бет).
*Қўлёзма:*
4 Юракларнинг битди фарёди.

**Қаҳрамонлар ҳақида** (194-бет).
*Қоралама:*
5 Сирни ўпиб, Амуга югур,



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Қаҳрамонлар ҳақида** (194-бст).
*Қоралама:*
5 Сирни ўпиб, Амуга югур,
10 Оппоқ ёмғир ҳар бутоғида.
10 *а* Оппоқ ёмби ҳар бутоғида.
14—15 Ядратишда мужизакордир.
Ҳар азмида ёр бўлди зафар.
18 Хирмонларнинг кутар тўй кайфин.
20 Қаҳрамонлар ишин шонлантир.
25 Табассум-ла нур дарёдирлар
27 Гектарларни қизлар ағдарди.
28 Мушкуллар-ла жанг қилди жадал.
34 Шўхлик чоғда булутлиди дил:
36 Гектарларни қизлар ағдарди.
39 У унутган ўсма, дутор-да
43 Юлдузларга диллар моиаддир,
44 Зафардорлар иида полвондир.
44 *а* Зафардорлар, боқ, ёнма-ёндир.
45-*мисрадан сўнг:*
Қўшни колхоз чол билан машҳур,
Тортар эди бобой баъзан уҳ —
«Узилмакда куч токи қурғур...»
Лекин кулдан ялт этди умр.

## 1945

**Шон байрами** (196-бет).
*Қўлёзма:*
5 Уфқларни қучоқлаган далалар
8 Куй, ижод билан халқ келур байрамга.
9—10 Байрамки, тарихнинг ёрқин кундузи,
Мўйловдор гвардейц эртак айлаган.
11 Қора бўронлардан уни сақладик.
14 Волгадан Одерга мудом кечиб қон.
17 Куй ва ижод билан руҳланган айём
20 Шивирлар байроқлар асрларга донг.

## 1946

**Сув** (198-бет).
*Қўлёзма:*
26 Дарё-дарё, доно доҳий, бердинг сув.
28 Қайнайди, сен кафил: илк ишимиз бу.
30 Зилолли сувларнинг оқиши гўзал.
*Ўзбекистон маданияти, 1974, 22 ноябрь:*
6 Карвон музикаси мунгли, саҳройи.
12 Кўкда кўтарилар, жизгиллар осмон.
17 Асрлар орасин боғловчи бир мунг
19 Ҳай, обод ерларни босиб кетди қум,
32 Ҳосилдор заминлар — кенг боғлар атроф.

**Раиса** (200-бет).
*Шарқ юлдузи, 1955, 5-сон:*
23—24 Пахтазор бир бутун водийни бўйлар,
Танга ором берар тоғлар салқини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Шеърлар:*
15 Ишда, оромида қултум лойқа сув,
42 У Волгограддан ёв сурган ботир.

1948

**Шоҳимардон** (205-бет).
*Қўлёзма:*
8 *а* Дилда шундай орзу ўйноқлар.
16-*мисрадан сўнг:*
Муз чўққиси ялт этди ана,
Оқ мавж урар кўк ферузада.
Ёзда тансиқ у қиш меваси,
Ҳиди билан бошланар артса.
17—24-*мисралар* 36 *дан сўнг келган.*
36-*мисрадан сўнг:*
Қарчиғай жим заррин ҳавода
Юзар гўё ойнада соя.
Жар ёқалаб пилдирар эшак,
Дорбоздан ҳам эпчилдир бир он.

**Ленин мавзолейида** (207-бет).
*Қоралама:*
1—2 Абадий мавзу бу, абадий илҳом,
Бу мармар оламнинг шон, ифтихори.
5—6 Бунда Ленин ётар, кўзлари юмуқ,
Лекин тун билмаган қуёш сингари.
7 *а* Ҳаёт қирғоқлари у билан тўлиқ
7 *б* Ҳаёт қирғоқлари нурига тўлиқ,
8 Бутун сиймосида йўқ ўлим гарди.
8-*мисрадан сўнг:*
Доно қалби тепар Ватанда шаҳдам,
Ҳар тошда ўйидан, куйидан жило.
*1-қўлёзма:*
26 (Ғурур ҳам халқча гўзал.)
28 Оламшумул ишлар қилар ҳал.
33 Эшикларни очар кўкламга,
33 *а* Дарчаларни очар кўкламга,
42 Етаклади ҳаётга, нурга.
44 Қатқалоғин отди умрга.
52-*мисрадан сўнг:*
Хор-зорликнинг ўпқинларидан
Мазлумларни кўтарди баланд.
Бахт, инсонлик шаъни-тоғига
Бағишлади нон, шон Ватан.
65-*мисра* 66 *билан ўрин алмашган.*
66 Янги мавжлар бериб муттасил.
67-*мисра* 68 *билан ўрин алмашган.*
*2-қўлёзма:*
12 Зафарларнинг қучгандек йўлин.
42 Етаклади ҳаётга, нурга.
44 Қатқалоғин отди умрга.
50 Билан яшаб курашди мудом.
60-*мисрадан сўнг:*
Қуёшни тош билан шикастлаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мумкин эмас!
Бўрилар ҳурар,
Тишин қайраб ғазабдан.
Қайда
Нур кўринса дум билан урар.
*Шарқ юлдузи, 1965, 5-сон:*
21—24 *тушиб қолган.*
25 Лекин шундай содда, суюмли.
42 Етаклади ҳаётга, нурга.
44 Қатқалоғин отди чуқурга.
45—48 *тушиб қолган.*
52 Ишкалини қилиб саранжом!
60 Жаллодларни томоқда ўпқун.
66—68 Ҳаётимиз қалбида мангу.
Янги жаҳон ижодкори у,
Ҳар зафарнинг байроғида у.
70 Юрагида мангу этган жо.

## 1949

**Карачида** (213-бет).
*Қоралама:*
5 Тингусидир қайнаган кўзларда ёш
*Куйлар, Асарлар-68:*
4 Қўзғатур ёш туйғулар парвозини.

**Орзу** (214-бет).
*1-қўлёзма; Ўзбекистон маданияти, 1971, 12 янв.:*
5—7 *тушиб қолган.*
*1-қўлёзма:*
2—4 Дилим тўла севги, эрк қўшиқлари.
Бу дўстлик совғасин қилай армуғон,
Авж олсин дўстлигимиз қуёш сингари.
*2-қўлёзма:*
1 Келдим тоғлар ошиб, бу диёр сари,

**Улуғ доҳийга** (215-бет).
*Қўлёзма, Қизил Ўзбекистон, 1949, 21 дек.; Шарқ юлдузи, 1949, 5-сон; Овозим (1950):*
1-*мисрадан олдин:*
Салом Сизга, қуёшимизга,
Қуёш нурин тилаймиз Сизга.
30-*мисрадан сўнг:*
Ўртоқ Ленин, улуғ тўй куни
Дилда севги, қувонч тўлқини —
Билан Сизни қутлайди ўзбек —
Азиз боши кўкка етгудек.
Саломида муҳаббат чексиз,
Илҳомида дарё-дарё ҳис:
38-*мисрадан сўнг:*
Кремлда ишлайсиз тун-кун,
Ҳар ўйингиз жаҳонга мазмун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кураш ва жанг, ижод ва фикр —
Билан тўла умрингиз асл.
Маркс каби улуғ, доно Сиз.
Миллион-миллион дилларга жо Сиз.
39—40 Сиз Марксдек халқларга дилбанд,
Маркс каби юрт билан пайванд
51 Яшанг мангу, халқлар сардори,

**1950**

**Денгиз бўйида хаёлларим, 1** (217-бет).
*Асарлар-57:*
6 Зар соч ёйиб қуёш сувга ботаркан,
7 Пақ ўшандай тўлқин заррин алвонга

**Денгиз бўйида хаёлларим, 3** (219-бет).
*Қоралама:*
1—2 Лоф туш кўрдим: ой шўнғиди денгизга,
Олтин қайиқ бўлиб чиқди кейин у...

**Ҳақгўйлар** (221-бет).
*Шеърлар:*
16 Мумтоз дер: «Худони пешиво қилар».
23 Туйғун кўзларининг қуюқ киприги

**Покистон пойтахти** (223-бет).
*Шеърлар:*
24 Панжасидан ҳаётга заҳар.
*Шеърлар, Асарлар-57:*
16-*мисрадан сўнг:*
Ҳар қадамда Жинна расми бор:
Соқоли йўқ — бичилгансимон.
Унда-бунда машина. Бисёр
Ўтиб турар тевалар — карвон.

**Покистонли аёлга** (225-бет).
*Қўлёзма:*
2 Ва қуёшнинг селида шарпа сингари
3—4 Юрганлар кимдирлар «оқ пардасида»?
О, сўрма, уларнинг чексиздир дарди!
7—8 Бу ерларда кўрдим тутқунлар каби
Бадбахтдир аёллар, мазлум оналар
10 Турмуш манзараси бир-бирдан ваҳим.
12 Кўк ҳам хотинларга қаттиқ бераҳим.
14 Лоақал бошпана ва кийимсимон.
16 Кўрсатмагай шундай кунларни жаҳон.
21 Оғир иш қиласиз — кори машаққат
24 Олтинга тўймайди: санайбер олтин.
25 Лондонда, Англия, бўлак шаҳарда
29 Зулмдан додлайсиз, тугул қўзғолон —
31—32 Мана, кимга қулсиз, эй бечоралар!
О, аёл бошида бало тугуни
36 Кўзларим кўр эмас, кўради эссиз!
39 Бўлсайди адиба: о, сизнинг ҳаёт —
44 Бирлашиб аёлни заб ҳужум этар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

45—46 Аёллар самумининг дудли мавжида,
О, баҳор, о, баҳор шабадалари.
48 Дўзахнинг ўртади алангалари.
50 Ҳар бир оддий инсон кўтарди қаддин.
52 Оддий ўзбек қизин олайик: эркин
57 Академик фанда яна чалишса,
63 Унум кўпроқ бўлсин — ҳар қалб, ҳар онда
73—76 Покистон аёли, қалбимда истак:
Совет аёлидай бўлинг бахтиёр.
Турмуш қонунларин ўзгартиш керак,
Кел, эй соғинтирган лолали баҳор!
*Ўзбекистон хотин-қизлари, 1952, 1-сон:*
29—31 *тушиб қолган.*
51 Бахт учун очирди аёлга баҳор,

**Муҳожирлар лагери** (228-бет).
*1-қўлёзма:*
41 Лагерь оғир, ўлиш жўн, осон!
82 Тупроқ чайнар лагерлар халқи!
*1- ва 2-қўлёзма:*
19 Чор атрофдан айланар, қистар.
32 Улар озғин ипдай дея қол!
34 Ўлмоқда чол қўшни чодирда.
35 Дуо ўқир ва ё у қарғар.
75 Қора бўрон учирган каби
*2-қўлёзма:*
40 На бир врач, на бир сестра!
69 Империя тожисига ёнгин
*Шарқ юлдузи, 1955, 5-сон:*
4 Тупроқ ялаб ётарди ҳаста.
8 Лагерь аҳлин қамрайди ўтдай.
41 Лагерь оғир, ўлимдир осон!
57 Ҳар бирининг қаддига тоғ ғам
72 Писанд қилмас ўлимни эрк-чун,
73 Хўжайинлар эски ва машъум
*Шарқ юлдузи, Қуёш:*
13—14 Иш ахтариб эркакларининг
Бор чидами бўлибди тамом.
62 Улар йўли — қон, ўлим, озор.
*Қуёш:*
48—49-*мисралар тушиб қолган.*
*Қуёш, Асарлар-57:*
40 На бир врач, на бир сестра
73 Хўжайинлар эски ва синиқ

## 1955

**Гулнор ва Йўлчи лапари** (234-бет).
*Қўлёзма:*
6 Кулга айланурмн орзу ва тилак.
8 Ҳасратда ёнурман, золимдир фалак

**Меҳнаткашлар қўшиғи** (235-бет).
*Қоралама:*
1 Жабр-зулм ботқоғидан



www.ziyouz.com kutubxonasi

3—4 Етар қуллик, хорлик-зорлик,
Озодликка йўл олингиз.
10 Ғариблик йўлдошимиз.
8, 16 Бахт келтирар кураш йўли, шон йўли.

**Ёр-ёр** (236-бет).
*Қўлёзма, Гулистон, 1975, 1-сон:*
24 Ширин сўзлик, ўрта бўйлик, қалам қошдир ёр-ёр.
*Гулистон:*
17—20 *тушиб қолган.*
29—32 *тушиб қолган.*

## 1959

**«Тун... Жимлик... Ўтирурмен сокин...»** (240-бет).
*Қоралама:*
3 Юварди кўнгилнинг сиёҳин

**Байрут** (243-бет).
*Қўлёзма, Совет Ўзбекистони, 1975, 20 янв.:*
2-*мисра* 3 *билан ўрин алмашган.*
3 Чит, шоҳи ва шол шинга етади.
33-*мисра* 34 *билан ўрин алмашган.*
*Совет Ўзбекистони:*
13 Мевалар хилма-хил гарқ пишган
21 Муқаддас боёнлар халқни алдайди.
22-*мисра тушиб қолган.*

## 1960

**«Каптарлар, о, каптарлар...»** (246-бет).
*Шеърлар:*
19 Сўкилди қор-кўрпалар
40 Учиралар шўх боллар.
*Шеърлар, Асарлар-68:*
3 Учасиз узоқларга
38 Баҳордан кўп маст.

**Кўклам ҳислари** (248-бет).
*Қўлёзма:*
7 *а* (Далада йигитлар-қизлар чигит экади.)

**Эй Ленин Ватани!** (249-бет).
*Қўлёзма:*
8 Бахт куйи янграйди элнинг товшида.
10 Бахтга тўлган, гуллаган водий.
*Шеърлар, Асарлар-68:*
10 Нурга, бахтга тўлган, гуллаган водий.
*Адабиёт, 5-синф учун (1964):*
16 Эй Ленин Ватани, абадий юксал!

**Халқ қалбида** (250-бет).
*Қўлёзма:*
5 Чайқалган зўр тарих мавжи у,
*Совет Ўзбекистони, 1969, 3 авг.; Шеърлар:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

9 Исми кўҳна жаҳон бошида
13—14-*мисралар* 10 *дан сўнг келган.*
*Совет Ўзбекистони:*
1—4-*мисралар* 12 *дан сўнг нақарот тарзида такрорланга*

**«Оғир ер бағирлаб сузган булутга...»** (252-бет).
*Қўлёзма:*
9 Сўнгра зерикиб шеър ёзаман,
23 Ёзаман шеърлар, хомаки сатр

**«Қалбдан севги тошди, фироқ, ғам-алам...»** (254-бет).
*Шеърлар:*
8 Оқ шоҳи куйнакда, тўлқин тизида.

**«Ўтирасен ёлғиз, япроқлар тушар...»** (255-бет).
*Асарлар-68:*
7 Юзларинг ёлқинидан ўртанур юрак,
46 Дарахт ичида аста кезаман.

**Кузда** (257-бет).
*Қўлёзма:*
6 Шуълалар рақси баргда, новдада.

**Теримчиларга** (258-бет).
*Қизил Ўзбекистон. 1960, 23 окт.; Асарлар-68:*
27—28 Шоферлар ҳайдайди пунктларга карвон,
Аравалар учади, отлар пишқирар.
32 Сахийдир ва бойдир бизда куз фасл.

**Қиш** (262-бет).
*Қўлёзма:*
6 Баъзан зерикиб эртак ёзамен,
8 Гоҳо жиндай бир мудраб оламен.
12 Ёпишамен печкага — илиққина,
20 Ҳар катта милтирар ҳолсиз ах! чироғлар.
30 Иссиқ оромбахш, жоннинг роҳати.

## 1961

**Куз** (266-бет).
*Шеърлар:*
12 Колхозлар ташиди мевалар кун-тун.

## 1962

**Ленин йўлидан** (268-бет).
*Асарлар-68:*
4 Ақлинг, меҳрнинг чин мужассами.

**Дўстлигимиз мангу** (269-бет).
*Қўлёзма, Шеърлар:*
6 Бойдан, бийдан бирга тортди жафони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1963

**«Тарих сўқмоқлари изимдан чўтир...»** (272-бет).

*Қоралама:*

1—4 Тарих йўллари изимдан чўтир,
Ҳар бир хок имлайди: «Бир лаҳза ўтир...»
«Қуш тиллари» пири — юракда тилак,
Изладим, тердим дур — қўлимда элак.
4 *а* Излаймен гавҳарлар — қўлимда элак.

## 1964

**«Дарахтлар ортидан қалқди ой махмур...»** (275-бет).

*Куйлар, Асарлар-68:*

1 Дарахтлар остидан ой қалқди махмур —
18 Куйларнинг, ишқнинг мен мажнуни, мафтун...

**Жароҳатни кесмак соғлик келтирар** (276-бет).

*Муштум, 1964, 21-сон:*

3 Кулдилар:
— Йўқса бир мушт кўтаринг.

## 1965

**«Баҳор келди кумушранг кимхоб...»** (284-бет).

*Қўлёзма:*

9 Парча булут тўкиб юборди

**Ёмонлардан зинҳор, дўстим, ҳазар қил!..»** (299-бет).

*Қоралама:*

1—2 Ёмонлардан, дўстим, ҳазир бўл,
Сўфилар — фирибкор, шайхлар тўсар йўл.

**«Фалак айланурди... ҳамиша суръат...»** (303-бет).

*Қўлёзма:*

4 Чекилди зулмат — нур... ҳақиқат...
5-*мисра* 6 *билан ўрин алмашган.*

## 1967

**Бойчечак** (310-бет).

*Қўлёзма, Тошкент оқшоми, 1971, 11 янв.:*

1 Бугун болалар шодлиги тошқин,
17 «Тангрим кўрсатсин яна баҳорни»,—
*Тошкент оқшоми:*
6 Баҳорнинг шу гўзал илк чечагичан.

**«Ағдарсам тарихни — асрлар қат-қат...»** (311-бет)

*Қўлёзма:*

4 Қуёш нуридан қани бир тола?!
5 Боссам йиғлайди тупроқ — Жўржоний —

**Табиат тўртликлари** (314-бет).

*Қўлёзма:*

5 Тўймайман кўркига — уфқда қуёш...



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1968**

**Шоира** (315-бет).

*Қоралама:*

1—4-*мисралар* 5—8-*сатрлар билан ўрин алмашган*

6 Зонтиги шу қадар юпқа ва енгил.

11—12 Асфальтда тевалар лўкиллар ҳорғин,
Совун чайнагандек оғзи кўпирар.

11 *а*—12 *а* Асфальтда тевалар одимлар ҳорғин,
Совун чайнагандек сочиб кўпиклар.

15—16 Чанг, терга ботиб, ёш аскарлар кечар,
Оналар қалбида чайқалар чўғ кул.

23—24 *йўқ.*

*Қўлёзма:*

2 Катта ойим каби чиқар улуғвор,

3 Сочларининг шу кунлар тушган оқлари,

4 Боқар ойначадан асл илҳомкор...

**«Ёз чоғи... иссиқки, авжда саратон...»** (329-бет).

*Қоралама:*

10 Йигитлар далада ўзишар... Зафар...

**«Қалдироқ, яшин ва жалалардан сўнг...»** (330-бет).

*Қўлёзма:*

1—2 Қалдироқ, яшин ва жаладан сўнг
Қайгадир елиб, таралур бебош.

## Турли йиллар

Кунлар (333-бет).

*Қўлёзма:*

40 Этиклар ғирчиллар янги қор каби.

*Шарқ юлдузи, 1975, 1-сон:*

15 Мамлакат ҳавосин қучмиш буюк шон,

28 Шаҳар лим-лим тўлган боқсанг кечқурун[2]

32 Иш тушди севинчлар бермади уйқу.

**Ўт ёқарларга** (341-бет).

*Қўлёзма, Асарлар-57:*

6 Минг чақримлаб кўлланганда қон.

21 Кремль узра ёнган юлдузлар

24 Ва бахтилан муттасил сўзлар.

*Асарлар-57:*

12 Совет халқи бўлди, қил иқрор.

*Асарлар-68:*

6 Изларингда кўкланганда қон,

## Тугалланмаган асарлар

### Эскизлар

**Фронтга жўновчиларга** (345-бет).

*Қоралама:*

2 Бульварларда ниҳоллар.

10 Ўз юртини

12 Қаҳрамонлар

19 Жангнинг оғир йўллари

*Қўлёзма:*

29 Албат, енгамиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Октябрь** (349-бет).
*Қоралама:*
7—8 Кўксимизга кирди бахтнинг илиғи,
Фикр юрт боғидек очди чаманзор.
9—12 Октябрь, қалбингдан куч олар башар,
Халққа кураш ҳам сен билан...
Авлодлар кундузи қўйнингда яшар,
Ёвларинг бошида қаҳримиз дордир.
13 Табассум ғунчаси ёнди, ранг...

**Асиралар ҳақида** (355-бет).
*Қоралама:*
19—20 Украина қизларин фашистлар ҳозир ҳайдар,
Номусларин булғашчун ҳайдайдилар кишанда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЗОҲЛАР

1936 йилда бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари Чимёнда А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан рус шоирининг асарларини ўзбек тилига таржима қиладилар. Шу йилларга келиб ижтимоий-сиёсий ва адабий-эстетик қарашлари тиниқлашган, қалами ўткирлашиб, шеърий овози салобат ва жозиба касб эта бошлаган Ойбек А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини таржима этади ва ўз ижоди учун сифат эътибори билан янги — «Чимён дафтари» номли шеърий туркумини яратади. Шоир ва адиб ижодининг иккинчи даври — унинг юксалиш ва ички нурланиш палласи ана шундай бошланади.

Ойбекнинг барча муҳим ва асосий асарлари ана шу маррадан бошланувчи, тарихий воқеа ва ҳодисалар билан тўла даврда яратилди. Ҳанузга қадар асосан шеърият соҳасида қалам тебратиб келган Ойбек даврнинг бой ва мазмундор ҳаётини тўлароқ ва кенгроқ акс эттириш ниятида янги жанрларга қўл урди: «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас» каби романларини, «Нур қидириб», «Болалик» янглиғ повестларини, «Маҳмуд Торобий» сингари саҳна асарларини, «Фронт бўйлаб», «Покистон таассуротлари» номли йўл хотираларини ёзди. У шеърият бобида ҳам янги бадиий имкониятлар қидириб, Шарқ классик адабиётидаги нома жанрини шеъриятимиз хазинасига қайта олиб кирди.

Ойбек 1937 йилда Ғафур Ғулом ва Абдулҳамид Мажидий билан ҳамкорликда, 1939 йилда эса Миртемир, Юнус Латиф ва Насрулло Охундий билан ҳамкорликда «Шодиёна» номли лиро-эпик характердаги асарларнинг яратилишида фаол иштирок этди.

1936 йилнинг 5 декабрида Советларнинг Фавқулодда VIII Бутуниттифоқ съезди қарийб олти ой давом этган умумхалқ муҳокамасидан кейин СССРнинг янги Конституциясини қабул қилади. Совет давлатининг бундан аввалги асосий қонуни қабул қилинган 1924 йилдан кейин ўтган давр ичида халқ хўжалигининг социалистик системаси барча соҳаларда ғалаба қозонган, эзувчилар синфи буткул тугатилган, ленинча халқлар дўстлиги сиёсати гуллаб-яшнаётган эди. «Ўзбекнома» ана шу улкан ўзгаришларни ўзида ифодалаган СССР Конституциясининг қабул қилиниши ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 20 йиллиги муносабати билан ёзилади.

Ойбек иштирок этган иккинчи нома — «Шодиёна» эса 1939 йилда Катта Фарғона каналининг 45 кун ичида — тарихда мисли кўрилмаган қисқа вақтда қуриб битказилишига бағишланди.

Ушбу томда шоирлар коллективи томонидан яратилган ана шу



www.ziyouz.com kutubxonasi

асарларнинг Ойбек қаламига мансуб қисмлари биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шуни айтиш керакки, уруш ва урушдан кейинги йилларда турли шеърий мактублар ёзиш анъанага айланди. Бундай мактубларнинг аксариятида Ойбек фақатгина фахрий муаллиф сифатида иштирок этди. Дастлаб қизгин ижтимоий ва ижодий иш, кейинчалик эса узоқ давом этган огир ҳасталик шоирга бу мактубларнинг майдонга келишида фаол қатнашиш имконини бермади.

Ойбек имзоси қўйилган, лекин ёзилишида шоир шахсан иштирок этмаган шеърий мактублар қуйидагилардан иборат:

«Сув келди — нур келди», шу номдаги тўплам, Т., 1948.

«Пахтакор дўстларга», «Қизил Ўзбекистон», 1949, 29 октябрь.

«Раҳмат, Москва», «Ўзбекистон маданияти», 1959, 21 март.

«Офарин, галлакор Ўзбекистон!», «Совет Ўзбекистони», 1961, 11 август.

«Коммунизм съездига элимиз армуғони», «Ўзбекистон маданияти», 1961, 24 сентябрь.

«Шу куннинг чақириғи», «Совет Ўзбекистони», 1962, 7 июнь.

«Ташаккурнома. Улуғ рус халқига». «Шарқ юлдузи», 1963, № 4.

«Хуш келибсиз, ўртоқ Фидель Кастро!», «Совет Ўзбекистони», 1963, 8 май.

«Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар», «Совет Ўзбекистони», 1963, 3 октябрь.

Юқорида қайд этилган сабабларга кўра, ушбу номалар Ойбек асарларининг мазкур нашрига киритилмади ва қайд этилмади.

Улуғ Ватан урушининг бошланиши билан Ойбек шеърияти чуқур реалистик тус олди. Шоир фронт ҳаёти билан яқиндан танишиш ва ҳарбий мавзуда роман ёзиш мақсадида 1942 йилнинг декабридан 1943 йилнинг мартига қадар Ғарбий фронтда бўлади. Шоир фронт ҳаёти билан танишар экан, ўзбек йигитларини кураш ва ғалабага илҳомлантирувчи шеърлар ёзади.

Афсуски, Ойбекнинг фронт дафтарига кирган шеърлари бизга тўла ҳолда етиб келмаган. Чунончи, шоирнинг «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарида қайд этишича, у ўзбек тўпчиларидан Ҳамдамов ва хоразмлик Қўчқор деган йигитга бағишланган ҳамда «Жангчи Ҳамидовга» номли шеърлар ёзган. Ана шу сафарда Ойбекка ҳамроҳ бўлган композитор Муҳаммаджон Мирзаевнинг хотирлашига кўра эса, шоир «Зафар топдим» номли қўшиқ текстини ҳам ёзган. (М. Мирзаев куйга солган бу қўшиқни фронт окопларида хонанда Турғун Каримов ижро этган.) 49-армияга қарашли қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант И. Г. Захаркин, ҳарбий совет аъзоси генерал-майор Сичев ва сиёсий бўлим бошлиғи полковник Смирнов ўртоқларнинг қуйидаги хатида Ойбек иштирокчиси бўлган Бадиий бригаданинг фронтда олиб борган ижодий ишлари ҳақида юксак баҳо ва аниқ маълумот берилади:

**«Ўзбекистон К(б)П МҚ секретари У. Юсуповга ўзбек агитацион-бадиий бригадасининг армия ҳарбий қисмларида олиб борган концертлари ва маданий-оммавий ишлари тўғрисида 49-армия қўмондони генерал-лейтенант И. Г. Захаркиндан хат**

№ 216 1943 йил 12 январь.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Қомитети ва шахсан Сиз юборган, Ўзбекистон ЛКСМ МҚ секретари ўр. Раҳимов бошчилигидаги аги-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тацион-бадиий бригада 49-армия қисмларида бўлган чоғларида Ўрта Осиё ва Закавказьедаги ўзбек, тожик ва бошқа миллатларнинг жангчилари ва командирлари ўртасида катта тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди.

1942 йилнинг 22 декабридан 1943 йилнинг 11 январига қадар бўлган даврда агитацион-бадиий бригада 36 концерт, 26 қизил аскарлар митинги, 7 группировка ҳамда жангчи ва командирлар билан жуда кўп шахсий суҳбатлар ўтказди. Қатор қисмларда ўзбек снайперлари, жанговар активи, коммунист ва комсомоллари ўртасида кенгашлар уюштирилди. Ўзбек ёзувчиси ўр. Ойбек ўзбек жангчилари учун иккита қизил аскарлар қўшиғи ҳамда энг яхши жангчилар, ўзбек халқининг содиқ фарзандларига бағишланган 18 та шеър ёзди.

Ўзбекистон ЛКСМ МК секретари ўр. Раҳимов митинг ва суҳбатларда сўзлаган нутқида ўзбек жангчиларига Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида сўзлаб, жангчиларни фашист босқинчиларини аёвсиз қиришга илҳомлантирди. Ўтказилган митинг ва йиғилишлар СССР халқлари бузилмас дўстлигининг қудратли намойишига айланди.

Агитацион-бадиий бригада олиб борган иш ўзбек жангчиларининг сиёсий-маънавий ҳолатининг кўтарилиши, ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланиши ва жанговар активлигининг ўсиши учун хизмат этди. Бригада армия харбий қисмларида бўлган 20 кун ичида немисларни маҳв этиш бўйича ўз жанговар ҳисобларини очган ўзбек жангчи ва командирларининг сони 65 тадан 94 тага кўтарилди. Генерал-майор ўр. Завадовский командир бўлган қўшилмада эса ўзбек снайперларининг сони 8 тага ошди.

Дивизиянинг энг яхши снайпери, ўзбек Икром Тошматов шу кунлар мобайнида 12 та немисни ўлдирди ва ўзининг интиқом ҳисобини 93 тага етказди. Генерал-майор Ровякининг қўшилмасидаги қасос олиш бўйича жанговар ҳисобларини очган ўзбек жангчиларининг сони 17 тадан 29 тага етди. Энг яхши снайперлардан бири ўр. Сатторов 11 немисни ўлдирди ва уч нафар ўзбек ўртоғининг қасос ҳисобларини очишларига ёрдам берди.

Армиянинг Ҳарбий Кенгаши кўрсатилган ёрдам учун, ўр. Юсупов, шахсан Сизга миннатдорчилик билдиради.

49-армия қўшинларининг қўмондони генерал-лейтенант
*И. Г. Захаркин.*
49-армия Ҳарбий Кенгашининг аъзоси генерал-майор
*Сичев.*
49-армия Сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник
*Смирнов.»*

Бу хатда баён этилган маълумотларга қўшимча сифатида шуни айтиш керакки, Ойбек агитацион-бадиий бригада 49-армия ҳузуридаги ўз фаолиятини якунлаб, Ўзбекистонга қайтгандан кейин ҳам СССР Ёзувчилари союзининг ёрдами билан янги фронтларга бормоқчи бўлади. Лекин оғир ҳарбий-тарихий шароит бунга имкон бермайди. Шунга қарамай, Ойбек душман чангалидан эндигина озод этилган шаҳар ва қишлоқларда бўлади; урушнинг барча даҳшатли манзарасини, халқнинг, армиянинг қаҳрамонона кураши ва меҳнатини кўради. Шоирнинг бу сафар таассуротлари кейинчалик унинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Фронт бўйлаб» кундалик дафтарига ва «Оловли йиллар» шеърий китобига кирган асарларида ўз аксини топди.

Ойбек урушдан кейинги йилларда ҳам шеърият соҳасида самарали меҳнат қилди. Бироқ у турли сабабларга кўра, ўзининг айрим шеърий асарларига сайқал бериш, бошланганларини тугатиш имкониятига эга бўлмади. Шунинг учун ҳам бундай асарлар шоир ҳаёт пайтида эълон қилинмай қолди.

Ушбу томда Ойбекнинг тугалланган асарлари билан биргаликда — махсус бўлимларда — шоирнинг эскиз ҳолида қолган хомаки шеърлари ҳам буюк сўз санъаткорининг ижодий лабораториясини, поэтик диапазонини ва образлари оламини кўрсата олувчи қатралар тарзида эълон қилинди.

## 1936

### БАҲОРДА

(7-бет)

Биринчи марта «Гулистон» журналининг 1937 йил 3-сонида, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

1936 йил 24 мартда ёзилган.

«Гулистон» журналида босилган текстда шеърга «Баҳор» деб сарлавҳа қўйилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### ПРОМЕТЕЙ

(9-бет)

Биринчи марта «Гулистон» журналининг 1936 йил 5-сонида, кейинчалик «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том) ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

1936 йилнинг бошларида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «МУШТУМГА СИҚИЛДИ АЧЧИҚ КИН-ҒАЗАБ...»

(11-бет)

Биринчи марта «Асарлар»нинг 1-томида босилган бу шеър А. М. Горький (1868—1936)нинг ўлими (18 июнь) муносабати билан ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### ОҚШОМ ЮЛДУЗИ

(12-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар», «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1936 йил 29 июнда Чимёнда ёзилган.

Шоирнинг «Чимён дафтари» туркуми, афтидан, шу шеър билан бошланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлёзманинг қора нусхасида сарлавҳа ўчирилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «СЕН ҒУРУБНИНГ ОЛТИН ҚЎЛЛАРИДАСЕН...»

(14-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1936 йилнинг 4 июлида Чимёнда ёзилган.
1. *Ғуруб* — қуёшнинг ботиши, шафақ.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ШАМОЛ, БИР ЭРТАК ЎҚИ!...»

(15-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар», «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.
1936 йил 9 июлда Чимёнда ёзилган.
Қўлёзма текстида бу шеър «Шамол, бир масал ўқи!..» деб аталади.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «АБАДИЯТ ВА УМР...»

(16-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар», «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.
1936 йилда 19 июлда Чимёнда ёзилган.
Бу шеър ҳам шоирнинг «Чимён дафтари»дан.
Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида.

### «ЁР КЎЗЛАРИНИНГ ИШҚИНИ, ХУМОРИНИ ЁД ЭТ!..»

(17-бет)

Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1936 йилнинг июлида Чимёнда ёзилган ва «Чимён дафтари»га кирган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ТЕПАГА ЧИҚАМЕН, СОЙГА ТУШАМЕН...»

(18-бет)

Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1936 йил июлида Чимёнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ЮРАМЕН, ТОШАДИ СЕВИНЧИМ...»

(19-бет)

Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1936 йилнинг июлида Чимёнда ёзилган ва «Чимён дафтари»га кирган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «УНИ КИМ ТАРЖИМОН ҚИЛИБ ЮБОРДИ?..»

(20-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1936 йилнинг июлида ёзилган.

Ўша йилнинг ёз ойларида бир гуруҳ ёзувчилар А. С. Пушкин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан шоир асарларини таржима қилиш учун Чимёнга чиқиб, ижодий иш билан шуғулланганлар (Ойбек бу ерда «Евгений Онегин»ни таржима қилган).

Мазкур эпиграммада шоир ана шу гуруҳга кирган икки таржимон-ёзувчи устидан кулади.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## НАЪМАТАК

(21-бет)

Биринчи марта «Гулистон» журналининг 1936 йил 7—8 сонида, сўнгра «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар», «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

1936 йил 31 июлда Чимёнда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## БИР КУНЛИК КЕЗИШДАН

(22-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

1936 йилда Чимёнда ёзилган.

Қўлёзманинг оқ нусхасида шеърнинг сарлавҳаси йўқ, қора нусхасида эса «Бир кунлик кезиндидан» деб сарлавҳа қўйилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ОЛТИН СЕПКИЛЛИ ҚОП-ҚОРА КЕЧА...»

(25-бет)

Биринчи марта «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

1936 йилда Чимёнда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЎЗЛАРИМ КЎЗИНГГА ТУШДИ НОГАҲОН...»

(26-бет)

Биринчи марта «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

1936 йилда Чимёнда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ЮЛДУЗЛАРНИНГ РЎЁСИНИ...»

(26-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1936 йилда Чимёнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЎЗЛАРИМНИ БАҲОРГА...»

(26-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1936 йилда Чимёнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БЎШ КУНИМ БОҒМА-БОҒ КЕЗАМАН...»

(27-бет)

Биринчи марта «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1936 йилда Чимёнда ёзилган.
2. *Пастернак Б.*— рус совет шоири (1890—1960).
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЎНГЛИМДА ЯШАЙДИ ИККИ ЕҚИМТОЙ...»

(29-бет)

Биринчи марта «Танланган асарлар»нинг 1-томида, сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1936 йилда Чимёнда ёзилган.
5. *Ўн икки булоқ* — Чимёндаги булоқ номи.
6. *Омон ва Бекжон* — шоирнинг фарзандлари; Омон Тошмуҳамедов (1932 йилда туғилган) тарих фанлари кандидати, ТошДУ тарих факультетининг доценти; Бекжон Тошмуҳамедов (1935 йилда туғилган) — биология фанлари доктори, ТошДУ профессори.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ДЕЙДИЛАРКИ, ШЕЪР — ЮЛДУЗ КИПРИГИ...»

(30-бет)

Биринчи марта «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1936 йилда Чимёнда ёзилган.
«Асарлар»нинг 1-томида «Шеър» деб сарлавҳа қўйилган.
Қўлёзма шоир архивида.

## «ЮЛДУЗЛАР ЧАМАН-ЧАМАН...»

(31-бет)

«Танланган асарлар» (1-том), «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.
1936 йилда Чимёнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТОҒ САЙРИ

(32-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1936 йилда Чимёнда ёзилган.

Қўлёзма текстида шеърга «Тоғ кезиндиси» деб сарлавҳа қўйилган.

1. *Ўн икки булоқ* — Чимёндаги булоқ номи.

16. *Иппокрена* — Беотиянинг Геликон деган тоғ чўққисидаги чашма. Ривоятларга кўра, Пегас отининг туёғи тегиши билан пайдо бўлган бу чашма шоирларга илҳом бериш қудратига эга бўлган. Иппокрена кўчма маънода «илҳом манбаи» маъносини билдиради.

19. *Шеърнинг ўн икки қалби* — бу ибора шеърнинг босма текстларида *ўн икки шеър қалби* бўлиб кетган. Бу сўнгги иборага асосланиб Ойбек ижодининг баъзи бир текширувчилари (Ҳ. Салоҳ) шоирнинг «Чимён дафтари» ўн икки шеърдан иборат, деб нотўғри хулосага келганлар.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЧИМЁНДА БИР КЕЧА

(33-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Кўнгил куйлари», «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

1936 йил августида Чимёнда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ГЎЗАЛ ЧИМЁН

(35-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър 1936 йилда Чимёнда ёзилган.

«Чимён дафтари»га кирган бу сўнгги шеърда шоир Чимён билан хайрлашади. Шунинг учун шеър қўлёзмасининг қора нусхасига «Чимёнда видолашув», оқ нусхасига «Хайр» деб, «Ўзбек поэзиясининг антологияси» (1948) текстида эса «Видо» деб сарлавҳа қўйилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ПУШКИН

(38-бет)

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар», «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

1936 йилда ёзилган.

Ойбекнинг юқорида қайд этилган тўпламларида «Пушкин» сарлавҳаси остида шоирнинг 1949 ва 1936 йилда ёзган шеърлари кетма-кет берилган. Мазкур шеър шу асарга иккинчи қисм сифатида кирган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУРАШЧИ ИСПАНИЯ ХАЛҚИГА

(40-бет)

Биринчи марта «Совет адабиёти»нинг 1937 йил 3-сонида босилган.

1936 йилда ёзилган.

Шеър Испаниядаги фашистлар диктатурасига қарши Коммунистлар партияси бошчилигида гражданлар уруши бошлаган (1936) испан халқига бағишланган.

33. *Долорес* — Испания Коммунистлар партиясининг раиси Д. Ибаррури (1895 йилда туғилган). Испан халқининг Италия—Германия интервенциясига қарши олиб борган курашининг (1936—1939) раҳбарларидан бири, «Халқлар ўртасида тинчликни ўрнатиш» халқаро Ленин мукофоти лауреати.

34. *Генераллар* — Генерал Франко ва унинг теварагидаги фашист ҳарбий диктатурасининг корчалонлари.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ҲАРБ ВА СУЛҲ

(42-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1970 йил 11 январь сонида эълон қилинган.

Шеър 1936 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

**1937**

## ЛЕНИН

(47-бет)

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1955 йил 22 апрель сонида, кейинчалик «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган бу шеър 1937 йилда ёзилган.

Юқорида қайд этилган тўпламларда шеърнинг ёзилган вақти 1930 йил деб қайд этилган. Шеърнинг қўлёзмасида эса унинг ёзилиш вақтини кўрсатувчи ҳеч қандай белги йўқ. Лекин бу шеър билан 1937 йилда яратилган «Камончи» достонининг қўлёзма нусхаларини солиштириш уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда яратилганидан гувоҳ беради. (Бу асарларнинг ҳар иккаласи ҳам кўк қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган.) «Ленин» шеърининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳам унинг 1937 йили ёзилганини тасдиқлайди.

«Шеърлар»да 19—24 мисралар, «Қуёш қўшиғи», «Шеърлар» ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида 61—66-мисралар тушиб қолган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## СЕНИ КЎРДИЛАР

(50-бет)

Биринчи марта «Қуёш қўшиғи»да эълон қилинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1937 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги (17—27 май)нинг якунловчи кечасидан сўнг, шу кеча таассуротлари асосида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## БИР БАХТ ТАРИХИ

(51-бет)

Биринчи марта «Қуёш қўшиғи»да, сўнгра «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1937 йил августида ёзилган бу шеър қўлёзмаси шоир архивида сақланмоқда. Бу қўлёзмадан маълум бўлишича, шеър дастлаб «Янги хўжайинлар» деб аталган.

## ШОИРНИНГ БОЛАЛИГИ

(56-бет)

1937 йилда ёзилган бу шеър «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида эълон қилинган. Шеърнинг биринчи босма манбаи ҳақида маълумот учрамади. Бу шеърда тасвирланган автобиографик элементлар Ойбекнинг бошқа қатор асарларида, шу жумладан «Болалик» қиссасида ҳам зикр этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ИЛК ШЕЪР

(61-бет)

«Қуёш қораймас», «Шеърлар», «Куйлар» ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида эълон қилинган бу шеър 1937 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## МАШРАБ

(63-бет)

Биринчи марта «Қуёш қўшиғи»да, сўнгра шоир «Танланган асарлар»и ва «Асарлар»ининг 1-томларида эълон қилинган.

Шеър шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхада достон деб аталган. Афтидан, шоир ўзининг «Юлдузлар» туркумида тасвирланган машҳур сиймолар — Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, А. С. Пушкин ва Максим Горький тўғрисида лирик достонлар ёзишни кўзда тутган ва аксарият ҳолларда ўз ниятини амалга ошира борган.

Ушбу шеърда тасвирланган Бобораҳим Машраб (1657—1711) — таниқли ўзбек шоири. Андижонда туғилган Бобораҳим ота-онаси билан Наманганга кўчиб келгач, Муллабозор охун деган бир эшоннинг тарбиясига ўтади. Бу охун Бобораҳимни 25 ёшларида Қашқардаги Оппоқхўжа деган эшонга мурид қилиб жўнатади. Бобораҳим 7 йилгача хўжанинг ўтинини ёриб, сувини ташиб, хизмат қилади ва шу ерда Машраб лақабини олади. Бироқ муридлик тар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тиб-қоидаларини бузгани учун Оппоқхўжа даргоҳидан қувғин этилади ва шу даврдан бошлаб Машрабнинг дарбадарлик йиллари бошланади. У Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, қаландар шоир сифатида шуҳрат қозонади. Ўша даврнинг расмий идеологияси бўлмиш ислом ва унинг ақидалари устидан кулгани учун руҳонийлар ва ҳукмдорлар томонидан таъқиб қилинади. Ниҳоят, Балх ҳокими Маҳмудий Қатағоннинг фармони билан дорга осилади.

Машрабнинг ғазалларида замон ва дин аҳллари устидан кулиш майли кучлидир.

## ЙИГИРМА ЁШЛИЛАР БИЛАН СУҲБАТ

(66-бет)

1937 йил ноябрида ёзилган бу шеър Ойбекнинг «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» ва «Асарлар» тўпламларининг 1-томларида, шунингдек «Ёш ленинчи» газетасининг 1955 йил 21 май сонида эълон қилинган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеърнинг дастлабки сарлавҳаси «Тарихдан бир парча» бўлган. Лекин кейинчалик бу сарлавҳа шоир томонидан «Йигирма ёшлилар билан суҳбат» деб ўзгартирилган. Шеър 1937 йил ноябрида Октябрь революциясининг йигирма йиллиги муносабати билан ёзилган.

Мазкур шеър Ойбекнинг «Қуёш қўшиғи» асари билан деярлик бир вақтда ёзилгани ва бир мавзуга — Октябрь революциясига бағишлангани сабабли улар ўртасида ғоявий ва бадиий жиҳатдан муайян яқинлик бор. Ана шу яқинликнинг белгиси сифатида «Қуёш қўшиғи»нинг қўлёзма нусхасидаги 17—28-мисралар мазкур шеърга 13—24-мисралар бўлиб ўтган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ҚУЁШ ҚЎШИҒИ

(74-бет)

1937 йилнинг ноябрида Октябрь революциясининг 20 йиллиги муносабати билан ёзилган бу шеър биринчи марта «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1955 йил 20 май сонида, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1955 йил 11-сонида, шунингдек «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том) тўпламларида эълон қилинган.

Шеърнинг Ойбек архивида сақланаётган қўлёзма нусхасидаги 17—28-мисралар кейинчалик «Йигирма ёшлилар билан суҳбат» шеърига олиб киритилган. Шеър дастлаб «Йигирма яшар қуёш байрами» деб номланган.

## ҚУЁШ ЙЎЛИ

(77-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1975 йил 30 сентябрь сонида эълон қилинган бу шеър ҳам 1937 йилда ёзилган. Мазкур шеър 1937 йилда Ғафур Ғулом, Ойбек ва Абдулҳамид Мажидий томонидан ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» газе-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тасининг 1 март сонида қисқартирилган ҳолда эълон қилинган «Ўзбекнома»нинг Ойбек қаламига мансуб қисмини ташкил этади. Октябрь инқилобининг йигирма йиллигига бағишланган ҳамда СССР нинг янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан яратилган «Ўзбекнома»нинг муқаддима қисми Ғафур Ғулом томонидан, ўзбек халқининг тарихий йўлини акс эттирувчи бўлаги А. Мажидий тарафидан, халқимизнинг инқилобдан кейинги ҳаётини акс эттирувчи боблари эса Ойбек томонидан ёзилган. Бу асар, баъзи бир сабабларга кўра, мукаммал ҳолда босилмай қолган.

Ойбек кейинчалик мазкур асарнинг ўз қаламига мансуб қисмини қайта ишлаб, уни «Қуёш йўли» сарлавҳаси остида нашрга тайёрлай бошлаган. Аммо бошқа ижодий ишлар билан банд бўлгани важидан мазкур шеърни эълон қилишни унутган.

Шеърнинг қўлёзма нусхалари шоир архивида.

Шеърнинг 141—144-мисралари «Қуёш қўшиғи»нинг 89—92-мисраларида жузъий ўзгаришлар билан такрорланган.

## КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА

(84-бет)

1937 йилда ёзилган бу шеърнинг биринчи босма манбаи номаълум. «Қуёш қўшиғи» ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида чоп этилган.

Шеър СССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниши (5 декабрь) муносабати билан ёзилган.

Шоир архивида сақланаётган шеърнинг қўлёзма нусхасида унинг ёзилган санаси 1938 йил деб нотўғри қайд этилган. Бу сана кейинчалик ёзиб қўйилган бўлиши мумкин.

## САЙЛОВ

(85-бет)

1937 йилда, янги Конституцияга биноан СССР Олий Советига ўтказилган биринчи сайлов муносабати билан ёзилган. Шеърнинг биринчи босма манбаи номаълум. «Қуёш қўшиғи» тўпламида ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида эълон қилинган. Бу шеърнинг ҳам ёзилган санаси қўлёзмада 1938 йил деб қайд қилинган.

Шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивида.

# 1939

## ҚАНАЛДА

(87-бет)

1939 йил августида Катта Фарғона канали қурилишида ёзилган бу шеър биринчи марта «Доҳийнинг илҳоми билан» сарлавҳаси остида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1939 йил 21 август сонида, кейинчалик «Сталин дарёси» ва «Башар қуёши» тўпламларида эълон қилинган. Шоирнинг «Қуёш қўшиғи» тўпламида ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида эса «Қаналда» сарлавҳаси остида қайта чоп этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеър 1939 йил август ойининг ўрталарида Учқўрғонда ёзилган. Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## КАНАЛ БОШИДА

(89-бет)

1939 йил 8 августда Олтинкўлда ёзилган. Биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1975 йил 1-сонида эълон қилинган.

Шеър Ойбекнинг Катта Фарғона канали қурилишида тутган дафтарларидан бирига, «Каналда» шеърининг орасига битилган. Афтидан, шоирнинг «Каналда» шеъри «Канал бошида» шеъридан олдин бошланган, лекин ундан кейин тугатилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ШОДИЁНА

(90-бет)

1939 йил августида ёзилган бу шеър Ойбек, Миртемир, Юнус Латиф ва Насрулло Охундий томонидан ёзилган ва «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йилги 3 сентябрь сонида эълон қилинган «Шодиёна» қасидасининг Мусо Тошмуҳаммад ўғли қаламига мансуб қисмидир.

Катта Фарғона каналининг қурилиши муносабати билан ва Ўзбекистон партия ташкилотининг топшириғига кўра, 1939 йилда Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон канал қурувчилари номидан Марказий Комитетга шеърий хат ёзишга киришадилар. Бу ижодий тадбирлардан бехабар бўлган Ойбек, Миртемир, Юнус Латиф ва Насрулло Охундийдан иборат шоирлар группаси ҳам ўзбек халқининг улкан сув омбори барпо этилиши муносабати билан кечинаётган шодлик ва қувонч туйғуларини ифодаловчи «Шодиёна» номли нома яратадилар. ЎзКП(б) Марказий Комитетининг собиқ секретари Усмон Юсуповнинг маъқуллаши ва тавсияси билан бу асар ўша йилнинг 3 сентябрь куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида эълон қилинади.

Мазкур номанинг 1—72, 185—200, 245—252, 409—420, 429—436, 441—448, 454—460, 501—552, 557—570-мисралари Ойбек томонидан, 464—498-мисралари Миртемир томонидан, қолган мисралари эса Юнус Латиф ва Насрулло Охундий тарафидан ёзилган.

Ушбу шеър Ойбекнинг ана шу нома учун ёзган қисмидан олинди.

17. *Ноён* — катта бек демак.

20. *Тархон* — хон ёрлиғи билан катта имтиёзлар олган шахс. Тўққиз марта жиноят қилмагунча, судга тортилмас экан.

24. *Абри навбаҳор* — навбаҳор булути.

40. *Ҳалим қаҳрамон* — сув келтириш учун камбағалларни ариқ қазишга бошлаб чиққан киши. У кўп йиллар мобайнида ариқ қазиган, лекин мақсадига етолмай, шу чўлда ҳалок бўлган.

49. *Ҳо дарвеш* — Хўжанд—Конибодом ўртасидаги чўлнинг эски номи.

69. *Ядачи* — қурғоқчилик йилларида кўкни авраб, ёғин ёғдиришни ваъда қилувчи жодугар: *соҳир (сеҳргар* сўзидан) *ядачи* — сеҳргар жодугар демак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойбек архивида сақланаётган қўлёзмада шеърнинг композицияси (бандлар тартиби) бошқача берилган.

## ЮРИШ

(97-бет)

1939 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта чоп этилмоқда.

30-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳасан кўлида, Халхин-Голда ва оқ финлар билан бўлган тўқнашувларда Совет Ватанининг даҳлсизлигини шараф билан ҳимоя қилган Қизил Армия халқнинг муҳаббатига сазовор бўлган ва жаҳонда сулҳ яратувчи, халқлар осойишталигини таъминловчи армия сифатида шуҳрат топган эди. Ойбек ҳам ушбу шеърда совет қўшинининг, совет қуролининг жанговар шуҳратини улуғлайди.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

**1941**

## ЁВГА ЎЛИМ

(100-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон»нинг 1941 йил 24 июнь сонида, кейинчалик «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да қайта эълон қилинди

Ушбу шеър ўзбек совет шоирларининг Улуғ Ватан уруши бошланиши муносабати билан ёзган ва совет халқини кураш ва ғалабага даъват этган дастлабки асаридир.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЗАФАР БИЗНИКИ!

(101-бет)

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 11 июль сонида эълон қилинган ва кейинчалик шоирнинг бирорта ҳам шеърий тўпламларига киритилмаган.

Шеърнинг шоир архивида сақланаётган қўлёзмасига «Биз енгамиз» деб сарлавҳа қўйилган.

## ЙИГИТЛАРГА

(103-бет)

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 1 июль сонида эълон қилинган бу шеър кейинчалик Ойбекнинг «Қуёш қўшиғи», «Оловли йиллар» ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар» тўпламларининг 1-томларида қайта чоп этилган.

Ушбу шеър қўлёзмада «Ватанимнинг йигитларига» деб аталади.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ВАТАННИ СЕВ

(104-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон»нинг 1941 йил 7 сентябрь сонида эълон қилинган ҳамда «Қуёш қўшиғи», «Оловли йиллар», «Тан-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган асарлар» (1-том) ва «Асарлар» (1-том)да қайта нашр этилган. Қўлёзмада, «Қуёш қўшиғи» ва «Танланган асарлар» ҳамда «Асарлар»да шеърнинг сарлавҳаси «Ватан ҳақида» деб аталган. Сарлавҳа остидаги «Фронтга кетувчи ўртоқларга» деган изоҳ шеърнинг қўлёзма нусхасида йўқ.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ОНА СЎЗИ

(105-бет)

«Фронт бўйлаб», «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган бу шеър қўлёзмада ҳамда «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарида «Ўзбек онасининг насиҳати» деб аталади.

Ойбек ушбу шеърни Ғарбий фронтда жанг қилган ўзбек йигитлари билан 1943 йилнинг 3 январида бўлиб ўтган учрашувида ўқиб берган. Лекин шеърни қачон ва қаерда ёзганлиги ҳақида бирор маълумот бермаган. «Оловли йиллар» ва «Асарлар»да шеърнинг ёзилган санаси 1941 йил деб кўрсатилади.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ҚОРАХАТ

(107-бет)

Биринчи марта «Оловли йиллар», сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган бу шеър 1941 йилда ёзилган.

Бу тўртликнинг қўлёзмаси шоир архивида.

## «УЧДИ ТУПРОҚ, ТЕМИР, УЧДИ БОШ-ОЁҚ...»

(108-бет)

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган ва ёзилган санаси «1943 йил, февраль» деб нотўғри кўрсатилган бу шеър 1941 йилда ёзилган. Қўлёзмада шеър сарлавҳаси «Қўшпичоқ» деб аталади.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

# 1942

## ХАЙРЛАШУВ

(109-бет)

1942 йилда ёзилган бу шеърнинг биринчи босма манбаи ҳақида маълумот учрамади. «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «УРУШ! ОЛОВ, ЎЛИМ БЎРОНИ!..»

(111-бет)

Биринчи марта «Оловли йиллар»да, сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган бу шеър 1942 йилда ёзилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## БИЗНИНГ БАЙРОҚ

(112-бет)

1942 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил 10 январь сонида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЕР

(113-бет)

1942 йил 6 апрелда Шимолий Тошкент канали бўйларида ёзилган бу шеър биринчи марта «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БЎЛСАЙДИ ЮРАГИМ БИР ДЕНГИЗ...»

(114-бет)

1942 йил 24 июнда ёзилган бу шеър биринчи марта «Гулистон» журналининг 1975 йил 1-сонида эълон қилинган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхада ва «Гулистон» вариантида шеър «Болаларимга» деб номланган.

## «ОЛМАЛАР ТАРАМ-ТАРАМ...»

(115-бет)

1942 йил 26 июнда ёзилган бу шеър биринчи марта «Оловли йиллар»да, сўнгра «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ГОРЬКИЙ

(116-бет)

1942 йилнинг 28 июнида ёзилган бу шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шу йилги 9 июль сонида, сўнгра «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинди.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «СЕНДАДИР КЎЗЛАРИМ, СЕНДАДИР КЎНГИЛ...»

(117-бет)

1942 йил 12 июлда ёзилган. Биринчи марта шоирнинг «Оловли йиллар» тўпламида, сўнгра «Кўнгил куйлари»да ва «Асарлар»нинг 1-томида чоп этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ҲАЁТ ҚАЪРИ ЛАРЗАДА...»

(118-бет)

1942 йил 14 июлда ёзилган бу шеър шоирнинг «Оловли йиллар» тўпламида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида нашр этилган.
Шеър қўлёзмаси Ойбек архивида.

### «ЧАШМА БОШИДА ЎТИР, ОЛ ОРОМ...»

(119-бет)

1942 йил 18 июлда ёзилган. Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида босилган бу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида.

### «ЁР КЕТДИ, ҚЎЗИМ БУЛОҒИ ҚОЛДИ...»

(120-бет)

1942 йил 26 июлда ёзилган.
«Оловли йиллар», «Кўнгил найлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон этилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### СЕНИНГ ҚУВОНЧИНГ

(122-бет)

1942 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон»да (2 авг.) «Кунлар келар» сарлавҳаси остида эълон қилинган. Сўнгра «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да қайта босилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ОТАМНИНГ ҚАБРИМИ МАНА ШУ ДЎМБОҚ!..»

(124-бет)

1942 йил 2 августда ёзилган.
«Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.
Шоирнинг отаси Тошмуҳаммад Дадақўзи ўғли тахминан 75 ёшларида, 1942 йилда вафот этган. Шеър ана шу муносабат билан ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ТУН... ШАМОЛЛАР КЕЗАР БЕТИНИМ...»

(125-бет)

Биринчи марта Ойбек «Асарлар»ининг 1-томида, сўнгра «Совет



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил 10 январь сонида эълон этилган бу шеър 1942 йил 4 августда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «УЙҒОНГАЧ УМРНИНГ ИЛК БАҲОРИ...»

(126-бет)

1942 йил 30 августда ёзилган.

Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

«Асарлар»да эълон қилинган шеър варианти «Созим» деб аталган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «САЛОМ, ЭЙ ОЙ...»

(127-бет)

1942 йил 31 августда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## КИЧКИНА ҲОДИСА

(128-бет)

1942 йил сентябрида ёзилган бу шеър ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шеър қўлёзмаларнинг бирида «Кичик ҳодиса» деб ҳам аталади.

Рус ёзувчиси ва адабиётшуноси Л. Г. Бать ўзининг «Унутилмас учрашувлар» китобида (М., 1972) Ойбекни унинг отаси вафот этган кундан кейин (орадан бир неча вақт ўтгач) кўргани ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Биз шу кун шаҳарда кўп юрдик. Ойбек ўз шеърларини ўқиди. У менинг эътиборимни, афтидан, ўзининг севимли шеърларидан бирига — шаҳарга учиб келган, аммо тер ва дуд билан тўла ҳаводан ҳалок бўлган капалак тўғрисидаги шеърга жалб этди. Шубҳасиз, бу мажоз бўлиб, шоир капалак мисолида ўз муҳитидан ажратиб олинган ва унинг учун ёт ҳамда ўлакса заминга кўчирилган инсонни кўзда тутган эди.

Ойбек бу шеърнинг бадиий нафосатини шундай мукаммал ва дид билан очиб бердики, мен бу шеърни таржима қилишни хоҳлаб қолдим...»

Шундай қилиб, бу шеър олис уруш йилларидаёқ рус тилига таржима этилган ва машҳур бўлган эди.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «УМРИМ БОР, МАФТУНМЕН МАНГУ ЧИРОЙГА...»

(129-бет)

1942 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1971 йил 12 январь, «Тошкент оқшоми» газетасининг 1975 йил 2 октябрь сонларида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ОЛТИН ЧАҚНАР УВАЛАР...»

(130-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1965 йил 19 июнь сонида, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган бу шеър 1942 йилда ёзилган.

«Асарлар»да шеърнинг ёзилган вақти 1934 йил деб нотўғри қайд этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БИР ЮТУМ МАЙ БИЛАН ДЎСТНИНГ СУҲБАТИ...»

(131-бет)

1942 йил 6 октябрда ёзилган.

«Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КУЗ ЁМҒИРИ, ҚУЙ, ҚУЙ МУТТАСИЛ...»

(132-бет)

1942 йил 7 октябрда ёзилган бу шеър биринчи марта чоп этилмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚУЁШНИНГ МАЙИН ЗАР МУЙНАСИН...»

(133-бет)

1942 йил 10 октябрда ёзилган бу шеър «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## САЛОМ ДЕБ ҚОЛДИЛАР

(134-бет)

1942 йил 1 декабрда фронт йўлида ёзилган.

«Оловли йиллар», «Фронт бўйлаб» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЖУМАНИЁЗ ХУДОЙБЕРГАНОВГА

(135-бет)

1942 йил декабрида фронтда ёзилган ва ўша ерда ўқиб берилган. «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган. Шеърнинг ёзилган вақти сўнгги икки нашрда 3 декабрь деб нотўғри қайд этилган. Ойбек фронтга юборилган Ўзбекистон бадиий бригадаси составида 6 декабрдагина Москвага етиб келган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеър қўлёзмада «Худойберганов Жуманиёзга» деб, «Қуёш қўшиғи» ва «Танланган асарлар»да «Худойберганов Жуманиёз», «Оловли йиллар» ва «Асарлар»да эса «Жуманиёз Худойберганов» деб номланган.

*Жуманиёз Худойберганов* — Совет Иттифоқи Қаҳрамони. «Фронт бўйлаб»да айтилишича, «У старший сержант, батальон бўйича сиёсий раҳбар муовини. Фронтда партияга кирган. Худойберганов «Оржоникидзе» колхозидан. 1942 йил июндан бошлаб фронтда» (34-бет). Ж. Худойберганов 1944 йилда фронтда қаҳрамонона ҳалок бўлган.

## ЙИГИТНИНГ ЙИГИТИ

(136-бет)

1942 йил 4 декабрда Тошкент—Москва йўлида ёзилган. «Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида чоп этилган.

Шеър Тешабой исмли жангчига бағишланган. Ойбекнинг «Ёвга от солсам эди» ва «Навқирон ёр, сенга ҳар дам талпинадир бу кўнгил...» шеърлари ҳам шу асардан (Ойбек айтмоқчи, «Тешабой Одилов» номли кичик достондан) бўлса керак.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЁВГА ОТ СОЛСАМ ЭДИ

(139-бет)

1942 йил декабрида ёзилган бу шеър «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарида Ойбекнинг «Навқирон ёр, сенга ҳар дам талпинадир бу кўнгил...» матлали шеъри билан бирга босилган. Бу шеър Тешабой Одиловга бағишланган «кичик достон»дан олинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «НАВҚИРОН ЁР, СЕНГА ДОИМ ТАЛПИНАДИР БУ КЎНГИЛ...»

(140-бет)

1942 йил декабрида ёзилган ва «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарида эълон қилинган бу шеър ҳам Тешабой Одиловга бағишланган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ҚИЗ ОРЗУСИ

(141-бет)

1942 йили фронтда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЙЎЛ

(142-бет)

1942 йил 11 декабрда ёзилган бу шеър ҳам биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЗЕБО

(143-бет)

1942 йил 16 декабрда Москвада ёзилган. «Оловли йиллар», «Фронт бўйлаб» ва «Асарлар»нинг 1-томида чоп этилган.

*Зебо* Ғаниева (1924 йилда туғилган) — уруш йилларида 3-Москва коммунистик дивизияси составида қаҳрамонона жанг қилган снайпер; Жанговар Қизил Байроқ орденининг кавалери; ҳозир СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.

Ойбек 1942 йил 16 декабрда фронтдан яраланиб қайтган Зебони кўриш учун Москва госпиталларидан бирига боради ва у ерда ўзининг ушбу шеърини ўқиб беради.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЎЗЛАРИНГНИНГ ШАҲЛОСИ БАЛО ЭКАН-КУ...»

(144-бет)

1942 йил 21 декабрда фронтда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ОФАРИН

(145-бет)

1942 йилнинг 24 декабрида фронтда ёзилган. «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарида, «Оловли йиллар» тўпламида ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър янгийўллик аълочи снайпер Сайфохун Сатторовга бағишланган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## АҲДУ ПАЙМОН УЗИЛМАС

(146-бет)

1942 йил декабрида фронтда ёзилган. «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## АВТОМАТ

(147-бет)

1942 йил декабрида ёзилган. «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎНГГИ ТОМЧИГА ҚАДАР

(148-бет)

1942 йил декабрида фронтда ёзилган. «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеър «Сўнг томчига қадар» деб номланган.

## ҚАҲРАМОНЛАР

(149-бет)

1942 йил декабрида фронтда ёзилган бу шеър «Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЛЕНИН ШАҲРИГА

(151-бет)

1942 йил декабрида ёзилган бу шеър биринчи марта «Шонли Ленинград» тўпламида (Т., 1942) «Муҳаббатимиз чексиз» сарлавҳаси остида эълон қилинган. Сўнгра «Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеър «Ленинградга» деб, иккинчи бир қўлёзмада эса «Халқ муҳаббатининг тўлқини» деб номланган.

## «ЖОНОН, СЕНДАН ДИЛИМ, ЖОНИМ АЙЛАНСИН...»

(152-бет)

1942 йили фронтда ёзилган. Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеър текстидан кейин «Бухоро, Свердлов райони, Шергарон с/с, к/з им. Сталина, Фатхуллаева Зулфия» деган сўзлар ёзилган. Эҳтимол ушбу шеър Ойбек томонидан, бирор жангчининг илтимосига кўра, ёзилган ва мазкур адресга юборилгандир.

# 1943

## «У ЎЗБЕКНИНГ АСЛ БОЛАСИ...»

(153-бет)

1943 йил 2 январда фронтда ёзилган ва жангчи Абдуллажон Турдиевга бағишланган. Биринчи марта «Фронт бўйлаб» кундалигида қуйидаги изоҳлар билан эълон қилинган:

«*2 январь*... Бузуқ бир қишлоқда тўхтадик. Дивизия қўмондони ҳар ердаги каби очиқ юз билан қаршилади. Иссиққина уйда чой ичдик-да, кейин ченаларга ўтириб, қалин қорли далада полкка кетдик. Хароб қишлоқдаги кичкина клубда митинг бўлди. Олдинги позициядан 70—80 та ўзбек жангчилари келган. Ҳаммаси қуролли. Кўпларида автомат. Ораларида лейтенант ва сержантлар, 5—10 лаб



www.ziyouz.com kutubxonasi

немисни ўлдирганлар, урушнинг то биринчи кунларидан бошлаб олов ичида юрганлар бор. Ёш, келишган йигитча — старший сержант Турдиев Абдуллажонга бағишлаб 5—10 минутда кичкина шеър ёздим-да, митингда ўқиб бердим. Кейин унинг дафтарига кўчириб бердим... Менинг дафтаримда шеърнинг хомаки икки банди қолган экан» (32-бет).

Бу воқеа Смоленск областининг Горловка қишлоғида бўлган эди. Ойбек 5 январда А. Турдиев билан иккинчи марта учрашган. «Фронт бўйлаб»да қуйидаги сатрлар бор:

«У деди: ...Қанча немисни ўлдирганимни билмайман. Бронли поездда нишонга олувчи бўлиб ишладим. Киев остида ярадор бўлдим. Олма-отага бориб ётдим, уч ой даволандим. 1942 йилда яна чақирилдим» (40-бет).

А. Турдиев ҳозир Наманган район жамоат тартибини сақлаш бўлимининг бошлиғи, ички ишлар хизмати подполковниги.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БОТИР ЙИГИТ, ОНА СУТИН ОҚЛАДИНГ...»

(154-бет)

1943 йил 7 январда ёзилган бу шеър «Фронт бўйлаб»да эълон қилинган. Ушбу кундаликда Ойбек ёзади:

«Машҳур снайпер Икром Тошматов билан суҳбатлашдим. Ёш, содда, кулар юзи ўтли йигит. Мен унга бағишлаб бир шеър ёзиб, ўқиб бердим. У менга рассом томонидан ишланган расмини эсдалик учун берди» (42-бет).

Икром Тошматовнинг акварель билан ишланган расми «Фронт бўйлаб» кундалигининг муқовасида берилган. И. Тошматов Ойбек билан учрашувдан кейин кўп ўтмай, қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЮРАГИМ ДУШМАНГА ҚАТТИҚДИР ТОШДАН...»

(155-бет)

1943 йил 9 январда Гвардиячи 49-дивизиянинг 51-полки чойхонасида ўтказилган митинг ва концертдан кейин ёзилган. Жангчилар бу концертда «қалбларидаги ҳислар ва туйғуларини, ҳижрон дардларини қўшиқ билан, куй билан» айтганлар. Ойбек бу учрашувдан жуда таъсирланиб, элатлари тарқалишгач, «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарига ушбу тўртликни ёзиб қўйган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ИЗСИЗ ҚИШЛОҚ

(156-бет)

1943 йил 24 январда ёзилган бу шеър «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ЭРТА БИЛАН ЧИҚДИМ ИНИМДАН...»

(157-бет)

1943 йил 25 январда фронтда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЖАНГЧИ ХАТИДАН

(158-бет)

1943 йил 25 январда фронтда ёзилган.

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЖАНГЧИ ЭЛАТИМ ОЛДИДА

(160-бет)

1943 йил январида фронтда ёзилган.

«Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да чоп этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «УЗИЛИБДИ ҚЎПРИКНИНГ БЕЛИ...»

(161-бет)

1943 йил 5 февралда фронтда ёзилган.

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚОРЛИ ЙЎЛЛАР, УХ, УЗУН...»

(162-бет)

1943 йил февралида фронтда ёзилган.

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «АСКАР ЮРАР БУ ЙЎЛДАН...»

(163-бет)

1943 йил февралида ёзилган бу тўртлик шоир архивида сақланаётган қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

## ЖАНГЧИНИНГ ЮРАГИ

(164-бет)

1943 йил февралида Москвада ёзилган.

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖАНГЧИ ОРЗУСИ

(166-бет)

1943 йил февралида ёзилган бу шеър дастлаб «Ватан учун» ашулалар тўпламида (М., 1944), сўнгра «Оловли йиллар ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЖАСУР ЙИГИТЛАРГА

(167-бет)

1943 йил январида ёзилган ва биринчи марта «Жангчилар» сарлавҳаси билан «Ватан учун» (М., 1944) тўпламида, кейинчалик «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том) ва «Асарлар» (1-том) да эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ҚЎРКАМ ТОЛ

(168-бет)

1943 йил февралида ёзилган бу шеър биринчи марта «Оловли йиллар»да эълон қилинди, сўнгра «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди.

Шеър архивида ушбу шеърнинг 25 мисраини ўз ичига олган парчасигина сақланиб қолган.

## БОМБАРДИМОН ВАҚТИДА

(170-бет)

1943 йил февралида фронтда ёзилган.

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «МАЙДА ҚОР УЧАР ҚАЛИН...»

(172-бет)

1943 йилда ёзилган ҳамда «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЙИҒИ КЕЛМАЙДИ СИРА...»

(173-бет)

1943 йил 17 февралда фронтда ёзилган.

«Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар», «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХАЙР, ДЎСТИМ!

(174-бет)

1943 йилда фронтдаги ўзбек жангчилари билан хайрлашувдан сўнг ёзилган. Ойбекнинг Ватан уруши фронтларида ёзган бу сўнгги шеъри «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ДАВЛАТ НАШИДАСИ

(175-бет)

1943 йилда ёзилган бу шеър «Ватан» сарлавҳаси билан «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган. Шеърнинг шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхаларининг бирида «Ватан ҳақида», иккинчисида эса «Давлат нашидаси» деб сарлавҳа қўйилган. Ойбекнинг Ватан ҳақидаги бошқа шеърларидан фарқлаш осон бўлиши учун шеърнинг «Давлат нашидаси» сарлавҳаси маъқулроқ кўринди.

Ойбек 1943 йилда Ўзбекистон Давлат Гимни яратиш учун эълон қилинган конкурсда қатнашиш мақсадида Ватан ҳақида бир неча қўшиқлар яратади. Ушбу шеърларнинг бир-бирига мазмун жиҳатидан хийла яқинлиги шу ҳол билан изоҳланади.

Шеърнинг қўлёзма нусхалари шоир архивида.

## ВАТАН

(176-бет)

1943 йил августида ёзилган бу шеър «Оловли йиллар» ва «Асарлар» (1-том)да нашр этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ВАТАН ҚАСИДАСИ

(178-бет)

1943 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган. Шеър қўлёзма нусхада «Ўзбекистон Давлат гимни» деб аталади. Ушбу шеър республика давлат гимни тексти учун эълон қилинган конкурсга атаб ёзилган.

Шеърнинг қўлёзма нусхалари шоир архивида сақланмоқда.

## «ЗЕРИКИШДАН ЗЕРИКДИМ ЖУДА...»

(180-бет)

1943 йил 22 сентябрда Қаршида ёзилган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ҚУЛФАТДИР ҲАЁТНИНГ ҲАМРОҲИ...»

(181-бет)

1943 йил 22 сентябрда Қаршида ёзилган.
Биринчи марта эълон қилинмоқда.

## «ПАХСА ДЕВОРЛАРНИНГ ХАРОБАЛАРИ...»

(182-бет)

1943 йил сентябрда Қаршида ёзилган.
Биринчи марта эълон қилинмоқда.

## «ПАСТ-БАЛАНД, БЕЎХШОВ ХОНАЛАР ҚАТОР...»

(183-бет)

1943 йил 27 сентябрда Қарши—Бешкент сафарида ёзилган.

Ойбек Қашқадарёда ёзилган бу тўртликларга «Қишлоқ кўринишлари» деб умумий ном берган.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

## «СОЧЛАРИНГНИНГ ЧАНГИГА БОҚМА...»

(184-бет)

1943 йил 27 сентябрида Қашқадарё областининг Бешкент қишлоғида ёзилган.

Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, сўнгра «Асарлар»нинг 1-жилдида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БОБОЛАРИМ ОТ СУРГАН ЧЕКСИЗ ДАШТ БУ...»

(185-бет)

1943 йил 27 сентябрда Бешкентда ёзилган ва «Қишлоқ кўринишлари» туркумига кирган бу тўртлик ҳам биринчи марта эълон қилинмоқда. Туркумга кирган шеърлар дастхати шоир архивида.

## ЛЕНИНГРАД

(186-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1965 йил 20 мартида эълон қилинган бу шеър 1943 йилда ёзилган.

Ойбек архивида сақланаётган шеър қўлёзмаси шоирнинг «Қутурган йиртқичлар бўсағасида...» матлали шеъри билан кетма-кет ёзилган. Ленинградга бағишланган бу иккинчи шеърнинг вазни ва оҳанги бошқа бўлгани сабабли у ушбу томнинг «Тугалланмаган асарлар. Эскизлар» қисмида берилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОКТЯБРЬ

(188-бет)

1943 йилда ёзилган бу шеър шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхаси асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

## 1944

## «НИМА ДЕСА ДЕСИН ОДАМЛАР...»

(189-бет)

1944 йил 17 февралда ёзилган бу тўртлик Ойбек «Асарлари» нинг 1-томида «Майли» сарлавҳаси билан берилган. Шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхада ҳам шеър шундай аталади.

## «СОҚИЙ, КЕЛ, ТУТ МЕНГА ЛИМ-ЛИМ ПИЁЛА...»

(190-бет)

1944 йил 7 мартда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда. Шеър қулёзмаси шоир архивида.

## ОЙША ХОЛА

(191-бет)

1944 йил мартида ёзилган бу шеър биринчи марта «Қасам» (Т., 1944), сўнгра «Коммунизм сари» (Т., 1949), шунингдек Ойбекнинг «Оловли йиллар» тўпламлари ва «Асарлари»нинг 1-жилдида чоп этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ОЗОД БУЛГАН ШАҲАРДА

(193-бет)

1944 йилда шоирнинг озод этилган шаҳарларга қилган сафари кезларида, Воронежда ёзилган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхада шеър «Қутулган шаҳарда» деб аталади.

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида чоп этилган.

## ҚАҲРАМОНЛАР ҲАҚИДА

(194-бет)

1944 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Оловли йиллар»да, сўнгра «Асарлар»нинг 1-жилдида нашр этилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1945

### ШОН БАЙРАМИ

(196-бет)

«Оловли йиллар» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган бу шеър 1945 йил 2 ноябрда ёзилган. Шеърда яқинлашиб келаётган Октябрь байрами тасвирланади.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## 1946

### АМУ БЎЙЛАРИДА

(197-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1974 йил 22 ноябрь сонида босилган. Шеър 1946 йилнинг 30 январида Нукусда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### СУВ

(198-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1974 йил 22 ноябрь сонида босилган.

1946 йилда ёзилган.

Ойбек «Аму бўйларида» ва «Сув» шеърларини ёзган кезларида СССР Олий Советининг Қорақалпоғистон АССРдан сайланган депутати эди. Шунинг учун ҳам шоир шу йиллари қардош қорақалпоқ халқининг ҳаёти билан яқиндан танишиб, уни ҳаяжонлантираётган масалалар билан қизиқади.

Бу даврнинг асосий муаммоларидан бири сувсиз чўл ва саҳроларга сув олиб чиқиш эди. Партия ва ҳукумат шу мақсадда Бош Туркман каналини қуриш режаларини ўйлаётган эди. Ойбекнинг мазкур шеърида шу ҳаётий масала ўз ифодасини топган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### РАИСА

(200-бет)

Биринчи марта 1946 йилда «Пахтазор қўшиқлари» тўпламида босилган. Кейинчалик «Ўзбек поэзияси антологияси» (1948), «Коммунизм сари» (1949) тўпламларида, «Шарқ юлдузи» журналининг 1955 йил 5-сонида, «Шеърлар» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър 1946 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1947

## ШАРҚДАН ҒАРБГА

(202-бет)

Биринчи марта эълон этилаётган бу шеър 1947 йилда ёзилган. Ойбек 1947 йилнинг апрель ойида СССР парламентарийлари делегацияси составида Англияда бўлади. Ушбу шеърда шоирнинг ана шу сафардан олган таассуротлари баён этилади.

2. *Гайд парк* — Лондоннинг машҳур истироҳат боғи.

3. *Манчестер* — Англия шаҳарларидан бири.

43. *Черчилль* —Уинстон Черчилль (1874—1965)—Англиянинг 1940—1945 ва 1951—1955 йиллардаги бош министри. Черчилль иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон саҳнасида Англия ва Американинг ҳукмронлик сиёсатини ўрнатишга, СССР ва халқ демократияси мамлакатларига қарши янги уруш очишга интилган. Унинг 1946 йил мартида Фультонда сўзлаган нутқи «совуқ уруш»нинг бошланиши эди.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## 1948

## ШОҲИМАРДОН

(205-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1975 йил 10 январь сонида эълон этилган. Ойбек архивида, «Ҳамза» достони қўлёзмалари орасида сақланиб қолган бу шеър 1948 йилда, шоирнинг Шоҳимардонга қилган сафари кезларида ёзилган.

Мазкур шеър «Ҳамза» достони учун ёзилган, аммо достонга кирмай қолган парчалардан бўлиши мумкин.

Шеър қўлёзмасида унинг ёзилган вақти қайд этилмаган.

## ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИДА

(207-бет)

1948 йил 18 ноябрда Москвада ёзилган бу шеър шоирнинг «Шеърлар» тўпламида, «Асарлар»нинг 1-томида, шунингдек «Шарқ юлдузи»нинг 1955 йил 5-сонида, «Тошкент оқшоми»нинг 1967 йил 3 апрель сонларида ва ҳ. к. эълон қилинган.

Шеър қоралама нусхада «Ленин» деб номланган.

67. *Янги жаҳон маҳракидир у.*— Янги жаҳон тимсолидир у.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## 1949

## ПУШКИН

(211-бет)

Биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 6-сони-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да босилган. Бу шеър ўша йилнинг 10 майида А. С. Пушкин туғилган кунга 150 йил тўлиши муносабати билан ёзилган.

Бу шеър «Қуёш қўшиғи», «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том) китобларида шоирнинг Пушкинга бағишлаб 1936 йилда ёзган шеъри билан олдинма — кейин босилиб келган. Мазкур парча шу нашрларда «Пушкин» шеърининг биринчи қисми тарзида эълон қилинган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

(212-бет)

«Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 7-сонида, сўнгра «Қуёш қўшиғи», «Шеърлар» тўпламлари ҳамда «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томларида босилган. Шеърда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан Тошкентда ўрнатилган улуғ ўзбек шоирининг ҳайкали тасвирланади. Ҳайкал 1948 йилнинг майида, Навоий юбилейи кунларида очилган. Ҳайкал ижодкори — Л. А. Дитрих. Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## КАРАЧИДА

(213-бет)

«Шарқ юлдузи» журналининг 1955 йил 5-сонида, «Шеърлар» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

Ойбек 1949 йилнинг ноябрь—декабрь ойларида Покистон тараққийпарвар ёзувчилари уюшмасининг таклифига кўра совет ёзувчилари делегацияси составида Покистонга боради. Шоирнинг «Покистон дафтари»га кирган шеърлар, «Покистон таассуротлари» номли йўл хотиралари», «Нур қидириб», «Зафар ва Заҳро» каби қатор лиро-эпик асарлари ана шу сафардан кейин яратилган.

Ушбу шеър 1949 йилнинг 27 ноябрида Покистоннинг пойтахти Карачида ёзилган ва ўша ерда ўқиб берилган.

## ОРЗУ

(214-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти»нинг 1971 йил 12 январь сонида, кейинчалик шу газетанинг 1975 йил 10 январь сонида эълон қилинган.

1949 йил 18 декабрда Лоҳурда, Покистон сафари пайтида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## УЛУҒ ДОҲИЙГА

(215-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 21 декабрь сонида, сўнгра «Шарқ юлдузи» журналининг ўша йилги 12-сонида ва «Овозимиз» (1950) номли тўпламда чоп этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеър 1949 йил декабрида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## 1950

### ДЕНГИЗ БЎЙИДА ХАЁЛЛАРИМ, 1

(217-бет)

Дастлаб «Танланган асарлар»нинг 1-томида, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1950 йил 26 ноябрда Сочида ёзилган ва шоирнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносировага йўллаган мактубига илова қилинган.

Мазкур шеър «Танланган асарлар»нинг 1-томида сарлавҳасиз босилган. Бу ва бошқа босма манбаларда шеърнинг кимга бағишлангани ҳам айтилмаган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

### ДЕНГИЗ БЎЙИДА ХАЁЛЛАРИМ, 2

(219-бет)

Биринчи марта «Гулистон» журналининг 1975 йил 1-сонида эълон қилинган.

1950 йилнинг 29 ноябрида Сочида ёзилган ва шоирнинг қизи, ҳозир ТошДУ шарқ факультетининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Гулранг Тошмуҳамедовага бағишланган. Бу шеър «Гулистон» журналида «Қизимга» деган сарлавҳа остида босилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

### ДЕНГИЗ БЎЙИДА ХАЁЛЛАРИМ, 3

(220-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1950 йил ноябрда Сочида ёзилган ва шоирнинг ўғли Суюнга бағишланган.

Суюн Тошмуҳамедов — ТошДУ химия факультетининг доценти, химия фанлари кандидати.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## 1951

### ҲАҚГЎЙЛАР

(221-бет)

Бу шеърдан олинган парча биринчи марта «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1954 йил 4-сонида босилган. Шеър кейинчалик «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да тўла ҳолида босилган.

Мазкур шеър шоирнинг 1949 йилда Покистонга қилган сафари хотиралари асосида 1951 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПОКИСТОН ПОЙТАХТИ

(223-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1951 йил 28 октябрь сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1-том), «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да қайта босилган.

20. *Педикап* — Ойбек «Покистон таассуротлари»да ёзишича, мукаммаллашган рикша, яъни велосипедда ҳаллослаб киракашлик қилувчи одам-от.

Юқорида номлари айтилган тўпламларда шеърнинг ёзилган йили 1952 деб нотўғри кўрсатилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

## ПОКИСТОНЛИ АЁЛГА

(225-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1952 йил 1-сонида босилган. Кейинчалик шоирнинг шеърий китобларига киритилмаган. Шеър 1951 йилда, яъни шоирнинг Покистонга қилган сафаридан сўнг ёзилган.

Журнал тексти асосида босилмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## МУҲОЖИРЛАР ЛАГЕРИ

(228-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1952 йил 1-сонида босилган. Кейинчалик «Шарқ юлдузи» журналининг 1955 йил 5-сонида, «Қуёш қўшиги»да, «Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта босилган.

Шеър шоирнинг Покистонга қилган сафаридан сўнг, 1951 йилда ёзилган. Юқорида қайд этилган босма манбаларда эса шеърнинг ёзилган санаси 1952 деб нотўғри кўрсатилган.

Ойбек «Покистон таассуротлари»да хабар беришича, «Лагерлар чўп-хас ва чиркин латталарнинг гигант уюмидан иборат. Қуп-қуруқ саҳрода 250 мингдан ортиқ одам тупроққа қоришиб ётибди. Муҳожирларнинг аҳволига қараб бўлмайди. Покистонда бундан даҳшатлироқ, фожиавийроқ нарса йўқ. Бу ерда чақалоқлардан чолларгача — ҳамма бало гирдобига ташланган. Муҳожирлар учун на иш бор, на нон бор. Касалларига на дори, ўликларига на кафан бор. Чанг, тезак тутуни орасида, чиркин латталар билан тўла далада одамлар чумолидай ғивирлайди (Ойбек, Асарлар, 7-том, 278-бет).

Ойбек очлик ва муҳтожликда яшаган, ҳамма муҳожирлари сони етти-саккиз миллион бўлган Покистоннинг аянчли ҳаётини тасвирлар экан, инглиз мустамлакачиларининг қонли ҳукмронлигига нафрат билдиради, империалистик мамлакатларнинг мустамлакачилик сиёсатини кескин айблайди.

24. *Калькутта* — Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳарларидан бири, Ғарбий Бенгалиянинг маъмурий маркази. 1949 йилда 2,5 млн. аҳолига эга бўлган бу шаҳар ҳам очлик ва муҳтожлик балосидан қутулолмаган. Карачи яқинидаги муҳожирлар лагерига Ҳиндистон ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

Покистоннинг бошқа шаҳарлари қатори Калькуттадан ҳам иш ва нон излаб келганлар.

## 1955

### МАКСИМ РИЛЬСКИЙГА

(231-бет)

«Танланган асарлар» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър 1955 йилда машҳур украин шоири ва олими Максим Рильскийнинг (1895—1964) 60 йиллиги муносабати билан ёзилган.

Юқорида қайд этилган нашрларда шеърнинг ёзилган санаси 1954 деб нотўғри кўрсатилган бўлиши керак. Зероки 1955 йилдагина М. Рильский таваллудига 60 ёш тўлган.

Бу шеър мавжуд босма нусхаларда «Рильскийга» деб аталган.

Ойбек М. Рильский билан бир вақтда СССР Олий Советига депутат, СССР Ёзувчилари Союзи правлениесига эса аъзо этиб сайланган эди. Икки қардош халқнинг улкан ижодкорлари ўртасидаги дўстлик шу вақтдан эътиборан изчил тус олган ва мустаҳкамланган.

Шеърнинг қўлёзмаси бизга учрамади.

### ЙЎЛЧИ ҚЎШИҒИ, I

(232-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми» газетасининг 1971 йил 11 январь сонида эълон қилинган ва Ойбек асарларининг бирорта нашрига киритилмаган.

Шеър 1955 йилда кинорежиссер Латиф Файзиевнинг таклифига кўра «Қутлуғ қон» фильми учун ёзилган.

Мазкур фильм учун ёзилган қўшиқ текстларининг яратилиш йили Л. Файзиевнинг хотирлаши асосида белгиланмоқда.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### ЙЎЛЧИ ҚЎШИҒИ, II

(233-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1971 йил 12 январь сонида, сўнгра «Гулистон» журналининг 1975 йил 1-сонида эълон қилинган.

Бу шеър ҳам 1955 йилда «Қутлуғ қон» фильми учун ёзилган. Фильм композитори Дони Зокиров ушбу шеърга куй басталаган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### ГУЛНОР ВА ЙЎЛЧИ ЛАПАРИ

(234-бет)

Биринчи марта «Гулистон» журналининг 1975 йил 1-сонида эълон қилинган.

Бу шеър ҳам 1955 йилда «Қутлуғ қон» фильми учун ёзилган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеърнинг сарлавҳаси қўйилмаган. «Гулистон»да босилган текстда йигитнинг биринчи ла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

пари қизнинг лапари тарзида берилган, қиз айтган лапарнинг кимга мансублиги эса зикр этилмаган.

## МЕҲНАТКАШЛАР ҚЎШИҒИ

(235-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Бу қўшиқ ҳам 1955 йилда «Қутлуғ қон» фильми учун ёзилган. Қўлёзмада шеърнинг сарлавҳаси ҳам, нақарот ва унинг такрорланиши ҳам қайд этилмаган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЁР-ЁР

(236-бет)

Биринчи марта эълон қилинаётган бу шеър 1955 йилда «Қутлуғ қон» кинофильми учун ёзилган.

Ойбек 1948—1949 йилларда «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзар экан, ўзбек халқ оғзаки ижоди фондида мавжуд бўлган ёр-ёр қўшиғидан фойдаланган ва уни романнинг биринчи нашрига айнан киритган эди. Бироқ 1955 йилга келиб, «Қутлуғ қон» киносценарийсининг режиссёр вариантида кўзда тутилган тўй саҳнаси учун ўзи, халқ ижоди анъаналаридан фойдаланган ва фольклор қўшиқлари услубига созланган ҳолда ёр-ёр қўшиғини ёзади.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## 1957

## МУХТОР АВЕЗОВГА

(238-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1957 йил 30 сентябрда Олма-отада атоқли қозоқ совет адиби Мухтор Авезов (1897—1961)нинг 60 йиллик юбилейи кунлари ёзилган.

6. *Обой* — янги ёзма қозоқ адабиётининг асосчиси, буюк қозоқ маърифатпарвар шоири Обой Қунанбоев (1845—1904).

9. *Сен яратдинг Улуғ Обой достонин* — Ойбек М. Авезовнинг «Обой йўли» эпопеясини кўзда тутмоқда.

Шоирнинг шахсий архивида сақланаётган қўлёзмада шеър сарлавҳаси қўйилмаган.

## «ҲАСТАМЕН... ФИКРГА, ТУЙҒУГА ТЎЛИБ...»

(239-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми»нинг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган.

1959 йил 15 августда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ТУН... ЖИМЛИК... УТИРУРМЕН СОКИН...»

(240-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1959 йил 17 августда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## «ДАРАХТЛАР ОЛТИНДИР, ЯНГРАР ФИРОҚЛАР...»

(241-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1959 йил 16 октябрда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## ЎРТА ДЕНГИЗДА

(242-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» (1965 йил 12 май) ва «Ёш ленинчи» (1965 йил 23 сентябрь) газеталарида «Денгизда» сарлавҳаси остида эълон қилинган. Кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър 1959 йил октябрида шоирнинг Ўрта ер денгизи бўйлаб қилган саёҳатидан сўнг ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## БАЙРУТ

(243-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил 10 январь сонида эълон қилинган.

1959 йил октябрида шоирнинг Ўрта ер денгизи бўйлаб қилган саёҳатидан сўнг ёзилган.

*Байрут* — Ливаннинг пойтахти; Ўрта ер денгизидаги йирик порт. Ойбекнинг сафари кезларида Байрут АҚШнинг ҳарбий денгиз базасига айлантирилган эди.

# 1960

## «КАПТАРЛАР, О, КАПТАРЛАР...»

(246-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър 1960 йилнинг мартида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

## КЎКЛАМ ҲИСЛАРИ

(248-бет)

1960 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойбекнинг шу номдаги биринчи шеъри 1934 йилда бўлган. Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЭЙ ЛЕНИН ВАТАНИ!

(249-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1960 йил 20 апрель сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Шеърлар»да ҳамда С. Долимовнинг саккиз йиллик мактабларнинг 5-синфи учун чиқарилган «Адабиёт» хрестоматиясида (1964) қайта босилган.

1960 йил 16 апрелда ёзилган.

Қўлёзмада, «Ўзбекистон маданияти»да босилган вариантида шеърга «Ленин» деб сарлавҳа қўйилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ХАЛҚ ҚАЛБИДА

(250-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1960 йил 22 апрель сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Шеърлар», «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да қайта босилган.

Шеър 1960 йил 20 апрелда Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан ёзилган.

Мазкур шеър «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1969 йил 3 август сонида «Ленин фикри» сарлавҳаси билан қўшиқ тексти тарзида босилган. Қўшиққа композитор Дони Зокиров куй басталаган. Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## «ҚАМРОВЧИ ТЎЛҚИН БОР, ҚАМРОВЧИ ГИРДОБ...»

(251-бет)

Биринчи марта «Кўнгил куйлари»да, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

1960 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ОҒИР ЕР БАҒИРЛАБ СУЗГАН БУЛУТГА...»

(252-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да эълон қилинган. Кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта босилган.

1960 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҲИЖРОНИНГ АЛАМИ ҚАЛБИМНИ ЁҚДИ...»

(253-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1960 йил 12 мартда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚАЛБДАН СЕВГИ ТОШДИ, ФИРОҚ, ҒАМ-АЛАМ...»

(254-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1960 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЎТИРАСЕН ЁЛҒИЗ, ЯПРОҚЛАР ТУШАР...»

(255-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1960 йилда ёзилган.

9. *Риёзиёт* — математика.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## КУЗДА

(257-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1960 йилда ёзилган. Қўлёзмада шеърнинг сарлавҳаси «Куз» деб қўйилган.

Қўлёзма шоирнинг шахсий архивида.

## ТЕРИМЧИЛАРГА

(258-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1960 йил 23 октябрь сонида эълон қилинган. Кейинчалик шоир «Асарлар»ининг 1-томига киритилган.

1960 йилнинг октябрида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ИСТАМБУЛ

(260-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ойбек 1959 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида, рафиқаси З. Саидносирова ва Ғ. Ғулом оиласи билан биргаликда Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳатда бўлган. Мазкур шеър ана шу саёҳат таассуротлари асосида 1960 йил 14 октябрда ёзилган.

34. *Дардана* — Босфор бўғози билан биргаликда Қора денгизни Ўрта ер денгизи билан бирлаштирувчи бўғоз.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИШ

(262-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1960 йил 9 декабрда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

**1961**

## ДИЛ ТЎЛА СЕВГИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯМ!

(264-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1961 йил 17 октябрь сонида, сўнгра «Ёш ленинчи» газетасининг 1961 йил 6 ноябрь, «Совет Ўзбекистони»нинг 1968 йил 2 июнь сонларида, шунингдек «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да эълон қилинган.

Шеър 1961 йил 15 октябрда КПССнинг XXII съезди (17—31 октябрь) ўз ишини бошлаши муносабати билан ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## ҚУЗ

(266-бет)

Биринчи марта «Шеърлар»да, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да қайта босилган.

1961 йил кузида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## БИРИНЧИ ТАБРИК

(267-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1961 йил 24 декабрь сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да қайта босилган.

1961 йил декабрида, давлатга 3 млн тонна пахта топшириб, йиллик пахта планининг муваффақиятли бажарилиши муносабати билан ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

**1962**

## ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

(268-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1962 йил 22 апрель сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Шарқ юлдузи»нинг 1963 йил 7-сонида, «Шеърлар» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър 1962 йилда В. И. Ленин туғилган кун муносабати билан ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДЎСТЛИГИМИЗ МАНГУ

(269-бет)

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистони» газетасининг 1962 йил 15 май, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1962 йил 30 декабрь сонларида, кейинчалик «Шеърлар» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър 1962 йил майида, Қозоғистонда очилажак ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## 1963

## «ЁР КЕЛДИ — АТРОФГА ЁЙИЛДИ ҲОЛА...»

(270-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1963 йил 31 январда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## «ТАРИХ СЎҚМОҚЛАРИ ИЗИМДАН ЧЎТИР...»

(272-бет)

Биринчи марта Зарифа Саидносированинг «Алишернинг ёшлиги» қиссасига ёзган кичик сўзбошисида («Гулистон», 1974 йил 1-сон, алоҳида нашри — Тошкент, «Ёш гвардия», 1975) эълон қилинган.

1963 йил 4 февралда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚУЮЛГАНДИ ОҚШОМ, ЙЎЛЛАРДА СУКУТ...»

(273-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми»нинг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган.

1963 йил 11 мартда ёзилган ва Зарифа Саидносировага бағишланган.

18. *Палитур* — палитра; рассомларнинг бўёқ тахтачаси.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## 1964

## «ҚИРЛАРДА ЛОЛАЛАР, ГЎЁКИ МАШЪАЛ...»

(274-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1965 йил 20 март сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

1964 йил 4 апрелда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ДАРАХТЛАР ОРТИДАН ҚАЛҚДИ ОЙ МАХМУР...»

(275-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1965 йил 20 март сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар» (1-том)да босилган.

Шеър 1964 йилда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг шахсий архивида.

## ЖАРОҲАТНИ КЕСМАҚ СОҒЛИҚ КЕЛТИРАР

(276-бет)

1964 йилда ёзилган бу ҳажвия «Муштум» журналининг ўша йилги 21-сонида босилган.

12. *Чуқурсой* — Тошкентдаги собиқ чайқов бозори.

Шеър қўлёзмаси шоир архивидан топилмади.

## 1965

## «ТОШ ЭКАН БОШИМ...»

(278-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1965 йил 19 январда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЕЛ, БУЛБУЛ, САЙРА...»

(279-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1965 йил 23 январда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЕЛДИ ЯНА БАҲОР...»

(280-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1965 йил 10 марта ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЙИҒЛАБ ЎТДИМ ТАҒИН ЭШИГИНГДАН, ЁР...»

(281-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1965 йил 11 мартда ёзилган.

Шоир палитра (палитур) ушлаган рассом қиз образида рафиқаси — Зарифа Саидносировани тасвирлайди. Республикамизнинг таниқли кимёгар олималаридан бири — З. Саидносирова истеъдодли рассом ҳам бўлган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮЛДУЗЛАР

(282-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1965 йил 24 мартда ёзилган.
3. *Олтин қозиқ* — Қутб юлдузи.
4. *Оқшом юлдузи* — Марс (Миррих) сайёраси.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## ЁМҒИР

(283-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми»нинг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган.
1965 йил 30 мартда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БАҲОР КЕЛДИ — КУМУШРАНГ КИМХОБ...»

(284-бет)

«Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.
1965 йил апрелида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ГЎЗАЛ ХУЛҚ ГАВҲАРДИР, АСЛО БЎЛМАС ХОР...»

(285-бет)

Биринчи марта «Ёш ленинчи»нинг 1965 йил 23 сентябрь, «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонларида, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1965 йил майида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ТАБИАТ ТИЛСИМИН ТУБИ ЙЎҚ, БЕҲАД...»

(286-бет)

Биринчи марта «Ёш ленинчи»нинг 1965 йил 23 сентябрь, «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонларида, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1965 йил майида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЁРИМНИНГ ҚОРА КЎЗ — ОФТОБИ БОРДИР...»

(287-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Кўнгил куйлари» ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1965 йил майида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЎТИРУР СУПАДА, ҚЎЛИДА КИТОБ...»

(288-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида босилган.
1965 йил августида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «О КЎНГИЛ, ЧЕКСИЗДИР, ТУБИ ЙЎҚ ЖАҲОН...»

(289-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1965 йил августида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «СИРЛИ ЙЎЛЛАР БОСИБ, КЕЗАМЕН ОСМОН...»

(290-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида босилган.
1965 йил августида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «КЕЧҚУРУН ЁР КЕЛДИ. БОҒ ЯШНАР ГЎЗАЛ...»

(291-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1965 йил августида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЁШЛИК БИР ГУНЧАДИР, ЙЎЛДОШИ — СЕВГИ...»

(292-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 октябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.
1965 йил августида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ТАРИХ ВА ФАЛСАФА ЧУҚУР, МУРАККАБ...»

(293-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1965 йил августида ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ҲАСРАТЛАР КЎНГИЛДАН КЕТГАН ЗАМОНДА...»

(294-бет)

Биринчи марта «Тошкент ҳақиқати»нинг 1965 йил 24 сентябрь сонида, кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида босилган.
1965 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ЁРИМ КЕТДИ — МЕНГА ЭШ ИШҚИМ ФИРОҚИ ҚОЛДИ...»

(295-бет)

Биринчи марта «Ўзбекистон маданияти»нинг 1971 йил 12 январь сонида эълон қилинган.
1965 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ОҚШОМ... КЕЛДИ ИЛҲОМ, ҚЎЛДА ГУЛ ЖОНОН...»

(296-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1965 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ДОНОЛАР ЎТДИЛАР — САФАРИ УЗОҚ...»

(297-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми»нинг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган.
1965 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ФИКР НАҚ ЧАҚМОҚДАЙ, ОЛМОСДАЙ ЎТКИР...»

(298-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1965 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида

### «ЁМОНЛАРДАН ЗИНҲОР, ДЎСТИМ, ҲАЗАР ҚИЛ!..»

(299-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1965 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«ДЎСТИМ, ЎЙ ЎЙЛА, ЭРИНМА, ҲИС ҚИЛ...»

(300-бет)

1965 йилда ёзилган бу рубоий биринчи марта эълон қилинмоқда.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

«ИЛМ ДАРЁСИ ЧУҚУРДИР, ЧУҚУР...»

(301-бет)

1965 йилда ёзилган бу рубоий ҳам биринчи марта эълон қилинмоқда.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

«ФАН ГАВҲАРИ ДЕЙСИЗ ГЎЁ ТОҒ, ҚОЯ...»

(302-бет)

1965 йилда ёзилган ва қўлёзма нусхаси муаллиф архивида сақланаётган бу рубоий ҳам биринчи марта эълон қилинмоқда.

«ФАЛАК АЙЛАНУРДИ...»

(303-бет)

1965 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

**1967**

«ХАЁЛ ДАРЁСИГА ЧЎМИБ КЕТАМАН...»

(304-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 27 январда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

«ҲАҚИҚАТ ЯРАТДИ ТАРТИБ ВА ҚОНУН...»

(305-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 28 январда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

«САМО ҚОП-ҚОРОНҒИ, ҚАРОДИР ОСМОН...»

(306-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 30 январда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «МАҲБУБАМ КЕЛДИ, ҚОМАТИ НИҲОЛ...»

(307-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 31 январда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

## «ҲАҚИҚАТ СОҚОВДИР, ЗАИФДИР ИНСОН...»

(308-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 1 февралда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

## «АҚЛНИНГ ХОНАСИ ТЎЛА ШУЪЛА, НУР»

(309-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 8 февралда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

## БОЙЧЕЧАК

(310-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми» газетасининг 1971 йил 11 январь сонида эълон қилинган бу шеър 1967 йилнинг 12 мартида ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «АҒДАРСАМ ТАРИХНИ — АСРЛАР ҚАТ-ҚАТ...»

(311-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1971 йил 10 январь, сўнгра «Тошкент оқшоми»нинг 1975 йил 2 сонида эълон қилинган.

1967 йил 14 ноябрда ёзилган.

5. *Жўржоний* — Али ибн Муҳаммад Сайид Шариф Жўржоний (1339—1413) — шоир, файласуф, астроном. Жўржоний амир Темурнинг ҳукмронлиги даврида Самарқандга кўчириб келтирилган ва шу ерда адабий ижод ва илмий фаолият билан шуғулланган. У Темур вафотидан сўнг (1405) Шерозга қайтган ва ўша ерда вафот этган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

## «СЕРБУЁҚ ВА СЕРРАНГ КУЗНИ СЕВАМЕН...»

(312-бет)

Биринчи марта «Тошкент оқшоми»нинг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган.

1967 йил 17 ноябрда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### «ГУЛЛАР БАРГИГА КИРГАН ШУЪЛАЛАР...»

(313-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1967 йил 17 ноябрда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоирнинг архивида.

### ТАБИАТ ТЎРТЛИКЛАРИ

(314-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1968 йил 14 январь сонида босилган.

1967 йилда ёзилган.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеърга сарлавҳа қўйилмаган.

Газета тексти асосида эълон қилинмоқда.

## 1968

### ШОИРА

Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон»нинг 1968 йил 14 март сонида босилган.

1968 йил февралида ёзилган ва машҳур рус совет шоираси Анна Ахматова (1889—1966)га бағишланган.

Шеърда шоиранинг Ватан уруши йилларида Тошкентда кечган ҳаёти (1941—1944) тасвирланади.

Шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеърнинг сарлавҳаси қўйилмаган.

### «ГЎЗАЛИМ ЕР, БУЛБУЛ ФИҒОН...»

(316-бет)

Биринчи марта эълон этилаётган бу шеър 1968 йил 30 мартда ёзилган.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ЛОЛАЛАР ГИЛАМ-ГИЛАМ...»

(317-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йил 10 апрелда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

### «ЕР КЕТДИ... ОҲ, ЕЛҒИЗ ЯНА ШУ ОҚШОМ...»

(318-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йил 18 апрелда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «САМОДА СИРҒАЛУР ОШНАМ — МУНГЛИ ОЙ...»

(319-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йил 18 апрелда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «БУХОРОНИНГ ҚЎҚРАГИ КЕНГ, АЛИФДАЙ УЗУН...»

(320-бет)

1968 йил 24 апрелда шоирнинг Бухорога қилган сафаридан сўнг зилган бу шеър биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 971 йил 10 январь сонида эълон қилинган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚЎЗИНГДА НУР, ЁРИМ, ҚОШЛАРИНГ НОЗИ...»

(321-бет)

Биринчи марта босилмоқда.
1968 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҲАҚИҚАТ МАШЪАЛИ ЁРИТМИШ ОСМОН...»

(322-бет)

1965 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта эълон қилинмоқда.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚЎНГИЛДА ИШҚ ҚЎП...»

(323-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йилда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ШУЪЛАЛАР ҚУЮЛАР ТОҒДАН ШАЛОЛА...»

(325-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил октябрь сонида эълон қилинган.
1968 йил 11 июнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЧОЛ БОРУР ОТДА — БУКЧАЙГАН, ХОРҒИН...»

(326-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йил 11 июнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ОҚШОМ ҚОРОНҒУСИ — СИРЛИ МАНЗАРА...»

(327-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йил 23 июнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЙУҚМИ БУ ФАЛАКНИНГ ҚИРҒОҒИ, КЕТИ...»

(328-бет)

Биринчи марта эълон қилинмоқда.
1968 йил 25 июнда ёзилган.
3. *Қуёш маҳраки* — қуёш йўли.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ЁЗ ЧОҒИ... ИССИҚКИ, АВЖДА САРАТОН...»

(329-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган.
1968 йил 25 июнда ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## «ҚАЛДИРОҚ, ЯШИН ВА ЖАЛАЛАРДАН СЎНГ...»

(330-бет)

Биринчи марта «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йил 2 октябрь сонида эълон қилинган бу шеър — Ойбекнинг энг сўнгги асари.
1968 йил 26 июнда, шоир вафотидан тўрт кун илгари ёзилган.
Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

# ТУРЛИ ЙИЛЛАР

## КУНЛАР

(333-бет)

Биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1975 йил 1-сонида босилган.

Шеърнинг ёзилган куни маълум бўлса-да (15 декабрь), йили аниқ эмас. Шоирнинг тасвир услуби ва шеър мундарижасига асосланган ҳолда уни 1936—1939 йиллар орасида ёзилган, деб ҳисоблаш мумкин.

Шеър қўлёзмаси шоир архивида.

## БИР ҚИЗ КУЙЛАЙДИ

(335-бет)

Биринчи марта 1944 йилда Ўздавнашр томонидан нашр этилган «Қасам» (колхоз саҳналари ва ҳаваскор тўгараклар учун) тўпламида эълон қилинган.
